

СЕРГЕЙ БАРУЗДИН

# ОЙДЕК РАВШАН

ПОВЕСТЬ  
ВА ҲИҚОЯЛАР

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1982

Одил Ёқубов,  
Ҳасан Тўрабеков ва Шоир Усмонхўжаев  
таржималари

Б  $\frac{70302-199}{M352(04)-82}$  121-82 4702010200

© Издательство «Советский писатель», 1980 г.

© Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.  
(Тарж.)

# ОЙДЕК РАВШАН

Алексей Горсков ҳаётидан

Повесть

## I

Санъат фақат воқеликнинг ўзгинаси эмас, балким идеалнинг воқелик билан омихта шаклидир. Ёки: санъат—борлиқ ҳақиқат билан гўзалликнинг қўшилишиб кетишидир.

Инсон санъатда нимани истаса шуни кўради.

Ахлоқсиз санъат бўлиши мумкин эмас. У—ахлоқий ва гражданлик ғояларининг даъватидир.

Рассом—жамият уммонидаги бир томчи сув.

Реализм—ўлиб бораётган, қолоқ нарсаларни инкор этиш, улоқтириб ташлаш эмас. Инкор ғоя бўла олмайди.

Реализм — тасдиқлаш демакдир.

Ғоя телеграф устунни, яъни таҳрир қилинган қарағай эмас. Ғоя—қарағайнинг ўзи.

Санъатдаги биронта ҳам йўналиш баён этилмайди. У ўз-ўзидан пайдо бўлади...

Ҳақиқий санъатда мен ўзимни англаб, билиб оламан. Ўзининг кимлигини англаш—инсон учун борлиқдаги энг ажойиб имкониятлардан биридир.

Кўҳна санъат янги фикрлар билан бойиб тургандагина, ўлмайди.

Абстракцияни ҳеч нима билан тирилтириб бўлмайди.

Инсон санъатда ўзини беихтиёр тасвирлайди. Ҳаётда ҳам шундай.

Қуёш нурини чизиш ва шу билан бирга камалакни кўрмай қолиш мумкин. Камалакни чизиб, қуёшни кўрмай қолиш ёмон.

Санъат асари ўз ҳолида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Санъат унда баҳраманд бўладиган инсоннинг қўлига тушгандан кейингина бойликка айланади. Агар инсон санъатдан ҳеч нимани англай олмаса, бу санъат эмас.

Мен хаёлотим билан ҳамкорлик қиламан—ўзгада ўзимни чизаман.

Гоголдан:

— Бундай типларни қаердан топгансиз?

— Ўзимдан.

Исо пайғамбар ва Пилат. Икки дунё, икки ибтидонинг тўқнашуви. Менда ҳам шундай:

«Танланган асарлар» танланган одамлар учун эмас, ҳамма учун.

«Асарлар»— танланган одамлар учун.

Санъатда ўз сўзини айтмоқликнинг маъноси нима? Шундай дейишга менинг ҳақим бормикин?

Борисов-Мусатов Репиндан услуби билан эмас, дунёқараши билан фарқ қиларди. Худди Толстой Достоевскийдан фарқ қилганидек.

Қусурга қарши кураш бошлайдиган бўлсанг, ўзингдан бошла.

Ун беш ёшида у Шиллер, Блок, Пушкин асарларини мутолаа қила туриб, йиғларди...

Йигирма ёшида Қизил Армия сафида хизмат қилишни орзу қиларди, аммо санъат Академиясига тушиб қолди.

Сўнгра — 1940 ва 1941 йиллар...

Ушанда фронтда тасвирий санъат билан шуғулланишнинг вақти эмасди.

Таржиман ҳолсиз инсон бўлмайди, рассом эса—айниқса.

## II

Ё тангрим! Жуда ақлли бўлиб кетмадимикин? Ҳамма-си шундай ва айна вақтда бундай эмас.

Бу — ҳозирда анчайин машҳур рассом, яъни у ҳақидаги монографиядан олинган цитаталар. Агар унинг ўзи

ёзганида-чи? Дарвоқе, бундай ёзиш унинг қўлидан келмаслиги ҳам мумкин эди.

Ҳатто хоним деса ҳам бўладиган бу дилбар, зукко аёл унинг назарида жуда ёш кўринарди. Аёл у билан тез-тез учрашиб, кичкина ён дафтарига ўқтин-ўқтин, сездирмайгина алланималарни ёзганича узоқ-узоқ суҳбатлашувчи эди, мана, монография ёзибди. Ҳатто Гоголь, Исо пайғамбар ва Пилатларни ҳам тилга олибди. Толстой билан Достоевскийни эслабди. Шиллерни, Блокни ёдга олибди... Айтганча, нега бу ерда Борисов-Мусатов Репин билан ёнма-ён қўйилибди? Китоб унинг юбилейига, яна денг, таваллудининг олтмиш йиллигига чиқибди. Дурустгина нашр бўлибди, ҳар қалай. Репродукцияларни ҳар доимгидек, расво қилишибди.

Монографиянинг муқовасида китобга тааллуқли маълумотлар ва Е. М. Қайдарова деган фамилия қўйилган. Китобнинг охирида эса Қайдарова Евгения Михайловна дея исм-шарифи тўлиқ келтирилган.

Унинг исм-шарифи Евгения Михайловна экан.

Ақлли, хушқомат, одамни ўзига мафтун қиладиган даражада содда бу аёл тушларига кириб чиқарди. Бўлмасам, улар бор-йўғи беш-олти марта учрашишган, холос.

Ҳозир 1977 йил. Юбилей йили. У ҳам Октябрь каби яқинда олтмиш ёшга тўлади. Бу кўпми ёки озми? У ўзининг октябрь тенгдоши эканлиги тўғрисида монография муаллифига ҳеч нима демаганди. Дарвоқе, аёл буни биларди. Қариб қолдимми?

Унга нима бўляпти ўзи?

Ахир ёшини яшаб, ошини ошаб бўлди шекилли, аммо уни муттасил ўша аёл ҳаяжонлантириб, ўзига чорлайди!..

Унга дарҳол хат ёзиб, миннатдорчилик билдириш лозим. Балким, ресторанга таклиф қилиш керакмикин. Ҳозир, шунақаси расм бўлган, шекилли? Ёки уйга таклиф этсинми? Умуман, монография анча дуруст ёзилибди...

Ҳатто бир жиҳатдан хизматига яраша-да.

Лекин, ҳар қалай, китобда у жуда ақлли тасвирланибди. Ошириб юборибди! Барча масалалар бўйича фикр юритиб, донолар фикридан цитаталар келтирибди. Санъатда мода бўлган сўнгги оқимлар тўғрисида эса чурқ этиб оғиз очмабди. Ахир, бу жуда жиддий масала-ку! Қари, ақлли тентак!

Ёки у шунақа вайсақими?

Ҳа, кексалик қурсин, азизим!

Лекин уни бу аёл еари нима чорлайди?

Севгимкин? Олтмиш ёшда-я?

Лекин ҳали юбилейга қадар етиб бориш лозим. Сўнг эса, тантаналардан қочиб қолиш керак! Баъзи одамлар буни тушунишмайди. Аммо шундай қилгани маъқул! Шахсий кўргазма—кейин! Ҳа, ҳаммаси кейин бўлаверади!

Шундай қилади, тамом вассалом!

Болалари билан маслаҳатлашсамикин? Тентаклик! Катюша ўттиз бешга кирди. Нуқул эрга тегиб, эрдан чиқиш билан овора. Костя йигирма ёшда. Ҳеч нима яратмади, энг муҳими, бунга интилмайди ҳам. Ҳатто армияда ҳам хизмат қилгани йўқ...

Оналари ўлаётганида... Болалар нуқул ўзлари билан ўзлари овора бўлиб юришди...

Евгения Михайловнанинг телефонини билиб олса бўларди. Шунча учрашганларида ёзиб олмаганини қаранг. Нашриётга қўнғироқ қилиш лозим. У ерда адреси ҳам, телефон номери ҳам бўлиши керак.

Ҳар қалай, унинг санъат ҳақидаги фикрларини тўғри баён қилибди.

Анча бамаъни чиқибди!

Аёл нуқул тушига киргани-кирган.

Хаёлчан, мулойим кўзлари, очиқ чеҳраси, ёногидаги сепкиллари-ю, оқиштоб малла сочлари ҳамда ўзига хос муаттар иси билан тушига киради...

Аёл унинг дилидаги гапларни тушуна билди.

Зиёли, зукко хотин экан.

Гарчи бугунги кунда зиёли бўлиб кўриниш осон бўлсада, зиёли одамлар унча кўп эмас. Кўпгина одамлар сиртдангина зиёли кўринади. Бу ўринда қандайдир зиддият бор. Унинг ёшлигида, ҳаммаси бошқача эди, шекилли.

Оббо, яна вайсай бошлади-ку.

Болаларига ҳам, ҳатто анови дилбар Евгения Михайловнага ҳам — барчасига эски кўз билан қараяпти!..

Янгиси-чи?

Янгича кўз билан қараш қандай бўлади?..

Аммо Евгения Михайловна фақат шунчаки, зиёли аёлгина эмас. Унинг қандайдир бошқача, ўзига хос жозибаси бор.

У ҳеч қачон шундай бўлади, деб ўйламаганди.

Еки Вера билан муносабати бошқача бўлганмиди?

Яхши эсида:

Олға, олға, тонгга пешвоз

Эй, курашчи ўртоқлар!..<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Шеърларни шоир Муҳаммад Али таржима қилган.

Иўқ, Верага бўлган муҳаббати ҳам ҳақиқий эди-ю, аммо, чамаси бир оз бошқачароқ бўлганди, деб ўйлагиси келарди.

Ҳар қалай, уларга нима етишмасди ўзи?

Балким, руҳий монандликдир?

Вера саботли инсон эди. Унинг ўзи-чи?

У ҳозирги кунда кам ижро этиладиган «Интернационал»ни эшитганида йиғлагувчи эди. Кейин телевизорда ёш болаларни кўрсатишганида ҳам кўзига ёш келарди. Вера ҳаётлигида, ҳатто у ўлим тўшагида ётганида ҳам шундай бўлганди.

Лекин йигирма ёшида Қизил Армия ҳақида орзу қилганини Евгения Михайловна тўғри ёзибди. Аммо у, таржимаи ҳолсиз, умуман, ҳеч нима бўлмайди, деган оддийгина ҳақиқатни унча яхши идрок эта олмайди, шекилли... Бошқа ҳамма гапларни, баъзи истисноларни ҳисобга олмаганда, тўғри фаҳмлабди. У Сталин мукофотининг учинчи даражалисини олганди, ҳозир эса монографияда ҳеч қандай даража кўрсатилмай — Давлат мукофоти деб ёзилибди. Аммо у бари бир — учинчи даражали мукофот. Барча унвонлар — бу ажойиб нарса, лекин бари бир ишлаш керак. Яна бирор нарса яратишга интилмоқ лозим.

Бу ҳақда Евгения Михайловна унинг ўзининг сўзларидан келиб чиқиб ёзибди.

Аммо-лекин «Алексей Горсков» — зўр! Жарангдор эшитляпти!

Ҳа, ишлаш керак, ишлаш!

Керак! Керак! Керак! Ишлаганда ҳам, илгаригидан бошқачароқ ишлаш лозим!

Евгения Михайловнани кўрганида (тезроқ учрашса яхши бўларди-я!) эзма чол бўлиб кўринмасликка ҳаракат қилмоқ керак...

Шунчаки қўнғироқ қилади-да, бир суҳбатлашади.

Хаёлига шеър келди:

Билмас эдим,  
Ўйламовдим ҳам,  
Тақдиримда  
Ки, ўзинг борсан.  
Соддагина  
Ажиб дилдорсан,  
Беғуноҳсан,  
Ҳам гуноҳдорсан,

Бу энди бас  
Мангу насибам.

Барчамиз тенг  
Уруш олдида  
Жавобгармиз  
Эрта кун учун.

Ҳа, кечаги  
Болалар бугун  
Қайтди жангдан  
Ғам тортиб бутун,  
Уруш бошга  
Ғурбат солди-да.

### III

Алёша Горсков 1917 йили Петроградда туғилди.

1940 йили у йигирма уч ёшда эди.

Ҳа, ўн беш ёшида у Шиллерни ўқиб, изтироб чекарди.  
Фақат Шиллернигина эмас, Пушкин, Блокни ўқиганда ҳам  
юраги энтикарди...

Йигирма уч ёшида у ўзича, катта йигит бўлиб қолдим,  
деб ўйларди-ю, аслида эса қалби завқ-шавққа тўлган тен-  
так ва содда болакайлигича қолганди.

Айтганча, ҳамма соҳада ҳам шунақамиди?

Ҳозир эса олтмиш ёш арафасида турибди.

Уруш ортда қолди.

Оиласи, ҳаётдан кўз юмган хотини Вера ҳам ортда қол-  
ди.

Олдинда уни юбилейга бағишланган шахсий кўргазма  
кутяпти, у эса қочиб кетмоқчи.

Алексей Михайлович Горсков—Академиянинг ҳақиқий  
аъзоси, халқ рассомлари лауреати...

Монография — бўлмағур нарса!— дея ўйлади у. Ле-  
кин монография муаллифаси-чи?.. Доно, дилбар аёл!  
Уни қидириб топиш, тезроқ топиш керак! Еки ўзи  
гирт аҳмоқми? Шу ёшга чиққанда-я! Верадан кейин-а...  
Ҳар қалай, у Евгения Михайловнани қидириб топади!..  
Бу одобсизлик бўлмасмикин? Ҳалиги, нокаслик де-  
гандек?

Алёша онасига шеър ўқиб берганди:

Бемаъни йилларнинг сўнган сурони  
Ланж кайфдай кўнгилга ботар шу они...

Онаси билан отасининг муносабатлари галатиноқ эди. Алёшага у ҳар қандай ҳис-туйғудан маҳрум, жўндек бўлиб кўринарди. Айтишларича, мижози ҳар хил одамлар тезроқ топишишар экан. Улар ҳам шундай топишишиб, бирга умр ўтказишди, ўғил ўстиришди, аммо шундан бўлак ҳеч нима йўқ эди.

Онаси шеърни яхши кўрарди-ю, лекин ҳеч нимани тушунмасди.

Унга шеърнинг мусиқийлиги ёқарди, холос.

— Буни сен ёздингми?— дея сўрарди онаси.

Онаси мисраларни яхши эслаб қололмасди.

— Пушкин ёзган, ойи,— дерди Алёша.

— Ўзим ҳам билувдим. Фақат ўйловдимки... Бадийятни тушунмайману, шеърни яхши кўраман. Даданг ҳам яхши кўрарди. Шеър чиройли ёзилган экан. Верочка тўғрисида ёзибсанми, деб ўйлабман...

Алёша мемуарлар ўқишни ёқтирарди. Масалан, Кернни олинг. Некрасов тўғрисидаги эсдаликлар. Ва яна — Жемчужников, Мешерский, Фет. Кондратьевнинг граф Алексей Константинович Толстой ҳақидаги китоби. Пипинанинг «Чернишевский ҳаётида муҳаббат» номли асари.

Онасига Анна Петровна Керн жуда ёқарди, Алёша эса онаси билан баҳслашарди:

— Менимча, ўша Кернингиз, ойи, шунчаки мода, холос.

— Нега бундай беҳаё гапларни гапирасан!— дея даҳшатга тушарди онаси.

Ленинград.

1940 йил.

Дераза ортида трамвайларнинг 6-нчи, 18-нчи, 30-нчи маршрутлари ўтади. Яна Невскийдан ўтадиган тўртинчи трамвай ҳам.

Ҳаммаёқда, ҳатто ойнадан ҳам, рекламалар кўзга ташланади. Улардан кўпчилигини Санъат академиясининг студентлари чизишган.

Бу улкан рекламалар эски уйларнинг деворини бутунлай эгаллаганди:

Шўрваларнинг миллион тури бор.  
Аммо пакетлиги гоят зўр бўлар.

Буни ўртоқлари билан Алёша чизган.

Кечки овқат, нонушта, тушлик.  
Бўлсин доим беконлик — гўштлик.  
Тузлангани маъқулни ва ё  
Дудлангани керакми, илло  
Бари тайёр хоҳлаган пайтда,  
Салом сизга гўшткомбинатдан!

Буни у жуда қойиллатиб чизганди-да ўзиям!

Пул ҳам олишган! Яна қанча денг — нақ юз сўмдан!  
Тўғри, чегирмалардан кейин хиёл озроқ қолди, лекин бари  
бир юз сўмдан тегди.

Женя Болотин шеърий текстларни ёзарди. Женя тўғ-  
рисиди, умуман, афсоналар тарқалганди: гўё у джем тўғри-  
сиди, пакетли шўрва ҳақида, чой, шампань виноси, қис-  
қичбақа, икра хусусида Москва учун ҳам шеърий реклама-  
лар тўқиб берар экан.

Масалан, унинг:

Мен-чи ейман,  
Доим муддаом —  
Повидло, шиннию қиём

каби мисралари жуда машҳур бўлиб кетганди.

Ойиси Алёшанинг «нўмай» ишлари ҳақида ҳеч нима бил-  
масди. Лекин у ўғлининг барча дўстларини яхши танирди.  
Санъат Академиясида кутубхоначи бўлиб ишлайдиган Ве-  
ра, Верочкани ҳам у яхши биларди. Ойисининг назарида у  
ҳатто «келин қилса арзийдиган қиз» эди...

Ойиси ягона ўғлининг санъат Академиясига осонгина  
кириб олганидан боши осмонда эди. Машҳур Россия Ака-  
демиясига-я! Уша Университет соҳилидаги 17-уйда бир  
вақтлар кимсан — Иванов, Брюллов, Суриков, Репин, Се-  
ров, Левитский, Боровиковский, Кипренскийлар ўқишган,  
ахир...

Ҳа, у ўша Академияга ўқишга кирди. У ерда зўр одам-  
лар, ажойиб йигитлар бор. Масалан, Сашка Невзоров билан  
Женька Болотинни олинг. Гарчи, отасининг ҳалокатидан  
сўнг ҳозир ойисига бу қиз ҳақида бирор нождидий гап айт-  
ғиси келмаётган бўлса-да, Верани ҳам тилга олиш мумкин,  
албатта.

«Ойижон! Қадрдоним Мария Илларионовна! Илтимос!

Жим бўлинг!» — Алёша шундай дейиши мумкин эди, аммо бу гапни айтишга тили бормади.

— Верочка-чи?— дея сўради ойсис.

Алёша индамади.

— У сенга ёқадими?

— Севмоқни истайман,— деди Алёша башарасида қандайдир ҳорғин — иблисона табассум намоёиш қилишга интилиб.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Ҳеч нима...

— Балким, сенга отангинг аччиқ тажрибаси етар?— дея қичқирди ойсис, лекин шу заҳоти гуноҳкор одамдек тилини тишлади. — Ундай десам, даданг ўша Верангни яхши кўрарди... У ҳам...

Бу ўринда Алёша бир нима дейишга ожиз эди.

— Менимча, Академияда қандайдир ишинг юришмаётганга ўхшайдими?— дея сўради ойсис.

— Нега ундай деяпсиз?

— Бўлмасам, даданг билан менинг тушимизга ҳам кирмаган анови нўмай пуллар қаёқдан келяпти? Эллик сўмлаб, юз сўмлаб олиб келяпсан, ахир! Нима, ҳаром пул топишга киришиб кетдингми?

— Ҳалол пул улар. Ташвишланманг!

— Манови лаънати фин уруши нимагаям керак эди, ахир? Ҳалиям илгаригидек қизил аскар бўлгинг келяптими?

Алёша ҳаяжонининг зўридан қизариб кетди:

— Ойижон! Уруш маънисиз нарса эмас. Хўш, агар бундан каттароқ уруш бўлса-чи? Майли, бўлмагани маъкул. Лекин бирдан бошланиб қолса-чи? Чегарани Ленинграддан нарига сурдикми? Сурдик. Фарбий Украина ва Фарбий Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония. Мен учун эса ташвишланманг. Сашка Невзоров ва Женя Болотинлар билан катта буюртма олганмиз. Москвадаги ВСХВнинг буюртмаси. Ишимиз зўр бўлади!

— ВСХВ деганинг нимаси?

— Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмаси дегани,— дея тушунтирди Алёша. — Москвада жойлашган у.

Алёшанинг ёши йигирма учда эди ва у Академиядаги ўқишини деярли йиғиштириб қўйган бўлиб, Мария Илларионова бун билмасди.

У болалигидан расм чизарди. Баъзан чизган суратлари яхши чиқарди. Кўпроқ муваффақиятсизликка учрарди. Мўъжиза билан Академияга ўқишга кирганида у аввалига эсанкираб қолди. Академия, унинг анъаналари, у ердаги

машҳур номлар ҳар қандай ўспиринни ҳам довдиратиб қўйиши мумкин эди. Муаллимларнинг зўрлигини айтмайсизми! Пул ишлай бошлади — савдо рекламаси, савдо портидаги аквареллар, «Чор Россиясидаги ўрмон кееувчиларнинг оғир меҳнати» каби картиналар, байрам кунларига шиорлар, паннолар, стахановчиларнинг портретлари... Керак нарсалар бари, лекин бу ҳақида онасига айтиб нима қилади? Ойиси — бутун умр бухгалтер бўлиб ишлаган, марҳум дадаси эса хўжалик хизматчиси эди. Академияга кираётганида у «ижтимоий табақаси» деган саволга жавобан «мешчанлардан» дея ёзганди. Тўғри, Алёша туғилган 1917 йилда табақалар бекор қилинган эди, шекилли... Кейинроқ у урушдан сўнг: «Сов. хизматчиларининг ўғлиман», деб ёзади. Яна кейинроқ эса: «Хизматчилар оиласидан» — дея кўрсатма беради. Ундан ҳам кейинроқ эса анкетадаги «ижтимоий табақа» саволига жавоб беришнинг ҳожати қолмади.

Онаси кексайиб қолган. Унинг ёши қирқдан ошиб кетган. Аниқроғи, қирқ тўртга кирган. Карелия тепаликларида ҳалок бўлган отаси эса ундан кексароқ бўлиб, ёши элликка яқинлашиб қолганди.

Отаси унинг Қизил Армия сафига кириш ниятини қўллаб-қувватлагани Алёшанинг яхши эсида. Санъат Академияси ҳақида отаси «табриклайман» сўзидан бўлак ҳеч нима демаганди. Хурсанд бўлишга ойиси хурсанд бўлганди. Отаси эса кўпроқ ойисининг хурсандлигидан мамнун эди. Ўзи эса кўнгилли бўлиб Фин урушига жўнади.

Академия Алёшага жуда кўп нарса берди.

Энг муҳими, Алёша у ерда тасвирий санъатнинг барча қонун-қондаларига риоя қилиб сурат чизишни ўрганди.

У энди рус санъатининг барча анъаналаридан яхши хабардор эди.

Шаклсиз санъат йўқ, суратсиз тасвирий санъат бўлмайди.

У гўё тинимсиз антик ҳайкаллар чизишдан бевосита натурани мушоҳада этиш устида ишлашга ўтиш сирини тушуниб олгандек эди.

Бу ҳол Академияда рус рассомлари орасида биринчи бўлиб натурани ҳамма нарсадан юқори қўйган Брюлловданоқ бошланганди.

Ўтмишнинг машҳур усталари мўйқаламига мансуб сурат ва эстампларидан нусха кўчириш дейсизми? Антик давр ҳайкалларининг боши ва гавдаси суратини чизишми? Жусаси хушбичим одамларнинг пропорциясини ўрганишми?

Иигирма уч ёшида Алёша бу нарсаларнинг барини ўрганиб бўлганди.

У ҳатто инсон тавдасининг энг чиройли, жунбичим томонларини кўра билиш ва уни суратда акс эттира олиш қобилиятини ҳам ўзиға сингдирганди.

Ўзининг биринчи «Урмон кесувчиларнинг оғир меҳнати» картинасида у ана шу хусусда ҳам баъзи нарсаларни тасвирлашға уриниб кўрди.

Аммо бу ерда у боши берк кўчаға кириб қолди.

Тасвирий санъат механикасини яхши ўзлаштирган, композиция қонунларини билиб олган, шаклни тасвирлаш маҳоратини эгаллаган Горсков ўз асарларида картинаға ҳаёт бахш этадиган энг муҳим нарсани акс эттира олмасди. Кўп ўринларда унга қандайдир асосий нарса, картинасиға ҳаёт бахш этадиган мўйқаламнинг ягона сўнгги чизиғи етишмаётгандек туюларди.

У ўзини у ёққа-бу ёққа уриб, гоҳ санъат назариясига доир китобларни ўқишға шўнғир, гоҳ бирдан, бир вақтнинг ўзида унга устахона хизматини ўтайдиган хонасига беркиниб олиб, апил-тапил сурат чизишға киришиб кетарди... Кейин у, гўё бу ижодий изтироблар умуман бўлмагандек, бу ишларнинг барини унутиб, барчани ҳайратға солган ҳолда мулойим ва меҳрибон бўлиб қоларди-да, бутун вақтини замонавий озиқ-овқат саноати ёки маиший хизматнинг энг сўнгги ютуқларини тарғиб этувчи плакатлар чизиш билан ўтказа бошларди...

Академиядаги машғулотлар ўтиб бўлинган ҳақиқатларни такрорлашдан иборат бемаъни бир ишға айланиб қолдики, ҳатто «Урмон кесувчиларнинг оғир меҳнати»ни сотиб олишганлари ҳам унга таскин бермай қўйди.

## V

Вера билан улар тасодифан танишиб қолишди. Уқув тревогаси пайти эди. Аллақадан носилка пайдо бўлди-ю, уни ана шунга ётқизишди.

Келиб-келиб Петроградская томонидаги аллақандай пасқам Лахтинская кўчасида қўлга тушиб ўтирибди.

На «Ворошилов ўқчиси», на «Санитария мудофаасига тайёр»— ГСО нишонни ёрдам берди.

Унинг жаҳли чиқди.

Анови кўримсизгина қиз эса нуқул буйруқ беради денг.

Унинг ўта тортинчоқлигига қарамай тажриба яхши тугади.

У, худди ёш бола каби, Вераға бир кўргандаёқ ошиқ бўлиб қолди. У жиддийроқ танишган биринчи қиз ҳам, яқинлигини тотиб кўрган биринчи аёл ҳам ана шу Вера бўлди.

Ушанда улар шаҳарни узоқ сайр қилишган эди.

Кейин Нева соҳилига чиқишди.

Ҳатто ўша ерда ўпишишди ҳам. Иккинчи марта эса бир-бирларига Воинов кўчасида, Ёзувчилар уйи олдида бўса ҳадя этишди.

Кейин «Европейская» меҳмонхонаси олдида, аниқроғи, Рус музейи ёнида учрашишди.

Бу учрашувга ким биринчи чақирди, қизми ёки ўзими, ҳозир аниқ эсида йўқ...

У қизни Марат кўчасидаги ўз уйига бошлаб келди.

У собиқ Невский, ҳозир эса 25-нчи Октябрь номи билан юритиладиган серҳашам проспектдан сал нарироқда жойлашган, ўзининг сирли осуда ҳаёти билан яшовчи Марат кўчасини яхши кўрарди. Акс-садо берувчи подъездли, кенг мрамар зинали баҳайбат қорамтир уйлари ўзига жуда ёқарди. Уйларининг шундоқ ёнгинасида ўн тўққизинчи асрда архитектор Меньшиков лойиҳаси асосида қурилган чиройли черков жойлашган бўлиб, уни яқинда Арктика Музейига айлантиришганди. Сал нарироқда қандайдир шинам ва файзли Пушкин кўчаси жойлашган бўлиб, у ерда Пушкиннинг ҳатто ленинградликлар ҳам яхши билмайдиган ҳайкали бор эди. Алёша ундаги барча ёзувларни ёддан биларди. Шикаст ҳарфлар билан «Александръ Сергеевич Пушкинъ» дея ёзилганди. Кейин туғилган ва ўлган йилларининг рақамлари кўрсатилганди. Ҳайкалтарош Владимир Ефимов. А. Маран заводида 1894 йилда қуйилган. «А. Опекушин қуйган». Сўнгра «Ҳайкал» ҳамда «Мис чавандоз» шеърларидан мисралар келтирилганди. Кейин «Ушбу ҳайкал Стъ. Петербург Жамоа Бошқармаси томонидан ўрнатилган» дея ёзиб қўйилганди.

Алёша Верани уйига бошлаб келди.

Ойиси Мария Илларионовна ҳамда дадасининг онаси Маня буви уларни яхши қабул қилишди.

Улар Веранинг атрофида парвона бўлиб, ўтқазгани жой тополмай қолишганди...

Вера Ленсоветда машинистка эканлиги (курсларни тутатган экан). шу билан бирга Алёша ўқишга кирмоқчи бўлиб юрган Россия санъат Академиясида кутубхоначи ҳам бўлиб ишлашини гапириб берди. Унинг онаси, иккита синглиси ва битта кичкинтой укаси бор экан... Фақат Ленсоветга қатнаш узоқлик қилаётган эмиш.

Маня буви ажабланиб:

— Наҳот шундай бўлса? — дерди.

Ойиси Мария Илларионовна эса ҳадеб:

— Сиз, Верочка — ажойиб экансиз! — дея такрорларди.

Бу воқеа ўттиз еттинчи йилда бўлган эди. Улар ўттиз саккизинчи йилда ҳам, ўттиз тўққизинчи йилда ҳам қанда қилмай учрашиб туришди. Бир тану бир жондек яқин бўлиб кетишди-ю, аммо тўй ҳақида оғиз очинмади.

Отаси индамас, ойиси тинимсиз чекарди.

Бу пайтга келиб, Алёша Академияда ўқир ва Вера билан худони берган куни учрашарди. Лекциялар эрта тугагани боисидан у Веранинг ишидан чиқишини пойлаб, бу ерга атайлаб келарди.

Кейин Фин уруши бошланди.

Ўқув тревогаларига кўникиб қолган шаҳарнинг шундоқ ёнгинасида уруш кетмоқда эди. Ярадорлар, маскировка пардалари пайдо бўлди. Магазинларда навбатда турган одамларнинг тўс-тўполони йўқ эди-ю, аммо озىқ-овқат ўлчаб бериларди. Бир кишига норма бўйича 500 грамм ёғ, 1 килограмм нон, 1 килограмдан ёрма, 1 килограмм шаккар бериларди. Кўчаларда патруллар айланиб юришарди. У ёқда «Маннергейм чизигида» эса отаси жанг қиларди.

Бу деярли ёнма-ён эди: ўқ овози, снарядларнинг портлаши қулоққа чалинарди. Айниқса, кечаси яққол эшитиларди.

Веранинг синглиси касал бўлиб қолди, кейин эса кичкина укасининг бўйнига тепки келди... У Ленсоветдаги ишини йиғиштирди, зеро Академияда энди доимий ишга ўтиб олганди. Бу иш қизиқроқ эди.

Алёша отасини армияга кузатди. Вера бу ҳақида хабар бермагани учун ундан хафа бўлди.

— Нега айтмадинг?

— Билмайман...

— Мени унутиб қўйдингми?

— Билмайман...

Отасининг жўнаб кетиши ҳамма нарсани, жумладан, Верани ҳам орқа планга суриб қўйганди. Академияда таҳсил кўриш билан ўтган уч йиллик умр ва илк шубҳаю гумонлар уни эзиб қўйган бўлиб, Алёша буни ҳеч ким билан ўртоқлаша олмай қийналарди. Йигит ўз дардини Вера у ёқда турсин, ҳатто на ойисига ва на Маня бувисига айта оларди. Еки лаънати уруш унинг дилини алғов-далғов қилиб юбордимикин? У Верани бир ҳафта кўрмаган эди, мана энди худди бегона одамлардек учрашишди.

— Билмайман,— деди у.

Хўш, Вера билан ораларида учрашувлар, бўсалар, шошилишч яқинлашувлардан бўлак нима бор ўзи?

Нега бундай бўлди?

Унутдимми?

Ахир, Вера уларникига тез-тез келиб турарди-ку. Ойиси уни чой билан сийларди. Маня буви ўзи пиширган мураббоси билан меҳмон қиларди. Улар Верани уйга таклиф қилгани учун Алёшани койишмасди. Аксинча, ойиси кейинчалик бир неча бор ундак:

— Нима бало, Вера билан аразлашиб қолдингми?— дея сўради ҳам.

Ҳозир эса у қизни яна учратганида қандайдир ғалати ва лоқайд қараяпти.

Қизиқ!

Балким ундай эмасдир?

У сўнгги марта аразлашганларини эслади.

Бу воқеа бир йилми, бир ярим йилми илгари содир бўлганди. Эҳтимол, икки йил ҳам бўлгандир. Улар ҳадеб ўпишаверадиган қандайдир ажойиб бир фильмни кўриб, «Титан» кинотеатридан чиқишди-ю, Алёшаники тутди-қўйди.

— Қани энди мен ҳам Ладинианага ўхшаган актриса бўлсам!— деди Вера кинодан чиқа туриб.

— Аҳмоқлик,— дея тўнғиллади Алёша Крючков, Андреев ва Алейниковни эслаб.

— Нима — аҳмоқлик?—деб сўради Вера.

— Ладинианага ўхшаб ўпишиш аҳмоқлик!—деди жаҳл билан у.— Бугун мен билан ўпишасан, эртага актёр билан... Кино!

— Хўш, нима қилибди?—деди қиз.— Актёр ўпишишни билиши керак. Балким, Ладининанинг эри ҳам бордир, лекин у...

Бу гапни эшитиб у негадир тутақиб кетди.

Бемаънилик.

Лекин шундай бўлди.

Энди буларнинг бари ортда қолди.

Энди Вера унинг учун яна яқин ва азиз одамга айланди. Фақат Алёша у билан Академия ҳамда ўз шубҳаю гумонлари тўғрисида гаплашишни истамасди. Зеро, унинг ўзи ҳам ҳозирча дилидаги ташвишни яхши тушунмас, лекин ҳаётида қандайдир кескин ўзгариш бўлиши лозимлигини ҳис этиб турарди.

Шаҳар ўзгариб бормоқда эди.

Улар чироқлари ўчириб қўйилган қоронғи кўчалар ва Неванинг анча ёруғроқ бўлган соҳилларида сайр қилишарди. Чамаси, уч марта кинога тушиб, бир неча бор Марат кўчасидаги уйларига келишди.

Мария Илларионовна:

— Верочка! Жонгинам Верочка!— дея қизнинг атрофида парвона бўлар, Маня буви эса унга ўзи пиширган мураббосини тақдиф қиларди.

...Уттиз тўққизинчи йилнинг декабри эди.

Онаси газета ўқимас, Алёша эса эрталаблари «Ленинградская правда»ни олиб, сарлавҳалар ва хабарларга апил-тапил кўз югуртириб чиқарди.

«Қизил Армия Финляндия меҳнаткашларига озодлик ва тинчлик олиб боряпти», «Ватан учун, Сталин учун — олға!» «Қаллио Совет Иттифоқи билан уруш ҳолати эълон қилди», «Финляндия компартияси Марказий Комитетининг мурожаати (радио орқали эшитилди. Фин тилидан таржима). Финляндия меҳнаткаш халқига», «Ленинград ва областда Киров кунлари». «Кировчи кўп станокчиларнинг муваффақияти», «Пулководаги Бош астрономик обсерваториянинг 100 йиллик иши» мавзусида профессор В. В. Шаронов доклад қилади», «Ёруғлик маскировкаси қондасини ашаддийларча бузилиши», «Қазо этган рассом Иван Георгиевич Дроздовнинг оила аъзолари, қариндошлари ва дўстлари марҳумнинг хотирасини ёд этган барча ташкилотлар ва алоҳида шахсларга миннатдорлик билдиришади...»

Алёша бундай рассомни билмасди.

«14 декабрь куни соат 11 да Невхимзавод клубида (Неванинг соҳили, 70 уй) кичик командир Ожиговга бандитларча ҳужум қилиш ва қизил аскар Шутовни жароҳатлашда айбланувчи М. Ситдиқов ва П. Иванов устидан суд бошланади».

Негадир газетанинг ҳар сонисида жиноий ишлар хроникаси бериб бориларди.

Твардовскийнинг «Ким дўсту, ким душман» шеъри:

Кўллар юрти ўт ичра қолди,  
Яқин, яқин ҳуррият пайти.  
Фин халқига йўл топа олди  
Халқнинг одил ҳокимияти.

Бу шеър Мария Илларионовнага жуда ёқди. Отасидан эса ҳамон хат-хабар йўқ эди.

Мария Илларионовна уйда керагидан ортиқ куймалар, Маня буви йиғи-сиғи қилар, Вера эса нуқул гинасини қўймасди:

— Нега айтмадинг?

— Билмайман,— дея бир хил жавоб қиларди Алёша. Академиянинг ~~қўллар~~ қўллар ва коридорлари унга диққина-

фас ва зерикарли туюларди. Моҳир усталарнинг гипс ва картиналарини кўрса жаҳли чиқарди. Шу боисдан ҳам дарслар тугагач, Алёша хурсанд бўлиб кўчага югурди.

Ҳаммаёқда Сталиннинг олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан ўқиладиган докладлар тўғрисида афиша ва эълонлар ёпиштириб ташланган эди. Газеталар Политбюро аъзоларининг мақолалари ва чет элдан келган қутловномаларни эълон қилишмоқда эди.

Худди ана шу кунларда отасининг ҳалокати тўғрисида хабар келди. Мария Илларионовна йиғламади. Гавдаси камон ипидек тортилиб, ранги бўздек оқариб кетди. Маня буви шилқ этиб полга қулаган эди, Алёша уни бир амаллаб диванга ётқизди. Қулфатни олдиндан сезгандек, Вера этиб келди-ю, серрайганича эшик олдида туриб қолди.

Кейин улар икковлашиб ҳарбий комиссариатга боришди. Биринчи гал омадлари чопмади. Иккинчи ва учинчи гал боришганида бир хил хабар эшитишди: отаси Қарелия тепаликларига ҳалок бўлибди. У «Жасорати учун» медали билан мукофотланган экан.

Вера комиссариатда ўзини Алёшага нисбатан ишчанроқ тутди. У ҳаммасини сўраб-суриштирди, бор гапни аниқлади ва бу билан Алёшага янада кўпроқ ёқа бошлади.

Фин уруши тугаб, ҳаммаёқда чироқлар ёнди-ю, аммо энди отаси тирилиб келмасди.

Вера унга тасалли берарди, балким ундай ҳам эмасдир. Қиз унинг изтиробларини билгани учун ўзини шундай тутиб, ҳеч нима демагандир.

Марат кўчасига, Алёшаларникига улар энди тез-тез келадиган бўлиб қолишди.

Ҳаммалиги ўтириб олиб, мураббо билан чой ичишарди.

Вера — ақлли қиз. У Алёшанинг ойиси билан Маня бувисига ёрдамлашар, гарчи уйда бека бўлиб кўринишга уринмаса-да, ўзини шундай тутардики, буни кўриб йигитнинг унга янада меҳри товланарди.

Финляндия билан урушнинг тугагини улар ҳаммалиги биргаллашиб нишонлашди.

Ойиси қувонганидан кўз ёши қилмоқчи бўлди-ю, кейин ўкириб йиғлаб юборди.

Унга Маня бувиси қўшилди.

Вера уларни қаёққадир олиб чиқиб кетди, кейин улар гўё тинчлангандек бўлиб қайтишди.

— Қайғу билан ғалаба ёнма-ён юрар экан! Тўғрими?  
У шундай деди, шекилли.

Охирида эса, ойиси билан бувиси бутунлай тинчигач, улар отасининг хотираси учун ичишди.

— Верочка, Алёша нуқул уйга катта-катта пул олиб келяпти. У бирор шайкага илакишиб қолган эмасми, мабодо?— дея сўради ойиси.— Бу ҳол мени негадир ташвишга соляпти. Айниқса, отаси ҳалок бўлгандан буён. .

— Алёш, сен чинданам шайкада эмасмисан?— дерди Маня бувиси.— Бунақа катта пулни қаёқдан оляпсан бўлмасам?

Верочка индамай ўтираверди.

Алёша эса хижолатга тушганди. Фин уруши пайтида у илгаридан ҳам кўпроқ пул ишлай бошлаганди. Шиорлар. Плакатлар. Буларнинг бари керак ва зарур нарсалар эди. Буларнинг олдида қиём, пакетли шўрва, чой, котлет, шампань вноси, қисқичбақаю икралар иккинчи даражали нарсалар бўлиб қолганди.

«Ярадорга ёрдам бер!»

«Ҳамонки бошланди жанговар ҳолат, ёруғлик маскировкаси бизгадир одат!»

«Барча кучларимизни фронтдаги оталаримиз ва акаларимизга ёрдам учун қаратайлик!»

«Биронта ҳам одам совуқда қотмасин!»

«Оғзи бўш вайсақи—жосус учун хазина!»

Бу плакатлар шаҳарда осиглиқ турарди. Бошқалар эса, айтишларича, Карелия тепаликларига жўнатилмоқда экан.

Жуда муҳим иш эди бу. Пуллар эса, гарчи ортиқчалик қилмаса-да, қандайдир ўз-ўзидан, йўл-йўлакай оқиб келарди.

Академияга у онда-сонда борадиган бўлиб қолди.

Дўстлари билан ҳам деярли учрашмай қўйди.

Муаллимлар уни койишарди-ю, аммо ишларини мақташарди. Уруш пайти улар Алёша чизган плакатларни кўчаларда кўришган экан. Лекцияларга у деярли бормас, лекин курс ишларини осонгина топширарди.

У ўз услубини, ўз мавзусини излар, аммо тополмай қийналарди.

Қўл ишлагиси келар, бироқ мясида на бирор режа, на бирор ғоя бор эди. Балким уйланиши керакдир?

— Кел, ЗАГСдан ўтамиз!— дея таклиф қилди у Верага.

— Сен бу ҳақда, худди бир стакан газ сув ичишни таклиф қилгандек гапирасан-а,— деди жавобан ранжиб Вера.

— Ҳа, албатта, ноўрин гапирдим, — дея қизнинг фикрига қўшилди у.

— Сезишимча, нимадандир кўнглинг алағда, — деди Вера.

Алёша бешфойда ишларни жуда ёмон кўрарди, лекин бунинг ўзи камлик қиларди. У кўролмай юрган нарсасини кўрмоғи, мушоҳада қилмоғи зарур эди.

Аммо у бу нарсани кўролмай қийналарди.

Маҳоратнинг сири нимада? Отасининг ҳалокати унинг қалбини ларзага солди, бироқ у буни кўра олмади. Бу даҳшат йироқда, Карелия тепаликларида содир бўлганди.

Унга Маня бувининг полга қулаши, онасининг юзи докадек оқариши, Веранинг эшик олдида серрайиб туриши қаттиқ таъсир қилди. У бу ҳолатдан алланима қидирарди-ю, косибларча чизилган «Урмон кесувчиларнинг оғир меҳнати»дан бўлак ҳеч нима кўролмасди. Эй худойим, у чор Россиясида яшамаган, уни билмайди ахир!

Иўқ, ҳаётда нимадир содир бўлиши, нимадир кескин ўзгариши керак, акс ҳолда, у косиб, оддий косиб бўлиб қолади.

У сиртида ниманидир тасвирлаш лозим бўлган тоза қоғоз саҳифасидан қўрқадиган бўлиб қолди.

Женька Болотиннинг эса Академияда ишлари яхши кетмоқда эди. У барчани қойил қолдириб, сурат ҳам чизар, ўз шеърлари билан деворий газета ҳам чиқарарди. Саша Невзоров «нўмай» буюртмаларни ажойиб қилиб бажарар, зачёт ва имтиҳонларни вақтида топшириб юрарди.

У бўлса, афсус, ҳаммасини йиғиштириб қўйганди!

Алёша, Вера менинг аҳволимни ўзи тушунар ва бу ҳақида менга айтар, дея кутарди. Қиз буни билиши ва унга бирор гап айтиши керак-ку, ахир.

Бироқ Вера бўлак ҳеч нима демади.

Уйда Мария Илларионовна Верани сўроққа тутарди:

— Алёшанинг Академиянгиздаги ишлари қалай? Охирги ўринда эмасми ишқилиб? Мен унинг санъатини унча тушунайман, албатта, лекин...

Маня буви ҳам ўз навбатида қизиқиб сўрарди:

— Айт, айта қол, Верусик, набирагинанинг ишлари қалай, ёмон эмасми мабодо?

— Иўғ-е, нималар деяпсиз! — дея хитоб қиларди Вера. — Бунақалар бизда жуда кўп! Ҳаммаси ҳар хил! Ҳаммаси ўзига хос! Алёшани эса, менимча, жуда қадрлашади... Тўғрими, Алёша?

Алёша эса қоғоғини солганча ланжгина қилиб:

— Билмайман...— дея тўнғиллади.  
У Верага қараб туриб ажабланарди.  
Бу қизни севадимми ўзи ёки йўқми?  
Балким, ҳар қалай, севар?

## VI

1940 йилнинг июль кунларидан бирида улар 25-нчи Октябрь проспектидан юриб боришди-да, сўнг Марс майдонини сайр қилиб, Мис чавандоз ёнидан ўтишди.

Алёша индамай борарди.

Шаҳар тунда ёққан ёмғирдан сўнг қуёш ёғдусига чулғаниб, кумушдек товланарди. Парк ва гулзорлар кўм-кўк бўлиб ярқирарди. Гулзорлардаги гуллар ўз чиройини ийманибгина кўз-кўз қилаётгандек туюларди. Ҳаммаёқни капалакгул тутиб кетганди. Невадан дарё трамвайчалари, баржаларни тортиб кетаётган буксирлар сузиб ўтарди. Дарёнинг нариги соҳилида завод трубаларидан тутун ўрлар, порт кранлари қаққайиб кўринарди.

Вера ўзини қувноқ кўрсатишга уринса-да, лекин негадир маъюс эди.

Алёша буни сезиб, ўзининг ҳам дилини маъюслик қоплади.

— «Руҳингни туширма!»— деди у ўзига ўзи ва ҳаёлини чалғитмоқчи бўлиб, шеър ўқиди:

Учирсанг тасодиф чизикларини

Кўргайсан, ки олам нечоғ фусункор...

Шаҳар байрамга—Ҳарбий Денгиз флоти кунига ҳозирлик кўрмоқда эди. Фин уруши тугаганидан сўнг, бу биринчи катта байрам эди. Невага кемалар кириб келганди. Иллюминация. Кемалар чарогон, кўчалар чарогон...

— Бу кимнинг шеъри?— дея сўради Вера.

— Блокнски.

— «Ўн иккилар»ни ёзган шоирми?

— Бу мисралар «Ўн иккилар»дан эмас...

Энди у нима қилиш кераклиги ҳақида бир қарорга қелди, шекилли. Ҳа, қарор қилгандаям, қатъиян қарор қилди. Шунини эслади-ю, руҳи кўтариллиб, ниҳоятда енгил тортди.

Ҳа, индинга у ҳарбий комиссариатга боради. Отасининг қисматини билиш учун Вера билан борган, ўша ҳарбий комиссариатга. Саша Невзоров ҳам, Женя Болотин ҳам у билан бирга боришади. Улар Алёшага ўхшаб Академияда ўқишни ташлаб қўйишгани йўқ... Лекин улар ҳам чақириқ қоғози олишибди.

У ўз режалари ҳақида Верага ҳеч нима демади.

— Тан оламан, Блокни яхши билмайман,— деди Вера.

— Сен ҳам оймга ўхшар экансан,— дея жилмайди Алёша.

— Нега ундай дейсан? Мария Илларионовна ажойиб аёл, кейин бувинглар ҳам...

— Гапимни нотўғри тушундинг,— деди Алёша.— Шеърни яхши тушунмайдилар...

— Бугун негадир ғалати гапларни гапиряпсанми?

Йўқ, ҳар қалай, Верочка—мўъжизанинг ўзи!

Алёшанинг шу тобда жуда ҳам унинг висолига етгиси келиб кетди!

— Биласанми,— деди қиз,— мен сени жуда ҳам севаман, шекилли. Сенга қадар бир одам билан юрган эдим. Яширмайман. Лекин сен!.. Тентаккинам, бўш-баёвгинам, ҳеч ким тан олмаган...

Алёша бахтиёр эди, чамаси, шунинг учун ҳам бемаъни савол берди:

— Қаёқдан олдинг бу гапни?

— Ҳамма шундай деяпти: сенинг портдаги картиналаринг, чизган шиор ва плакатларинг ҳаммага ёқпти. Кейин — Академия. Ахир, сен ҳеч кимга ўхшамайсан... Анча шунақа. Мен бўлсам — атиги етти синфни битказганман. Унда менинг нима керак сенга?.. Ёки, балким, худди шу нарса керакдир сенга? Сен ким учун рассомсан? Ўзинг учун эмас-ку, ахир!..

Шаҳарда эса худди ёруғлик байрами бошлангандек эди. Уйларнинг деразаларида парда деган нарсадан асар ҳам кўринмасди. Уқув тревогалари ҳам бекор қилинганди.

Бугун ҳаво очиқ бўлиб, қуёш чарақлаб турарди. Ёзги боғнинг жимжимадор панжаралари ортида кўм-кўк дарахтлар тархида скульптуралар яққол кўзга ташланарди. Кўчаларда сув селувчи машиналар гуриллар, трамвайлар жарангларди. Автомобиль ва автобуслар шўх сигнал чалиб, троллейбуслар шувиллаб ўтарди. Симлар қуёш шуъласида ялтираб кўринарди. Ҳаммаёқни бензин ва негадир янги бўёқнинг ҳиди тугтиб кетганди.

Алёша қизни ўз уйи томон бошлади.

Йўл анча олис эди-ю, аммо икки ёшнинг бақувват оёғи учун бу нима деган гап? Улар бу йўлга кўникиб қолишган бўлиб, фақат пиёда юришарди. Алёша бир неча бор Верани ўзи яхши кўрадиган Пушкин ҳайкали ёнидан олиб ўтди-да, кейин Кузнечнийдан айланасига Марат кўчаси томон бошлади.

— Сен менниг уйимга бормагансан ҳали.. Сен билан ҳали бир борамиз! Хўпми? Ахир, бизникигаям...

Вера бирдан жимиб қолди.

— Қаёққа, сенинг ўша Лахтинская кўчанггами?

— Хўш, борсак нима қилибди?—деди қиз.—Ахир, сен билан биз ўша ерда—сен носилкада ётганингда танишганмиз-ку!..

Алёша унинг уйи ҳақида ҳеч нима билмасди. Ва шу билан бирга ҳаммасини биладигандек эди.

Яна у ҳозир Лахтинская кўчаси тўғрисида қандайдир менсимагандек қилиб гапириб юборганини ҳам биларди. Лекин Вера буни сезмади, шекилли...

«Борамиз, албатта, борамиз, ўзинг айтсанг бўлди»,— дея хаёлидан ўтказди у.

Кейин Алёша қизни унинг уйига — Лахтинская кўчасига кузатиб қўйди. Кеч тушди. Кўчалар ва магазин витриналарида чироқлар ёнди. Уларнинг деразаси, трамвайлар, автобус ва троллейбусларнинг ойнаси ёришиб кетди. Невада кема ва буксирларнинг чироқлари милтиллай бошлади. Дарё узра икки соҳилни туташтириб турган кўприклар электр лампаларнинг ёрқин шуъласига чулғанди.

Улар яна байрам кунларига хос чароғон Ленинград бўйлаб боришар, йўл-йўлакай ўткинчиларга эътибор бермай кучоқлашиб, ўпишишарди.

Вера бахтиёрликдан чеҳраси порлаб Алёшанинг бўсаларига лабини, юз-кўзини тутар экан, нуқул бир гапни такрорларди:

— Бўлди, Алёша, бўлди! Жонгинам! Бечорагинам! Бўлди қил! Хўпми?

Уйлари ёнига етиб боришгач, қиз сўради:

— Илгари нима бўлган эди?!

— Илгари дейсанми?

— Мен билан танишишингдан олдин. Сен тўғрингда ҳеч нимани билмайман ахир, Алёша...

— Кел, битта ўпай!

У жуда жасур бўлиб кетганди.

— Ахир, одамлар бор.

— Одамларни жин урсин! Мен сени истайман! Бутун борлигингни!..

Вера, чамаси, довдираб қолди ва унинг бундай довдираши Алёшага жуда ёқиб тушди. У қиздан ҳозир ўзига нима кераклигини биларди-ю, лекин, умуман, ундан нима исташини билмасди. Ҳозир у маъшуқаси билан ярашиб олгач, уни аллакимдан рашк қилаётгандек эди..

Йўқ, Вера унга қадар бир одам билан юрганини тан олгани учун эмас...

Уйлансамикин?

У энди буни таклиф қила олмасди.

Уйланиб, кейин ҳаммасини ташлаб кетадими?

Лекин жон деб уйланган бўларди!

Утакетган худбинсан-да, Алёша!

— Алёш. Бўлди!

У яна қизни ўпа бошлади.

— Тўхта, тўхтаб тур! Саволимга жавоб бермадинг, ахир...

— Қайси саволингга!

— Тўхтасанг-чи, ахир! Мен сендан илгари нима бўлган эди, деб сўрадим...

— Биронтаси билан юрганимни сўраяпсанми?

— Йўқ, буни эмас, Алёш...

— Бўлмаса нимани?

— Сен рассомсан, биламан! Академиядаги ўқишни ташлаб қўйганингиям биламан. Ҳеч кимнинг тушигаям кирмайдиган пул ишлашингиям биламан. Академияни ташлаб кетадиганга ўхшайсан... Ойнинг ташвишланыптилар, буving ҳам... Даданг ҳалок бўлдилар...

Алёша яна индамади.

Улар сал бўлмаса, аразлашиб қолай дедилар.

Лекин Веранинг оқилалиги қўл келди. Қиз Алёшага меҳр ва илтифот билан тикилиб турди-да, сўнг юзидан ўпди.

Алёша унга ҳарбий комиссариат тўғрисида ҳеч нима деёлмади.

## VII

Ҳарбий-Денгиз флоти куни ҳаммаёққа плакатлар осиб ташланганди:

«Ҳамма — флотга!»

«Ёшлар — флотга!»

Бу анъана эди.

Илгарироқ — яъни Авиация куни:

«Ҳамма — авиацияга!»

«Ёшлар — самолётга!» — дея чақирувчи плакатлар осылганди.

Авиация куни ҳали келгани йўқ, Ҳарбий-Денгиз флоти куни кеча ўтиб кетди, бугун эса...

Бугун — Витебск вокзали.

Бадқовок тонг. Шаҳар узра туман парда ёйган. Ас-фальт ялтирайди. Шивалаб ёмғир ёғмоқда. Ёмғир бўлиб ёмғир ҳам эмас, қандайдир сув кукуни дейсиз.

Кўчаларда одамлар кам кўринадди. Фақат вокзалгина, ҳар доимдагидек гавжум эди. Барча қаергадир шошилади, қаергадир югуради. Бошқалар эса, гўё бу ерга шунчаки дам олгани келгандек, узун ёғоч харрақларда мудраб ўтиришарди. Оёқ остида болалар уймаланишар, кассалар олдида бир талай одамлар навбатга тизилишиб туришарди.

Хирилдоқ динамик чирсиллаб, ниманидир эълон қиларди, аммо унинг нима деяётганини тушуниб бўлмасди. Сўнг яна чарс-чурс, қасир-кусур қила бошларди.

Соябон тагидаги платформа ҳам, гарчи бу ерга ёмғир ёғмаётган бўлса-да, ҳўл бўлиб кетганди. Бу ерда энди одамлар кўпроқ эди. Улар ҳеч қаерга югуришмас, шошилишмасди. Ҳамма вагонлар олдида куймаланиб турарди.

Уларнинг командаси саккиз кишидан иборат эди.

Уч киши — Академиядан. Уқишни охирига етказа олмаган студентлар. Унинг ўзи, Саша Невзоров ва Женя Болотин. Қолганлари — аллақандай фанлар кандидати, тўқимачилик институтининг муаллими, инженер, тарихчи ва инженер-гидравлик. Ҳаммасининг ёши ундан катта. Ешдаги фарқ бор-йўғи икки-уч йил бўлса-да, лекин бу яққол сезилиб турарди.

Кўзойнак таққан новча инженер-гидравлик:

— Ҳайдашдими? — деб сўради.

— Қаёқдан?

— Санъат Академиясидан-да, — дея тушунтирди у.

— Буни қаёқдан биласиз? — деди жаҳли чиқиб Женя Болотин.

— Шундай, ўзим фаҳмладим, — деди инженер-гидравлик.

— Эҳтимол, биз кўнгиллидирмиз? — деди баландпарвоз оҳангда Саша.

Алёша эса нима дейишини билмай турарди.

— Менинг фамилиям Кривицкий, — деб ўзини таништирди инженер-гидравлик. — Проля! Ажабланманг! Жула аҳмоқона-а! Бундай исм қўйган ойим билан дадамга минг раҳмат!

— Нега исминг аёлларникига ўхшайди? — сўради Женя. — Ахир, сен! Кечирасиз, сиз эр...

— Революция — аёллар исмига ўхшайди, менинг отаонам эса эски революционерлардан бўлишган... Шунинг

учун ҳам менинг исмим Пролетар революцияси маъноси-ни англатади.

Уларни Ҳарбий комиссариат номидан «Жанговар хизматлари учун» медали таққан қандайдир ҳарбий кузатмоқда эди. Бундай мукофот ўша пайтларда камдан-кам одамларга бериларди. Шу боисдан ҳам бу ҳол уларнинг кузатилишига қандайдир тантанаворлик бағишлаб турарди. Ҳарбий саккиз киши ичидан негадир Невзоровни танлаб, унга қандайдир ҳужжатларни топширди-да, алланималарни узоқ тушунтирди. Эҳтимол, Сашани ҳеч ким кузатмаётгани учун шундай қилгандир. Кузатувчилар ва кузатилувчилардан эса ҳарбий уялаётгандек туюларди.

Вокзалга Алёша ойиси билан олдинроқ келди. Учинчи вагонни топишди-да, ўша ерда кута бошлашди. Мана ҳозир бутун команда — саккиз кишининг ҳаммаси тўпланди.

— Уни қара-я: сизларни жуда баланд савияда кузатишяпти-ку!..— дея қайд қилди дарҳол ойиси.

Уйда ойиси йиғламасликка ваъда берганди. Алёша шунинг учун ҳам унинг вокзалга чиқишига рози бўлганди. Бўлмасам, унинг боришини сира ҳам истамаётган эди. Боз устига, отасининг хотираси учун ҳам йўқ дея олмасди.

Маня бувиси эса ўзини қўярга жой тополмасди.

У туни бўйи Инжилни варақлаб чиқди-да, эрталаб набираси йўлга отланаётганда:

— Топдим, Алёшенька, топдим!— деди.— Мана, қулоқ сол: «У эсон-омон қайтиб келиб, ўз уйига кирди!» Илоийм шундай бўлсин! Бу гап сен тўғрингда ёзилган!

— Нега мен тўғримда бўлар экан?— дея ажабланди Алёша.

— Эсон-омон қайтишинг учун-да...

— Ҳозир уруш кетаётгани йўқ-ку, ахир...

— Уруш кетаётбдими, йўқми, лекин солдатликка, қизил аскарликка жўнаяпсан...

Маня буви анчага довур йиғлаб ўтирди. Алёша ҳозир вокзалда тушунишича кампир унга эмас, балки ўз ўғли — Карелня тепаликларида ҳалок бўлган ва ҳозир Алёша эслаб қайғу чекаётган отасини эслаб йиғламоқда эди. Ахир, Маня буви унга она эди-да. Бу қайғуга қандай дош бердийкин у!..

Вокзал гала-говурида у кўпгина нарсалар тўғрисида ўйлаётганди. Аммо олаговур ўз номи билан олаговур экан. Ёнида онаси, Академияда бирга ўқиган дўстлари, команданинг нотаниш аъзолари туришарди. Анови Кривицкий, оти нима эди, Проля — ғалати нусха экан. Улар-

нинг қариндошлари ҳам шу ерда. Женька Болотинни уч киши кузатгани чиқибди. Улар дўст тутинишган, бирга ишлашган эди-ю, ammo борди-келди қилишмаган эди. Анови аёл унинг онаси. Бу ўз-ўзидан аниқ! Манови одамчи?.. Улар бир-бирлари ҳақида ҳеч нима билишмасди.

Учинчи вагон.

«Ленинград — Киев» — деб ёзилган.

Демак, улар Украинага жўнашаётган экан.

Ҳарбий комиссариатдан келган ҳарбий ҳамон Саша Невзоровга алланималарни тушунтираётганди.

Сўнгра Саша:

— Йигитлар, чамадонларни вагонга олиб киринглар! Ҳали вақт бор, бемалол гаплашамиз... Поезд ярим соатдан кейин жўнар экан, — деди.

Ҳаммалари чамадонларини вагонга олиб киришди.

Вагон одатда шаҳар атрофига қатнайдиغان эски вагон эди. Бундай вагонларда Гатчинага, Петергофга, бир вақтлар улар чорбоғда яшаган Лугага қатнаш мумкин эди.

Вагонда ҳарбий бўлмаган оддий одамлар ўтиришиб олиб, қўшиқ айтишарди.

...Бизни жангга жўнатганда ўртоқ Сталин.

Жангга олиб кирганди биринчи маршал...

Уларнинг ёнида эса:

...Менинг ўхшаши йўқ, қимматбаҳойим,

Менинг ҳамиша ёш, навқирон тайгам!

Ва яна:

... Кўҳна Кремлинг деворларини

Тонг нафис нурлари ила безади...

Алёша, жуда ажойиб бўлди-да! — дея ўйларди. Ахир, улар Қизил Армия сафига жўнашяпти!

Бахтиёр одамлар!

— Қани бу ёққа чиқ! — дея таклиф қиларди Женька Болотин.

— Шошилма! — деди жавобан Саша Невзоров. — Ахир, биз энди уч киши эмас, саккиз кишимиз... Ҳаммамиз бирга бўлишимиз керак. Манови ва манови полкаларни эгалла... Ҳаммамиз бирга бўлишимиз керак. Мана, ўзлиги ҳам келиб қолишди.

Ҳаммалари ёнма-ён жойлашишди. Проля Кривинский юқори қаватдаги жойни эгалламоқчи эди. У кўзойнак таққани учун ҳам юқори учинчи полкадан йиқилиб тушмасмикин, дея чўчишди-ю, лекин унинг раъйига қарашди.

Тўқимачилик институтининг муаллими полда бўлса ҳам ётаверишга тайёр эди.

Команда аъзоларининг чамадонлари кичкина, уринган ва эски эди.

Тарихчи ҳеч нимага даъво қилмаётгандек эди-ю, ammo ўзининг энг катта чамадонини алоҳида қилиб жойлаштириб қўйди.

Тўқимачилик институтининг муаллими бирдан ўзини таништиришга аҳд қилди:

— Шумов, Серёжа...— Ва дарҳол савол берди:— Яна уруш бўлармикин, йигитлар? Сизлар қандай фикрдасизлар?..

Улар вагонда анча туриб қолишди, шу боисдан ҳам Алёша, у ерда ойим нима қилаётганикинлар, дея ташвишга туша бошлади...

Сашка Невзоров нуқул уни:

— Тезроқ бор! Ойинг кутяптилар ахир!.. Бу ердаги ишларни ўзимиз тўғрилаймиз...— дея шоширарди.

Мария Илларионовна перронда уни ёлғиз ўзи мунгайиб кутмоқда экан.

Нарироқдаги вагонлар олдида беш кишидан иборат духовой оркестр «Амур тўлқинлари» вальсини ижро этмоқда эди. Оркестр ҳарбийларники бўлиб, унинг атрофида турган одамлар ҳам ҳарбийлар эди. Чамаси, улар ҳам Алёшалар каби жўнаб кетишаётганди-ю, лекин уйвонлари баландроқ эди.

— Жойлашиб олдингми?— дея сўради ойси.

— Ҳа...

— Верочка келди,— деди ойси.— Сен унга ҳеч нима айтмабсан, лекин у, бари бир, келди...

— Унга айтдингизми?

— Бўлмасам-чи?

Нарироқда турган оркестр гумбурлашда давом этар, ёнида эса Саша, Женя, Проля ва команданинг бошқа аъзолари уймалашиб юришарди. «Жанговар хизматлари учун» медалини таққан ҳарбий комиссариат вакили эса бир чеккада жимгина турарди...

Йигитнинг ёнига Вера келди:

— Салом, Алёша! Сенга оқ йўл тилайман!

Маълум бўлишича, у нарироқда яшириниб турган экан.

— Айтмабсан ҳам...

— Нима фойдаси бор эди?

Бу гапи аҳмоқона чиқди, албатта.

— Келганинг учун раҳмат...

— Келмаслигим мумкинмиди, ахир?

Алёша атрофига аланглаб, ойисига, ҳарбий комиссариатдан келган вакилга ва ўз дўстларига қараб қўйдида, қизнинг аввал юзидан, сўнг лабидан хиёлгина ўпди.

— Келганинг яхши бўлди...

— Мария Илларионовна, қаяққа кетяпсиз?

Ойиси хижолатга тушиб, вагондан нарироққа кетган эди, Вера, Верочка буни дарҳол пайқаб қолди.

— Мен шу ерданман... Анови, нимаёди — «Амур тўлқинларини» эшитяпман, — деди ойиси. — Жуда таъсирли экан. Улар ҳам ҳарбийларни кузатишаётган бўлса керага?.. Майли, сизларга халал бермайман! Гаплашиб олишларинг керак, ахир...

— Хўш, ўзинг қалайсан?

— Яхши юрибман, Алёша. Анчадан бери сен билан бир нарсани маслаҳатлашиб олмоқчи бўламану, лекин ҳеч мавриди келмасди, — дерди қиз шоша-пиша...

— Нимани маслаҳатлашмоқчи эдинг? Айт!

— Сен тўғрингдаям, ўзим тўғримдаям... Аммо сира гапира олмасдим. Энди жудаям айтгим келяпти! Билман, мен тўғримдаги ҳамма гаплардан хабаринг бор... Сеннинг Академияда кутубхоначиман, ахир. Лекин маълумотим йўқ. Машилкада ёзиш курсини битирганман, холос. Мени қадрлашади, аммо ҳар қалай... Агар кутубхоначилик ўқишига кирсам-чи? Техникумига, албатта. Сиртдан ўқийман. Сен нима дейсан?

— Менимча, ажойиб бўларди!

— Сендан шу гапни жудаям эшитгим келганди!

Оркестр энди «Ташаббускорлар маршини» ижро этмоқда эди.

Ойиси уларнинг ёнида ўзини йиғидан аранг тийиб турар экан, нуқул:

— Верочка, мен ниҳоятда хурсандман, — дея такрорларди.

— Мария Илларионовна, Алёшанинг кўриниши жуда яхши-а... Тўғрими?

— Билмайман, — деди жавобан ойиси.

«Жанговар хизматлари учун» медали таққан ҳарбий комиссариат вакили эса ҳамон уларнинг ёнида индамай турарди.

Алёша унга яна бир бор қаради-ю, бу одамнинг ҳам-малигидан — фанлар кандидатидан ҳам, тўқимачилик институтининг муаллимидан ҳам, инженеру тарихчидан ҳам ёши каттароқ эканлигини тушунди... У ўттизларга бориб қолган эди. Медални ҳам, чамаси, фин уруши учун

олган бўлса керак. Ранги ўчиб кетибди. Балким, қаҳрамон чегарачилардандир. Еки Ҳасан, Халхин-Гол учунмикин?..

— Мени ҳечам уйингга таклиф қилмаганинг сабабини бари бир айтмадинг.

— Мен-а? Вақт бўлмади, кечир, Алёша! Тўғрироғи, ўзингнинг вақтинг бўлмади-ку,— дея жавоб қилди Вера.— Неча марта сен билан жиддий гаплашмоқчи бўлганимни билсанг эди агар. Сендан нуқул сўрамоқчи бўлардим...

— Нимани, Верочка?

Ҳозир шундай бир ҳолатда эдики, ҳамманинг олдида — хайрлаша туриб, Инжилни ўқиб берган Маня буви-сининг олдида ҳам, ҳалок бўлган отасининг руҳи олдида ҳам, ҳозир уни кузатаётган ва худога шукрки, йиғлашдан ўзини тийиб турган ойисининг олдида ҳам, командадош ўртоқлари олдида ҳам, ҳарбий комиссариатдан келган манови одамнинг олдида ҳам, чинакам ҳарбийларни кузатаётган ҳарбий оркестр олдида ҳам, кейин Вера, Верочканинг олдида ҳам ўзини айбдор ҳис этарди...

Бориб турган тентак-да, ўзням!

— Мен ҳам сенинг саволингга жавоб бермадим,— деди у Верочкага.— Фирт аҳмоқлик қилдим! Билувдим, сен бошқа нарса тўғрисида сўраган эдинг...

— Алёш!

— Ишон. Верочка, мен сира ҳам... Мен шунчаки аҳмоқман, Верочка. Аҳмоқ бўлгандаям, ўзини ақлли деб ўйлайдиган аҳмоқларданман. Бор гап шу! Болалалигимдан расм чизардим. Ҳамма мақтарди. Академияга ҳам осонгина кириб олдим. Ундан олдин эса мактабни тугатдим. Кейин бирмунча вақт нима қиларимни билмай сандироқлаб юрдим. Киров заводида слесарь ёрдамчиси бўлдим. Сўнгра портда ишладим. Мени койима. Уша картиналар, плакатларим учун. Пул ишлаш учун қилмагандим буни, менга ишон, ҳаммаси ортда қолди... Яхшими, ёмонми, лекин ортда қолди... Тушу尼亞панми? Анча қийин буни тушувиш.

Ойиси уларнинг ёнгинасида турган эди. У, балким, Вера билан Алёшанинг гапини эшитгандир, балким, эшитмагандир ҳам, зеро ҳаммаёқ ғовур-ғувур бўлиб, оркестр гумбурламоқда эди...

— Тушу尼亞пан,— деди Вера.

У бир оз сукут сақлаб турди-да, сўнг қўшимча қилди:

— Сени севаман...

— Мен ҳам!— дея иқрор бўлди Алёша.

Тентаклик!

У чиндан ҳам ҳозир ҳамма ишни қилишга — қизни бағрига босиб унинг юз-кўзидан ўпишга тайёр эди!

— Нега ўшанда мени уйингга таклиф қилмагандинг?— дея сўради у яна.

— Буни сенга тушунтиришим қийин, Алёша! Ҳозир буни гапиришнинг ҳожати йўқ. Лекин ҳамонки сўрадингми, майли, айтаман. Уттиз еттинчи йилда дадамни қамоққа олишган эди. Ойимлар билан икковимиз Сталинга хат ёзганмиз. Ушанда мени пионерликдан ҳайдашган эди. Сталин қутқариб қолди. Ҳамма ишни қайтадан кўриб чиқишди. Дадам қайтиб келдилар. Уттиз тўққизинчи йили эса Гродно ёнида ҳалок бўлдилар. Фарбий Белоруссияда бу шаҳар. Қандайдир поляк ўлдирибди...

Бу гапларнинг бари вокзал ғовур-ғувури ичида айтилди.

— Нега шу пайтгача индамаган эдинг?

— Ниманиям гапирардим, Алёш!.. Ўзинг сўрамаган эдинг... Кейин ўзингниям даданг фин урушида ҳалок бўлди...

— Хўш, энди нима бўлади?

— Нима бўларди, энди билиб олдинг,— деди қиз,— ҳаммасини билиб олдинг.

Бу ҳамон ўша — дўмбоққина, кичкинагина, унинг елкасидан келадиган хунуккина Вера эди-ю, лекин ҳозир у Алёшага ниҳоятда гўзал бўлиб кўринди.

Нега Алёша илгари буни пайқамаган экан?

Унга уйланса бўлмасмиди, ахир!

Ойиси ҳам, Маня бувиси ҳам йўқ дейишмаган бўларди.

Ҳаммасига ўзи айбдор.

— Хўш, уйингда-чи, у ерда аҳвол қалай?— дея сўради у Верадан.

— Бир нави яшаяпмиз. Ойим сен тўғрингда биладилар... Сенга салом деб қўйишни, оқ йўл тилашни буюрдилар...

Уларнинг ёнига Мария Илларионовна келди.

— Кечирасизлар, мана бу ўртоқ...

Унинг ёнида ҳарбий комиссариат вакили, медаллик ҳарбий турарди.

— Сиз билан, Алексей, военкоматда танишганмиз,— деди у.— Қаллагингиз билан ҳам... Яхшимисиз, афсуски, шу пайтгача саломлаша олмадим,— деди у Верага қараб.— Биз отангизнинг қабрини излаяпмиз. Ҳозиргина бу гапни Мария Илларионовнага ҳам айтган эдим. Бу масалада ташвиш қилманг. Хотиржам хизмат қилаверинг.

Уларнинг ёнида Женъка лайдо бўлди:

— Уруш бўлармикин, нима дейсиз?

Оббо, жуда ноўрин гапирди-ку.

Мария Илларчионовна сесканиб тушди.

Верочка унинг тирсагидан тутди.

Улар хайрлашишди.

Поезд жойндан жилди.

Кўпни кўрган вагонлар гичирлаб, филдираклар тақатуқини бошлади. Паровоз оғир пишиллаб буғ чиқармоқда эди. У, гўё йўлни бўшатишлар, дегандай, негадир узоқ гудок чалиб борди.

Перрон ҳам вагонлар ортидан қўзғалгандек бўлди. Кузатувчилар қўл силкиб туришарди.

Тунда Алёша туш кўрди.

Ҳарбий оркестр музыка чалаётганмиш. «Маннергейм чизинги» куйи эмиш. Танкка қарши улкан қозиклар қаққайиб турганмиш. Отаси ҳалок бўлган пайтдаги қаҳратон қиш эмас, иссиқ июль кунни эмиш. Дот ва дзотларда беҳисоб чумолилар ўрмалаб юрганмиш. Шундоқ ёнгинасида озодлик шарафига тантана қилаётган Виборг жойлашганмиш. Финлар, форма кийган шюцкорачилар, асирлар вайронага айланган чиройли уйлар девори ёнидан қимтииб боришаётган эмиш.

Оркестр қандайдир маъюс бир куйни чалиб турибди, кейин бирдан «Интернационал»ни ижро этишга ўтди:

Бу — энг сўнгги жангимиз,

Ҳал қилгувчи жангимиз...

Отасини устига арча новдалари ташланган қизил тобутга солиб, соғлом ва ярадор қизил аскарлар дотлар ва дзотлар ёнидан баланд кўтариб боришмоқда эди. Қизил аскарлар орасида ана шу сўнгги уруш пайти у ер-бу ерини совуққа олдирганлар ҳам бор эди. Тобутдаги арча новдаларидан сўта осилиб турарди.

Маросимнинг бошида — қизил ёстиқча бор эмиш.

Ёстиқчага «Жасорати учун» медали қадаб қўйилганмиш.

Уни «Жанговар хизматлари учун» медали таққан ҳарбий комиссарнат вакили кўтариб бораётганмиш. Бу медали у фин уруши учун эмас, Ҳасан ёки Халхин-Гол учун олганмиш.

Ҳарбийнинг ёнида Веранинг Қизил Байроқ ордени таққан дадаси ва Алёшанинг ойиси кетишаётганмиш.

Веранинг дадаси Мария Илларноновнага шундай дермиш:

«Биз сизнинг эрингиз ва унинг дадасининг қабрини топамиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин!»

Ҳарбий комиссариат вакили хиёл орқасига ўгирилиб, унинг гапини тасдиқлармиш:

«Топамиз! Қаллиғингизнинг отасининг қабрини ҳам топамиз. У Гродно бўсағасида ҳалок бўлган. Албатта, топамиз».

Унинг медали июль қуёши нурларида ярқираб турарди. Ҳарбийнинг қўлидаги қизил ёстиқчага қадалган отасининг медали ҳам кўзни қамаштиргудек ярқирарди.

Оркестр эса энди «Амур тўлқинлари»ни эмас, «Ташаббускорлар марши»ни чалаётган эмиш.

Маня бувиси бўлса ҳадеб:

«У эсон-омон қайтиб келиб, уйига кирди»,— дея такрорлармиш...

## VIII

Улар яхши ухлаша олмади.

Вагон қаттиқ силкинарди.

Поезд ўқтин-ўқтин тўхтаб борарди. Кичик-кичик стапьялар, йўлнинг кесишган жойлари ва разъездларнинг босиғига етиб бўлмасди.

Кўҳна вагон силкиниб борар, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга, гоҳ орқага, гоҳ олдинга қараб чайқаларди.

Вагон деразаси ёнидан ўти ўриб олинган далалар, ўрмон ва дарахтзорлар, кўл ва дарёлар, черковлари деярли вайронага айланган пасту баланд қишлоқлар сузиб ўтарди. Майда-чуйда станциялар, чиқиндилар уйиб ташланганидан қандайдир исқирт кўринадиган ва одамнинг гашини келтирадиган разъездлар липиллаб ортда қолмоқда эди. Ленинграддан чиқшганидан буён ана шу манзара такрорланарди. Аҳён-аҳёнда учраб қоладиган асфальт йўллардан машина ва тракторлар, тупроқ йўллардан эса от-араваю пода-пода қора мол ўтиб борарди. Витебска етишларига озгина қолганида уларни платформаларига танклар юкланган ва теплушкаларда юзлари шамолда тобланган танкчилар ўтирган ҳарбий эшелон қувиб ўтди. Баъзи танкчиларнинг кўкрагида медаллар оқариб кўринарди.

«Фин уруши учун олишган бўлса керак»,— дея ўзича қайд қилиб қўйди Алёша.

Киевгача улар бир ярим кун йўл юришди.

Кейин бошқа поездга кўчиб ўтишди.

Уларга Саша бошчилик қилиб борарди. Барча бир нарсани: унинг буйруқ олганини тушунганди. Улар айниқса қоринлари очганида буни яққол ҳис этишарди. Уйдан олинган запаслар тугагунга қадар ҳеч ким бу нарсага эътибор бериб ўтирмади. Аммо запасларининг таги кўришиб қолганида Невзоров ўзини сеҳргар эканлигини намоён этди.

Киевдан сўнг поезддан поездга ўтишлар кўпайиб кетди. Навбатдаги поездни соатлаб, баъзан эса ундан кўпроқ кутишга тўғри келарди.

Энди поезд деразаси ёнидан сузиб ўтаётган манзаралар анча чиройлироқ бўлиб қолганди. Ҳаммаёқ ям-яшил эди. Бежирим қилиб қурилган оппоқ уйлар кўзга ташланарди. Кўл ва ҳавзаларда, дарёларда паррандалар сузиб юрарди.

Далаларда ўтлаб юрган моллар Россиядагига қараганда анча семизроқ эди. Йўлларда ҳам машиналар кўпроқ, миллий кийимлар кийиб олган одамлар ҳам байрам пайтидаги каби башангроқ кўринарди. Гармошка ва баянлар билан шодон кетаётган бир неча тўй маросимлари ортада қолди. Улардан бирида ҳатто духовой оркестр куй чалмоқда эди.

Саша вазифасини қойилмақом қилиб бажарди:

— Йигитлар, егулик масаласи зўр бўлди! Қани, диққат! Мана!..

Шундан сўнг дастурхонда ёғ, нон, қанд, тузланган бодринг ва йўлда ғоят мазали туюладиган қизғиш селёдка пайдо бўларди.

Қайнаган сувга Саша Проляни юборарди. Пролетар революцияси бўлмиш Кривицкийни. Унинг отасининг исмини ҳозирча ҳеч ким билмасди. Проля ҳам қайнаган сув билан таъминлаш бобидаги барча ишларни ўрнига қўйиб бажарарди. Команда йигитлари буни иссиқ таом деб аташарди, зеро қайнаган сув баъзан уларнинг ягона иссиқ таомлари хизматини ўтарди-да.

Улар Пролянинг касби — гидравлика тўғрисида тинимсиз аския қилиб боришарди.

Пролянинг устунлиги унинг революция билан боғлиқ бўлган исмию унга шундай исм қўйган ота-онасида эди.

Поезддан поездга ўтиб, силкиниб бораётган вагонлардаги узоқ йўл давомида улар бир-бирлари билан яхши танишиб олишди. Ҳар бирига иш ҳам топилди. Таржимаи ҳоллари тўғрисида гапиришмасди. Улар ойиси ва дадасининг эркатой ўғли-ю, бувиси ва бувасининг арзан-

да набираси бўлган бир пайтда таржимаи ҳолнинг ўзи бўлиши мумкинми, ахир!

Улар аввалги машғулотлари тўғрисида, кимнинг қаерда ишлагани, қанча пул топгани ҳақида сўзлашишарди.

Ана шунда қандайдир фанларнинг кандидати бўлмиш ғалати фамилияли Ваня Дурнусов команда аъзолари орасида моддий жиҳатдан энг яхши таъминланган одам эканлиги маълум бўлиб қолди. У диссертация ёқлаган экан, бу ҳол эса анча фойдали бўлиб, у... Хуллас, тўқликдан азоб чекар экан. Шунинг учун ҳам уялар эмиш... Ёши йигирма саккизда экан...

— Йигитлар, мен сизлардан каттароқман, лекин...

Маълум бўлишича, худди ана шу ажойиб одам вагонга икки шиша портвейн олиб келган экан. Шишаларни аллақачон бўшатиб қўйишди, фанлар кандидати Дурнусовнинг ташаббуси эса яхши хотира бўлиб қолди.

Қаердадир бошқа поездга кўчиб ўтишаётган пайти Женька Болотин сўради:

— Кечирасизу, қайси гуноҳингиз учун жазолашди?

— Умрим бино бўлиб мени ҳеч ким жазоламаган,— Женьканинг гапини тушунмай ҳайрон бўлиб деди Дурнусов.

Бу жуда ғалати эди. Биз-ку, гарчи димоғимиз осмонда бўлсаям, шунчаки чаламулла талабалармиз, манови янги сафарбар қилинган эса — фанлар кандидати!

Биз қаёқда-ю, у қаёқда!

Фанлар кандидати-я!

Балиқчилик хўжалиги бўйича экан...

Яна поезддан поездга кўчишлар.

Инженер Слава Холопов Киров заводидан экан.

Тўғри, Холопов уни танимайди ва таниши мумкин ҳам эмас, лекин Алёша ҳам Киров заводида ишлаган-ку, ахир...

Уларнинг орасида энг ғалати одам тарихчи Костя Петров бўлиб чиқди. У ўқишни Ленинградда эмас, Москвада тугатган экан. Педагогика институтида таҳсил кўрибди, илгарни «Петропаулешуле» жойлашган кутубхонада ишлабди, сўнгра уйланиб, Ленинградга кўчиб ўтибди.

Бир вақтлар Алёша Шиллерни ўқиб, қаттиқ ҳаяжонланарди, аммо у «Петропаулешуле»да ишлаган Костядан шеърлар тўғрисида сўраган эди, Петров хижолатга тушиб, ҳеч нима дея олмади.

Костя Петров содда йигит экан. Демак, тарихчилар орасида ҳам ўз йигитларимиз бор экан, дея ўйлади Алёша.

Командалари эса — ёмон эмас.

Ажойиб команда.

Ҳаммалигида «ГТО», «ГСО» нишонлари бор, Женька Волотин эса катталарники ёнига болаларнинг «БГТО» нишонини ҳам тақиб олибди.

Алёшада «Ворошилов мергани» ҳам бор. Бошқаларда йўғу унда эса бор.

Саккиз кишидан иборат команда қаергадир хизмат жойига кетишаяпти.

Қаерга?

Буни ҳеч ким билмайди.

Вокзалда у ойсини қандайдир ўнғайсизланиб елкасидан қучди.

Верани ҳатто дурустроқ ўпа олмади ҳам.

Юраги дов бермади.

Ҳарбий комиссариат вакили унинг қўлини маҳкам қисиб хайрлашди...

## IX

96-нчи тоғ ўқчилар дивизияси.

140-нчи артиллерия полки.

Бундай номлар, бундай сўзлар илгари Алёшанинг етти ухлаб тушига кирмаганди.

«Тоғ ўқчилар дивизияси!»

Воз устига, собиқ чет мамлакат!

Собиқ Польша!

Қаердадир шу атрофда Веранинг отаси ҳалок бўлган.

Алёша чет эл ҳақида фақат Ванда Василевскаянинг романлари бўйича биларди. Кейин яқингинада экранга чиққан «Орзу» фильми бўйича. Раневския, Кузьмина, Астангов, Плятт. Ажойиб фильм!

Львовдан ўтишаётганда уларга бу шаҳар жуда ғаройиб кўринди.

Перронда ўн ёшлардаги бир бола «Норд» папироси сотмоқда эди.

Саша унга насиҳат қилмоқчи бўлди:

— Сен, болакай, нима қиялсан ўзи? Уқиш керак, сен бўлсанг...

Башараси сўлиган қандайдир бир хоним дарҳол боланинг ёнини олди:

— Сиз ташвишланмай қўя қолинг — ҳалиги нимади, ўртоқми? — қани папиросни магазиндан топиб кўринг-чи!

— Шунни билиб қўйингки, мадам, — дея йўлини топди Сашка, — «Норд» совет папироси. Билмадим, илгари сизларда нима билан савдо қилишган экан...

Улар Станислав шаҳридан ҳам ўтиб кетишди.

Майли собиқ, кечаги Польша бўлса-да, бари бир чет элда юргандагидек ҳиссиёт тарк этмасди!

Горсковнинг фаҳмлашича, бу ҳол уларнинг ҳар бирига айри-айрича таъсир қилмоқда эди-ю, лекин унинг ўзи негадир муттасил бўёқлар тўғрисида ўйларди. Ҳа, Академияда ва эҳтимол, ундан илгарироқ ҳам ўзи чўчидиган, аммо йигитлар билан рекламалар чизаётганида матога осонгина суртилган бўёқлар унинг хаёлидан сира нари кетмасди. ВСХВнинг буюртмаси эса ниҳоятда катта эди. Саша билан Женёканинг стендлари, плакатлар... Шеърни эса улар Пушкиндан олишганди:

Дўстлар, бебаҳодир иттифоқимиз!..

Ойиси Москвада, ВСХВда бўлмаган. Маня бувиси ҳақидаю гапирмаса ҳам бўлади. Вера ҳам у ерга бормаган ва шу боисдан уларнинг умумий муваффақиятидан хабари йўқ. Алёша қизга бу ҳақида айтиб улгурмади, кейин унга буни айтишни истамади ҳам.

Кўргазмага Сталин, Ворошилов, Молотов, Жданов ва ВКП(б) Марказий Комитети Политбюросининг барча аъзолари боришибди.

Балким, шунчаки гапдиру, лекин аллаким, у ердаги нарсаларнинг бари Политбюро аъзоларига жуда ёқди, деди.

Айтишларича, чамаси, катта раҳбарлардан бири ҳатто ленинградлик безакчилар — архитекторлар, рассомлар ва улар каби Россия санъат Академиясининг чаламулла талабалари билан учрашиш истагини билдирибди. Ушанда уларни ВСХВнинг олтин нишонлари билан мукофотлашган эди.

Ленинградликлар шаънига турли яхши гаплар айтар экан, ўша катта ҳарбий раҳбар сўз орасида шундай дебди:

— Кўргазмани безашда рус адабиётидан фойдаланилгани ҳам ўртоқ Сталинга жуда ёқди. Масалан, Бош павильондаги Пушкиннинг «Дўстлар, бебаҳодир иттифоқимиз» мисралари...

Чин сўзи, бу мисрани Алёшанинг ўзи топган эди, лекин муҳимроғи, у керакли бўёқларни топа билганди... Москвада бўёқларни Ленинградга қараганда осонроқ топиш мумкин экан...

Аммо буларнинг бари мавҳум хотиралар.

Бу воқеалар кеча, ўтган куни, аниқроғи, юз йил илгари содир бўлган.

Ҳозир эса — 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизияси, 140-нчи артполк.

Саккиз кишидан иборат команданинг барча аъзолари хариталарни яхши тушунишмас экан. Уларнинг билимлари мактаб савиясида қолган бўлиб, биронтаси ҳам контурли харитадан бўлак ҳеч нимани билишмасди. Тўғри, бир вақтлар, шуни ҳам топиш амримаҳол эди. Глобус — харита эмас, лекин улар мактабда ўқишган пайтда бу ҳам анқонинг уруғи эди.

Бу ер эса Долина шаҳарчаси. Чамаси, Станиславнинг ёнгинасида бўлса керак.

Дивизия ва полк ҳам шу ерга жойлашган.

— Кейинроқ келсангиз ҳам бўларди, ўртоқ инженерлар, докторлар ва академиклар,— деди уларга қандайдир бир ҳарбий. Маълум бўлишича у клуб бошлиғи экан.

Уларни унчаям зориқиб кутишмаган экан, шекилли. Ҳар қалай, унинг гапидан шундай маънони уқса бўларди.

— Академиклардан уч кишимисизлар? Клубга марҳамат қилинглар! Қолганлар эса алоҳида буйруқ билан иш кўради... Ҳамонки машқ қилмаган экансизлар, эҳтимол, ўқув батареясига юборишар... Ёки ундан ҳам юқорироққа — штаб қошидаги полк мактабига йўлланма беришар! Ҳамма ҳарбий форма кийиб олсин! Кейин сочингларни ҳам олдиришлар! Яна ўзинглар биласизлару, лекин бутунлай олдириб ташлаганинглар маъқул. Клубимизга эса келиб туринглар! Кино кўямиз, кўрғазмали агитация, кейин қизлар билан танца тушиш дегандай...

Долина кичкинагина, ям-яшил, шинам ва қандайдир жуда хонаки шаҳар экан. Лойсувоқ деворлари яхшилаб оқланган бу шаҳарчанинг тош терилмаган кўчаларида товуқ ва ғозлар тентираб юришар, сигир ва бузоқлар ўтлаётган ялашгликнинг ўртасида мўъжазгина костелми, бутхонами — қаққайиб турарди. Уйларнинг деразалари сирень, шумурт, акас ва дукчўп новдалари ортидан кўринмай қолганди. Новдалардан тўқилган панжара деворларда қуритиш учун кувача ва хурмачалар осиб қўйилганди. Шаҳарчанинг қоқ ўртасида майдон бўлиб, у ерда ҳайбатли эман дарахти ўсарди. Айтишларича, бу дарахт салкам уч юз йилнинг бетини кўрган экан. Шу ернинг ўзида катта-катта заранг дарахтлари ҳам қад кўтарганди. Зарангларнинг беш қиррали йирик-йирик япроқлари яқинлашиб келаётган куз, тўғрироғи эса, тугаб бораётган ёз таъсирида заъфарон тус олиб қолган эди. Эман тагида пуштиранг

чўчка боласи тумшуғи билан кулгили қилиб ер титкилаганича болутёнғоқ изларди.

Уларнинг ҳарбий шаҳарчалари Долинанинг шундоқ ёнгинасига жойлашганди. Ўт-ўлан оёқ остида босилиб кетганди. Барча нарса ҳарбийлар яшашидан далолат бериб турарди. Бинолар оралиғига қум сепилганди, клуб олдидаги йўлка асфальтланганди.

Казармалар, бошлиқлар оиласи билан турадиган уйлар бир текисда қатор бўлиб саф тортганди. Нарироқда омборхоналар, тўплар сақланадиган бостирмалар ва отхоналар жойлашганди. Отхонанинг олдида эса на қум сепилган, на йўлка солинганди... Қора тупроқ отларнинг туёғи остида билқиллаб кетганди.

Улар Долина шаҳрига 1940 йилнинг биринчи август куни келишганди.

Уша куни ҳаво жуда иссиқ бўлиб, ҳаммаёқни солдатлар ва отларнинг ачимтир тер ҳиди тутиб кетганди.

Алёша отларни илгари ҳам кўп кўрганди, албатта. Ленинградда извошларга ҳам кўзи тушиб юрарди. Бир неча марта шаҳар ташқарисиди ҳам кўрган уларни. Алёшаларнинг оиласи ёз пайти баъзан шаҳар ташқарисиди ижарага чорбоқ олиб туришгувчи эди. Кейин йигит фин уруши пайти 25-нчи Октябрь проспектида ҳам устини қиров қоплаган, паст бўйли бўлса-да, лекин бақувват отларни тез-тез учратиб турарди. Улар бир томонга соғлом қизил аскарларни олиб боришса, у ёқдан ярадорларни олиб қайтишарди...

Бироқ 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизиясининг 140-нчи полкидагидек боқуви зўр ва ўзига бино қўйган отларни Алёша илгари кўрмаган эди.

Тарихчи Костя Петров, бир вақтлар Москвадаги «Петропаулешуле»да ўқиган Константин Михайлович нуқул отларга маҳлиё бўлиб, уларни мақтагани-мақтаган эди.

Унинг ўзи, яъни Алёша Горсков ҳам отларга қойил қолиб юрарди. Лекин, очигини айтиш керакки, улардан бир оз чўчирди ҳам.

Ленинграддан келган саккиз кишилик командани бир хилда ҳарбий формага кийинтиришди. Кейин ҳаммасининг сочини машинкада олиб ташлашди.

— Кость, айт-чи, немислар билан уруш бўладими, йўқми?— бу саволни негадир кўпроқ Костяга беришарди.

— Менимча, бўлмаса керак,— дерди жавобан тарихчи.— Уларнинг компартияси бақувват жуда! Тельман бор-а! Қўшиқларини айтмайсизми? Эйслер! Брехт! Эрнст Буш! Ва ниҳоят шартнома бор, ахир! Нақ Германиянинг

Ўзи билан-а! Молотов Германияга борган. Риббентроп эса Москвага келган...

— Шартнома ҳақида гапирмай қўя қол!— дерди чўрт кесиб Саша.— Бу шунчаки соф дипломатия, холос. Эҳтимол, биз учун фойдаси бордир, лекин бари бир... Немислар аллазамон Европанинг ярмини эгаллаб бўлишди, сен бўлсанг, «Менимча, бўлмайди», дейсан.

...Улар отлар билан танишиб бўлишганди. Отхонани ҳафсала билан роса тозалашди. Отлар ўрганмаганиданми, аввалига уларни тепмоқчи бўлишди. Эҳтимол, Ленинграддан келган бу янги одамлар ўшанда ҳали ҳарбий форма кийишмагани ва сочларини олдиришмагани сабаб бўлгандир бунга. Эскидан хизмат қиладиган ўз одамларига отлар мутлақо тегишмасди. Янги сафарбар қилинганларга хавфсираб қарашарди.

Алёша, Саша ва Женя клубда ярим кун вақтларини ўтказишди.

Лекин кутилмаганда бирдан уларни йўқлаб қолишди.

Клуб бошлиғи уларнинг ишидан мамнун эди-ю, аммо йигитларни олиб қолишга кучи етмади.

— Айтувдим-ку сизларга: ўқув батареяси деб! Ҳамонки машқ қилмаган экансизлар... Бошлиқлар билишади нима қилишни!

Уларни клубдан казармага — отхоналарни тозалаш учун олиб келишди-да, кейин, бешинчи куни ўзлари қатори янги сафарбар қилинган йигитлар билан бирга бутун ленинградлик командани шаҳарга, ҳаммомга бошлаб боришди.

— Смирно!— дея қичқирди старшина.— Ш-ша-гом арш!

Кейин оддийгина қилиб деди:

— Кетдик, йигитлар!

Шаҳар кўчаларида одам кам учрарди. Лекин, ҳар қалай, уларни кузатиб қолишарди. Одамлар уларга ҳатто деразалардан ҳам қараб туришарди. Қараганда ҳам кўрқув билан, баъзида эса ажабланиб, эҳтимол, синчковлик билан қарашарди: ахир, улар совет кишилари эди-да.

Алёша ва ленинградликлар бошқаларга қараганда, ҳар қалай, анча пўрим кийинишганди. Қолган йигитлар эса (улар қаердан келишган? Буни ҳозирча ҳеч ким билмасди!) эгниларига эски-туски кийимларини кийиб олишганди. Бейхтиёр Қизил Армияга жўнай туриб, бу йигитлар, бари бир ташлаб юборишади-ку, дегандек, энг расво кийимларини кийиб олишган бўлса керак, деган хаёлга борардингиз...

Ленинградда Алёша отаси билан Шчербаковский ҳаммомига боргувчи эди.

Женька Болотин ҳам Шчербаковский ҳаммомини дарҳол эслади:

— Отам у ерда пиво ичишни яхши кўрарди. Ҳаммом-мисан ҳаммом эди-да, ўзиям!

Саша Невзоров энди анча камтар бўлиб қолганди.

— Мен бўлсам Шчербаковский ҳаммомига сира ҳам бормаганман... Лекин Некрасов кўчасидаги Бассейнда бўлганман. Ҳар қалай, ёмон эмас. Айтишларича, илгари буржуйлар чўмилишар экан.

Уларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматга чақирилгач, бир оз маъюс тортишди, албатта. Айниқса, Сашага одамнинг раҳми келарди. Йўлда у қўлидаги барча буйруқлар ва ҳужжатлар билан командага раҳбарлик қилиб келганди. Ленинграддан чиқаётганларида ҳарбий комиссариатнинг вакили шундай қарор қилган эди. Энди бўлса...

— Буржуйлар Сандуновскийдаги ҳамда Москванинг Марказий ҳаммомида чўмилишарди,— дея ҳаммом мавзусини берилиб давом эттирди тарихчи Костя.— Москвада яшаётган пайтимизда мен отам билан ўша ҳаммомларга бориб турардим. Лекин Сандуновский Марказий ҳаммомга қараганда анча зўрроқ, албатта. Худди Елисейевскийдагига ўхшайди!

Тарихчи Петровни, яъни Костя, Константин Михайловични шу ерда, ҳаммомнинг ўзидаёқ сирини фош қилишди:

— «Петропаулешуле»ни ўйлаб чиқарганга ўхшайсан. Революциядан кейин қанақа «Петропаулешуле» бўлиши мумкин, ахир?..

— Отам ўша ерда ўқиган. Рост айтяпман!— дея ўзини оқлашга уринарди Костя.— Менинг ўзим ҳам немис тили группасига қатнаганман. Кейин йигирма тўққизинчи мактабга ўтиб ўқиганман. Бу мактаб Старосадский кўчасига жойлашган... Истасанглар, текшириб кўришларинг мумкин!..

Аммо чет элда (собик чет элда) жойлашган Долина шаҳридаги бу ҳаммом жуда қизиқ экан.

Ҳаммомда уларнинг сочларини олишди. Олишганда ҳам фақат бошларидаги соч билан чекланишмади. Ҳаммаёқларини қириб-қиртишлашди. Бу ўринда барча ўзига ўзи саргарошлик қилди. Кейин улар ўзларини буғлаб, маза қилиб чўмилишди... Йигитлар ўзларининг илгариги граждандча кийимларини бошқа кўришмади. Уларни чўлхат осилган қопларга жойлашди.

Старшина эски-тускиларни қопга жойлар экан, нуқул сўкинарди.

Ленинградликларнинг кийимига у бирмунча хотир-жамроқ муносабатда бўлди.

— Ҳартугур сизларнинг кийимларингиз дурустроқ экан!

Старшина ҳамон бошқалардан ажралиб турар, иши кўплигидан бўғриқиб, юз-кўзидан тер оқмоқда эди.

Унинг исми-шарифини ҳеч ким билмасди, негадир Алёша буни жуда билгиси келди-ю, лекин сўрашга ботинмади.

«Ўртоқ старшина»ми, «ўртоқ старшина»— яна нима керак унга.

Уларга кийилавериб, ювилавериб, сийқаси чиқиб кетган форма беришди. «ИК», кейинчалик маълум бўлишича, бу ҳарфлар илгари кийилган маъносини англатар экан. Кўпчиликка берилган кийимларнинг размери тўғри келмасди. Гимнастёрка, шим ва ботинкалар у ёқда турсин, ҳатто будёновкалар ҳам бошга сиғмасди. Ички кийимни айтмайсизми... У эгнингда ё чок-чокидан сўкилиб кетар, ёки полизга қўйилган тасқараники каби шалвираб осилиб турарди.

Старшина пишиқлик қилиб, ип билан игна олиб келган экан. Қўлидан келган йигитлар кийимларни у ёқ-бу ёғини бичиб-чатиб тўғрилай бошлашди.

Алёша будёновканинг чокидан сўкиб, орқасига қийиқ солди. Бянойидек бўлди. Шундан сўнг будёновка бошига сиғадиган бўлиб қолди. Ундан ўрнак олиб, бошқалар ҳам кийим-бошларини эплаштириб олишди.

Казармага улар энди ювинган ва форма кийган ҳолда қайтишди.

Старшина улардан хурсанд кўринарди.

— Қирқ минут дам оласизлар-да, кейин тушки овқатга чиқасизлар,— деди у паст овоз билан казармалар олдида сафни тарқатиб юборар экан.

Улар икки қаватли катларга чиқиб чўзилишди-ю, дарҳол ухлаб қолишди.

Тушки овқатга уларни аранг уйғотишди.

Тушликдан сўнг «тиним соати» бошлангани туфайли яна ётиб ухлашди.

Уйқудан кейин эса отхонага равона бўлишди.

Улар отхонани қўлларидан келганича яхшилаб тозалашга ҳаракат қилишарди.

Бироқ отлар ҳамон депсинишини қўймасди.

Лекин отлар жуда чиройли эди!

Негадир болалигида ҳам, кейинчалик Академияда ҳам Алёшага отларнинг суратини чизишга тўғри келмаганди.

У Аничков кўпригидаги барон Клоднинг бронзадан ясалган мағрур тулпорларининггина суратини чизганди.

Илгари у суратини чизмаган нарсалар оз дейсизми!

Стахановчилар портретини чизган, лекин Веранинг суратини-чи? Ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Энди эса, қизил аскарлик хизматининг биринчи кунларида буни эслаб, афсусланди. Ойисининг ҳам, Маня бувисининг ҳам суратини чизмаган. Энг муҳими, отасининг суратини чизиб олиб қолмаганини айтмайсизми! Бўлмасам, ўшанда бошқа одамларнинг суратини ҳазил-ҳазил билан оппалосон чизиб қўяверарди. Бунинг устига ёнида Женька Болотин бўлса, у шеър билан ҳар хил дўстона ҳазиллар ёзиб қўйгувчи эди.

Алёша ҳали уйига хат ёзмоқчи эмасди. Лекин Верага қисқагина мактуб йўллади. Хатида у шунчаки ўрни келиб қолгани учун айтгандек қилиб: «Бу ерда отлар бор экан. Шундай бўлганидан хурсандман...»— дея ёзиб юборди.

Эскидан хизмат қилаётган қизил аскарлардан отлар сира чўчишмасди. Эскидан хизмат қилаётганлар дейилганда армияга олинганига бир йилдан ошган йигитлар назарда тутилди. Старшина Хохлачевгаю (унинг фамилияси шунақа экан)— отлар, умуман, парво қилишмасди. Уларни ҳаммомга бошлаб борган юшоқ старшина аслида жуда қаттиққўл экан.

Қазармада ва айниқса отхонада у сира шафқат қилмасди:

— Қизил аскар Горсков! Нима қиляпсиз, ахир!— Шундан сўнг даҳшатли сўзларни айтарди:— Навбатдан ташқари икки наряд!

Нарядлар тинимсиз ёғилар, старшина ҳеч кимни аямасди.

Йигитлар отларни тозалашарди...

Алёшанинг қўлидан қашлоғич билан чўтка тушмасди. У шатак отни минувчи ва снаряд қутиси ёнида асосий ўқ узатувчи эди. Бу вазифалар унинг зиммасига отхонадан ташқарида, машқ пайтлари юкланарди.

Бу ерда эса у иккита отга қарайди. Костиль — айғир, Лира эса — бия. Бир жуфт жонивор. Улар ҳали Алёшага

қўниқишмаган. У эса икковининг орасидан ўтишигина эмас, балки уларни тозалаш ҳам керак.

— Қирянглар!— дея буюрарди старшина Хохлачев.

Улар отхонага киришарди. «Академиклар»га ҳам, «академик» бўлмаганларга ҳам — ҳар бирига иккитадан от бириктирилган...

Отлар пишқириб ер депсинишарди.

— Нима қиялпсизлар ўзи!— қичқирарди Хохлачев энди унга эмас, чамаси, Костя Петровга қараб, аммо отлар бу қичқириқдан чўчишмас, аксинча, тинчиб, ер депсинмай қўйишарди...

— Жонгинам, яхшигинам, бирпас жим тургин! Сен ҳам жонгинам, сен ҳам яхшигинам...— Алёша қўл остидаги жониворлар билан шундай гаплашарди.

Ҳар бир отни тозалашга бир ярим соат вақт кетарди. Унинг бутун гавдасини қашлаб, ювиш, жунини тараб, тартибга келтириш керак бўларди.

Узангиларни гишт кукуни билан тозалашарди. Бунинг учун аввал гиштни яхшилаб туйиш, кейин узанги ялтирагунича у билан ишқалаш лозим бўларди.

Акс ҳолда, старшина Хохлачев ишни қабул қилмасди.

Ана унда яна:

— Навбатдан ташқари икки наряд!— деган буйруқ эшитиларди.

Аввалига беришаётган овқатлари бемалол етиб турди. Ҳатто овқат керагидан ортиқроқ кўринарди. Кейинроқ эса навбатдан ташқари наряд олинганда, ошхонага тушиб қолиш катта бахт ҳисоблана бошлади...

Улар бу нарядларни ғойибдан келган неъматдек қабул қилишарди.

Ҳар кун улар от минишни машқ қилишарди.

Биринчи марта от минганида Алёша йиқилиб тушди.

У ер-бу ери лат еди-ю, лекин санчаства боришга зарурат бўлмади.

Бошқалар қаттиқроқ йиқилишди.

Плацда саф тортиб юришни машқ қилишмаган куннинг ўзи йўқ эди.

Юзлаб солдат этиклари билан топталган плац чангиб кетарди. Фақат унинг четларидагина нимжон гиёҳлар ўсган бўлиб, у ҳам чанг босганди. Деворлар ёнида қичитқи ўт билан мевасиз малина буталари ўсиб ётарди. Уларни ҳам чанг қоплаганди.

Кейин яна отхонада иш бошланарди.

Аста-секин отлар уларга кўника бошлашди.

Алёшанинг отлари уни танийдиган бўлиб қолишганди.

— Клуб бошлиғи менга сизларнинг ҳаммангиз рас-  
сомлар, академиклар эканинги айтган эди,— деди бир  
күни старшина Хохлачев.— Бундай разм солсам, сен ан-  
ча ҳаракат қиляпсан. Демак, бизнинг қизил аскарлик  
ишимизнинг аҳамиятини тушунар экансан...

Алёша ўша күни отхона бўйича навбатчи эди.

Кечқурун у оинси билан Маня бувисига хат ёзди. Ўзи-  
нинг янги ҳаёти ҳақида уларга анча-мунча нарсани ҳи-  
коя қилди. Кейин Верочкага иккинчи мактубни йўллади.  
Буни ҳам қисқагина қилиб ёзди. Хатининг охирида эса,  
ёзиб тур, дегандек шама қилди. Лекин ҳозирча у ҳали  
ҳеч кимдан хат олмаганди. Дарвоқе, бунга ўзи айбдор:  
уларга адресини эндигина юборяпти...

Ёз ойлари ўтиб кетди. Куз ҳам ортда қолди. Улар ас-  
та-секин армия хизматига кўникишди. «Петропаулешу-  
ле»ни ўйлаб чиқарган Костя Петров ҳам ўзгариб қолди...

Улар желани — отлар боғланадиган говни ўзлашти-  
риб олишди. Қостиль билан Лира Алёшага ўрганиб ке-  
тишди. Мирон, Пора, Полуша, Олифталар ҳам ундан бе-  
гонасирамай қўйишди. Йигитлар яна отларга исм қўйиш  
тартибини ҳам билиб олишди. Улар исм шажараси ва  
алфавит бўйича қўйилар экан. Отаси киму онаси кимли-  
гига ҳам эътибор бериларкан... Маълум бўлишича, отлар-  
нинг ҳам ўз системаси бўлар экан.

Бажариш жуда оғир бўлган буйруқларни ҳам ўзлаш-  
тириб олишди.

— Отларга юкланилсин!

Бу ишга саккиз минут вақт бериларди.

Қисмларга ажратилган тўп отларга ортиларди.

— Филдиракларга юклансин!

Етти минутда бажариш керак бу ишни.

Филдираклар хизматини оёқлар бажаради. Отлар-  
нинг оёқлари ва ўзларининг, қизил аскарларнинг оёқлари.  
«Филдирак-оёқ», ёки эҳтимол, «оёқ-филдирак» сўзлари-  
ни Слава Холопов ёки Ваня Дурнусов ўйлаб топишган  
эди, шекилли...

1940 йилнинг декабрь ойига поход белгиланган эди.

Бутун 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизияси. Уларнинг  
140-нчи артиллерия полки ҳам.

Жанговар тревога.

Биринчи чинакам поход.

Деярли жанговар ҳолат.

Қаёққа, қачон, нима учун? Буни ҳеч ким билмайди.

Лекин командирлар билишади, албатта.

Қаҳратон қиш. Жуда қалин қор ёққан.

Тоғлик жойлар, тўғрироғи, тепаликлар.

Йўллар расво.

Отларнинг бёғи сирганиб кетар, жониворлар қорга тиқилиб қолишарди. Снаряд қутиси силкиниб, орқага сирланар, одамни пастга тортарди...

У, Алёша — «асосий ўқ узатувчи» ана шу қути учун жавобгар. «Асосий ўқ узатувчи» деган сўзларнинг маъносини чамаси, эндигина тушуниб етди ва старшинанинг илгари унинг учун мавҳум бўлган бу сўзлари энди муайян маъно касб этди...

Тўпларни сургаб кетаётганларнинг иши янада мушкулроқ эди. Женя, Саша ва Костялар билан бирга бошқаларга ёрдам бериш учун тўхташарди.

Отларнинг силласи қуриб, тўхтаб қолишарди. Шунда юкни ўзлари тортишларига тўғри келарди...

Қорнинг қалинлиги деярли ярим метр келар, нақ қўриқнинг ўзгинаси эди бу ерлар.

Осмонни булут қоплаганди. Урмон қорга бурканиб ётарди. Тепаликларнинг охири кўринмас, жарликларда тўлланиб қолган қорга фарқ бўлиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Отлар йиқилишар, қорга ботиб кетишарди. Уларни тортиб чиқаришга тўғри келарди.

Бу юришда улар, кейинчалик маълум бўлишича, Каменец-Подольска боришган экан. Қор оралаб, тепаликлар оша улар юриб бўлмайдиган йўллардан уч юз километр масофани босиб ўтишибди. Тунаш чоғи улар иккита плашч-палаткадан битта палатка яшашарди. Гулхан ёқишга рухсат беришмасди. Бир амаллаб исинишга тўғри келарди. Икки тунни уйқусиз ўтказишди, кейин учинчи кеча ҳам шунда: бўлди. Сўнгра ёмғир ёғиб, тунда яна совуқ тушди!

Старшина Хохлачев нуқул бақиргани-бақирган эди:

— Отларнинг териси чақа бўлиб кетди! Тушуняписизларми, йўқми? Ҳеч бўлмаса отлар ҳақида ўйланг, ахир! Отнинг чақа бўлган жойи ярага айланиши, қонталаш бўлиши мумкин... Эгарлашни ўргансаларинг бўларди энди. Еш бола эмассизлар-ку! Ҳадемай уруш бошланиб қолиши мумкин!

Поход пайти у ер-бу ерини совуққа олдирган одамлар ҳам бўлди. Оёқлар шилиниб, қонталаш бўлиб кетди.

Лекин Каменец-Подольска барча етиб борди.

Уларнинг расчёти деярли талафот кўрмади, тўплар юкланган отларни бошқариб бораётган уч шатакчи, Костиль билан Лира тортиб бораётган снаряд қутилари ёнида яна уч киши, командир, ўқ узатувчи ва ўқловчи кўз-

лаган манзилга эсон-омон етиб боришди. Олти отдан биронтаси ҳам йўлда панд бермади.

Каменец-Подольскда қисмларга ажратилган тўпларни йиғишди. Аммо ўқ узишга тўғри келмади.

Расчёт командири Дудин уларни мақтади:

— Баракалла, айниқса янги қизил аскарлар яхши ишлашди!

Политрук Серов унинг гапини қувватлади:

— Сизларнинг расчётингиз вазифани дуруст бажарди.

Рота командирининг ёрдамчиси Валеев ҳам унинг фикрига қўшилди.

— Яшанглар, шоввозлар!

## XI

Декабрь.

1941-нчи йилнинг январи.

Февраль, март ва апрель.

Қиш худди баҳор каби анча юмшоқ келди. Тунлари хиёл совуқ тушар, тонг чоғи уфқ ортидан ярқираб қуёш кўтарилар, кундуз кунлари мовий осмонда кезаётган офтобдан борлиқ жаҳон яшнаб кетарди.

Апрель ойида куртаклар нафис япроқ ёзди. Намиқиб ётган қора тупроқ ичидан майсалар ниш урди-ю, ҳаммаёқ кўм-кўк гилам тусига кира бошлади. Қушлар жуда эрта учиб келишди. Ундай деса, улар умуман ҳеч қаерга учиб кетишмагандек эди. Улар кун исиб кетганидан қувониб, оламини чуғур-чуғурга тўлдириб юборишди. Лайлактар пайдо бўлишди. Улар омбор ва отхоналарнинг томларига қўнишиб, ҳеч кимга эътибор бермай, ин қуришга киришиб кетишди.

Дала ва полизларда, боғ ва кўчаларда ниш қизиб кетди. Одамлар қиш кези ўнқир-чўнқир бўлиб кетган кўчаларни текислаб, далага гўнг ташишар, ер чопиб, жўяк тортишарди.

Мактабга қатнайдиغان болалар иссиқ кийимларини ечиб қўйишганди.

Ойиси билан Верадан хат келиб турарди. Гарчи, ўша-ўша қисқа ёзиши бўлса-да, у ҳам канда қилмай жавоб ёзиб юборарди.

Алэшани маълум муддатга яна клубга ишга олишди. У Саша билан Женя олдида ўзини ноқулай сезарди-ю, аммо буйруқни бажармай иложи йўқ эди. Йиғит отхонадаги ишидан, қадрдон бўлиб қолган отлари Костиль билан Лирадан вақтинча бўлса-да, ажралгиси келмасди.

Гарчи, отхонада отлар бир юз йнгирмата, навбатчилар эса түрт кишигина бўлса-да, бари бир, Алёша навбати бўлган кезлари ўзини у ерда яхши ҳис этарди...

Клубда кўргазмали агитация билан шуғулланишга тўғри келди. Кейин шрифт ёзишни ҳам ўрганди — турли-туман уставларни кўчириб ёзиш лозим эди.

Ёқасига битта кубик таққан ва ёши ўттизларга бориб қолган клуб бошлиғи Алёшага нуқул гамхўрлик қиларди. Унинг фамилияси Кучкин экан. У илтифот кўрсатган сари Алёша ўзини ноқулай ҳис этарди.

— Горсков,— дерди Кучкин деярли кечирим сўраган-дек қилиб,— яқинда бизда чавандозлар мусобақаси бўлади... Ўзинг ҳам биласан бунди. Нима қилсак экан? Нишон ясай оласанми? Сенсиз қўлимдан ҳеч иш келмайди... Бошлиқлар дегандай... Ғолибларга нимадир топшириш керак-ку, ахир.

Кучкин билан бирга чавандозлар мусобақасининг ғолиблари учун нишонлар ясашди.

Ҳар қалай, дурустгина чиқди.

Нишонларни улар консерва банкаларидан ясашди, зеро бу банкаларнинг тунукаси яхши эди.

Алёша эса бу орада хизмат сирларининг тагига етиб борарди. Аввало, унвон белгиларининг турларини яхши билиб олди: рота командири — Валеевнинг ёқасида иккита кубик бор. Батарея командирлариникида эса учта кубик. Дивизион командирининг ёқасида — шпала.

Дудин — расчёт командири, взвод командирида эса битта кубик бўлади. Клуб бошлиғи Кучкинда ҳам битта кубик бор.

Оддий қизил аскар бўлмиш ўзларида ҳеч қандай нишон йўқ, шу боисдан ҳам ҳар қандай кубик таққан одам улар учун — бошлиқ.

Шпала таққани — жуда катта бошлиқ!

Гарчи, нишонлар аллақачон тайёрлаб қўйилган бўлса-да, чавандозлар мусобақаси ҳали ҳозирча ўтказилмаётганди, аммо Биринчи май шарафига граждандан аҳоли иштирокида кеча тайёрланмоқда эди, шу сабабли Алёшанинг Кучкин билан кечасию кундузи ишлашига тўғри келди. Алёша отбой пайти казармага етиб бориш у ёқда турсин, баъзан овқатланишга ҳам улгурмасди. Улар Кучкин билан бирга клуб бошлиғининг командирлик улушидан апил-тапил тамадди қилиб қўя қолишарди.

Биринчи майда Каменец-Подольскда парад ҳам бўлиши лозим эди. У ерда ҳам граждандан аҳолиси учун плакатлар чизиб, шиорлар ёзиш вазифаси турарди.

Онаси дан ўттиз сўм пул келганди, Алёша уни уч кун деганда зўрға олди-да, клуб бошлиғини бирор йўл билан хурсанд қилиш ниятида, қандайдир гуцулдан анча қимматга бўлса ҳам чўчқа боласини харид қилиб, кичиккина зиёфат уюштирди. Бу йиғинга у Кучкин лозим топган одамлардан ташқари Невзоров, Болотин ҳамда ўзининг эски қадрдонлари Дурнусов, Шумов, Холопов ва Петровларни таклиф этди.

Улар қитдек-қитдек ичиб, чақчақлашиб ўтиришар экан, гап нуқул клубда Биринчи май байрамига аталган кўргазмали ташвиқот ҳақида ва Каменец-Подольскда бўладиган парад пайти граждан аҳолиси учун мўлжалланган худди шундай ташвиқот тўғрисида кетди.

Шундай ширин суҳбат қуриб ўтиришган бир пайтда клубга бирдан старшина Хохлачев отилиб кирди:

— Сизлар бу ерда нима қиляпсизлар ўзи? Отларга ем берилмаган, отхона тозаланмаган, сизлар бўлсангиз,— шундай дея у ижирганиб, бурнини жийирди,— бу ерда маишат қилиб ўтирибсизлар... Яна манови одам билан...

У очиқдан-очиқ клуб бошлиғига ишора қилмоқда эди...

— Ҳали кўрсатиб қўяман сизларга!— дея жазаваси тутиб қичқирди илгари жуда мулойим гаплашадиган старшина Хохлачев.

Шундан сўнг у югурганича клубдан чиқиб кетди.

— Қандайдир хатога йўл қўйдик шекилли,— деди клуб бошлиғи Кучкин.— Ёки уни ҳам таклиф қилишимиз керакмиди!.. Билмадим, билмадим...

Алёша ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзини айбдор ҳисобларди. Ахир, чўчқа боласини у сотиб олганди-да. Қаёқдан ҳам бунақа танги бўлиб кетди ўзи? Шу чўчқа боласини ўйлаб топиб, ҳаммага, айниқса, Кучкинга панд бериб ўтирибди...

Эртаси куни Алёшани клубдан чақириб олишди ва камари ҳамда обмоткасини ечиб олиб, беш суткага гаувахтага — «губа»га қамашди. «Губа»да қандайдир гуноҳи учун жазоланган яна бир қизил аскар ўтирган экан. Улар негадир фақат бир мавзуда: «Уруш бўладими ёки бўлмайдими?...»— сўзлашишди.

Йигитлар «губа»га келиб туришди-ю, бироқ уларни ичкари киритишмади. «Губа» эса яхши жой экан. Унинг одатдаги хизмат биноларидан фарқи йўқ эди-ю, лекин эшик олдида соқчи қўйилганди. Бу ерда озодликда юрганларга қараганда қайтангга кўпроқ овқат беришар экан. Армияда хизмат қилаётган солдат зотининг эса доим овқат егиси келаверади. Эҳтимол, хасис гуцулдан

онаси юборган пулга чўчқа боласини сотиб олиш ҳақидаги анови лаънати фикр унинг миясида шунинг учун ҳам пайдо бўлгандир?..

Аммо бундай бемаъни алфозда бекор ўтиришдан одамнинг юраги сиқиларди. Алёша ўзининг аҳмоқона феълини билар, ўзига ўзи: «Бўлди, кўп сиқилаверма!»— деб юз карра такрорларди-ю, аммо бари бир «губа»да ўтираверишдан дили хуфтон бўларди. У хижолатга қўйган ўртоқларини, Кучкинни, ўзига қарашли отлар — Костиль билан Лираларни ўйлаб ачинарди.

Биринчи май арафасида Алёша казармага қайтиб келди.

Ҳаво анча исиб кетибди. Шумурт билан сирень гуллай-гуллай деб турарди. Майсалар орасидан момоқаймоқ ва айиқтовон гуллари бўй чўзмоқда эди. Уйларнинг деразалари дарахтларнинг япроқлари ва навниҳол буталар ортида кўринмай қолганди, деворларга печакгул чирмашиб чиқа бошлаганди.

Қудуқлар тепасида занжирларини шақирлатиб, чигириқлар ғийқиллар, кўчаларда ғозу ўрдаклар ғақиллар, товуқлар қуқулашганича янги очган жўжаларини эргаштириб юришарди.

Гилдираклари яхши мойланмаган араваларда далага уруглик дон ва кўчат ташишар, ёшу қари аравакашлар эса қамчилларини чарсиллатиб боришарди.

Мана, Каменецк-Подольскда бўладиган парадга жўнаш вақти ҳам келди...

Алёшанинг отлари — Костиль билан Лира ўзларини жуда яхши тутишди. Улар йўлда ҳам, парад пайти ҳам асовлик қилмай чиройли юришди.

Кечқурун Долинага қайтишди. Клубда тантанали мажлис бўлиб, нутқлар сўзланди, кейин танца бошланди. Деворларга Алёша чизган шиор ва плакатлар осиб қўйилганди. Фақат Кучкин кўринмасди. Айтишларича, уни бир неча кунлик уй қамоғи билан жазолашган эмиш. Уйда эса унинг оиласи — хотини билан икки яшар қизи бор экан... Ҳеч ким, жумладан, Алёша ҳам, буни билишмасди.

Қизил аскарлар деярли танца тушишмади. Кичик командирлар журъат этишди-ю, лекин ўшалар ҳам ийманибгина тушишарди. Маҳаллий қизлар кавалерларнинг таклиф қилишини кутиб туришди-туришди-да, охири бўлмагач, ўзлари жуфт-жуфт бўлиб танца туша бошлашди.

Духовой оркестр фақат вальс куйларини чалмоқда эди. Кейин бирдан замонавий танго ва Утесов қўшиқлари

куйларини ижро этишга ўтишди. Буларнинг орасида «Кувноқ йигитлар» ва машҳур «Менинг муҳаббатим» фильмларидаги қўшиқлар ҳам бор эди.

Ўйин-кулги, ҳазил-ҳузул авжида эди-ю, аммо гап нуқул:

— Нима дейсан, уруш бўлармикин ёки йўқми?— деган битта саволга бориб тақаларди.

Йигитлар казармага отбойдан сўнг анча кечикиб қайтишгач, энди жойларига ётиб мудрай бошлаган ҳам эдиларки, бирдан навбатчи қичқириб қолди:

— Подъём! Уртоқ дивизион командири!..

Катларнинг иккала қаватида ётган солдатлар сапчиб ўрниларидан туришди...

— Секинроқ, навбатчи! — деди дивизион командири.— Уларни бекорга уйғотдингиз. Менга ҳамма керак эмас... Майли, йигитлар ухлайверишин. Лекин Горсков менга керак. Болотин билан Невзоров ҳам... Кучкин-чи, у шу ердами?

— Худди шундай!

Кучкин навбатчининг орқасида турган эди.

— Яхши, — деди дивизион командири. — Мен сизни озод қилишларини илтимос қилдим... Қани, ташқарига чиқайлик-чи... Раҳмат, навбатчи. Йигитлар эса дам олаверишин.

Улар ташқарига чиқишди.

Казарма олдида дивизион командири деди:

— Ҳаммангиздан кечирим сўрамоқчиман. Аҳмоқлик ҳаммаёқда бор, бизларда ҳам йўқ эмас... Қизил аскар Горсков, сиз клубдаги кўрғазмали ташвиқот ҳамда Каменец-Подольскдаги парад учун шиор ва плакатларни жуда яхши чизибсиз. Қизил аскарлар Невзоров ва Болотинларга ҳам яхши хизматлари учун қўмондонлик номидан миннатдорчилик билдираман! Раҳмат сизларга, йигитлар! Сизнинг масалангизга келсак, Кучкин, тўғри ахборот, бера билиш керак! Энди Хохлачев тўғрисида икки оғиз гапирай. Уни чақимчилиги учун ишдан олдим. Сизлар билан бирга оддий қизил аскар бўлиб хизмат қилади. Олдинда бизни жиддий синовлар кутяпти, умид қиламанки, сизлар бунни тушунсангиз керак. Энди эса бориб ухланглар! Эртага оғир кун бўлади. Дивизия командири ҳам, полк командири ҳам сизлардан хурсанд бўлишди...

Улар казармага қайтишиб, анчага довр бўлиб ўтган воқеани муҳокама қилишганича ухлаёлмай ётишди.

— «Шпала» ақлли одам экан! — дея такрорларди нуқул Женька Болотин.

«Шпала» — дивизион командири Сухов (унинг фамилияси шундай эди) — уларнинг ҳаммасига ёқиб қолганди.

Деразалар ортида тун сукунати ҳукмрон эди. Дарахт япроқлари оҳиста штирлаб турар, аҳён-аҳёнда аллақандай қушларнинг сайраши эшитилиб қоларди. Осмонда юлдузлар гужгон ўйнарди. Ойнинг шуъласи дарахтларнинг қалин шох-шаббаси орасидан казармаларнинг томлари, теварак-атрофдаги йўлка ва сўқмоқларга парча-парча бўлиб тушиб турарди. Ўрмон, ўт-ўлан, бултурги хазон, отлар ва этик мойининг ҳиди келиб турарди...

Эртасига эрталаб, 1941 йилнинг иккинчи май куни дивизия, полк, дивизион ва батареяларнинг барча бўлинмаларида:

— Саф тортинг! — деган буйруқ янгради.

Бундай буйруқлар тез-тез такрорланиб турарди. Қизил аскарлар бундай буйруқларга ўрганиб қолишганди. Хизматнинг дастлабки кунлари шошганларидан лаббай топилмай қоларди. Тунда шошқич оёққа турғазган кезлари Алёшанинг ўзи ҳам, бошқа йигитлар ҳам обмотка туфайли панд еган пайтлари кўп бўлганди. Алёша-ку бир нави-я, Проля Кривицкий билан Серёжа Шумовларнинг ҳоли вой эди. Улар фақат тунги подъяёмлардагина эмас, балки эрталаблари ҳам обмотка ўрашга қийналишарди. Турган гап навбатдан ташқари нарядлар ҳам бўлиб турарди.

Бу гал эса «саф тортинг» деган буйруқ қандайдир бошқача эшитилди.

Саф олдида ўзларининг командирларидан ташқари политрук Серов билан дивизион командири Суховлар ҳам пайдо бўлишди.

Комбат Егозин:

— Бугунги кундан эътиборон биз бешинчи батарея ҳисобланамиз, — деди. — Тўртта тўп расчёти, алоқа взводи ва разведка. Лейтенант Дудин билан рота командири ёрдамчиси Валеев сизларга тафсилотларни тушунтиришди. Тушликдан сўнг биз янги жойга жўнаймиз. Тушки уйқу бўлмайди. Ун бешу ўттизда «Юклансин!» командаси берилади. Саккиз минутдан сўнг эса: «Гилдиракларга юклансин!» Ҳаммаси тушунарлими?

Собиқ старшина Хохлачев сафда, Алёшадан бир одам нарида турарди.

Серов билан Сухов «тушунарли» деб сафнинг тарқалишига рухсат беришди.

Ҳаво жуда исиб кетганди. Одамлар ҳам, отлар ҳам жиққа терга ботишди. Гимнастёркалар тердан намиқиб, олачипор бўлиб қолганди, отларнинг сағриси ялтирарди.

Эшелонга жойлаша бошлашди. Аввал отларни чиқаришди, кейин тўпларни юклашди, охирида эса ўзлари вагонларга чиқишди. «Юклансин!» ва «Гилдиракларга юклансин!» командалари бажарилди. Станцияда эса бошқача—юкларни тушириш ва тўпларни отлардан ажратиш ҳақида командалар берилди...

— Қаёққа кетяпмиз ўзи?

— Уруш бошландимикин?

Йўлда аниғини билиб олишди: чегара яқинига кетишаётган экан. Чамаси, Черновицига бўлса керак. Собиқ чет эл уларни энди хизматнинг илк пайтидагидек ҳайратлантирмасди.

Ниҳоят, эски хизмат қилувчилар билан аралаш-қуралаш бўлиб, тенг бўлиб қолишганди. Командирлар ҳам энди уларни эскию янгига ажратмай қўйишганди, мабодо бирор кор-ҳол рўй берган тақдирда ҳам кўпроқ ёшларнинг ёни олишарди.

Улар узоқ йўл юришди. Йўлда отларга ем беришди. Ҳар бир отнинг бўйига биттадан тўрва илишганди. Илгари эса бир тўрва сули иккита отга бериларди.

Алёшанинг Костиль билан Лираси силкиниб кетаётган поездда ҳам уни яхши танишарди. Жониворлар чўчишар, нам лаблари билан қўлга интилишарди. Отлар ҳуркишсада, лекин ўзларини хотиржам туттишарди. Ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади.

Улар ниҳоят етиб борган жойнинг номи Қути экан.

Чегара қаердалигини ҳеч ким билмасди, аммо уларнинг 140-нчи полкларининг командири гарнизон коменданти қилиб тайинланганидан ҳамма дарҳол хабар топди. Дивизиянинг қолган қисми эса қаергадир бошқа жойга жўнаб кетди. Қутига фақат уларнинг полклари жойлашди. Дивизионлари ҳам шу ерга жойлашди, албатта.

Шаҳарча мўъжазгина бўлиб, уйларнинг аксарияти ёғочдан қурилган эди. Аҳён-аҳёнда пахсадеворли уйлар ҳам учраб қоларди. Томлар, асосан, сомон билан ёпилганди. Шифер ва айниқса тунука томлар анқонинг уруғи эди. Одамлар эса деярли кўринишмасди.

Лекин дов-дарахт Долинадагидан ҳам кўп экан. Шаҳарча заранг ва қайин, шумтол ва эман, каштан ва қаёқдан келиб қолганини ҳеч ким билмайдиган оқ қайинлар билан тўла эди. Қайинлар ҳали ёш, танаси ингичка бўлиб, майда-майда япроқлари қуёш нурида товланиб турарди.

Қути гуё улкан ўрмон ёки хиёбонга жойлашгандек туюларди. Шаҳарчани биттагина йўл кесиб ўтарди. Қолганлари эса дарахтлар ва бутазорлар орасидан, бақувват

илдизлар оралаб кетган шунчаки сўқмоқлар эди. Кекса дарахтларнинг у ер-бу ерида илдизлар сўқмоқларнинг сиртига туртиб чиққан бўлиб, қандайдир баҳайбат илонларни эслатарди.

Уй олдидаги боғчаларда печакгул чирмашиб ётар, уларнинг ортида эса иссиқдан сал қорайган боғ ва полизлар кўзга ташланарди. Қарамлар оппоқ оқариб турар, улкан қовоқлар ва уруғликка қолдирилган бодринглар сарғайиб ётарди. Омборлар ва оғилхоналар ёнида қичитқи ўт ва хўжағат буталар ўсиб ётарди.

Қуёш нурлари дераза ойналарида акс этиб товланар ва қудуқлар тепасида бирдан митти камалаклар ҳосил бўларди. Бекалар челақларини кўтариб, уйларига равона бўлишгач, бу камалаклар қандай кўққисдан пайдо бўлишган бўлса, худди шундай кўздан йўқолишарди.

Шаҳарчанинг ўртасида деярли ўйинчоқ мисол миттигина ибодатхона кўзга ташланарди. Ибодатхонанинг қуббасига католик бут ўрнатилган бўлиб, кираверишда эса яна қандайдир олачипор қилиб бўялган маъбуданинг ҳайкали қўйилганди. Исо пайғамбарнинг ҳайкали ҳам худди шундай бачкана қилиб бўялганидан вақт ўтиши билан қорайиб кетган бутга сира мос тушмай турарди.

Отхона ва омборларни казарма қилишга мўлжаллаб қандай тозалаганлари Алёшанинг бир умр эсида қолди. Катларни уч қават қилиб қуришди. Отларни боғлаш учун желалар ўрнатишди. Ўзлиги эса ҳозирча очиқ ҳавода ухлашарди — зеро, кун иссиқ эди. Гарчи, ечинмай ётишсада, фақат эрталабга яқин устиларига шинелларини ёпиб олишарди.

Ҳа, бу ерни Долинага қиёслаб бўлмасди...

Долина жаннатнинг ўзгинаси эди-да, ахир!

Аммо ҳозир боғ-роғлар гуллаган, ҳаммаёқ яшил либосга бурканган июнь оғи эди. Қуёш жуда барвақт кўтарилар ва эрталаблари тўйиб ухлашнинг имкони бўлмасди. Улар уйқуга кеч ётишар, соат беш-олтиларда эса ўринларидан туришга мажбур бўлишарди. Барвақт кўтарилган қуёш фақат Костя Петровгагина таъсир қилмасди. У индида ётган юмронқозиқ каби пишиллаб ухлайверарди.

Кечаги ленинградлик «академикларни» ҳеч ким эсламай қўйганди, ҳарбий шаҳарча территориясидаги кўргазмали ташвиқотни энди бошқа одамлар тайёрлашарди.

Улар энди асосан отлар билан шуғулланишарди. Жониворлар янги жойга хотиржам кўниқишмоқда эди, лекин баъзан бирдан ер депсиниб қолишарди.

Уқув машқлари ўтказиларди. Яна «Юклансин!» сўнг-  
ра «Гилдиракларга юклансин!» — деган командалар ян-  
гарди.

Улар ўз услубларини ихтиро этишди, бошлиқлар эса  
бундан беҳабар эди.

Бу услубда энг муҳими қизил аскарнинг бўйи баланд  
ёки пастлигида эди.

Саша, Женя, Серёжа Шумов каби бўйи пастроқ йигит-  
лар тўпни қисмларга ажратиб, бўлажак «юкни» тайёр-  
лашарди. Алёша, Костя, Ваня каби бақувватроқ ва новча-  
роқ йигитлар эса қисмларга ажратилган тўпларни отлар-  
га юклашарди. Зеро, отлар анча баланд бўлиб, pakanароқ  
одамнинг уларга бўйи етмасди.

Шаҳарчани, чамаси, тўппа-тўғри тоғнинг аллақасери-  
дан оқиб тушадиган ва суви ниҳоятда муздек бўлган кич-  
кина бир анҳор кесиб ўтарди.

Улар отларни ана шу анҳорда чўмилтиришарди.

Ўзлиги ҳам муздек сувда чўмилиб, баданларини чиниқ-  
тиришарди.

Сиёсий машғулотларда борган сари очиқдан-очиқ га-  
пирадиган бўлиб қолишди:

— Фашистлар Германияси... Адольф Гитлер... Экспан-  
сия... Мюнхендаги тил бириктириш... Англо-француз бло-  
ки... Франциянинг мағлубияти... Петеннинг хиёнатиди... Дунё  
буржуазиясининг кирдикорлари... Польша — фақат бош-  
ланиши...

Барча қизил аскар ва командирларга медальонлар  
беришди. Уни гимнастёрка тагидан кўкракка осиб юриш  
лозим бўларди. Медальоннинг ичига эса эгасининг фами-  
лияси ва исм-шарифи ёзилган қоғоз солиб қўйиш керак  
эди.

Женька Болотин ўзича аския қилмоқчи бўлди:

— Улимга маҳкум одамларнинг паспорти...

Аммо унга ўшқяриб беришди.

Женька дарҳол жимиб қолди.

Костя Петров энди Германия билан тузилган шартно-  
ма тўғрисида гапирмай қўйганди.

Машғулотлар кечасию кундузи давом этарди. Агар  
кундуз куни машқлар ёки жанговар тревогалар туфайли,  
гревогалар энди фақат жанговар деб аталарди, вақт  
етишмаса, сиёсий машғулотлар тунда, отбойдан сўнг  
ўтказиларди.

— Нимадир бўладиганга ўхшайди,— дерди авваллари  
жуда мулойим бўлган Проля Кривицкий.

— Нима, сенга гидравлика етишмаяптими? — дея ҳазиллашарди Слава Холопов.

— Гидравликанинг бу гапга нима алоқаси бор?— дерди жаҳл-ла Проля.

— Энди энг муҳим нарса гидравлика эмас, текстиль бўлади, шундайми?

Бу гапни Серёжа Шумов айтган эди.

— Текстилни, текстиль эмасми, лекин аҳвол чиндан ҳам жуда жиддий. Сизлар бекорга бундай аския қиляп-сизлар...

Бу гапни эса Ваня Дурнусов айтди.

— Жуда доно йигитсан-да! —деди унга жавобан Саша Невзоров. — Ҳақиқатан ҳам фанлар кандидати, профессорсан-да, ўзингам.

Ҳамма негадир энг тажрибали одам сифатида Алёшага мурожаат қиларди:

— Ахир, сенинг отанг фин урушида ҳалок бўлган-ку...

Женька бўлса яна қўшимча қилиб дерди:

— Кейин Вераининг отаси ҳам ҳалок бўлган. Қаердадир шу ерда, Гродно ёнида, шекилли...

Гўё, аввалроқ бўлса-да, ҳар қалай, урушда яқин одамини йўқотган Алёшанинг тажрибаси бирор жиҳатдан уларга нафи тегадигандек ёки унга таяниб туриб, бирор нарсани олдиндан билиш мумкиндек эди.

Ҳатто собиқ старшина Хохлачев ҳам баъзан ундан сўраб қоларди:

— Нима дейсан, Горсков, уруш бўлармикин ёки йўқми?

Бу гапларнинг барҳда қандайдир муҳим воқеаларни кутиш сезиларди, албатта, лекин қўрқув йўқ эди. Қайтганга аксинча: «Бирдан ҳеч нима бўлмаса-чи?» — деган синчковлик бор эди фақат.

Йигирма биринчи июнь куни алламаҳалда яна жангвор тревога эълон қилинди. Тўпларни қисмларга ажратиб, отларга юклашди. Кейин аксинча, отлардан юкни туширишди. Сўнгра тунги соат бирларга қадар отхоналарни тозалашди.

Соат учда Алёша казарма бўйича навбатчиликка туриши керак эди. Учга қадар бари бир ухлаб бўлмасди, шу боисдан ҳам Алёша хат ёзишга ўтирди.

У иккита хат ёзди. Бирин ойиси билан Маня бувисига, иккинчиси эса Верага эди.

Алёша иккала хатга ҳам, 1941 йилнинг 22 июнь куни, дея сана қўйди. Ахир, йигирма иккинчи июнь куни бошлашиб бўлганди-да, эрталаб эса у хатларни почта қутисига ташлайди...

Ёз тунининг қоронгиси омонатгина қалқиб тургандек туюларди. Кўзга кўринмайдиган, аммо аннқ сезилиб турган қорамтир осмондан уфқ ортида кўтарилиб келаётган қуёшнинг олис шуълалари ўқтин-ўқтин учиб ўтаётгандек эди... Бўёқларнинг бу енгилгина мавҳум ўйини кутилмаганда Алёшанинг дилида қўлига дарҳол қалам олиб, расм чизиш истагини уйғотди. Ҳозир унга илгари ўзи тополмай қийналадиган мўйқаламнинг ўша ягона сўнгги чизигининг сири очилгандек эди. Алёша чўнтагидан кичкинагина қаламни олди ва ён дафтарини очиб, шоша-пиша Веранинг суратини чизди. Сўнгра чироқнинг олдига бориб, чизган суратига қараб турди-да, уни шартта йиртиб ташлади.

Навбатчиликка бориш вақти бўлган эди.

## XII

Тун. Ҳаммаёқ осуда, қилт этган шамол сезилмасди. Фақат дарахт таналари хиёл қисирлаб турарди. Қандайдир ички туйғу билан яқинда тонг ота бошлашини сезасан, киши. Аммо бу ерларда тонг бирдан эмас, аста-секин отади. Осмон хиёл бўзаради. Ўрмонлар ва тепаликлар ортида мавҳум тасма янглиғ шафақ чизиги пайдо бўлади. Шундан сўнг ўрмон ва теварак-атрофдаги далаларга жон киради, қушлар қаттиқроқ сайрашга тутинишади ва дарахтлар орасида кўлагалар липиллаб ўйнай бошлайди.

Кечаси соат учда у навбатчиликни қабул қилиб олди. Казарма бўйича навбатчи.

Алёша яланг оёқ бўлиб олганди. Ботинкаси йиртилиб кетгани боисидан ҳам йигит уни яматиш учун этикдўзга олиб боришга ҳозирлаб қўйганди. Тўғрироғи, ўзи ётадиган кат олдида қолдирганди. Бу ер иссиқ бўлиб, пойабзал кийишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Эрталаб у хатларни полк почта қутисига ташлайди-да, сўнгра ботинкасини устага топширади.

Алёша казармага кираверишдаги эшик олдида ўтирарди. Ухлаб ётган йигитлар пишиллашар, хуррак отишарди. Баъзилари чўчиб, инграб ҳам қўйишарди. Кейин кичик бир кўнгилсизлик бўлди: катнинг энг юқори — учинчи қаватида ётган қизил аскарлардан бири уйқусида сийиб қўйди. Унинг шилтаси иккинчи қаватда ётган йигитнинг устига оқиб тушди. Буни биринчи бўлиб ўзи ҳам азият чекиши мумкин бўлган солдат сезиб уйғонди. Чунки у ҳаммадан пастда — катнинг биринчи қаватида ётган эди.

Энг кулгилиси, гуноҳ қилиб қўйган йигит эски хизматчи — иккинчи йил хизмат қилаётган солдатлардан эди!

Тўғри у ёш жиҳатидан уларга қараганда кичикроқ бўлиб, нари борса, йигирмаларга кирганди!

Дарвоқе, уларнинг ўзларини ҳам энди янги келган солдатлар деб бўлмасди!

Аввалига собиқ старшина Хохлачев сўкинмоқчи бўлди-ю, ammo энди ўзининг ҳам оддий қизил аскар эканлигини эслади шекилли, жимиб қолди.

— Қўйсангиз-чи, Хохлачев!—деди Женька Болотин.— Сиз узоқда ётибсиз, кейин сизнинг устингизга оққани ҳам йўқ!.. Ана — Невзоров ёмғирнинг тагида қолган бўлсаям индамаяпти-ку ахир...

— Менга томганиям йўқ,—деди камтаринлик билан Саша Невзоров.— Тил меники деб гапираверасанми. Старшина эса тўғри айтяпти...

Улар ҳали ҳам Хохлачевни старшина деб аташар ва бу сўз унинг учун қанчалик ёқимсиз эканлигини тушунишмасди.

Ҳаммаси бирпасда тинчиди-қўйди. Навбатчини ҳисобга олмаганда бу ерда биронта ҳам бошлиқ йўқ эди. Навбатчилик эса бугун Алёшанинг зиммасига тушганди. Эски хизматдагилар бундай қизил аскарларни «Сийғоқ» деб аташарди. Маълум бўлишича, илгари ҳам бундай воқеалар бўлиб турар экан. Яхшиямки, Алёшалар билан хизматга келган йигитлар орасида бундай қовуғи бўшлар йўқ эди.

Қазармада гуноҳордан тортиб, жабрланувчиларгача ҳамма тинчиб, барча йигитлар яна пишиллаб ухлай бошлашди.

Эрталаб соат бешдан қўққисдан қазармага иккита кичик командир ҳамроҳлигида полк бўйича навбатчи—рота командирининг ёрдамчиси Валеев кириб келди.

— Жим, жим...

Алёша унга ахборот бермоқчи бўлиб, қақдини ростлаган эди.

— Ҳожати йўқ, майли, ухлайверишсин,— деди у.— Ишлар қалай? Чарчадингларми?

— Йигитлар чарчашган,—деди жавобан Алёша.

— Нега яланг оёқ юрибсиз?—деди сўради Валеев.

— Ботинкамни ремонтга берувдим,— деди иқрор бўлиб Алёша.

— Бемаврид берибсиз уни,—деди Валеев.

Алёша индамади. Ботинкаси йиртиқ бўлса-да, шу ерда эди.

— Навбатчи Горсков,— деди мулойимлик билан Валеев,— хўп, яхши қол! Фақат яна қанча ухлаймиз, билмадим... Момақалдиروқнинг иси келяпти.

Командирлар ташқарига чиқиб кетишди.  
Ташқарида тонг отмоқда эди. Қандайдир диққинафас кун бошланяпганди.

Эрталаб соат олтида Горсков «подъём» деб бақирди.  
Биринчи марта «физзарядкага» командаси бўлмади.

Егозиннинг буйруғи шундай эди:

— Отхонага! Отларнинг олдига!

Охиригача қуриб битказилмаган отхонага отларнинг ҳаммаси сигмай қолганди. Жониворларнинг кўпчилиги ташқарида, очиқ ҳаводаги ходаларга боғлаб қўйилганди.

Йигитлар чиқиб кетгач, Алёша казарма полини юва бошлади. У йиртиқ бўлса-да, ботинкасини кийиб, обмоткасини ўраб олганди. Швабра яп-янги эди. Полни ўн-ўн беш минут ичида бемалол ювиб чиқса бўларди.

Йироқда нимадир гумбурлади. Худди момақалдиروқнинг қалдирашига ўхшарди. Туманли уфқда ёлқин кўзга ташланарди.

Орадан ўн беш минут, балки ўн минут ҳам ўтмагандики, бирдан казармага Хохлачев югуриб кирди:

— Йиғиштир, Горсков! Уруш бошланди.

Алёша швабрани бир четга улоқтирди.

— Кутаётгандик. Мана, бошланди ҳам,—деди хотиржамлик билан Хохлачев.

Казармага политрук Седов югуриб кирди:

— Жанговор тревога!—Кейин мулойимроқ оҳангда қўшимча қилди:—Тайёрланинг!

Улар нарсаларини йиғиштириб қўйишди.

— Бу ёғига нима қилайлик?

Полк бўйича навбатчи бўлганидан далолат берувчи қизил боғичини ечиб улгурмаган рота командирининг ёрдамчиси Валеев, комбат Егозин, расчёт командири Дудин ва бошқа командирлар келиб кетишди.

Уларнинг ҳаммаси бир хилда:

— Тўла жанговор ҳолат. Қутинглар!—дейишарди.

Женька Болотин Валеевдан қандайдир мавҳум қилиб сўради:

— У ёқда аҳвол қалай?

Шундай дея у қўли билан чегара томонни кўрсатди.

Женька бу саволни армия уставига рия қилмай, оддийгина қилиб сўраган бўлса-да, Валеев жиддий оҳангда жавоб қилди.

— Дивизиямиз ўша ёқда жанг қиляпти. Сўнгги солдигача чекинмоқчи эмас. Қисман бизнинг полк ҳам бор у ерда. Дивизионимиз эса ҳозирча жангга шай бўлиб турибди... Кутамиз!

Бу ерлар эса фавқулодда осойишта эди.

Дераза оша осмонга қараб ўтиришарди. Мовий, сокин, шиша янглиғ тоза.

Ҳамон ўрмоннинг нафаси сезилиб турар ва қуёш нурлари шох-шаббалар орасидаги ўргимчак уяларида липиллаб ўйнарди. Аҳён-аҳёнда капалак ва ниначилар учиб ўтарди. Чумоли уяларида иш айни қизиган пайти эди.

Аллақерда трактор гуриллаб, арава ғилдиракларининг гичирлагани эшитилди-ю, яна ҳаммаёқни сукунат қоплади.

Ниҳоят, олисдан алланиманинг гумбурлагани эшитилди.

Ҳамма сесканиб тушди.

— Момақалди роқми?

— Балким, момақалди роқдир...

Яна орага оғир жимлик чўкди.

— Йўқ, момақалди роқ эмас бу...

— Балким, момақалди роқ эмасдир ҳам...

Бошлиқлар келиб кетишар, улар эса ҳамон казармада ўтиришарди. Кам гапиришар ва буйруққа биноан ўқтин-ўқтин отларнинг олдига бориб келишарди. Отхонада жойлашган ва ташқаридаги желага боғланган отларнинг сони борган сайин камайиб борарди. Ёнгиналаридаги майдонда қатор турган 76 миллиметрли тўплар ҳам соат сайин камаймоқда эди...

Отлардан Олифта, Палуша ва Поралар ғойиб бўлиб қолишганди.

Алёшанинг Костиль билан Лираси, Ваня Дурусовнинг Мирон билан Соняси ҳали шу ерда эди.

Отлар анча безовта эди. Улар ҳуркиб, қулоқларини чимиришар, сесканиб-сесканиб тушишар, кўзлари аланг-жанг олайиб турарди.

— Уруш!

Чамаси, отлар ҳам буни сезиб қолишганди.

Алёша тўс-тўполонга қарамай, хатларни почта қути-сига ташлашга улгурди. У ҳатто Қутига ҳам бориб келди. Янги старшинадан ботинкаси ҳамда обмоткасини алмаштиришга ҳам улгурди. Буни унга старшинанинг ўзи таклиф қилди:

— Ма, мановини ҳам ол! Сени рассом дейишади! Фамилиянг нимаиди?

Алёша фамилиясини айтди.

— Горсков дейсанми? Ҳа, эшитганман, эшитганман...

Алёша янги старшинанинг фамилиясини билиб олганди. Ғаройиб фамилия: Дей-Неженко... Лекин ўзи яхши одамга ўхшайди.

Иисит янги ботинкасини кийиб, обмоткасини ўраб олганича хатларини почтага ташлаш учун икки километр наридаги Кутига югуриб борганида у ерда деярли одам зоти кўринмади. Аҳён-аҳёнда ғарбга қараб чегара томон кетаётган отлиқ ва пиёда ҳарбий қисмлар, «Агар эртага уруш бўлса» фильмидан таниш бўлган кичкина броневикларгина кўзга ташланиб қоларди, холос.

Аmmo граждан аҳолисидан ҳеч зог кўринмасди. Гўё ҳамма ғойиб бўлган ёки уй-уйига яшириниб олгандек эди. Кўчаларда товуқлар тентирашар, улар отларни ювинтириб, ўзлари чўмиладиган анҳорда ғозу ўрдаклар сузиб юришар, бир уйнинг тепасида эса, худди кечагина осиб қўйилгандек, яп-янги қизил байроқ ҳилпираб турарди. Лекин бу ерда ҳам одам қораси кўринмасди.

Алёшага «икки секундгагина» жавоб беришганди. Шу боисдан ҳам у югурганича казарма томон қайтиб борар экан, йўлда, ҳарбий шаҳарчаларининг деярли ёнгинасида бир қизил аскарга дуч келди. Бу одамнинг гимнастёркасию, бутун энгил-боши кир-чир бўлиб, ҳаммаёғини чанг босган, боши эса бионт билан боғлаб қўйилганди.

— Санчастрларинг узоқми бу ердан, оғайни?

— Билмайман,— деди ўзини йўқотиб қўйган Алёша.— Сен... Сиз қаёқдан келяпсиз?

— Ҳай, майли,— деди қизил аскар,— ўзим топиб оламан. Сенга айтсам, оғайни, манови гимнастёрканинг тагида байроқ бор. Ҳамма битта қолмай ҳалок бўлди. Ёлғиз мен омон қолдим. Майли, йўлингдан қолма, сен ҳали жанг кўрмагансан. Санчастрни эса ўзим топиб оламан. Омон бўл, оғайни!

Казармада уларга карабин учун ўн бештадан патрон улашишди. Ҳар бир одамга ўн бештадан патрон.

Уларнинг 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизияси жангни бошлаб юборганди. 140-нчи артиллерия полки ҳам жангга кирди. Фақат уларнинг дивизиони билан уларнинг батальони шу ерда, Кутуда қолган эди.

Айтишларича, интендант-командир гарнизон командири бўлиб қолибди.

Ҳамонки дивизионлари шу ерда қолган экан, нега Суховни командир қилиб тайинлашмадийкин?

Ахир, илгари гарнизонга полк командири бошчилик қилган эди-ку...

Бир пайтга бориб, теварак-атрофда гумбур-гумбур бир оз пасайгандек, ёлқинлар ҳам хиёл камайгандек бўлди.

Энди шаҳар кўчаларида ҳарбий бўлмаган одамлар пайдо бўлиб қолди. Ҳарбий комиссариатлар ёнида сафар-

барлик кетмоқда эди. Чақирилувчилар ёнида аёллар ва болалар йиғлаб туришарди. Сочлари олинганидан бошлари оқариб қолган чақирилувчилар ўнғайсизланиб туришарди.

Кечасию кундузи тревогалар эълон қилинарди. Улар гарнизонда ҳам, шаҳарчада ҳам немис парашютчиларини қидиришарди. Айтишларича, душман десант кетидан десант туширмоқда экан. Кутуда ҳаммаёқни — ҳар бир уй, ҳар бир полизни титкилаб чиқишарди... Отишмалар ҳам бўлиб турарди.

Уларда радио йўқ эди.

Газеталар ҳам келмай қўйганди.

Тўртинчи куни улар Молотовнинг 22 июнь куни сўзлаган нутқини тинглашди. Нутқни уларга политрук Серов ўқиб берди. Нутқ жиддий ва хотиржам оҳангда ёзилган эди:

«Душман тор-мор этилади! Биз ғалаба қозонамиз!»

Улар ўзларидан ўзлари:

— Сталин-чи? Нега у гапирмабди?— дея сўрашарди.

Кейин ўзларига ўзлари жавоб қилишарди:

— Сталин постида, албатта! Сталин билан, ўртоқ Сталин билан биз муқаррар ғалаба қозонамиз!

Умуман, бу уруш тезда тугайди. Гражданлар урушида анча қийинроқ бўлганди, лекин бари бир ғалаба қозонилди. Ушанда оқлардан ташқари бизга қарши қанчадан-қанча буржуйлар жанг қилишган эди: инглизлар ҳам, чехлар ҳам, французлар ҳам... Бир сўз билан айтганда — Антанта!.. Кейин — жосуслар, ҳар хил самурайлар ва оқ финлар: бари бир ғалаба қилинди-ку! Бу воқеалар уларнинг кўз ўнгида бўлган. Ҳаммасини яхши эслашди. Ленинград ҳам ўшанда Россиянинг фронтга энг яқин шаҳари бўлганди. Худди ҳозирги отларига ўхшайдиган ўша отлар ҳам яхши эсида. Ўша отлар 25-нчи Октябрь проспектидан ярадорларни олиб ўтишганди... Кейин отаси ҳам эсида, ўша томонда, «Маннергейм чизигида» ҳалок бўлган отаси...

Тўғри, ўша пайтдаги отлар қандайдир хиёл бошқачароқ бўлиб, улар паст бўйли, чайир, устини тер ва қиров қоплаганди.

Бу ерда эса чиройли, сарвиқад, йирик-йирик бақувват отлар йиғилганди.

Ленинградлик эски дўстлари бўлмиш Саша билан Женья доим Алёшанинг ёнида эдилар. Қизил Армия хизматида ўтган ана шу ойлар ичида йигитларнинг ҳар бири ўзида ҳам, бошқаларда ҳам қандайдир янги хислатлар

кашф этарди. Улар кам гапирадиган бўлиб қолишганди. Бир вақтлар ўзлари чизган «Вайсақи — жосус учун хазина» плакатлари ёнгиналарида осиглиқ тургани учун эмас, албатта.

Куллар ҳам, тунлар ҳам жуда оғир ўтмоқда эди.

Уларнинг бари анча улғайиб, жиддий тортиб қолишганди.

«Петрапулешуле» тўғрисида ёлгон гапиргани учун дўстлари аллақачон айбидан ўтишган Костя Петров дерди:

— Нукул бир нарса тўғрисида ўйлайман. Уртоқ Сталин эмас, Молотов нутқ сўзлади... Молотов Берлинга борган эди. Москвада Риббентропни кутиб олганди. Уртоқ Сталин эса Риббентропни кутиб олмаганди. У билан учрашмаганди ҳам... Бунда қандайдир маъно бор...

— Тўғри айтдинг, Костя,— дерди Саша Невзоров.— Илгари бекор баҳслашган эдинг. Албатта, қандайдир маъно бор.

Кейин ҳар тўғрида гаплашиб ўтиришди. Аммо булар шунчаки гаплар эди.

Бошқа ишлар эса жиддийроқ эди.

Боз устига, кўп гаплашиб ўтиришга уларнинг вақтлари ҳам йўқ эди.

Киши бошига ўн бештадан жанговор патрон беришганидан сўнг уларга каска улашишди. Йигитлар будёновка ўрнига металл каска кийиб олишди.

Кути орқали араваларда, баъзида эса машиналарда ҳам ярадорларни олиб ўтишарди.

Сўнгра кечасию кундузи немис десантчиларини излашарди. Ҳаммадан шубҳаланишарди, зеро немислар десантчиларига қизил аскарлар формасини кийдиришарди-да.

Алёша нукул бир нарсани эсларди:

«Мендан санчастининг қаердалигини сўраган боши боғлиқ ўша ярадор немис десантчиси бўлмаганмикин? «Омон бўл, огайни!»— деганди, бўлмасам...»

Яна яқин жойда тўпларнинг гумбурлагани эшитилди.

Шамол эсиб, ёмғир ёғмоқда эди. Унча совуқ эмасди-ю, аммо ўрмоннинг ичи зах бўлиб кетганди.

Ўрмон хўрсиниб, шовулларди. Дарахт таналари қисирлар, заранг, қайрағоч ва қайинларнинг япроқлари шитирлаб турарди. Йирик-йирик томчилар одамнинг бошига, юз-кўзига, эгнидаги плашч-палаткага томчиларди. Оёқ остида папоротник ва тиззага урадиган ўтлар, марваридгул япроқлари ҳамда чучмўмалар чайқалиб турарди.

Алёша артиллерия омборлари олдида соқчилик қилмоқда эди. Снарядлар солинган қутилар устига тунука ёпиб қўйилганди.

Қоровуллар биноси анча узоқда — бир ярим километрча нарида жойлашганди.

У икки соат туриши керак.

Қани энди, ўрнига тезроқ одам келса!

Уни десант туширилиши мумкинлиги, Қизил Армия формасини кийган душман парашютчилари тўғрисида огоҳлантиришган эди.

— Тўхта! Ким келяпти?

«Садоқат» — дея паролни айтишди. Бу уларнинг паролли эди.

Горсков:

— «Куч!» — деб жавоб қилди.

Бу — артиллерия омбори ёнидаги соқчининг жавоб паролли эди.

Алёшанинг ёнига қандайдир командирлар билан бирга соқчилар бошлиғи яқинлашди. Кейин уларнинг олдида «ЗИС — 5» машиналари келиб тўхтади.

Омбор эшигидаги пломбаларни бузишди-да, снаряд ва патронлар солинган қутиларни машиналарга орта бошлашди.

Командирлардан бири:

— Яхши хизмат қиляпсан, Горсков! Биз эсак бу ерга машиналар билан келдик... Тўполон қилиб юбордик ҳаммаёқни! — деди.

Алёша аввалига уни таниёлмай қолганди. Тузукроқ тикилиб қараса, бу одам клуб бошлиғи Кучкин экан.

Горсков уни кўрмаганига анча бўлганди. Уни охири марта кўрганидан буён уч-тўрт кун, ёки, эҳтимол, бир ҳафтача вақт ўтганди.

— Кечирасиз, танимай қолибман, — деди Алёша.

— Танидингми, танимадингми, нима фарқи бор! Узинг қалайсан?

— Узингиз-чи? — дея сўради беҳосдан қизил аскарларга сира ҳам хос бўлмаган бир оҳангда Алёша. Зотан, у дилида Кучкинни жуда яхши кўрарди.

— Жанг қиляпмиз, Горсков! Уруш деб қўйибдилар буни! Узингдан қолар гап йўқ, — деди Кучкин. — Олдинги позицияларда аҳвол чатоқ жуда... Мана, снарядлар билан патрон олиб кетгани келдик...

— Клуб-чи? — Алёша аҳмоқона савол берганини ўзи ҳам тушуниб қолди.

— Канақа клуб, Горсков? Полк командирини дафн этдик бугун. Улсак ўляпмизки, лекин чекинаётганимиз йўқ, сен бўлсанг... Полк командирини деяпман, тушуняпсанми?..

Фирт аҳмоқ-да, ўзиям!

Гарнизон комендант бўлган полк командири ҳалок бўлибди.

Шуниг учун ҳам батарея тўпларининг гумбурлаши, портлашларнинг ёлқини шу қадар яқинлашиб қолган экан-да!

Учта «ЗИС — 5»ни юкка тўлдириб, омборларни яна муҳрлаб қўйишди.

— Омон бўл!— деди Кучкин.

Шундан сўнг улар жўнаб кетишди.

Шамол дарахт ва ўт-ўланни чайқалтирганича ўрмонда бўғиқ ув тортарди. Шамолнинг таъсирида ёмғир қандайдир селпиниб ёғар, дарахтлардан баъзан йирик-йирик томчилар томса, баъзан шариллаб сув оқарди.

Алёшанинг ўрнига бошқа соқчи келгунига қадар яна йигирма минутми, ярим соатми вақт бор эди. Горсков қўлида соати бўлмагани учун буни аниқ билмасди.

Унинг шундоқ ёнгинасида уруш кетмоқда эди. Алёшанинг ўзи ҳали кўрмаган уларнинг чегараларида ҳам, бутун бошқа чегараларда ҳам беомон жанг бошланиб кетганди. Уларнинг 140-нчи полкларининг командири ҳалок бўлди. Ёлғиз угина эмас, албатта.

Улар эса нега Кутидан жилмай туришибди? Нега, қандай қилиб? Нега у ерда эмас?

У кўпгина округларда ялли сафарбарлик бўлаётгани, мамлакатнинг деярли учдан бир қисмида, жумладан, Ленинград билан Москвада ҳам, ҳарбий ҳолат эълон қилингани тўғрисида ҳали эшитмаган эди.

Қизил Армия Бош қўмондонлигининг биринчи сводкасида эса шундай ахборот берилганди:

«1941 йилнинг 22 июнь куни тонг чоғида герман армиясининг мунтазам қўшинлари Болтиқ денгизидан Қора денгизгача бўлган бутун масофада бизнинг чегара қисмларимизга ҳужум қилди. Куннинг биринчи ярмида чегарачиларимиз уларнинг ҳамласини даф этиб турдилар. Куннинг иккинчи ярмидан бошлаб эса герман қўшинлари Қизил Армиянинг олдинги қисмларига дуч келдилар. Шиддатли жанглардан сўнг катта талафот кўрган душман орқага улоқтириб ташланди. Фақат Гродно ва Кристинополь йўналишларидагина душман унча катта бўлма-

ган тактик муваффақиятга эришиб, Кальвария, Стоянув ва Цехановец каби жойларни ишғол этишга муваффақ бўлди. Биринчи шаҳарча чегарадан 15 км ичкариликда бўлса, қолган иккитаси 10 км ичкариликда жойлашган.

Душман авиацияси бизнинг бир қатор аэродромларимиз ва аҳоли яшайдиган пунктларимизни бомбардимон қилди-ю, ammo ҳамма жойда қидирувчиларимиз ҳамда зенитчиларимизнинг шиддатли қаршилигига дуч келди. Биз душманнинг 65 самолётини уриб туширдик».

Бир ҳафтадан сўнг, уларнинг дивизиони чегара олдида турган қўшинлар ёнига бориш учун йўлга тушди. Улар жанг бошлаб юборган дивизиядош, полкдош ўртоқлари ёнига бориб қўшилмоқлари лозим эди.

Тўпларни қисмларга ажратиб, отларга юклашди.

Костиль билан Лира ўзларини жуда яхши тутишди. Алёша уларни осонгина жиловлаб олди.

Дивизион командири Алёшанинг ёнидан ўтиб кета туриб деди:

— Фамилиянг нима эди?.. Горсковми — эсимда!

Шундан сўнг у отига қамчи босиб, елиб кетди.

Улар, яъни дивизион ҳам йўлга тушди.

Эски хизмат қилувчилар кирза этик кийиб олишганди. Янгилар эса ботинка кийиб, обмотка ўрашганди.

Алёша ботинкасини алмаштириб олганди-ю, лекин бу ботинкаси ҳам оёғини сиқиб оғритмоқда эди!

Ундай деса, уруш кетаётган бир пайтда ботинканинг сиқиши ҳам гап бўлибдими!..

У уч жуфт ботинкани алмаштириб кўрди.

Жуда аҳмоқона оёғи бор-да ўзиям. Нақ қирқ бешинчи размер!

— Бунақа пойабзал йўқ бизда, Горсков, тушуняпсанми?..

Алёша тушунарди. Йўқ бўлса йўқ-да, нимаям қиларди! Лекин сўнгги ботинкаси бировники бўлиб, уни, ҳар қалай, бирнави кийиб юраверса бўларди-ю, ammo обмотка ўраш кишига малол келарди. Ахир, уни ўраш учун ҳам вақт керак эди-да! Кирза этикни шартта киясану кетаверсан!

Кутидан ярадорлар ва қочоқлар ўтиб боришарди. Энди улар машиналарда эмас, пиёда кетишмоқда эди. Яраларини боғлаб олган қизил аскарлар ва бола-бақрасини етаклаган оддий одамлар. Улар Алёша илгари сира кўрмаган аравачаларга ёш болалар, кампирлар ҳамда оддийгина мол-қолларини солиб, немислардан қочиб шарқ томон кетишмоқда эди...

Улар келганда ниҳоятда сипо кўринган, ўзлари клубда танца тушиб, кўргазмали ташвиқот ўтказган Кути шаҳарчасида ҳамма нарса бирдан ўзгариб кетибди.

Илгари кимсасиз бўлган кўчалар, боғлар, полизлар, улар ўзлари чўмилишиб, отларини ювинтиришган анҳор ёнидаги уйларга ҳам жон кириб қолибди.

Қандайдир галати одамлар пайдо бўлиб, уларнинг беш машина, қисмга ажратилган тўплар ва снаряд қутилари ортилган отлар ҳамда ёрдамчи хизматчилардан иборат колонналари ўтиб бораётганида уйлардаги байроқларни юлиб ташлай бошладилар.

«Бу қанақаси бўлди?— дея безовталаниб ўйларди Алёша.— Ахир, биз уларни Польша зулмидан озод қилгандик-ку?..»

Саша Невзоров сўкинар, бошқа йигитларнинг ҳам оғзидан боди кириб, шодн чиқарди.

Костя Петров алам билан дерди:

— Мана улар — поляклар!..

Поляклар, албатта, поляклар эмасди-ю, лекин, чамаси, Польша расмий Польша, бу ерда ҳамма нарсани алғовдалгов қилиб юборибди. Полякларни ҳам, поляк бўлмаганларни ҳам бошқачароқ тарбиялабди...

Тарбиялаганда ҳам Алёша ва у билан манови урушга тушиб қолган дўстларининг тасавуридагига қараганда бошқачароқ қилиб тарбиялабди. Уруш эса ҳали улар учун бошлангани йўқ. Лекин гумбур-гумбури шундоқ ёнгиналаридан эшитилиб турибди.

Улар Кути шаҳрининг кўчаларидан ўтишаётганида бошқача кийиниб олган немислар ҳақидаги фикр сира хаёлларидан нари кетмади. Аммо бу ерда бошқача кийиниб олган шунча немиснинг бўлиши мумкин эмасди.

Кейинроқ колонналари Кути шаҳарчасининг четига чиқиб олганида ҳаммиша мулойимгина юрадиган Проля Кривицкий барчани ташвишга солиб қўйди:

— Йигитлар, бир плакатни кўрдингларми? Уша ерда, Кутида?

— Қанақа плакат экан?

Улар кўпгина нарсаларни кўришган эди-ю, аммо плакатларни, жумладан, ўзлари яқингинада шаҳар аҳолиси учун қизишган шиорларни ҳам кўрмай ўтишганди.

— Даҳшатли плакат,— деди Проля.

— Нимаси даҳшатли экан?— дея тушунишмай сўрашди йигитлар.

— Чунки унда: «Геть болшевиклар, Москвага уруш!»— деб ёзилганди.

— «Геть» дегани нимаси?

— Украинчасига «йўқолсин» дегани бўлади.

— Оқ байроқларни кўрдингларми? Бир қарасанг, чойшабдек кўринади-ю, лекин оқ байроқнинг ўзгинаси эмасми?

Буни ҳеч ким кўрмабди.

Проля кўрибди-ю, улардан эса ҳеч ким эътибор бермабди.

Тўғри, улар шаҳар кўчаларида ясан-тусан қилиб олган йиғит ва қизларни кўришганини эслашди. Уйлардаги қизил байроқларни ана ўшалар юлқиб олишганди.

Колонна, тўғрироғи эса, карвон Кути шаҳарчасидан чиқиб, қандайдир тепалик сари юрди-да, беш юз метрча юқори кўтарилди.

Уларни ўққа тутишди. Лекин ким қилди бу ишни?

Уйлаб кўриб, ҳозиргина ўзлари тарк этишган Кути томонидан ўққа тутишганини фаҳмлашди.

Тепалик устида айланасига жойлашиб, ҳимоя доирасини ташкил этишди.

Тўп қисмларини отлардан тушириб, уларни йиғишди... Тўплар учун позициялар қазишди.

Отларни пана қилиш учун чуқурлар кавлашди.

Ер қуруқ ва қумлоқ бўлиб, унда бултурги ўт-ўланнинг илдизлари ва қора тупроқ қатламлари кўзга ташланарди. Сапёрлар белкураги билан уни осонгина кавлаш мумкин эди.

Кути томондан чини билан ҳам ўқ узиб туришарди.

Тунда уларнинг позициялари узра шарқ томонга тўптўп бўлиб немис самолётлари учиб ўтди. Самолётлар уларни бомбардимон қилишмасди, қаёққадир узоққа учиб кетишарди.

Субҳидамга яқин траншеяларда дивизион командири Сухов пайдо бўлди.

— Қизил аскар Кривицкий қаерда?

Проля Кривицкий уларнинг ёнида йўқ эди.

— Кеча разведкага кимлар борганди?

Унга Горсков, Болотин, Холопов ҳамда Кривицкийлар боришганини айтишди...

— Кривицкийми? Биламан уни, — деди лўнда қилиб дивизион командири. — Ҳаммангизга ташаккур эълон қиламан! Кривицкийга эса айниқса. Кутида афсуски, биз эътибор бермай ўтиб кетган нарсаларни у кўра билди. Мана, ҳозир ўша эътиборсизлигимизнинг касрига қолиб ўтирибмиз...

Эрталаб отишма тиниб қолди.

Фақат немис самолётларигина ҳамон тўп-тўп бўлиб шарқ томонга учиб ўтишар ва орқага қайтишарди.

Расчёт командири Дудин уч кишини — Проля, Саша ва уни, Алёшани — шаҳарда нималар бўлаётганини билиб келиш учун юборди.

Улар аввал эмаклар боришди, кейин хотиржамгина бугдойзор томон юришди. Чунки у ердан шаҳарга сездирмай кириб бориш мумкин эди.

Ҳеч ким ўқ узмай қўйганди.

Бугдой одам бўйи ўсган бўлиб, улар бугдойзордан зўрға ўтиб боришарди.

Бирдан — деярли шаҳарга кираверишда: ерда ётган мурдага, кейин яна бирига, учинчисига, тўртинчисига, бешинчисига кўзлари тушди. Қўйиб ўлдирилган бу бечораларнинг кўксига инглиз тўғноғичи билан «Активист» дея ёзилган қоғоз қўйилганди. Улардан иккитаси аёл, учтаси эркек эди.

— Яна украинчами?

— Булар ҳам украинлар бўлса керак, балки?..

Ўйигитлар саросимага тушиб, нима қилишларини билмай туриб қолишди.

Ҳатто ўзларига топширилган вазифани ҳам унутиб қўйишди. Бир маҳал Саша:

— Уларни дафн қилиш керак. Нима дейсизлар?— деди.

— Қонун-чи? — дея сўради Проля. — Ахир, бу қотиллик, жиноят... Дафн қилиб кетсак, кейин ким жавоб беради?.. Милиция биздан сўрамайдими?

Кейин қандай дафн қилишади? Бир эмас, бешта мурда, ахир. Уларда эса ҳатто сапёрлар белкураги ҳам йўқ. Противогазли сумкаларини олишганди-ю, аммо белкурак олишмаганди. Ерни нима билан кавлашади? Лекин қуёш чарақлаб турар, ҳаво иссиқ эди. Шундай экан, кўксига «Активист» дея ёзилган қоғоз тўғнаб қўйилган бу одамларни улар қандай ташлаб кетишади?

Ниҳоят, бир қарорга келишди:

— Майли, қайтиб келаётганимизда кўмамиз... Ҳозир эса шаҳарга!..

Саша Невзоров шундай деди.

Улар бугдойзордан чиқиб, уйларга яқинлашишди. Шаҳар кишини ҳайратга солар даражада сокин эди. Гўё уруш ҳам бўлмаётгандек туюларди. У ҳолда анови активистларни ким ўлдирди?

Одамлар кўринмасди. Ҳатто уйлар атрофида товуқлар ҳам айланишмасди. Ҳозир ўрдаклар ғойиб бўлганди. Сигирлар маърамай қўйилганди.

Дивизион Кутидан чиқиб кетаётганида уларни ким ўққа тутдйкин?

Кейинроқ ким ўқ узди?

Балким, бу ерда немислар, десант бордир?

Ҳозир эса Қути жимжит бўлиб, улар шаҳарчанинг бош кўчасидан бемалол ўтиб боришди. Чини билан ҳам на почта, на ҳарбий комиссариат ва на бошқа ташкилот биноларида совет байроғи кўринарди...

Ярадорлар тушган беҳисоб аравалар турнақатор бўлиб ўтиб борарди. Даҳшатли манзара!

Шаҳарчанинг бош кўчасидан — орадаги маълум ма-софани сақлаб — нимжон отлар, аҳён-аҳёнда эса машиналар сурғалиб боришарди. Уларнинг ҳаммасида ярадор қизил аскарлар тигиз ўтиришарди...

Баъзан, худди ана шу бош кўчада маҳаллий одамлар пайдо бўлиб қолишарди. Эгниларига каштагулли чиройли кийимлар кийиб, ясениб олган бу одамлар қандайдир сергаклик ва лоқайдлик билан ярадорларга, Алёша ва унинг дўстларини кўргач эса, очикдан-очик шубҳа билан тикилиб қолишди.

— Бу ишларнинг бари менга ёқмаяпти... Буғдойзорда ётган анови активистларнинг ўлдирилиши ҳам шубҳали кўриняпти... — дея шивирларди Саша Невзоров.

Кейин улар яна оқ байроқларни кўришди: уйларнинг деразаларида ва кўча томондаги кичкина боғчаларда байроқлар, сочиқ ҳамда чойшаблар осиб қўйилганди. Осилганда ҳам шунчаки дуч келган жойларга эмас, балки махсус қоқилган таёқчаларга осилганди.

Сўнгра улар: «Геть большевиклар, Москвага уруш!» дея ёзилган плакатларни ҳам кўришди. У почта ёнида кўзга яққол ташланадиган жойга осиб қўйилганди. У ерда илгари, чамаси, қандайдир совет муассасаси: райкомми ёки райишрокомми жойлашган бўлса керак...

— Проля, сен тўғри айтган экансан! — деди Алёша.

Шаҳарчанинг кўчалари ҳаддан зиёд сокин эди. Бу сокинлик кўнгилни баттар ғаш қиларди.

— Сизлардан фарқим шуки, йигитлар, мен кўзойнак таққанман, — дея ҳазил билан жавоб қилди Проля. — Шунинг учун ҳам кўзим яхшироқ кўради!

— Дивизион командири шунинг учун ҳам уни мақтаган эди-да. Шундай қилиб ҳаммаси равшан! — деди Саша. — Яхсиси энди нима қилиш ҳақида ўйлаб кўрайлик...

«Шаҳарда нималар бўлаётганини билиб келиш лозим», — Дудиннинг буйруғи ана шундай бўлганди.

— Балким, бу ерга гражданча кийиниб келганимизда дурустроқ бўлардимиз?— дея шивирлади Проля.

Гарчи, бу соҳада уларнинг ҳеч қандай тажрибалари бўлмаса-да, Алёшанинг ҳам хаёлига шундай фикр келганди.

— Немис десантчилари Қизил Армия формасини кийиб олишибди, биз аҳмоқлар бўлсак, ўзимизнинг формаимизда юрибмиз, — деди Пролянинг гапини тасдиқлаб Саша. — Бари бир, бу ердан чиқиб олишимиз керак. Нимани кўрган бўлсак, шуни хабар қиламиз. Йўлда эса белкурак топишимиз керак!..

Саша жуда ақлли йигит-да: у ҳозир Проля билан Алёша деярли унутиб қўйишган нарсани эслатганди.

Белкурак эса уларга анови активистларни бир амаллаб дафн этиш учун керак эди.

— Ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, милиция сўраши мумкин деб...

— Майли, милиция ўз йўлига... Одамларнинг жасади эса ерда ётибди... Бу ёқда кун ҳам иссиқ! Бирон марта бўлсин ўлик кўмганмисизлар?

Йўқ, Алёша ҳеч кимни дафн этмаганди.

Ҳатто Карелия тепаликларида ҳалок бўлган отасини кўмиш ҳам насиб этмаганди.

— Нима, сен биронтасини дафн этганмидинг? — деб сўради Сашадан Проля улар шаҳарчадан орқага қайтишаётганда.

— Тўғри келганди, — деди Невзоров. — Ҳеч кимнинг бошига солмагани яхши эди бу ишни!

Ундан тафсилотлар ҳақида суриштириб ўтиришга вақт бўлмади.

Улар орқаларига қайтишмоқда эди.

Шаҳарча ҳувиллаб қолганди.

Бизнинг байроқлар ҳам кўринмасди. Фақат оқ чойшаблар, сочиқлар, латта-путталаргина оқариб кўринарди. Нима бўляпти ўзи? «Капитуляция» сўзини улар ҳали билишмасди. Бу сўз қонуний равишда анча кейин, қирқ бешинчи йили пайдо бўлади...

Бу ерга ўз одамлари сифатида келишганди...

Ванда Василевскаянинг романлари.

«Орзу» кинофильми.

Ким кимга таслим бўляпти?

Осмонда яна немис самолётлари пайдо бўлди. Улар бомбардимон қилмай, қаергадир, Россиянинг ичкари-сига, шарқ томонга учиб боришарди. Учганда ҳам кишининг гашига тегадиган даражада ёқимсиз гувиллаб учин-шарди.

Бизнинг самолётларимиз кўринмасди. Одамнинг хўрлиги келар, алам қиларди-ю, аммо-лекин осмонда лоақал битта ҳам самолётимиз йўқ эди.

Немислар бизнинг барча самолётларимизни аэродромларда яксон этиб ташлабди, деган миш-мишлар тарқала бошлаганди.

Бу гап ростмикин ёки ёлғонми?

Шаҳар чаккасида қандайдир ғалати йигитлар пайдо бўлди. Булар ҳам сал аввалроқ шаҳарда кўришган йигитларга ўхшаб байрамда кийиладиган миллий кийимларини кийиб олган эдилар.

Уларнинг бировлари карабин, бошқалари автомат ушлаб туришарди.

Кўринишидан бу автоматлар бизники эмасди: бизда, ҳатто дивизияда ҳам бундай автоматлар йўқ эди.

Ўзаро оҳишта нималарнидир гаплашганича ўтиб кетётган уч нафар қизил аскарга тиржайиб қараб туришарди.

Алёшалар шаҳарчанинг сўнгги уйлари ёнига етиб боришгунича бундай тўдаларнинг бир эмас, бир нечтасига дуч келишди. Охирги уй олдида Саша яна эслаб қолди:

— Белкурак-чи?

— Ҳозир олиб келаман, — деди Проля.

У унча катта бўлмаган, лекин чиройли қилиб қурилган ва томига шифер ёпилган уй томон югуриб кетди. Бу уй русларникига ўхшамасди...

Пролядан анчагача дарак бўлмади.

Улар унча ташвишланмай кутиб туришди.

Проля белкурак олиб қайтди:

— Вой аблаҳлар-ей! Белкуракни қизганишади-я! Уларни одам деб ўйловдим. Уйларига кириб, одамга ўхшаб сўрадим. Улар бўлса нуқул — «Йўқ, йўқ, йўқ» — дейишади. Шундан кейин ташқарига чиқдим, сўрамасдан олиб кетавердим. Вой, газандалар-ей! Менга деса, шу битта белкуракни деб бўғилиб ўлсин лаънатилар. Уларга: «Ахир, ўз одамларингизни дафн этиш керак...» — дегандим, менга шундай ёмон кўз билан қарашдики... У ифлосларнинг ўзини отиб ташлаш керак!..

Улар бояги активистлар ётган буғдойзор томон боришмоқда эди.

— Дудинга нимани айтамыз энди...

— Нимани кўрган бўлсак, шунини айтаверамиз-да...

Бирдан уларни ўққа тутишди.

Яна ўша томондан, орқадан ўқ узишмоқда эди...

Орқа томондан автоматларнинг тариллагани эшитилганида улар ҳали буғдойзорга ҳам етиб улгуришмаганди.

Йигитлар ўзларини йўл четидаги қуруқ чуқурчага ташлашди.

Улар яна довдираб қолишди.

Фақат Саша тўнғиллаб деди:

— Айтувдим-ку, булар аблаҳлар деб!

— Балким, немислардир? — дея сўради Проля.

— Қанақасига немис бўлишсин?! Ана, бир қара!

Чуқурчадан туриб улар каштагулли оппоқ кўйлақлар кийиб, қўлида автомат тутган йигитларни кўришди. Улар уч киши эди. Йигитлар ўқтин-ўқтин дўнғалақлар ортига ва чуқурчаларга яширинишганича эгилиб югуришар экан, уларнинг ортидан ўқ узишарди.

— Ана улар! Белкурак учун ўч олишяпти! Немисларни кутишяпти, аблаҳлар! — деди Проля.

Сўнгра тушунтирди:

— Белкурак сўраш учун ўша уйга кирганимда, у ерда мана шунақа олифталар ўтиришганди! Янглишдим, деб ўйловдим... Тиржайиб ўтиришганди, аблаҳлар!..

Улар жавобан ўқ узишмади.

Қўлларидаги карабину саноқли патронлари билан ниям қила олишарди!

Буғдойзорга етишларига ўн метрча қолганида қўққисдан даҳшатли воқеа содир бўлди.

Улар Саша билан олдинроқда югуриб кетишаётган эди, бирдан қулоқларига:

— Йигитлар! — деган овоз чалинди.

Проля бир қўли билан елкасини, бир қўли билан қоринини чангаллаганича ерда ғужанак бўлиб ётарди. Карабин билан белкурак унинг шундоқ ёнгинасида эди.

— Ўқ текканга ўхшайди, — деди секингина у ва негадир жилмайиб қўйди.

Кути томондан яна автоматнинг тариллагани эшитилди.

Улар Проляни буғдойзор ичига сургашди.

— Белкуракни унутманглар, йигитлар, карабинни ҳам, — дерди гуноҳкорона Проля. — Бу қанақаси бўлди... А-аа? Кўзойнагим!

— Сабр қил! Сабр қил! Жим тур! Ҳозир! Ҳозир! — дея шивирлашарди улар ҳаяжоннинг зўридан ва иссиқдан ҳансираб.

Пролянинг гимнастёркасидаги қонни биринчи бўлиб Алёша кўрди.

Ўзларининг қўллари ҳам қонга, Пролянинг қонига беланган эди.

Нима қилиш керак?

Улар нима қилишаётганини ўзлари ҳам яхши тушунишмаса-да, Проляни буғдойзорнинг ичкарисига сургаб кетишмоқда эди.

Орқаларидан эса яна автоматнинг тариллагани эшитилди.

Уларнинг шундоқ ёнгинасида активистларнинг мурдалари чўзилиб ётар, тепаларида эса кўм-кўк катта-катта пашшалар ўрмалаб юрарди. Проля буларнинг барини кўриб турарди.

У оғриқнинг зўридан инграр, лекин жилмайишга ҳаракат қиларди:

— Ҳечқиси йўқ, йигитлар, ҳечқиси йўқ.. Ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади. Фақат озгина сув бўлсайди!..

Уларнинг ёнларида сув йўқ эди.

Ҳатто сувдонларини ҳам олволишмаганди.

Дўстлари Пролянинг эгнидан гимнастёркаси билан ички кўйлагини ечиб олишди. Ички кўйлак жиққа қон бўлиб кетганди. Проля кўкраги билан елкасидан жараланибди. Тўғрроғи, аксинча. Ахир, орқадан ўқ узишган эди-да.

Илгари «ГСО» нормаларини топшираётган пайтдагидек қилиб, уқувсизлик билан Пролянинг жараларини боғлаб қўйишди.

Бунинг учун улар Пролянинг кўйлагини йиртиб, қонга беланмаган тоза жойларини ишлатишди.

Проля инграр ва энди фақат битта гапни такрорларди:

— Сув беринглар, йигитлар!.. Сув беринглар!..

Оҳ, шу тобда сув уларга ҳаводай зарур эди! Кун жузаям димиқиб, исиб кетганди.

Баланд ўсган, чиройли, бошоқлари бўлиқ донга тўлган буғдой поялари қимир этмай турарди. Қилт этган шамол йўқ эди. Ҳаво найзага келиб, борлиққа оташ пуркаётган куюш нурлари остида қотиб қолгандек туюларди. Фақат активистлар мурдаси устида пашшаларнинг гўнғиллагани эшитиларди.

Чамаси, Проля энди ҳеч нимани сезмай қўйганди.

У энди ҳатто:

— Сув беринглар! — дея илтимос ҳам қилмасди.

Унинг пешонаси ва юз-кўзини совуқ тер қоплади.

Кўзларини юмиб, оғир нафас оларди.

Кўзойнаксиз у қандайдир кулгили, ғалати кўринарди. Кўзойнакни эса дўстлари олиб келишмаганди. Улар бел-

куракни олишди, карабинни олишди... Гарчи, Проля илтимос қилган бўлса-да, кўзойнакни олишни унутиб қўйишди. Уша лаҳзада кўзойнакни ўйлайдиган аҳволда эмасдилар-да.

Бирдан Проля қўллари билан тимирскилаганича кўзини очмай бошини кўтара бошлади:

— Йигитлар, мен сизларни кўрмаяпман!..

Бу гапни у аниқ-тиниқ қилиб айтди. Шундан сўнг Алёша билан Саша уни тинчитмоқ учун ҳеч қандай маъно англатмайдиган ҳар хил мулоҳим сўзлар айта бошлашди.

Аммо Проля уларнинг гапларини эшитмаётгандек эди:

— Кўрмаяпман, тушуняпсизларми, кўрмаяпман... Ахир, мен кўзойнаксиз шундай ҳам... Ҳарбий хизматга деярли яроқсиз эдим, аммо бу урушдан олдин эди... Тушуняпсизларми, лекин ҳозир, уруш бошланган бир пайтда... Уруш тезда тугайди, бироқ биз... Кўзойнаксиз нима қиламан энди? Сизларни кўрмаяпман, ахир, йигитлар. Алёша? Сенмисан? Саша? Сенмисан? Кўрмаяпман сизларни!.. Бунинг қанчалик даҳшатли эканини тушунапсизларми!..

— Мен ҳозир, Проля! Ҳозир! — Саша Проля яраланган жойга қараб югурди.

У кўздан ғойиб бўлди.

— Проля, азизим, дўстгинам Проля, — дея шивирлади Алёша. — Ҳозир кўзойнагингни тақиб қўямиз. Сен уни йўқотганинг, Сашка Невзоров топиб келади. Ҳозир... Бирпас сабр қил, ҳозир!

Саша кўздан ғойиб бўлган заҳоти Қути томондан яна автоматнинг тариллагани эшитилди.

Проля нимадир демоқда эди, Алёша чўчиб тушди: автомат яна тариллади! .

У Саша учун ҳам, ўзи учун ҳам қўрқиб турарди: Проля билан ёлғиз ўзи қолди, Сашагаям бирор гап бўлса-я?..

Ҳансираганича Саша қайтиб келди. Энг қизиғи, у кўзойнакни топиб келганди.

— Топдингми?!

Проляга кўзойнакни тақиб қўйишди.

— Раҳмат, йигитлар! Раҳмат! — деди Проля. — Энди менга жон кирди. Энди ғалабага қадар ёнингизда бўлман... Қўрқманглар, бу шунчаки чиройли сўзлар эмас, лекин биз бу немисларни...

У кўзойнак тақилган кўзини очди-ю, шу заҳоти жимиб қолди. Унинг кўзларидами, ёки, эҳтимол, кўзойнакдами, аввалига қуёш, кейин эса қандайдир мовий бир нарсаярқираб кетди...

— Кўзойнагини ол, — дея илтимос қилди Алёшадан Саша ва йиғлаб юборди. — Дарров ол уни!

Алёша чўчиб кўзойнакни олди.

У қўли Пролянинг пешонасидаги ёпишқоқ терга текканини ҳис этди. Шундан сўнг гапиргандан ҳам кўра хўрсингандек қилиб сўради:

— Тамом бўлдимиз?

— Бирпас жим тур, Горсков! Узимга келиб олай!..

Улар анчага довр чурқ этмай серрайиб туришди.

Сўнгра Алёша Сашанинг маслаҳати билан Проля Кривицкийнинг кўзларини юмиб қўйди.

Бундай ҳолларда нима қилиш кераклигини билмагани боисидан у ўз билгича Пролянинг қовоқларини икки бармоғи билан босди-да, кўз юмилиб қолмагунча қўлини олмай тураверди. Бу орада эса, тентакларча дадаси ҳақида ҳам, Веранинг отаси тўғрисида ҳам ўйлади: уларнинг кўзини ким юмиб қўйганикин?

Бу ерда эса у уруш билан юзма-юз турибди. Полк командири ҳалок бўлди. Проля Кривицкий ҳам. Яна қанчадан-қанча одамларнинг ёстиғи қуриди...

Ҳозир Саша довдираб ва эсанкираб қолганди.

Ўлдирилган активистларнинг жасадлари, уларнинг тепасида ғужғон ўйнаётган пашшалар ва мана — Проля, Проля Иванович Кривицкий... Проля уларга қараганда анча ақллироқ ва донороқ кўринарди... Ўлдиришди!

Бу уларнинг шундоқ ёнгиналарида содир бўлган биринчи ўлим эди.

Гарчи, полк командирининг ўлими ҳақида эшитишган бўлиб, ўзларининг чегараларида, урушнинг барча фронтларида, — бундай чегаралар озми ахир! — одамларнинг жанг қилаётгани ва ҳалок бўлишаётганини билишса-да, Проля Кривицкийнинг ўлими уларнинг қалбини ларзага солди. Бир одам йўқ бўлди-қўйди. У ҳозиргина бор эди! Улар билан бирга овқатланарди, сўзлашарди, бир ҳаводан нафас оларди, энди бўлса у йўқ. Буткул ғойиб бўлди. Ғалати ва даҳшатли!

Ёнгиналарида кимлардир ўлдириб кетган активистлар ётишибди... Ким ўзи улар? Қомсомолларми ёки совет ҳокимиятининг хизматчиларими? Ўлдиришгандаям жуда ваҳшиёна ўлдиришибди бечораларни... Қийим-бошларни дабдала қилиб юборишганиданоқ кўриниб турибди ҳаммаси! Кутида эса совет байроқларини юлқиб ташлашган...

Активистларнинг ёнида бу ерга, Ғарбий Украинага, ўзимизнинг совет тупроғи-ку, деб келган инженер-гидравлик Проля Кривицкий ётибди...

Уни немис десантчилари эмас, ўз одамларимиздан кимдир ўлдирди.

— Нима қиламиз?

Бу саволни Алёшага Саша Невзоров бераётганди.

Алёша таклиф қилди:

— Кел уларни дафн этамиз! Белкурак бор-ку ахир! Келишдикми?

Сашанинг ўзи улар Кутига боргунларига қадар қонун, милиция ва ҳоказолар ҳақида гатириб, активистларни кўмиш мумкин эмас, деганди.

Активистларнинг жасади устида жирканч пашшалар ғужгон ўйнамоқда эди.

— Майли, шундай қиламиз,— деди Саша.— Белкурак бўлса бор, Проля олиб келди уни. Активистларни дафн этамиз-да, у ёғини ўйлаб кўрамиз...

Улар белкурак билан галма-гал чуқур гўр қазий бошлашди. Уруш бошланганидан буён ёмғир ёрмаган бўлиб, ер қуп-қуруқ эди. Гўр буғдойзорнинг ўртасида қазилаётгани учун ҳам ҳаммаёқни буғдой поялари тутиб кетганди... Ер қазишар экан, мурдалар устидан пашшаларни ҳайдаб ҳам туришарди. Кейин Проля Кривицкийнинг жасади ёнига ҳам югуриб бориб келишарди. Чунки ифлос пашшалар унинг тепасида ҳам пайдо бўлиб қолишганди.

Саша кўпроқ ўзи қазишга уринар, лекин Алёша ҳам бор кучи билан ҳаракат қиларди:

— Чуқурроқ кавлайми?

— Яна озгина қазиш керак. Бўлмасам беш кишини дафн қилолмаймиз...

Гўрни қазиб бўлишгач, марҳумларнинг ёнидан ҳужжат қидира бошлашди. Аммо ҳеч нима топиша олмади.

— Проляни нима қиламиз?

— Балким, уни қисмимизга олиб кетармиз?— иккиланибгина таклиф қилди Алёша.

Саша тутақиб кетди:

— Эсингни еб қўйдингми, Горсков! Анови активистларни дафн қилиш масаласида ўзим боя аҳмоқона гапларни айтгандим. Проляни қаёққа олиб борамиз? Кейин қандай олиб кетамиз? Кел, яхшиси, ўйлаб кўрайлик...

Олти ўлик ва уларнинг орасида — Проля Кривицкий.

Ийгитлар Проляни алоҳида дафн этишга қарор қилишди. Аммо беш активистга мўлжаллаб катта гўр қазишгач, бу фикрларидан қайтишди:

— Саша, балким, Проляни ҳам шуларнинг ёнига қўя қолайлик?

Невзоров эътироз билдирмади. Бир оз иккиланиб турди-ю, аммо қаршилиқ қилмади.

Фақат бир гапни айтди:

— Қабри нима бўлади? Номсиз қолаверадими?

Алёша Сашка Невзоров билан шунча йил таниш бўлиб, бир нарсадан беҳабар экан: маълум бўлишича, Саша, Академия ва Алёша билган барча ишлардан ташқари, умр бўйи, ёш болалигиданоқ ёғочга куйдириб расм чизиш билан қизиқиб келган экан. Лупанинг ёрдамида у тахтачаларга турли суратлар чизар ва ҳатто Ленинграддаги болалар ижоди конкурсларида қандайдир дипломлар ҳам олган экан...

— Майли, Проляни ҳам шу активистларнинг ёнига қўямиз,— деди Саша.

Улар Пролянинг бўйинга тақиб юриш учун яқинда берилган медальони ва ҳужжатларини олишди.

— Гимнастёркаси, медальони ва ҳужжатларини ўзимиз билан олиб кетамиз,— деди Саша.— Энди бир тахтача топилаганида эди... Дарвоқе, уни қидириб кўришимиз мумкин. Менинг лупам бор! Ҳозир эса — қани, бошладик!..

Йигитлар гўр устига кесак ва буғдой илдизлари аралаш тупроқ тортишди.

Буғдойзор ўртасида каттагина қабр дўппайди. Кейинчалик, бундай қабрларни биродарлик қабрлари деб атай бошлайдилар: уларга олти киши ҳам, олтмиш киши ҳам, олти юз киши ҳам жойланаверарди...

Қозиқ ёки тахтача топишмоқчи бўлишди-ю, аммо те-варак-атрофни тит-пит қилиб ҳам ҳеч бало топишолмади: бунақада Сашанинг лупаси асқотиши даргумон эди...

Марҳумларни кўмиб бўлишгач, эмаклашганича Кути-нинг чекка кўчаларига етиб боришди-да, у ердан қозиқ билан тахтачага ярайдиган бирор нарса қидира бош-лашди.

Буғдойзор ва шаҳар узра немис самолётлари бамай-лихотир учиб ўтишарди.

Бироқ боя уларнинг орқаларидан ўқ узиб Проляни ўлдирган миллий кийимдаги олифта йигитлар ғойиб бў-лишганди.

Саша бир эмас, иккита фанер тахтача топиб келди.

Алёша эса учта қозиқ топди — хоҳлаганларини тан-лаб олиш мумкин.

Невзоров чўнтагидан лупасини олиб, жазирама қуёш нуридан тахтани куйдириб ёза бошлади:

«Қизил аскар П. И. Кривицкий (1918 — 1941) ва Кутида ҳалок бўлган бешта номаълум активист. Қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!»

— Бизни жазолашармикин?— дея сўради Алёша улар ҳамма ишни тугатишгач.

— Бошга тушгани кўз кўрар,— деди Саша,— қани, кетдик.

Улар эҳтиёткорлик билан буғдойзордан чиқишди.

Шу пайт Алёша бир нарсани эслади:

— Саш, у ерда, Кутида мен бир плакатни кўрдим, бизнинг плакат. Кўзинг тушмадими? «Вайсақи — жосус учун хазинанинг ўзгинаси...»

— Балким, бу миллатчи фашистлар учун фойдалидир? Улар учун ҳам ўзича маъноси бор-да!..

Икковларида ҳам соат йўқ эди, аммо-лекин қуёш аллақачон ғарб томон оға бошлаганди.

### XIII

Алёшанинг кўз ўнгидан анови активистлар билан Кривицкий сира нари кетмасди. Кейин уларнинг умумий қабри ҳам шундоқ кўз олдида гавдаланиб турарди. Буларнинг бари фожиавий бўёқлар касб этганди.

Буғдойзордан сўнг ёввойи наъматак буталаридан иборат чангалзор бошланарди, унинг ўртасидан жилга оқиб ўтарди. Унинг ортида эса эрталаб ўзлари чиқиб келган ўрмон жойлашганди. Энди улар шу ўрмон орқали қисмларига қайтишлари лозим эди.

Улар жилгада ювиниб, сув ичишди.

Ўрмон йигитларни салқин ҳаво, сокинлик ва улуғворлик билан қарши олди. Оёқлари остидаги сўқмоқни йўсин қоплаган бўлиб, ундан юмшоққина юриб боришарди. Масофани қисқартириш учун улар атайлаб катта йўлдан юришмаганди.

Ора-сира йўлларида ёввойи қулупнай ва марваридгул учраб қоларди. Ёввойи қулупнай жуда хушбўй бўлиб, одамнинг чанқоғини яхши босарди.

Улар гапиришни исташмас, шу боисдан ҳам индамай боришарди.

Проля Кривицкийни қутқаришлари мумкин эди.

Жуда бўлмаганда, унинг жасадини қисмларига олиб боришса бўларди. Ҳа, бўларди, бўларди...

Аммо уни қандай ҳалок бўлганлари номаълум активистлар билан қўшиб дафн этишди. Дафн этгандаям

гимнастёркасиз, ярасини боғлаш учун йиртиб ташланган ички кўйлаксиз дафн этишди.

Дудин Кривицкийнинг ҳужжатлари ва медальонини олар экан, деди: «Афсус, яхши йигит эди... Қариндошларига хабар қиламиз...»

Батарей командирини Егозин Кутидаги воқеалар ҳақида роса сўраб-суриштирди.

Кейин уларни дивизион командирини Сухов чақиртирди.

Уларнинг ахборотини тинглаб бўлгач, анчага довури саволлар бериб турди.

— Шароит анча оғир, оғайнилар,— деди у сўнгра.— Украин миллатчиларининг ҳамда бошқаларнинг таъсири кучли экан... Қимлар хўжайинлик қилмаган дейсиз: венгерлар, руминлар, поляклар... Совет ҳокимияти ўрнатилганига кўп ҳам бўлмаганди. Бу ёқда — уруш! Имкони бўлганида, сизларни разведка учун мукофотлаган бўлардим. Дивизион бўйича буйруқ бераман. Кривицкийни эса унутмаймиз. Тахтача қолдириб яхши қилибсизлар. Қайтиб келгунимизга қадар ўчиб кетмаса керак...

— Жиддий уруш кетяпти,— дея давом этди Сухов.— Биз ўйлагандан жиддийроқ бўлиб чиқди у. Бизникилар чегарада шахсий составнинг учдан икки қисмини йўқотишди. Техника ҳақидаю гапирмасак ҳам бўлади. Полк командирини ҳалок бўлди. Найзабозлик жангига кирибди. Уни олиб чиқиша олмабди. Одамлар ва техникани сақлаган ҳолда, жанглар билан чекинамиз. Ана шунақа!

Алёша ўз отларининг олдига борди. Жийрон Костили ва шеригига ўхшаб жийрон бўлса-да, лекин кўкимтир, тўғрироғи, бинафша тусда товланиб турадиган Лирасини мулойим кутиб олишди — жониворлар хурсанд бўлиб кетишганди.

Уларнинг ҳуркиган, лекин ҳамма нарсани тушуниб турган катта-катта кўзлари Алёшага инонувчанлик билан қараб турарди.

Отлар шу бир-икки кун ичида қаровсиз қолиб, тозаланмаган эди. Алёша уларни қашлаб тозалашга киришиб кетди. Илгари отхонада, ҳозир жазирама қуёш тагида қизиб турган кўчадагига қараганда, бу ишни бажариш анча осон эди.

Отлар тепасида пашшалар, қандайдир чивинлар, сўналар айланиб учарди. Жониворлар бу хира қашаротларнинг чақишидан безовта бўлиб туришарди.

Алёша уларнинг олдига янги ўрилган пичан ташлаб — бугун сули беришмаганди!— қашлагич билан қашлар

экан, нуқул Саша билан иккови активистлар ва Проля Кривицкийни дафн этишган буғдойзорни эсларди...

Ҳозир улар турган тепаликнинг икки томони бор эди. Отлар ва техника жойлашган ғарб томонда ўзлари ҳам ўрнашиб олишганди. Шарқ томони эса тоғ ёнбағрида эди. Ана шу шарқий ўнг томоннинг юқорироғида траншеялар ва артиллерия позициялари жойлашганди. У ерда эса... Энди Алёша у ерлар жуда нотинч эканлигини билиб олганди.

Тепаликнинг бошқа ёғида, тоғнинг сўл томонида хўжалик взводи ўрнашиб олганди. Ошхоналар ҳам ўша ерда эди.

У ерда белгиланган муддатдан ташқари хизмат қилувчи қирқ ёшлардаги ва ундан ҳам кексароқ қизил аскарлар овқат пиширишарди. Эрталабки нонушта, тушлик, кечки овқат.

Теварак-атрофдаги манзара жуда чиройли эди. Урмон ва бутазорлар билан қопланган тоғ ва тепаликлар, гуркираб ўсган ўт-ўлан, анвойи гуллар — буларнинг бари уруш билан ҳам, уларнинг бу ерда жангга шайланиб туришлари билан ҳам сира қовушмасди. Ҳатто уларнинг тепалик ёнбағрида траншеялар ва отларни пана қилиш учун чуқурлар қазилгани ҳам атрофдаги гўзалликка пуртур етказа олмаганди. Қайтанга, траншея ва чуқурлардан чиққан қум тепаликларнинг яшил либосини янада бўрттириб кўрсатарди.

Дивизиондагилар ўз ишлари билан банд эдилар.

Алёша отларга қарамоқда эди.

Кейинроқ эса у батарея командири Егозиннинг илтимосига кўра полк командирининг портретини чизди.

Тўғри, Алёша аввалига рад этмоқчи бўлди:

— Чизолмайман... Кўрмаганман! Тушуняпсизми, кўрмаганман...

— У ҳалок бўлди, Горсков! Тушунсанг-чи, ҳалок бўлди!

Бу гапни политрук Серов айтганди.

Кейин у давом этди:

— Эски фотосуратлари бор... Уттизинчи йиллардан қолган суратлар. Академияда, ундан олдин эса политсостав курсларида ўқиб юрган пайтлари. Уттиз тўртинчи йил. Ниҳоят, Испания. У Испанияда бўлган. Уйлаб кўр, Горсков! Эҳтимол, тарих учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир бу. Уйлаб кўр!

Алёша туни билан ўтириб полк командирининг суратини чизди. Полк командири суратда ёшгина, ҳатто ҳозирги қизил аскарлардан ҳам ёшроқ бўлиб чиқди...

Гарчи, чамадонида акварель ва мойбўёқлар бўлса-да, Алёша бу суратни қалам билан чизди. Зеро, ҳозирча у бўёқларга қўл уришга ботинмасди...

Қаламни очиш учун унинг пичоғи йўқ эди-ю, лекин хавфсиз устаранинг лезвиеси топилди. Йигит қаламни шу билан очди.

Алёшанинг ўзига ғалатироқ туюлган бу портретни биринчи бўлиб политрук Серов кўздан кечирди.

Испан формасини кийган ёш йигит (Алёша испанлар киядиган шапкачаларни фотосуратларда ва Ленинградга келган испан болаларининг бошида кўрганди; ўша кезлари бундай шапкачаларни халқаро бирдамлик рамзи сифатида кўпгина одамлар кийиб юришарди) Мадрид ўртасида турибди. Мадрид вайронага айланган. Ҳалок бўлаётган шаҳар тарихида қандайдир ёзувлар элас-элас кўзга ташланади. Йигитнинг башарасидан унинг рус экачилиги яққол сезилиб турибди. Унда ирода ва ҳамдардлик, ишонч ва мағлубият алами акс этган.

Сурат Серовга ёқди.

— Туни билан ухламадингми?— дея сўради у.

Алёша индамади.

— Тасвирий санъатни яхши тушунмайман,— деди политрук,— лекин, менимча, жуда керакли сурат чизибсан. Ҳар қалай, айни ҳозирги кунда керак. Агар йўқ демасанг, Горсков, мен уни бошлиқларга кўрсатаман. Имкони бўлиб қолса, биз уни кўпайтириб, дивизия, полкка тарқатамиз... Токи одамлар полк командирини ана шундай жонли ҳолда кўришсин. Испанияни тасвирлаганинг ҳам жуда зўр бўлибди. Қўйиллатибсан!

Эртаси куни соат ўн иккида тревога эълон қилинди.

Отларни жиловидан етаклашди. Уларга юк ортмай, тўпларни алоҳида сургашди.

Костиль негадир жаҳли чиқиб, Алёшани тепиб юборди...

Алёша бир четга учиб кетди.

Лира унга гўё ҳамдардлик билдираётгандек, маъюс қараб турарди.

Уларнинг отлари бақувват, зотли отлар, эгарлари ҳам зилдаккина. Зеро, бу эгарлар тўп қисмларини тортишга мўлжалланган. Полкда мингта, дивизионда уч юз элликта, батареяда эса бир юз йигирмата от бор. Узоқ йиллик хизмат давомида бу отлар оғир меҳнатга кўнгикиб кетиш-

ган. Шу боисдан ҳам тўп қисмларини ортиш учун махсус эгарлар ясалганди.

Бу ўринда эса от бирдан қайсарлик қила бошлади.

Эгарлар ўша-ўша-ю, аммо уларни аравага қўшишяпти. Яна аллақандай бегона одамларнинг минмоқчи бўлаётганини айтмайсизми? Отлар уларни илгари ҳам кўриб юришарди-ю, бироқ бу одамлар ҳар кунни уларга ем бериб парвариш қиладиган ўз кишилари эмасди-да...

Костилнинг бу қилиғидан Алёшанинг жаҳли чиқмади. Уни комбат Егозинга берди. Комбат отга минаётганида ҳатто унинг оёғидан ҳам олиб юборди.

Костиль бир ҳуркди-ю, аммо ортиқ ўжарлик қилмади. Лира Алёша билан снаряд қутиси олдига жўнади.

Колонна йўлга тушди.

Улар яна тоғликдан пастга қараб, қишлоқ йўлларидан юришди...

Гарчи, немислар кўринишмаса-да, қишлоқларда уйлар ёнмоқда эди.

Немис десантидан эса асар ҳам йўқ эди.

Фақат атайин миллий кийимларини кийиб олган маҳаллий одамларгина ўралашиб юришарди. (Алёша кейинчалик уларни, немислар тили билан айтганда, цивильнийлар, деб атай бошлайди). Улар ов милтиқлари, немис автоматлари, гранаталар билан қуролланиб олишганди...

Бу одамлар ўқ узишмасди.

Колоннани хотиржам ўтказиб юборишарди.

Лекин кўзларидан нафрат ёғилиб турарди.

Уларнинг башараларини Алёша, чамаси, бир умрга эслаб қоладиган бўлди!

Қишлоқлар, посёлкалар ва кичкина шаҳарчаларда совет байроқларини олиб ташлашганди.

Оқ байроқлар ёнида қандайдир ғалати, тож ва турли-туман бўлак нишонлар туширилган уч-тўрт рангли ҳар хил байроқлар осиглиқ турарди. Аммо бу ғалати байроқлар маъносини ҳеч ким тушунмасди. Уларни кўпроқ оқ байроқлар ҳайратга солмоқда эди.

— Нима бало, таслим бўлишяптими?— деди Костя Петров.

— Кимга таслим бўлишади?— дея сўради Серёжа Шумов.

Қандайдир шаҳарчада яна сариқ-оқ-ҳаворанг байроқларни кўриб қолишди.

Бу шаҳарчада ҳам милтиқ тутган йигитлар ўралашиб юришарди.

Алёша байроқни таниди:

— Руминларнинг байроғи, шекилли!..

Урушга қадар марка тўплаш билан шуғулланган Алёша румин байроғининг рангини эслади. Қизил-сарик-ҳаворанг. Бир вақтлар у Георге-Георгиу Деж ва бошқа румин коммунистлари ҳимоясига атаб плакат чизганди... Плакатга у Максим Горькийнинг «Она» ҳамда Федор Гладковнинг «Цемент» китобларининг муқовасини ҳам туширганди. Зеро, айтишларича, румин коммунистлари қамоқда яширинча китоб ўқишар ва худди шу совет китобларини яхши кўришар экан. Ушанда Алёша плакатни қуйидагича чизганди: румин байроғи, икки совет китобининг муқоваси ва шпор...

Ҳаммаёқ жимжит эди, лекин бирдан немис самолётлари пайдо бўлиб қолди.

— Осмон!— деган команда эшитилди.

Улар отларидан тушиб, ўзларини йўл четига уришди. Дарвоқе, уришди дегани нимаси. От-араваларни йўл четига қараб ҳайдашди, хайриятки, ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам ўрмон эди... Дарахтлари нимжонгина бўлса-да, ҳар қалай, ўрмон, унинг панасига яширинса бўлади.

Ёқасига тўртта шпала таққан колонна командири шахсан ўзи кўрсатма бериб турарди. Дивизион жангчилари уни танишмасди-ю, аммо хотиржам, ишчан, бақириб-чақирмайдиган, баъзи оғзи коски командирларга ўхшаб сўкинмайдиган бу одам уларга ёқиб қолганди.

— Шаҳарда немис десанти бор!— деди ўша одам.— Эҳтиёт бўлинглар. Немислар Қизил Армия формасини кийиб олишган...

Улар бу гал Кути шаҳарчасидан ўтишмади. У ерда Проля Кривицкий билан беш активист қолди... Демак, Кутида немисларни кутишаётган экан-да!..

Отларни ўрмонга ҳайдаб кириб, ўзлари йўл четидаги зовурга яширинишгач, Алёша Саша билан шу тўғрида гаплашиб қолди.

Бу ерда чириган хазон, йўсин ва арчаларнинг ҳиди келиб турарди. Оёқ ости чилпиллаб турарди — йўл чеккасидан зўрға кўз илғайдиган жилғача оқар экан.

Йўл устида бир гала қора чуғурчуқ пайдо бўлди.

Йирик ўрмон тўрғайи қанотларини қоққанча дарахтдан дарахтга учиб ўтди.

Чигиртканинг ботинмайгина чириллагани, қурбақанинг вақиллагани эшитилди.

Ўрмонни кесиб ўтган йўл устида жангчилар «қўлтиқтаёқ» деб лақаб қўйишган немисларнинг айғоқчи самолёти пайдо бўлди. Айғоқчи ер бағирлаб учгани учун ҳам яқ-

қол кўриниб турарди. Унинг ортидан сариқ қанотига свастика нишони туширилган «кукурузник» янада пастроқ учиб ўтди. Кейин «юнкерслар» ҳам етиб келишди.

Немис самолётларини улар схема ва шакли бўйича урушдан илгариеқ ўрганишганди. Шунинг учун ҳам ҳозир уларни беҳато таниб олардилар.

Урмон йўли устидан учиб ўтаётган «юнкерслар» пулемётлардан ўт очдилар. Кейин орқаларига қайтиб яна уларни ўққа тутдилар. Қаердадир отлар кишнади, одамларнинг бақиргани эшитилди. Кимдир самолётларга қарата ўқ узмоқда эди.

Ҳаво ҳужуми қандай беҳосдан бошланган бўлса, шундай кутилмаганда тугади.

Маълум бўлишича, улар каттагина талафот кўришибди.

Яраланган учта отни қийналмасин деб отиб ташлашди. Саккиз нафар қизил аскарни дафн этишди.

Жангчилар гўр қазишаётганида колонна командири билан дивизион командири Сухов, тезроқ бўлинглар, дея уларни шошириб туришди.

Сўнгра кичкинагина митинг қилишди.

Сухов нутқ сўзлади.

Ҳалок бўлган қизил аскарларни чуқурга тушириб, устидан тупроқ тортишди.

— Қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!— дея тугатди нутқини Сухов.

Жангчилар салют бериб, ўқ уздилар.

— Энди отларга минилсин!— буюрди колонна командири.

Алёшанинг ёнида Сухов пайдо бўлди.

— Қалай, Горсков? Кўникяпсанми?

Алёша индамади.

— Сени кузатиб юрибман,— деди Сухов.

Алёша яна индамади.

Бугунгиси иккинчи қабр эди. Аввалроқ эса улар Проля Кривицкий билан беш активистни дафн этишганди...

Хўш, у нимаям қила оларди!

— Нега индамаяпсан?— дея сўради Сухов.

— Ҳа, ўртоқ комдив!— деди ўзига келиб Алёша.— Анови колонна командири — тўртта шпала таққан офицер ким?

— Сенга айтсам, Горсков — аломат одам!— деди шавқзавқ билан Сухов.— Қаҳрамон! Гражданлар уруши, Ҳасан кўли, Халхин-Гол! Дарвоқе, у бизнинг полк командиримизни жанг майдонидан олиб чиқмоқчи бўлибди, аммо

душман кўпчилик қилиб, буни удалай олмабди, ўзи қуршовга тушиб қолиб, мўъжиза билан қутулиб чиқибди... Жуда собит одам бу Иваницкий. Биз ундан ўрганишимиз керак!..

...Уларнинг колоннаси Каменец-Подольска, эски чега-ра томон кетмоқда эди. Қишлоқларда активистларни ўлдиришибди. Улдирганда ҳам бутун оиласи билан қиришибди. Уларнинг уйлари ёнмоқда эди. Кўчаларда ов милтиғи ва гранаталар билан қуроланган сурбет йигитлар изғиб юришарди. Яширинмай очиқ-ойдин юрганлари ўқ узинмасди. Одатда, пистирмадан туриб ўққа тутишарди. Немис байроқлари кўринмасди-ю, румин ва венгер байроқлари борган сайин кўпроқ учарди.

Колонна Каменец-Подольск ёнидаги ўрмонда улардан бир кун олдин етиб келган ўз полкига бориб қўшилди. Полк янги чегарадаги жангларда анча талафот кўрибди. Айтишларича, техника ва отларни ҳисобга олмаганда, шахсий составнинг учдан бир қисмини йўқотишибди.

Кечадан бошлаб полкка маҳаллий аҳолидан сафарбар қилинган янги жангчилар келиб қўшила бошлаган экан. Уларга ҳарбий форма кийдиришди. Полкнинг эски жангчилари уларни «ғарбийлар» деб аташарди. Бу йигитларнинг бари қандайдир руҳан сўлғин, маънос кўринишарди. Боз устига, улар венгер, поляк, румин тиллари билан қоришиб кетган ғалати украин тилида сўзлаганларидан, уларнинг гапларини тушуниб бўлмасди. Боёқишлар рус тилида биронта ҳам сўзни билишмасди.

Уч отлиқни разведкага юборишди. Булар—Алёша, Костя Петров ва Лада фамилияли янги жангчи эди. Кока, Тара ва Весь исмли отлар бегона бўлса-да, лекин ювошгина экан.

Улар йўлларни разведка қилиш учун Хотин томон жўнашди.

Лада, гарчи рус тилида ёмон гапирса-да, туб жойни жуда яхши билар экан. Алёша билан Костя яна унинг комсомол аъзоси эканини ҳам бир амаллаб тушуниб олишди.

Буйруққа биноан, қишлоқларга кирмасликка ҳаракат қилиб, ўрмон оралаб боришди: зеро, қишлоқларда бугун ким бору нималар бўлаётгани номаълум эди.

Ниҳоят, Лада:

— Ось туточки незабаром мое село<sup>1</sup>, — деди.

---

<sup>1</sup> Хув анови тепалик ортида менинг қишлоғим жойлашган. (Тарж)

Бу гал группага Алёша бошлиқ қилиб тайинланганди.  
— Менга қара, Лада! Бошимизга урамизми ўша қишлоқни! Сеникими, бошқаникими — бунинг нима аҳамияти бор! Уни четлаб ўтиб бўлмайдами? Командир ҳам шундай буюрган-ку, ахир.

— Села не проминути. Воно зараз по дорози, а иших шляхив немає...<sup>1</sup>

Шу йўлдан кетаверишга тўғри келди.

Хотин томон борадиган энг яхши йўл ана шу, дея изоҳ берди Лада. Бу гал Алёша билан Костя унинг гапини яхши тушунишди. Бу янги совет территорияси бўлиб, анча хавфли экану, аммо Қизил Армия қисмлари ўтса бўлар экан. Йўлдан одамлар, тўплар, отлар ва ҳатто автомашиналар ҳам бемалол ўта олар экан. Эски чегарадан ўтиб олишгач, осонроқ бўлармиш. Улар Совет Украинасига бориб туришар, совет комсомоллари билан дўст тутинишган экан... У ерларда ҳаммаси бошқача эмиш, албатта. Бу ерда ҳозирча қийин эмиш. Синфий кураш! У ерда эса ҳаммаси аллақачон ҳал бўлган эмиш. Агар маънови лаънати уруш бошланиб қолмаганида, улар ҳам ҳаммасини тезгина ҳал қилишган бўлар экан...

Алёша билан Костя Ладанинг гапларини тахминан ана шундай тушунишди.

— Сенинг исминг нима ўзи?— дея сўради Костя.

Лада яна хижолатга тушди:

— Чо?<sup>2</sup>

— Исминг нима деб сўраяпмиз,— деди Алёша.— Бўлмасам, нуқул, Лада, Лада, деймиз! Исминг бордир, ахир?

— Ивась,— деди камтарлик билан Лада. У шерикларининг гапини тушуна олганидан хурсанд бўлиб кетганди:— Ивась! Ивась!

— Еқимтой исминг бор экан,— деди Горсков.

Олдинда дарахтлар орасидан қишлоқ уйларининг чироқлари кўринди. Унг томонда ҳам, сўл томонда ҳам қалин девор янглиғ ўрмон қад кўтариб турарди. Сўл томонда у тоққа қараб кўтарилиб кетган бўлса, ўнг томонда пастликка қараб ёйилганди. Олдинда чироқлар милтираб кўринди. Бу ерларда эрта қош қораяр экан.

Аслида мўлжаллари ҳам ана шундай эди. Улар йўлни ғира-ширада разведка қилишлари, сўнг ухлаб олиб, яна эрталаб азонда давом эттиришлари лозим бўларди.

<sup>1</sup> Қишлоқни четлаб ўтиб бўлмайди. Ягона йўл ана шу, бошқа йўл йўқ. (Тарж.)

<sup>2</sup> Нима? (Тарж.)

Соат 10. 00 дан кечикмай эса қисмларига қайтиб боришлари ва ахборот беришлари керак.

Қишлоққа кираверишда улар отлардан тушиб, чекиб олишди.

Иваснинг ўзи чекмас экану, аммо махоркаси бисёр эди — у Алёша билан Костяни қўлбола махорка билан сийлади.

Биринчи бўлиб Костя махорка тутатди. У урушга қадар ҳам чекарди.

Алёша эса армияда, булгурдан бошлаб чека бошлаганди.

Отлар дам олиб туришарди. Жониворлар тоғ ўрмонидаги янги майсадан чимдиб, мамнуният билан пишқириб қўйишар ва суворийларига садоқатли кўзлари билан қарашарди.

Уларнинг нигоҳида гўё Ивась, Костя ва Алёша бир умр шу отлардан ажралмаган деган фикрни уқиш мумкин эди!..

Ҳамонки ғайригабиний ҳодисаларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган армия хизматидаги от уларга меҳр қўйибдими, демак, булар яхши одамлар экан...

— Кетдикми?

Олдинда чироқлар милтираб турарди, тез орада улар йўлнинг сўл томонидаги тепаликда жойлашган қишлоққа кириб боришди. Гарчи, деразаларда керосин чироқлар ва шағамларнинг шуъласи липиллаб турган бўлса-да, анча қоронғи экан.

Ҳали тун тушмаган бўлса ҳам теварак-атроф сув қуйгандек жимжит эди. Баланд қарағайларнинг учи оша осмону фалакка ой кўтарилаётган бўлиб, унинг шуъласи уйларнинг томлари ва дераза ойналарида липиллаб ўйнай бошлаганди.

Қишлоқ четидаги иккинчи уй олдида улар отлардан тушишди, Ивась олдинга қараб кетди.

Ивась улар сўзлашаётганларидан ҳам секинроқ, деярли шивирлаб деди: ҳаммасини билиб, аниқлаб келаман, кейин — олға!

Ер куррасини ўз домига тортган урушнинг бу ерда шарпаси ҳам сезилмасди. Тунги қушлар сайрашарди. Афтидан, булбулга ўхшайди. Саратонлар чирилларди. Урмон улуғвор хотиржамлик-ла бир маромда шовулларди...

— Ивась — ажойиб йигит! — деди Костя. — Уларга қанчалик қийин бўлганини тасаввур қилгин-а...

Лекин қаёққа ғойиб бўлдийкин?

Улар шуни хаёллаб улгурмаслариданоқ, ўта ҳаяжонга тушган Ивасъ нафаси оғзига тиқилгудек бўлиб югуриб келди.

— Кетдикми?— дея сўради Алёша.

Улар яна отларига минишиб, йўлга тушишди.

Қишлоқдан чиқаверишларида бирдан орқа томонда автоматнинг тариллагани эшитилди. Улар пулемёт бўлса керак, деб ўйлашди... Ивасъ миниб келаётган Кокага ўқ тегди. Жонивор мункиб, устидаги суворийсини йиқитиб, ўзи йўл устига қулади.

Алёша билан Костя олдинроқда кетишаётганди. Улар отларидан сакраб тушишди-да, карабинларини қўлларига олишиб, дарров ерга ётишди. Кейин ёнларига Ивасъ югуриб келгач, автомат тариллаган томонга қараб ўқ уза бошлашди.

Олдинда автомат тутган бир йигит пайдо бўлди. Ойнинг шуъласида у яққол кўриниб турарди. Унинг олдида эса, бошини баланд кўтариб жон азобида Кока тўлғониб ётарди... Йигит отнинг бошини нишонга олиб ўқ узди-да, олдинга ташланди. У эгнига каштагулли оқ кўйлак кийиб олганди... Лекин унинг кийими матодан эмас, чармдан тикилгандек кўринарди...

Улардан биронтаси ҳам ўша йигитни нишонга олишолмади.

Учовлон бир кишини эплашолмади!

Йигит йўлда ўзини гоҳ ўнг, гоҳ сўлга ташлаб югурганича, ниҳоят. Коканинг жасади орқасига яширинди-да, ўша ердан ўқ уза бошлади.

Тара билан Весъ ҳуркиб пишқиришганича, уларнинг ёнларида туришарди.

Костя сапчиб ўрнидан турди ва отларни йўл устидан ўрмонга қараб ҳайдади.

Жониворлар йўл четидаги ариқдан ботинмайгина сакраб ўтишди-да, оёқ остидаги хазонларни қирсиллатиб босишганича, ўрмон ичига кириб кетишди.

Бирдан Ивасъ рўйирост ўрнидан туриб, олдинга қараб юра бошлади..

— Сенга нима бўлди, Лада?— дея қичқирди Костя.

— Қани, Ивасъ қайт орқангга!— буюрди Алёша.

Ивасъ орқасига ўгирилиб, жилмайганича алланима деди-да, хотиржамгина йўлида давом этди.

Автомат тутган йигит кўринмасди. Йўл эса ой шуъласида кафтдагидек кўриниб турарди.

Ивасъ икки-уч метрча юрди-да, икки марта ўқ узди ва бирдан ерга қулади.

Дарҳол ҳаммаёқ жимиб қолгандек туюлди.

Эсанкираб қолган Костя билан Алёша ўзларига кел-  
гунларига қадар яна бир дақиқача вақт ўтди.

Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди.

Фақат бутазор ичида отларнинг пишқириши эшити-  
ларди.

Нихоят, йигитлар ҳушларига келишди.

— Қани юр!

Уни бундай қолдириб бўлмайди-ку, ахир?

Бу гапни ким биринчи бўлиб айтди, номаълум, лекин  
уларнинг иккови ҳам сапчиб туриб, Ивась томон отилишди.

У ҳали тирик экан.

— То мий брат Грицько... Сволота! Хоче мени помс-  
тати, що я до комсомолу пийшов, а зараз до Червонной  
Армии... Коня жалко... Добрый кин був...<sup>1</sup>— дея шивир-  
лади у.

Унинг оғзи ва қулоқларидан қон келмоқда эди.

Улар Ивасни Тара билан Вёсь турган бутазорга дафн  
этишди. Энди ёнларида сапёрлар белкураги бор эди.  
Кока йўл устида қолаверди.

Иваснинг ҳужжатларини олишди. Унга ҳали медальон  
бериб улгуришмаганди. Қабри устига эса — тун бўлгани  
бонсидан нима ҳам қилиша оларди — шилиб олинган  
қайин пўстлоғига сиёҳ қалам билан «Қизил аскар И. Лада.  
Комсомол аъзоси. 1941 й».— деб ёзиб қўйишди. Улар  
Иваснинг туғилган йилини билишмасди.

Ҳориб-чарчаган икки жангчи анчага довр энди нима  
қилишларини билмай бош қотириб ўтиришди.

Ҳатто баҳслашиб ҳам олишди.

Бу баҳсда, чамаси, Костя ҳақ бўлиб чиқди. У, Алёша,  
буни кейин тушунди.

Улар отларига минишди-да, олдинга, Хотин томонга  
қараб йўл олишди.

Йўл ўрмон оралаб борарди. У гоҳ юқори кўтарилиб,  
гоҳ пасаяр, гоҳ очиқ далага чиқиб, гоҳ яна ўрмон ичига  
кириб кетарди.

Ўрмон қандайдир гамгин ва тунд кўринар, яланглик-  
лар эса, айниқса тепа жойларда, гулларга бурканиб ётар-  
ди. Ҳаммаёқни мойчечаклар ва бўтақўзга ўхшаш мовий

---

<sup>1</sup> У менинг акам Грицько... Аблаҳ! Аввал комсомолга, энди эса  
Қизил Армияга кирганим учун мenden ўч олмоқчи... Отга ачинаман...  
Яхши от эди... (Тарж.)

гуллар тутиб кетганди. Бир ялангликда кўм-кўк майда мевали ёввойи олма дарахти ўсган бўлиб, бошқасида эса шохлари эгри-бугри баҳайбат дуб қад кўтарганди. Унинг тагида бултурдан қолган чўчка ёнғоқлар бужмайиб ётарди. Учинчи ялангликнинг ўртасида улкан наъматак бутаси тарвақайлаб турар, четларида эса қорағат ва итузум ўсиб ётарди.

Йўлда на биронта қишлоқ, на милт этган чироқ кўринарди.

Тун алламаҳалга борганида улар ўзларининг қаттиқ чарчашганини ҳис этиб тўхташди, зеро отларга ҳам дам бермоқ керак эди. Гарчи, овқат егилари келмаётган бўлса-да, бир оз тамадди қилиб олишди. Айниқса, Йвасни дафн қилишгандан бери кўнгиллари беҳузур эди.

Деярли минут сайин чўчиб-чўчиб уйғонишганича бирикки соат мизғиб олишди.

Улар тонготар пайт осмонни тутиб кетган гувиллашдан уйғониб кетишди. Бир талай немис самолётлари шарқ томон учиб боришмоқда эди.

Тара билан Везь қулоқларини чимириб туришарди.

Алёша билан Костя тезда йўлга отланишди.

Нариоқдаги жилғада юз-қўлларини ювгач, анча енгил тортишди.

Хотин шаҳригача қанча йўл қолганини иккови ҳам билмади. Улар эса худди ана шу нарсани билиб қайтишлари лозим эди.

Немис самолётлари ғойиб бўлишганди.

Худди урушдан олдинги пайтга ўхшаб, ҳаммаёқ жимиб қолди. Шу пайт Алёша негадир ёз мавсумини ўзлари чиқиб туришадиган Ленинград яқинидаги чорбоғни эслади. Буларнинг бари ҳозир унга бир вақтлар кўрган ғалати тушдек, етишиб бўлмас рўёдек туюлди.

Қуёш кўтарилган бўлиб, соатсиз ҳам ҳозир эрталаб соат тўққиз-ўнлар бўлганини чамалаш қийин эмасди. Улар ўрмон четидаги сойликка чиқишаётган пайтда бирдан тўпларнинг гумбур-гумбури ва тасир-тусир ўқ овозларини эшитиб қолишди.

Четларини бутазор қоплаган кўм-кўк сойлик анча кенг бўлиб, унинг ўртасидан анҳорми ёки шунчаки ариқми оқиб ўтарди. Осмону фалакда уфқ томон сузиб бораётган онда-сонда булутлар кўзга ташланарди.

Алёша билан Костя дарҳол орқаларига қайтиб, отлардан тушишди-да, бутазор ичига яширинишди. Чамаси, ҳая-

жоннинг зўридан бўлса керак, негадир бирон нарса егилари келиб қолди.

Алёшанинг противогаз сумкасида озгина нон қолганди.

Кавшаниб олишди.

Ноннинг қорасини отларга беришди.

Пастда эса...

Жангми — жанг эмасми?

Ёки шунчаки отишмами?

Осмонда самолётлару, ерда артиллерия кўринмасди, шекилли.

Аҳён-аҳёнда портлашларнинг ёлқини кўзга ташланарди.

Балким, миномётлардир?

Кейин яна милтиқларнинг пақиллаши, автоматларнинг тариллаши қулоққа чалинарди...

— Утириб тур! Мен бориб келаман!— деди ниҳоят Алёша.

— Нега энди сен боришинг керак экан?

— Мени бошлиқ қилиб тайинлашган, ахир...

У бутазордан чиқиб, пастга туша бошлади. Сойлик унча катта эмас экан, олдинда ҳақкам-дуккам ўсган буталар ва дарахтлар кўзга чалинарди. Ундан у ёғи дала бўлиб, узоқдан катта қишлоқми, шаҳарчами кўзга ташланарди.

Алёша аввалига буталар орасига яшириниб тикка бораверди, кейин эса эгилиб, буталар оралаб югура бошлади, карабинини эса ўқ узишга шай қилиб ушлаб олганди.

Отишма кучайди, лекин ўқлар қандайдир тартибсиз узилмоқда эди. Ёшгина тол новдалари ўсган жилға ёнида аллаким қичқириб уни тўхтатди. Булар ўзимизнинг қизил аскарлар экан. Улар тўрт киши бўлиб, биттаси қаттиқ ярадор эди.

— Эй худойим! Биронтанг ёрдам берсанг-чи!— деб қичқирарди ярадор жангчи.

— Ҳозиргина қорнига мина парчаси тегди,— дея тушунтиришди қизил аскарлар.

Улар Алёшанинг разведкага келганини эшитишгач, вазиятни тушунтириб беришди:

— Бу ерда венгерлар... Қаердан пайдо бўлишганини ҳеч ким билмайди. Чамаси, немислар билан бирга бўлишса керак. Немисларнинг ўзи ҳали ҳозирча кўринишмаяпти. Хотин анови қишлоқдан уч километрча нарида... Шаҳарда ҳам венгерлар бор. Унча кўп эмасу, аммо жуда

қутурган лаънатилар. Шундай экан, жонинг борида жўнаб қол, бошлиқларингга эса, Хотин шаҳрига жанг билан кириб боришга тўғри келишини айт.

Отишма хиёл тинган эди, қизил аскарлар билан хайрлашиб, ўрмонга қайтди ва эшитган-кўрганларини Костяга гапириб берди.

Йигитлар дарҳол қисмларига қайтишга қарор қилишди. Улар, ҳар қалай, баъзи нарсаларни: йўлни ҳам, вазиятни ҳам билиб олишган эди.

Улар эҳтиёт бўлиб йўл юришди, айниқса Ивась ҳалок бўлган жойга етишганда сергак тортишди. Қабрга ҳам назар ташлаб ўтишди: янгигина кавланган тупроқ уюми йўлдан яхши кўриниб турарди.

Нарироқда Коканинг жасади ёнидан ўтишди. У шишиб кетган бўлиб, тепасида пашшалар ғужғон ўйнарди, кейин битта қора қарға ҳам ишга киришиб кетганди.

Енгилгина шабада эсиб, ўрмон худди куйлай бошлагандек туюлди. Дуб ва қайинлар, шунг ва тоғ қарағайлари чўзиқ куйларини бошлаб, япроқлар унсиз рақсга тушиб кетдилар. Гўё қулоқ остида улкан органининг оҳиста ва бўғиқ навоси янграётгандек эди.

— Эшитяпсанми?— дея сўради Алёша.

— Эшитяпман,— деди Костя.— Худди Иваснинг ўлимига мотам куйини чалишаётганга ўхшайди.

Энди энг муҳими — қишлоқдан ўтиб олиш.

Ўтиб ҳам олишди, шекилли.

Қишлоқ яна сокинлик қўйнига шўнғиганди.

Костя тўнғиллаб деди:

— Анови аблаҳни топганимиздами!.. Грицькомиди лаънатининг исми...

— Бўпти, тарихчи, жим бўл! Тўйдан кейин ноғора чаласан-а!— деди унинг сўзини бўлиб Алёша.

#### XIV

У Ивасни қабрига қўйишаётган пайтдагидек эмас, балким чиройли ва хушбичим, уятчан ва жасур йигит сифатида тасаввур қилмоқда эди.

Ивась ҳалок бўлган жойдаги манзара ҳам унинг кўз ўнгида маъюс ва ғамгин эмас, балким шодон ва ёруғ бўёқларда гавдаланиб турарди. Гўё барча бу воқеалар тоғда ва ўрмонда эмас, ажойиб ёз куни қуёш нурларига фарқ бўлган кенг ялангликда содир бўлгандек эди.

У полк командири портрети учун ор қилмасди. Бу сизга «Ўрмон кесувчиларнинг оғир меҳнати» эмас! Бу портретга маҳоратдан ҳам муҳимроқ нимадир сарфланганди.

Унда фотосуратдагидек қуруқ ўхшашлик эмас, қалб қаъридан чиққан туйғу бор.

Портретни аввал армия газетасида босишди, кейин у армия сиёсий бўлими томонидан кўлайтирилиб, варақа сифатида тарқатилди.

Ивасни Алёша, худди полк командирини тасаввур қилгандек, тирик ҳолда кўрарди. Фақат у ҳаётдагига қараганда кучлироқ кўринадики, гўё Алёша аниқ-тиниқ қилиб чиройли чизилган инсон суратини рангин бўёқлар билан ёруғликка сингдириб юборгандек туюларди.

Алёша хаёлан Иваснинг портретини чизмоқда эди...

Кечқурун қоронғи тушгач, 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизияси, жумладан, уларнинг 140-нчи артиллерия полки ҳам, Хотин шаҳри томон йўл олди.

Олдинда разведка борарди. Унинг командири Дудин эди-ю, лекин амалда Иваницкий раҳбарлик қилмоқда эди.

Улар от миниб кетишмоқда эди. Алёша ўз Костилида, Костя эса Зима лақабли қандайдир бегона отда борарди.

Йигитлар колоннанинг ўзлари разведка қилган йўлдан бораётганини ўйлаб, гурурланардилар.

Улар бамайлихотир кетишаётган бўлса-да, бари бир тонготарда Иваснинг қишлоғига етиб боришди. Қишлоқ янада сокин эди. Гарчи, ҳовлиларнинг этагига қурилган печсимон ўчоқларнинг мўрконида тугун ўрлаётган бўлса-да, чор-атрофда тирик жон кўринмасди.

Қишлоқда тўхташмади, бир ҳисобда, тўғри қилишди ҳам, уни кесиб ўтиб, тўғри ўрмонга чиқиб олишди.

Ўрмон энди куйламай қўйганди. Қуёшнинг ёрқин нурлари ўргимчак уяси янглиғ чирмашиб кетган шох-шаббалар орасидан ёриб ўтиб, эрталабки шудринг ва қарағайларнинг мумида ярқираб акс этарди. Шохлар орасида қушлар сайрар, асаларилар гўнғиллар, майда чивинлар липиллаб учарди. Қаердадир қизилиштон дарахт танасини тўқиллатиб чўқир, узоқда эса какку каккуларди. Акс-садо бу товушларни тоғларга тарқатар ва улар тоғларнинг нариги томонидаги пастликлар ёки олисдаги ўрмонларга таралиб, кейин сўниб қоларди.

«Нақадар гўзал, — дея ўйларди Алёша, — лекин бу қандайдир беором, қўрқинчли гўзаллик».

Дудин, тезроқ юрайлик, дер, Иваницкий эса, аксинча, колоннанинг юришини секинлаштирарди.

Алёша уларнинг гапларини деярли эшитмас, лекин беихтиёр, булар, чамаси, ҳар хил одамлар бўлишса-да, аммо бир-бирларига жуда ўхшашар экан, дея ўйларди. Қани энди, ҳеч бўлмаса уларнинг суратини қалам билан чизиб олса!

У Академияни борган сари кўпроқ эслайдиган бўлиб қолганди. Энди у Академия тўғрисида деярли ғам-аламсиз ўйларди. Фақат баъзан ўшанда ёшлигига бориб, ўзбилармонлик қилгани ва шу туфайли атрофидаги одамлар ҳақида одил фикр юрита олмаганини ўйлаб, қаттиқ афсусланарди. Бу аҳмоқона ўзбилармонлик унга ўзининг ишлари ва фикрларининг сохта эканлигини кўришга, шунини тушунтиришга имкон бермасди. Урушнинг илк кунлари Алёшани кўп нарсаларга ўргатди. Шу билан ҳам у берган таълими учун Академияни миннатдорлик туйғуси билан борган сари кўпроқ эслайдиган бўлиб қолди.

Лекин, ҳар қалай...

У ерда сурат чизишни ўргатишарди-ю, лекин, дея ўйларди Алёша, фикрлашни ўргатишмасди.

У ерда гўзал натурага ўргатишар, аммо ҳаёт тажрибаси ҳали кам бўлган студентлар бу натуранинг гўзаллигини кашф этишга тайёр эмасдилар.

Йўқ, у қирқ биринчи йилда эмас, қирқинчи йилда ўзига тўғри йўл танлади. Қирқ биринчи йилда эса, танлайдиган йўлнинг ўзи қолмади. Зеро, ҳаётнинг ўзи уларнинг барини танлаб, оғир ва ҳалокатли йўлга бошлади.

Қадрдон, меҳрибон, доно Академия!

Ҳаммаси учун раҳмат сенга!

Академик назарияни билиш — бу ажойиб нарса, аммо ҳаёт... Ҳатто фин уруши пайтида ҳам Академияда, навбатчиликлар ва маскировка пардаларини ҳисобга олмаганда, ҳеч нима ўзгармади...

Ярадорлар-чи!

Госпиталлар-чи!

Академияда натурачи аёллар бор эди. Улар, яъни натурачи аёллар, шу йўл билан бир оз пул ишлаб олишарди, зеро, бунинг отини ҳаёт деб қўйибди, боз устига, ўшанда фин уруши кетмоқда эди. Ақлли, хиёл расмиятпараст муаллимлар лекциялар ўқишда ва анфас, профиль, ўнгдан ракурс, сўлдан ракурс, дея студентлардан уларнинг академик ишларини талаб этишда давом этишарди...

Илгари Алёша бу тўғрида ўйламасди, лекин энди...

Активистлар! Буғдойзор ичидаги илк қурбонлар — беш киши! Иваснинг акаси Грицько. Қизил байроқларни юлиб ташлаётган сурбет йигит ва қизлар. Улар ниманидир куттишарди. Немисларними? Пасқам жойларга яшириниб, қизил

аскарларга ўқ узаётган ва совет ҳокимияти тарафдори бўлган барча одамларга қиргин солаётган, уларнинг бу янги ҳокимиятнинг нималигини тушуниб етишга улгурмаган болалари ва оналари билан қўшиб уйларига ўт қўяётган кишилар. Лекин энди уларнинг ўзларини ҳам қириб ташлашяпти...

Мудҳиш жасадлар-чи? Бағритош, даҳшатли одамлар-чи? Ажойиб одамларнинг даҳшатли жасадлари-чи?..

Унинг ёнида ҳам, колоннанинг ўртасию охирида ҳам ҳар хил одамлар келишяпти. Колоннада юриш яхшимикини? Хавф-хатар камроқ бўлса керак, албатта. Балки, аксинчадир, лекин бари бир уларнинг бу ерда, разведкада эмасликлари яхши.

Уларнинг разведкалари, унинг ортидан эса колонна ўрмон четига келиб тўхтади.

Дудин Алёшадан сўради:

— Горсков, қани кўрсат, шу ердамиди?

— Шу ерда; — деди Алёша ва қўшимча қилди: — У ёққа ҳозирча бормаи турганимиз маъқул... У ерда венгерлар бор... Бор эди...

— Майли, омон бўлсак, кўрармиз, — деди Дудин.

Сойлик ҳозир сув қуйгандек жимжит. Гарчи, бу ердаги сокилик ғалатиноқ кўринса-да, худди Иваснинг қишлоғига ўхшайди... Ахир, бу ерда кечагина...

Дудин Иваницкий билан нималарнидир гаплашиб олди-да, кейин яна разведка юборди. Уч кишини пиёда жўнатди.

Алёша билан Костяни юборишмади.

Кишига алам қилади, албатта!..

Лекин буйруқ деб қўйишибди бунинг отини.

Ҳалиги уч киши бир соатдан сўнг қайтиб келди.

Шундан сўнг дарҳол:

— Жангга шайланинг! — деган буйруқ янгради.

Валеев бошлиқ яна бир рота қизил аскарлар билан кучайтирилган уларнинг разведкалари ўн бештадан патрон ва биттадан граната олди-да, сойлик томон равона бўлди.

Алёша бу сойликни иккинчи марта кўраётган бўлса-да, назарида эндигина кўраётгандек эди... Улар толзор ўртасидан оқаётган жилғани четлаб ўтишди. Шу боисдан ҳам у кеча учратган анови қизил аскарларнинг ҳоли не кечганини, улар омон қолишганми ёки жангда ҳалок бўлишганми, «Эй худойим!» — дея қичқираётган ўртоқларини дафн этишадимми ёки йўқми — билолмай қолди.

Аммо улар снарядлар портлашидан ҳосил бўлган воронкалар, унча чуқур қазилмаган траншеялар ҳамда ҳалок

бўлган жангчиларимизнинг жасадларини кўришди. Ҳалок бўлганлар унча кўп эмасди-ю, лекин, ҳар қалай...

Улар қишлоққа деярли яқинлашишди-да, кейин катта йўлга — ўрмондан босиб келган йўлларининг давомига чиқиб олишди. Ҳаммаёқ жимжит — на тўпларнинг гумбурлаши ва на ҳатто милтиқларнинг қарсиллаши эшитиларди.

Қишлоққа киришди.

Йўл ўша-ўша қишлоқ оралаб ўтган бўлса-да, лекин қупуруқ эди.

Сўнги кунларда ёғингарчилик бўлмаганди, афтидан, бу ерларда ҳам ёмғир ёлмаган кўринарди.

Икки-учта ёндириб юборилган уйларни ҳисобга олмаганда, қишлоқ деярли зарар кўрмабди.

Қишлоқнинг энг кўримли уйларидан бирида свастикали байроқ осиб қўйилганди.

Аммо тирик жон кўринмасди. На ҳарбий, на гражданаҳолисидан бирор кимса кўзга чалинарди.

— Ҳозир, — деди Валеев ва сакраб-отдан тушди.

Унинг ортидан Алёша танимайдиган бир қизил аскар югуриб кетди.

Кўринишидан, у Ивасга ўхшаш «ғарбийлардан» — янги сафарбар қилинган йигитлардан эди...

Валеев немислардан ўлжа олинган автомат билан қуролланган бўлиб, анови қизил аскар эса қўлида карабин тутиб борарди. Карабинни у қандайдир уқувсизлик билан, авайлаб ушлаб олганди.

Уйнинг олдида борганида Валеев венгер байроғига эътибор бермагандек ўтиб кетаверди, аммо унинг ёнида кетаётган «ғарбий» карабинни авайлаб майса устига қўйди-да, байроқнинг ёнига бориб, уни йиртиб олди ва матони ерга ташлаб, унга этигини артди.

Валеев, чамаси, ҳамроҳининг ҳаяллаб қолганидан жаҳли чиққан бўлса керак, орқасига ўгирилиб қаради-ю, аммо унинг нима қилаётганини кўриб бирдан жилмайди ва:

— Қани, кирдик, Тронько! — деди.

Шундай деди-да, у силтаб эшикни очди.

Қизил аскарлар уни кўчадан туриб кузатишмоқда эди, зеро уй боғнинг ичкарисида жойлашганди.

Бир-икки мунут осойишта ўтди.

Кейин бирдан аввал уйда, сўнгра кўчада ўқ овозлари эшитилди.

Улар отларидан сакраб тушиб, уйга ва ўқ овози эшитилган нариги томонга қараб югуришди.

Уй ичидан Валеев отилиб чиқди-да:

— Жангга ҳозирланинг! — деб бақирди.

Уйнинг деразаларидан ўқ узишмоқда эди.

Улар боғда ва четан девор ёнида ётиб олишди.

Деразаларни, ҳозиргина Валеев отилиб чиққан ярим очиқ эшикни ўққа тутти.

— Улар кўпчилик эмас,— дерди Валеев.— Ҳозир тинчи-тамиз...

Чиндан ҳам орадан кўп вақт ўтмай ҳаммаси тугади-қўйди.

Улар уйга киришди. У ерда потаниш форма кийган беш киши чўзилиб ётарди. Ҳаммаси жон бериб бўлганди. Уларнинг орасида қизил аскар формасини кийган бизнинг одам ҳам бор эди. Афтидан, уни бўғизлаб ўлдиришибди. Бу — Валеев билан уйга кирган ўша қизил аскар эди. Қўшни хонада қўрқувдан ранглари қув ўчган уй эгалари — икки аёл билан бир болакай печка деворига суянишганича дағдағ титраб туришарди. Ерга пойандозлар, стол устида каштагулли сочиқлар ва дастурхонлар ёзиб қўйилганди, деворларда парад формасини кийиб олган қандайдир мўйловдор кекса офицерларнинг фотосуратлари осиглиқ турарди. Йигитлар буларнинг барини бирровгина кўришди, холос...

Валеев ташқарига отилган эди, Алёша ҳам икки қизил аскар билан унинг ортидан югурди.

Қишлоққа яна сокинлик чўкди.

Қизил аскарлар Валеевнинг олдига югуриб келиб, ахборот бера бошлашди:

— Ҳарбий бўлмаган бир одамни қўлида автомати билан ушлаб олдик, лекин у қочиб кетди... Автоматини ташлаб қочди. Ёши бир жойга бориб қолган одам эди...

— Олти нафар венгер...

— Ун икки киши... Аввалига таслим бўлаётгандек бўлишди-ю, кейин ўт очишди... Қириб ташладик.

— Икки венгер...

— Немислар кўринмадимиз?— дея сўради Валеев.

Жангчиларнинг айтишича, немислар кўринишмабди.

— Уларнинг свастикали байроқларини олиб, ёқиб юбордик!— деди кимдир.

Ўзимизнинг талафотларни ҳам ҳисоблаб кўришди: тўрт одам ҳалок бўлибди ва бир одам яраланибди. Яраси енгил экан. Ўқ қўлига тегибди. Ярани боғлаб қўйишди. Жароҳат чап қўлида бўлиб, ўнг қўли соғ эди. Демак, ўқ уза олади. Ярадор йигит ўзини бардам тутар, ҳатто ҳазил-ҳузул ҳам қиларди. Баракалла, шоввоз!

— Ҳалок бўлганларни шу ерга йиғинлар,— деди Валеев.— Тез!

Қизил аскарлар буйруқни бажаргани югуришди.

— Сен, Горсков! Сизлар ҳам! Юринглар, Тронькони олиб чиқамиз.

Улар уйга киришди.

Уй эгалари ҳамон печкага қапишиб туришарди.

— Эҳ, сенларни қара-ю!— деди уларнинг олдида бир лаҳза тўхтаб Валеев.— Майли, яшайверинглар!.. Кейин тушунарсизлар!

Валеев, Алёша ва икки қизил аскар Троньконинг жасадини ҳовлига олиб чиқишди-да, уни авайлаб девор ёнида ўсган гилос тагига ётқизишди.

— Энди гўр қазинглар,— деди Валеев.— Белкураклар ановиларда бор,— шундай дея у деворлари ўқлардан илматешик бўлиб кетган уй томон ишора қилди.

Узи эса чўнтагидан кир-чир дастрўмолини олиб, ҳалок бўлган жангчиларнинг жасадларини олиб келгунларига қадар Троньконинг бўйнидаги пичоқ санчилган жойини ёпиб қўйди.

Беш кишилик гўрни узоқ қазишди.

Галма-гал ишлашди.

Гилос тагидаги ер бугдойзордагига қараганда унчалик қаттиқ ҳам эмасди, аммо ҳаммаёқни илдиз босиб кетганди... Афтидан, бу ерни яхши суғоришар экан. Уруш ўз йўлига-ю, лекин хўжайинлар ўз ишларига пухта эканлар. Чамаси, венгер байроғини ҳам ўзлари осиб қўйишган бўлишса керак. Уни ўзлари тикишган бўлишса ҳам ажаб эмас. Кейин венгерларга қўниб кетиш учун жой беришгани учунгина бўлмаса керак. Дарвоқе, қўниб кетиш учун ижозат беришдими ёки ўзлари бажонидил таклиф этишдими-кин?

Ҳаммаси тайёр бўлиб, бешта жасадни чуқур гўрга туширишгач, Валеев деди:

— Уртоқ қизил аскарлар! Жангчилар! Беаёв уруш кетяпти, чамаси, барча урушлар ичида энг оғири шу бўлса керак... Бугун биз ўз ўртоқларимизни дафи этипмиз. Бу қизил аскарлар — ўзбекистонлик Юсулов, вологдалик Алексеев, москвалик Краснов, курслик Заботин ва Тронько... Тронько шу ерлик йиғит бўлиб, Қизил Армия сафига кўнгилли равишда кирганди. Эндигина ўн етти ёшга тўлганди... Ҳалок бўлган дўстларимизнинг бари комсомол аъзолари эди. Уларнинг қабри устида Ватанимизни бир томчи қошимиз қолгунча ҳимоя қилиб, душманни тор-мор этишга қасамёд этамиз. Ғалаба учун!

Салют янгради.

...Кечга яқин бу қишлоқдан бутун дивизия ўтиб олди.

Колонна ҳалок бўлганларнинг хотирасини ҳурматлаш учун бир минут тўхтади-да, яна йўлида давом этди.

Хотин ёнида эски чегара жойлашганди.

Бундан у ёгига ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарчада уларни одамлар тўдаси кузатиб қоларди.

Барча уйларга қизил байроқлар тикилганди.

Аёллар йиғлашарди: Улар жангчиларнинг қўлига сомса, гилос, олмалар тиқиштиришарди.

— Қимга ташлаб кетяпсизлар бизни?

— Қадрдонлар!

— Биз нима қиламиз энди?

Ҳамма, ҳаммаёқда шу аҳвол эди...

Борлиқдаги табиат эса, худди атайлаб қилгандек, ёрқин бўёқлар ва ям-яшил ўт-ўлан, зангори осмон ва сержило қуёш нурлари ичида ярқираб турарди. Бундай пайтда кишининг чалқанчасига чўзилиб олиб, тубсиз мусаффо осмонга тикилгиси ва барча нарсаларни — урушни ҳам, чекиниб кетишаётганини ҳам, ёнларида писиб келаётган ажални ҳам унутиб юборгиси келарди...

Негадир яна Академия эсига тушди. Нева соҳилидаги Университет кўчаси. Ленинград. Шундоқ ёнгинасида жойлашган боғда эса «Румянцевнинг ғалабаси» ёдгорлиги қад кўтарганди. Академияга кириб бораётганда юраги нақадар орзиқарди ўша кезлари! «1766—1788 йилларда қурилган. Архитекторлар А. Ф. Кокорим ва В. Деламот». Рафаэл ва Тициан заллари. Девор ва шифтдаги суратларнинг сержило бўёқлари. Жангу жадал ва жунбишга келган эҳтирослар. Бир вақтлар келиб, манови урушни ҳам шундай тасвирласалар керак. Бунинг учун нақадар рангин бўёқлар керак бўлади! Нақадар кучли истеъдодлар юзага чиқиши лозим!

У ердаги академик сукунат ичра Репин ва Кипренскийларнинг машқлари.

Кейин замонавий суратлар ҳам. «Яланғоч аёл постановкаси». «Яланғоч эркак постановкаси». «Қизил тархда яланғоч аёл постановкаси». Бу унинг иккинчи курсдаги иши эди, шекилли...

## XV

Бирдан сира кутилмаган иш бўлди.

У билан Костя Петровга биринчи ҳарбий унвон беришди, тўғрироғи, биринчи эмас бирданига учинчи ҳарбий унвон — старший сержант унвонини беришди.

Бу ҳақида эшитгач, тарихчи Костянинг хурсандликдан боши осмонга етай деди.

Алёша дўстининг нима сабабдан бундай қувонишини яхши тушунолмай турарди.

Агар уруш тезда тугаса, у эса тезда бизнинг ғалабамиз билан тугаши керак, у ҳолда, наҳот, Костя Қизил Армияда қолса? Ахир, у тарихчи, тинчгина касб эгаси ва бутун умрини ҳарбий хизматга бағишламоқчи эмас. Хизматни ҳам тугатишар, ғалаба ҳам қозонишар, лекин ҳар кимнинг ўз иши бор-ку, яъни армиядан ташқарида.

Яхши сурат чизишни ўрганиб олиши керак. Академияда ўқиган йигитлар — бари шундай қилмоғи лозим. Саша ҳам, Женя ҳам, ўзи ҳам... Серёжа Шумов ўзининг тўқимачилик институтига, Слава Холопов ўзининг инженерлик ишларига, «кандидат» Ваня Дурнусов эса ўз илму фанига қайтмоғи даркор... Фақат Проля Кривицкийгина энди ҳеч қачон ва ҳеч қаерга қайтмайди...

— Нима, бутун умрингни қизил аскарликда ўтказмоқчимисан?— дея сўради бир куни Алёша Костядан.

— Нима қилибди, шундай қилсам ёмонми?!

— Ҳай, омадингни берсин,— деди нима жавоб қилишини билмай Алёша.

Унвон ҳақидаги мишмишлар чин бўлиб чиқди.

Нисбатан тинчгина ўтиб олишган (уч-тўрт отишма бўлди, холос) Хотин шаҳарчаси ва қаердандир сўл томонидан четлаб ўтишган Каменец-Подольскдан сўнг, расчёт команди лейтенант Дудин унвон берилгани тўғрисида эълон қилди.

— Старший сержант Горсков!

— Старший сержант Петров!

Анча жарангдор эшитилар экан, чоғи.

Лекин шу билан бирга у бошқалар олдида ўзини айбдордек ҳис этарди. Саша, Женя, Ваня, Серёжа ва бошқа йигитлар олдида қандайдир гуноҳ қилгандек туюларди унга.

Хўш, уларнинг ундан нима камлик жойлари бор.

Командирларнинг таъбири билан айтганда, манёврли уруш кетмоқда эди. Дудин ҳам шундай дерди.

Кунига қирқ-эллик километрлаб масофани марш билан босиб ўтишарди. Баъзан марш билан кета туриб, жангга киришга ҳам тўғри келарди. Гоҳ немисларнинг авиацияси ҳужум қилиб қолар, гоҳ душман тўплардан ўққа тутар, гоҳида эса баъзан бизнинг, баъзан ўзларининг формасини кийган немис парашютчиларига дуч келиб қолишарди... Кейин граждандан аҳолиси ҳам, гарчи, ўзимизнинг одамлар-

дек кўринишса ҳам, лекин аслида бир хил эмасди... Жангчилар энди янги ва эски чегаралар орасидаги фарқни тушуниб қолишганди. У ердаги одамлар Ивасъ ва активистлар. Аммо у ерда Ивасънинг акиси Грицькога ўхшаганлар ҳам бор... Гарчи, кўпгина одамларидан ажралишган бўлса-да, яхшиямки, у ердан чиқиб олишди!

Бу ерда эса украин аёллари уларни кўзларида ёш билан кузатишарди. Алёшанинг ортидан улар:

— Бечоранинг озиб-тўзиб кетганини қаранг, новчагина экан ўзи... — деб қолишарди.

Улар совет ҳокимиятига ишонишар, шу боисдан ҳам йиғлашарди. Энди бўлса бу ҳокимият чекинмоқда эди.

Вазият ниҳоятда нотинч эди.

Қимирлаган жон борки, йўлларда ҳаракат қиларди. Қочоқлар ва солдатлар. Ғарб томон ҳужум қилаётган ва шарққа қараб чекинаётган ҳарбий қисмлар. Араваларда беҳисоб ярадорлар.

Урушнинг биринчи кунларидаги бу даҳшатли тўс-тўполонда ҳамма иш ақл билан қилинганини у кейинроқ тушуниб олади: Қизил Армия қисмларини кейинчалик ҳам душманга зарба беришга қодир ҳолда сақлаб қолиш учун ҳам уларни жангдан олиб чиқилмоқда эди.

Улар немисларнинг қуршовларидан катта талафотлар билан, оғир жанглар қилиб чиқишаётган ва ниҳоятда силлалари қуриган бўлса-да, лекин жанг қилиш қобилиятини йўқотишмаган эди.

Аллақайси бир қишлоқда уни, Алёшани, дозорга юборишди.

Ям-яшил ўтлоқ. Нарироқда бутазор билан қопланган чоғроқ бир сойлик бор экан. Унинг чети қумлоқ ва нишаб бўлиб, қишлоқ четидаги уйлар томон ингичка тасма янглиғ чўзилиб кетганди.

Алёша эҳтиёткорлик билан сойликни айланиб чиқди. Ҳеч ким кўринмади.

Осмондан вағиллаб учта «мессер» учиб ўтди. Улардан бири тусмоллаб пулемётидан ўқ узиб кетди.

Алёша ўз қисми ўрнашган жойга яқин бир тепаликка етиб олди. Ўт очиш позициялари унинг ортида қолганди. Душман қаерда — олдиндами, ён томондами, ёки, эҳтимол, ўт очиш позицияларининг орқа томонидами — билиб бўлмасди. Ҳаммаёқдан ўқ узишмоқда эди.

Қарабин ўқланган. Кейин ўқдониди ҳам патронлари бор. Сапёрлар белкурагини олиб, тепалик устида ўзига окопча қазиди. Қазигандаям қойиллатиб қазиди уни.

-У ўзича:

Комроталар, эй сизлар!  
Пулемёт берингизлар!  
Батареялардан ҳам,  
Зўр бўлсин-да чинакам! —

дея хиргойи қилганича диққат билан ишламоқда эди.

Урушдан илгари тўқилган ғалати кўшиқ. Алёша бу кўшиқнинг сўзларини ҳам аниқ билмас, шунинг учун ҳам унинг сўзларини деярли айтмай фақат куйини хиргойи қиларди...

Окопчани қазиб бўлиб, унинг ичига яширингач, Алёша бошқа бир кўшиқни эслади:

Белоруссия жонажон,  
Украина қадрдон,  
Бахтингиз деб яшайман...

Ана шунда даҳшатли иш содир бўлди.

Унинг афтидан, кўзи илинди, афтидани нимаси, рosta-камига ухлаб қолди!

Уни окопчасида старшина, Хохлачевдан кейинги янги старшина Дей-Неженко келиб уйғотди.

У Алёшанинг карабин ва ўқдонини олди-да:

— Қани, кетдик!— деди.

Қуролсизлантирилган Алёша нима дейишини билмай старшинанинг ортидан индамай борарди. Ҳозир манови Дей-Неженко унинг кўзига бало-қазодек кўринмоқда эди!..

Отишма эшитилмасди.

Бундай кезларда, худога шукр, дейиш керак, шекилли. Демак, ҳеч қанақа кўрқинчли иш бўлмабди.

Дей-Неженко йўл-йўлакай тўнғиллаб деди:

— Сизларга янги унвонлар беришади яна... Ургилдим, бунақа старший сержантлардан!

У, яъни Алёша гуноҳ қилганини ҳис қилар ва шу сабаб-ли ҳам индамасди.

Дей-Неженко Алёшани қисмга бошлаб келгач, йигит-нинг назарида, ховлиқиб, алланималар деди-да, ниҳоят, Алёшани лейтенант Дудин, рота командирининг ўринбосари Валеев ҳамда политрук Суховлар ўтирган окопга олиб борди.

Алёшанинг руҳи тушиб кетганди.

«Отиб ташлашармикин ёки штрафбатга жўнатишармикин?»— дея ўйлади у.

— Карабинини қайтариб бер!— деди лейтенант Дудин.— Ўқдонини ҳам. Хизматинг учун раҳмат, энди боравер! Сен ҳам озодсан, Горсков.

Дудиннинг ёнида турган Валеов билан Серов ҳам ҳеч нима дейишмади.

Алёша Дей-Неженко билан бирга окопдан чиқиб кетди...

Кейин яна ниҳоятда оғир жанглар билан чекина бошладилар. Жанг пайтлари Дудин:

— Бир қадам ҳам чекинманглар! Отиб ташлайман! Олга!—дея қичқирарди.

Баъзан у қўрқоқлик қилганларни отиб ҳам ташларди.

Маълум бўлишича, лейтенант Дудин шундай шафқатсиз ҳам бўла олар экан.

Олдинда пиёдалар боришарди. Шиддатли жанглар билан чекинишар экан, энг катта талафотни ҳам ана шулар кўришмоқда эди. Пиёдалар ортидан эса уларнинг қисми борарди. Шу боисдан ҳам пиёдалар ортидан муқаррар жангга киришарди. Манёврли уруш! Немислар ва уларнинг иттифоқчилари — венгерлар, руминлар ҳамда кейинроқ хабар топишларича, хорватлар ҳам, итальянлар ҳам, австрияликлар ҳам, испанлар ҳам уларнинг ортларидан изма-из келишаётган экан.

Улар ботқоқлар, тепалик ва тик қияликлар оралаб чекинмоқда эдилар.

Алёша эсини танибдики, тик тепаликдан чана ёки чангида учиб тушишдан қўрқарди, бу ерларда эса шунақа тепаликлардан сирпаниб тушишга тўғри келдики, асти қўяверасиз! Яхшиям, жонивор отлари жуда ақлли эди!

Улар устиларига юкланган ёки шатакка қўшилган юкларни жуда авайлаб тушишарди! Юк бўлгандаям ҳазилакам юк эмас, нақ 76 миллиметрли тўпларни сургаб тушишарди.

Энди маълум бўлишича, 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизияси йўқ бўлиб кетибди. Фақат дивизия сафида омон қолган барча одамлар келиб қўшилган 140-нчи артиллерия полкигина қолибди. Полкка эса Иваницкий командир қилиб тайинланибди.

Осмонда немисларнинг «қўлтиқтаёқлари» учиб юрар, сариқ қанотли немис «кукурузниклари» тинмай айланарди. «Юнкерслар» ҳам пайдо бўлиб қолишди.

Яна ботқоқлар устига хода ташлаб ўтишга тўғри келди.

Кейин тепаликлар ва анчайин баланд тоғларни ошиб ўтишди.

Тик қияликлардан тушишаётганда унинг юраги орқасига тортиб кетарди. Анчага довуру шундай бўлиб юрди. Кейин бирдан қўрқмай қўйди. Қалбида қандайдир таваккалчилик ва ҳатто телба бир жасорат туйғуси пайдо бўлди.

Алёша Костиль билан Лирани, шунингдек, снаряд қутиларини ортиб бошқа отларни ҳам ҳайдар экан, дилида қандайдир жўшқинлик ҳис этарди.

Уларга қараб ҳамма томондан — осмондан ҳам, ердан ҳам ўқ узишарди. Қишлоқ ва посёлкаларда эса дарахтлар ва уйлардан ҳам ўққа тутишарди. Ўқ овозлари гоҳ олдиндан, гоҳ орқа томондан эшитилиб қоларди...

Алёшанинг гимнастёркаси елкасидан йиртилиб кетди. Шимининг тиззасининг кўзи ситилиб тушди.

Қишлоқдаги хотинлар уларни бу аҳволда кўриб йиғлашарди...

Марш кезлари Алёша арава ҳайдарди.

Тўп ёнида эса у снаряд жойловчи ёки ўқловчилик қиларди.

Яна жанг бошланди. Энди Хотиндан ўтиб олишгач, уларга немисларнинг ўзлари ҳужум қилишганди.

Теварак-атроф мевазор боғлар эди. Олма ва ўриклар ям-яшил либосга бурканганди. Гилос мевалари гўр ва пишгани аралаш маржондек тизилиб турарди. Пишган мевалар йирик-йирик эди.

Аммо жанг пайти ким ҳам унга эътибор берарди, дейсиз.

Немислар шундоқ ёнгиналарида эди. Қизил аскарлар уларни нишонга олиб ҳам ўтирмай, деярли рўпарадан ўққа тутишарди.

Батарея командири Егозин: «Ўт оч! Ўт оч!» Ва яна — «Ўт оч!» — дея команда беришга улгурарди, холос.

Немислар икки колонна бўлиб келишмоқда эди.

Мотоциклчилар — биринчи колонна.

Бронемашиналар — иккинчи колонна.

Биринчи колоннани автоматлар, пулемётлар, карабинлардан ўққа тутишарди.

Иккинчисини эса тўп снарядлари билан қарши олишарди.

Аввалига бир немис бронетранспортёри ёниб кетди, сўнгра иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси буруқсай бошлади...

Егозин билан Дудиннинг димоғлари чоғ эди, кейин улар мотоциклчиларнинг ҳам саросимага тушиб қолганларини кўриб, ғалаба қозонишганини тушунишди. Ғалаба!

Бир тўп мажақланди.

Иккинчиси қисман шикастланди.

— Олға! — деб қичқирди кимгадир Егозин бир вақтлар Дудин қичқирганидек қилиб, сўнгра қизил аскарларни эргаштирганича олдинга ташланди. Улар озчилик эди, лекин бари бир карабин ва онда-сонда автомат тутган бу йигитлар олға ҳамла қилишди.

Жанг тугади.

Немислар чекинганидан сўнг ҳам ҳаяжонга тушган жангчилар анчага довур ўзларига келолмай туришди.

— Саф тортинг!— деган команда эшитилди.

Улар қишлоқ кўчасида саф тортишгач, жангчилар олдига Егозин, Дудин, Валеев, Серовлар билан бирга Иваницкийнинг ўзи чиқди.

— Ўртоқ қизил аскарлар! Командирлар!— деди у.— Ҳозир сиз буюк матонат намойиш этдингиз! Омон қолган барча ўртоқларга чин юракдан раҳмат айтаман! Аммо бу жангда биз кўпгина ўртоқларимиздан айрилдик. Йигирма етти киши... Уларни жанг майдонидан олиб чиқишди. Биз уларни жангда ҳалок бўлган мард ўғлонлар сифатида ҳурматларини ўрнига қўйиб дафн этамиз. Лекин сизларга бошқа бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Улардан бирининг жасадини биз жанг майдонида қолдирдик. Уни немислар ўлдиришгани йўқ, мен отиб ташладим. У қўрқоқ ва разил бир одам бўлиб, орқага қараб қочди ва бошқаларни ҳам ортидан эргаштирмоқчи бўлди. Бу — собиқ старшина Дей-Неженко. Лекин бугун у тўғрисида гапириб ўтирмаймиз... Сизларнинг ҳаммангизга эса яна бир қара — катта раҳмат! Ярадорларни госпиталларга жўнатамиз... Гапим тамом!

Биродарлик гўрнини қазиб, ҳалок бўлганларни дафн этишди.

Ўлдирилганлар орасида Ваня Дурнусов ҳам бор эди.

Слава Хохлов эса ярадор бўлибди — ярасининг енгил ёки оғирлигини ҳеч ким билмасди. Уни госпиталга жўнатишди.

Ҳа, ленинградлик команда сийраклашиб боряпти... Проля Кривицкий билан Ваня Дурнусов ҳалок бўлишди. Слава эса госпиталга тушди. Қишлоқ жимжит.

Фақат дафн салютининг қасир-қусуригина қушларни уйғотиб, безовта қилиб қўйди. Захча ва қарғалар қанотларини патирлатиб, тартибсиз осмонга кўтарилишди.

Қабр устига учига қизил юлдуз ўрнатилган ва сиртига ҳалок бўлганларнинг фамилиялари ёзилган фанер-ёдорлик ўрнатишди.

Биринчи тун нисбатан тинч ўтмоқда эди.

Улар ечиниб ўтирмай, тўппа-тўғри кўчанинг ўзида ухлашди, хайрият, ҳаво иссиқ эди. Ҳатто баъзи командирлар ҳам уйга кириб ётишни исташмади. Дудин ўз взводи билан ухлади.

Отларни боғларга, уйлар ёнига жойлаштиришди. Уларга ем бериб, сув ичиришди-да, у ёқ-бу ёгини тозалаган ҳам бўлишди.

Костиль билан Ли́ра, Алёша уларнинг ёнига борганида, йигит томон миннатдорлик билан тумшуқларини чўзишди.

Ленинграддан хат-хабар йўқ эди. На уйдан, на Верадан хат келмаганди. Ёзишганмикин ёки ёзишмаганмикин! Балким, ёзишгандир? Аммо ҳозир уни қаёқдан ҳам топа олишарди?

Кечқурун лейтенант Дудин взводни бир жойга тўплади.

Ҳаммаёқда ажиб бир сукунат ҳукмрон эди. Боғ-роғларда қушлар журъатсизгина сайраб қўйишарди.

Гўё ҳеч қандай уруш бўлмаётгандек эди.

Дудин сирли жилмайиб турарди. Афтидан, димоғи анча чоғ кўринарди.

— Утиринглар, йигитлар,— деди у мулойим оҳангда.— Муҳим бир хабар бор. Жуда муҳим хабар!

Жангчилар мева дарахтлари тагидаги майса устига ўтиришди.

— Камарларингизни ечиб қўйинглар! Истасангиз, обмоткаларни ҳам... Бугун анча тинч,— дея давом этди лейтенант.

Камарларни ва гимнастёркаларнинг юқори тугмаларини ечиб қўйишди-ю, аммо обмоткаларни ечишга ҳеч ким журъат этмади. Гарчи, хотиржамгина, ёйилиб ўтиришган бўлишса-да, бироқ қуролларини ёнларига қўйиб олишганди.

— Гап бундай, кеча, учинчи июль куни, Москвада радио орқали ўртоқ Сталин нуқт сўзлади,— қандайдир хориқулодда тантанаворлик билан сўзини бошлади лейтенант.— Мен ҳозир сизларга унинг нутқини ўқиб бераман... Қулоқ солинглар!..

«Ўртоқлар! Гражданлар!

Ака-укалар ва опа-сингиллар!

Армиямиз ва флотимизнинг жангчилари!

Мен сизларга мурожаат қиламан, дўстларим!

22 июнь куни гитлерчилар Германиясининг бизнинг Ватанимизга бошлаган хиёнаткорона ҳужуми ҳамон давом этмоқда. Қизил Армиянинг қаҳрамонона қаршилик кўрсатишига қарамасдан, душманнинг сараланган дивизиялари ва авиациясининг асосий қисмлари тор-мор этилиб, жанг майдонларида ер тишлаганига қарамасдан, душман фронтга янгидан-янги кучларни ташлаб, ҳамон ҳамласини давом эттирмоқда...»

Дудин нутқини хиёл тили чучукланиб ўқирди.

Нутқининг бошланишиёқ кишини ҳайратга соларди. Умуман, ҳаммаси— фавқулодда ҳайратланарли эди.

Академияда марксизм-ленинизмни қандай ўрганишгани Алёшанинг яхши эсида. Маркс, Энгельс асарларини

мутолаа қилишар, кўпроқ Ленин асарларини, Сталин асарларини ўқишарди.

«Ленинизм масалалари» — зўр асар, албатта! «Сталин — бугунги куннинг Ленини», — дея айтишган ёки ёзишган пайтда бунинг алоҳида маъноси бўлардики, бу тўғрида газеталарда ёзишмас, радиода гапиришмасди. Аммо студентлар бу хусусда ўзаро кўп сўзлашишарди: Сталин Ленин асарларини янги шароитга мослаб, омма-лаштирди, уни изоҳлаб берди. Студентларнинг кўпчилиги Ленинни Сталин асарлари орқали ўрганишарди.

Ҳозир Сталиннинг кечаги нутқи алоҳида жарангдор-лик касб этганди. Алёша Сталиннинг илгариги барча нутқларини яхши эсларди. Аммо ўша нутқларда бундай осойишта, бундай инсоннинг юрак-юрагигача етиб борадиган оқиллона сўзлар камроқ эди, шекилли...

Лейтенант Дудин эса Сталиннинг нутқини ўқишда давом этарди:

— «...Гитлернинг немис-фашистлар армияси тўғрисида ҳам худди шу сўзларни айтиш мумкин. Бу армия Европа қитъасида ҳали жиддий қаршиликка учрамаган эди. У фақат бизнинг территориямиздагина шундай жиддий қаршиликка дуч келди. Модомики, ана шу қаршилик натижасида немис-фашистлар армиясининг сараланган дивизиялари Қизил Армия томонидан тор-мор этилдими, демак, Наполеон ва Вильгельм армиялари каби, гитлерчи фашистлар армияси ҳам худди шундай яқсон этилиши мумкин ва яқсон этилади ҳам...»

Дудин ана шу жумлани охиригача ўқиб улгурмади. Осмонда ёритгич ракеталар пайдо бўлиб, взвод командири Сталиннинг нутқини чўнтагига тикди-да:

— Қани, йигитлар! Жангга ҳозирланинг! — дея қичқирди.

Хайрият, обмоткаларни ечиб қўйишмаган экан:

Бир неча минутдан сўнг яна Дудиннинг командаси эшитилди:

— Тўплар ёнига!

Улар тўпларини, ўзларининг 76 миллиметровкаларини тўғри кўчага ёлдириб чиқишди. Отларни тўпларга қўшиш ҳақида буйруқ бўлмаганди. Улар тўпларини ғарбга ва хиёл жануби-ғарб томонга қаратиб ўрнатишди.

— Панорамани тўғриланг! Қулфларни чиқаринг! — дея қичқирарди Дудин.

Оптикани тўғрилашди.

Алёша буйруқ бермас, лекин йигитлар ўз ишларини яхши билишарди. Оптика ҳам созланди, снарядлар ҳам

тўп ёнига ташиб келинди. Бу воқеаларнинг бари қишлоқнинг бош кўчасида содир бўлмоқда эди.

Уқ овозлари ерда эшитиларди, одатда жанубда бўладиган бахмал янглиғ қоп-қора осмонда сукунат ҳукмрон эди. Унда Етти Оғайни, Кичик Етти Оғайни ва қандайдир бошқа юлдузлар милтиллаб турарди. Ҳозир бу юлдузларнинг номини эслаб ўтиришга Алёшанинг вақти йўқ эди.

— Жангга шайланинг!— дея буюрди яна лейтенант Дудин ва қаёққадир ғойиб бўлди.

Улар кутиб туришди. Урушнинг биринчи кунларида беш жангчисидан айрилган ва ҳозирча янги жангчилар билан сафи тўлдирилмаган — ҳаммаси бўлиб ўн тўрт кишидан иборат взвод, расчёт жангга шай бўлиб турарди.

Ҳамма қизил аскарлар жангга тайёр эди.

Алёша бир вақтнинг ўзида ҳам ўқловчи, ҳам ўқ узувчилик қила оларди.

Уларнинг ёнига Дудин қайтиб келди. Милтиқларнинг қасир-қусури, автомат ва пулемётларнинг тариллаши сира тинай демасди.

— Йигитлар, десант! Танкетка ва мотоцикллари билан парашютларда тўнишибди! Одатдаги немислар, лекин бизнинг формани кийиб олишган! Шунинг учун ҳам эҳтиёт бўлинглар! Рўпарасидан туриб ураверамиз!

Секундлар кетидан секундлар, эҳтимол, ҳатто минутлар ўтиб борарди.

Осмонда яшил, оқ, қизил ракетаalar учиб турарди. Афтидан, бу бизларнинг эмас, душманнинг ракеталари эди. Кейин уларнинг полкида ракеталарнинг ўзи йўқ эди, шекилли.

Дудиннинг буйруғи билан тўплардан уч марта ўқ узишди. Уқ узганда ҳам тўппа-тўғри қишлоқ кўчасидан туриб, кечқурун ўзлари кириб келган томонга қарата тусмоллаб ўқ узишди. У ерда ҳозир даҳшатли жанг кетмоқда эди...

Уқ узиш ўз йўлига-ю, лекин бир неча минутдан сўнг олд томонда немис танкеткалари ва мотоциклларининг гуриллаши эшитилиб қолди.

Немислар, афтидан, қишлоққа ёриб киришганга ўхшарди.

— Рўпарасидан уринглар!— дея қичқирарди Дудин.

Улар ҳам рўпарадан ураверишди, лекин қоронғи бўлишига қарамай, снарядлар нишонга бехато тегаётган кўринарди.

Алёша аввалига тўпни ўқларди.

Кейин қулф ёнига ўтарди.

Бу мажҳул вазиятда ҳам ўқловчилик, ҳам ўқчилик

вазифасини ёлғиз ўзи бажариш унга муҳим бўлиб туюлар ва йигит бу ишни анча ўринлатиб бажарарди.

Дудин команда берарди.

Улар ўқ узишарди.

Ҳозир бир нарсани тушуниб қолишди. Яқин-атрофда пиёдалар йўқ, демак, бу қишлоқни немис десантидан ёлғиз ўзларигина ҳимоя қилишларига тўғри келади.

Жанг ҳали тугамаганди, бироқ лейтенант кутилмаганда секин, лекин ҳамма эшитадиган қилиб буюрди:

— Энди, йигитлар, бўлди! Тўпларни ташлаб, карабинларни қўлингизга олинг! Олға!

Улар қишлоқ кўчаси бўйлаб Дудиннинг ортидан юришди.

Немис танкеткаларининг гуриллаши, мотоциклларнинг патиллаши ҳамон тинай демасди. Лекин, бари бир, ҳеч нима кўринмасди.

— Ватан учун! Сталин учун!— дея бирдан қичқирди лейтенант ва улар командирнинг ортидан олға ташлашди.

Ёниб турган танкетка ёнидан, учта мотоцикл ва уларнинг олдида чўзилиб ётган мурдалар ёнидан югуриб ўтишди. Яна:

— Ватан учун! Сталин учун!— деган нидо янгради.

Жанг қисқа бўлди.

Қишлоқнинг четида сўнги немисларни қириб ташлашди. Бу ерда негадир танкеткалар йўқ эди. Ҳар бирига иккитадан немис миниб олган тўртта мотоциклни бир вумда яксон этиб ташлашди.

Дудин немисларнинг ҳужжатларини олишни буюрди.

Жанг қизигида взводларидан икки йигитнинг яраланганини сезмай қолишибди. Шу ернинг ўзидаёқ уларнинг яраларини боғлаб қўйишди. Энди оддийгина бинт ва докадан иборат пакетлари бор эди. Бу пакетларни уларга Хотин шаҳарчасида беришганди.

Ҳаяжонланган ва мамнун ҳолда қишлоққа қайтиб келишди.

— Сталиннинг нутқи нима бўлди? Охиригача эшитолмадик-ку...

Қишлоқда ярадорларнинг ярасини қайтадан боғлашди. Уларнинг бахтига, яралар енгилгина экан. Биринчисининг ўмов суягига, иккинчисининг эса оёғига ўқ тегибди. Яралар чуқур эмасди — ўқ шунчаки ялаб ўтибди. Гимнастёркалар билан шимларни ювишга тўғри келади, бор гап шу. Ундай деса, гимнастёркалар билан шимлар бусиз ҳам тердан намиқавериб, путурдан кетганди!..

Взвод боя Дудин Сталиннинг нутқини ўқий бошлаган ўша боққа қайтиб келди. Бу ёнга нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмасди. Ухлашсамикин ёки кутиб туришсамикин? Дудиндан дарак йўқ эди.

Илик тупроқ устига чордана қуриб ўтиришди.

Дудин қандайдир кутилмаганда пайдо бўлди:

— Ухламаяпсизларми?

Гарчи, қоронғи бўлса-да, барча лейтенантнинг ўнг қўли боғлаб қўйилганини пайқади.

— Биз ўртоқ Сталиннинг нутқини охиригача ўқиб улгурмадик,— деди Дудин.— Нима дейсизлар, давом эта-мизми?

Шундай дея у чўнтагидан фонарини олди:

— Ким менга ёритиб туради? Сизми, старший сержант Горсков?

Алёша ўтирган жойидан сакраб турди-да, Дудиннинг қўлидан фонарни олди.

Кейин чидаб туrolмай сўради:

— Ўртоқ лейтенант! Яраландингизми? Биз билмай қолибмиз...

— Шунчаки тирнаб ўтди!— деди Дудин.— Ҳозир ҳисоблаб кўрдик: десант бутунлай қириб ташланибди. Бизнинг батарея, бизнинг взвод иш кўрсатди бу ўринда. Саксон учта немис йўқ қилинди. Тўртта танкетка ва ўн иккита мотоцикл яқсон этилди. Асирлар йўқ. Ҳаммаси қириб ташланди. Сизларга ҳам, бошқа взводларнинг қизил аскарларига ҳам катта раҳмат. Эҳтимол, сизлар, ёлғиз ўзимиз жанг қиляпмиз, деб ўйлагандирсизлар, аммо бошқалар ҳам бўлганди... Фақат ўзимиз жанг қиляпмиз, дея ўйлаб тўғри қилгансизлар. Бу фикр бизга муваффақиятни таъминлади. Омон бўлсак — ўлмаймиз!

Йигитлар индамай ўтиришарди. Улар взвод командири, ўзларининг батарея командирлари лейтенант Дудиннинг бу жангда қандай яралангани ва буни ҳеч ким пайқамай қолганини тушуна олмай, ҳайратга тушганлари учун ҳам индамай ўтиришарди.

Алёша Дудинга фонарнинг ёруғини тутди, лейтенант эса нишлатишга одатланмаган чап қўли билан чўнтагидан варақни олди-да, деди:

— Шундай қилиб, эшитинглар. Ўртоқ Сталиннинг нутқи. Давом этаман.

Шундан сўнг у нутқнинг давомини ўқий бошлади:

— «Аммо шунга қарамай, территориямизнинг бир қисми немис-фашист қўшинлари томонидан босиб олинishi масаласига келсак, бу ҳолни, асосан, фашистлар Герма-

ниясининг СССРга қарши уруши немис қўшинлари учун қулай ва совет қўшинлари учун ноқулай бир шаронтда бошлангани билан изоҳлаш мумкин...»

Лейтенантнинг бўйнига осиб олган ўнг қўлининг кафтига ўралган оппоқ бинтлар Алёша тутиб турган фонарнинг ёруғида борган сайин қонга бўялиб, қизариб бораётгани яққол кўришиб турарди. Дудиннинг пешонасини майда-майда тер қоплади-ю, аммо у варақни жўшқинлик билан ўқишда давом этаверди. Дарвоқе, бундай нутқни лоқайд ўқиб бўлармиди, ахир.

Алёша Дудинга фонарни тутиб турар экан, ҳозир командирига қарашдан ҳам кўпроқ нутқнинг ўзи тўғрисида ўйларди.

Қандай ажойиб сўзлар!

Барча мавҳум нарсалар ойдинлашиб, ҳаммаси жой-жойига тушмоқда эди.

Бўлмасам, совет-герман пакти ҳақида бир вақтлар нималарни гапиришмаганди, дейсиз. Тўғри, оқилона гаплар орасида турли мишмишлар ҳам тарқалганди. Бу тўғрида ҳатто Алёшанинг ҳам ўз фикри бор эди. Ҳозир эса у бирдан кутилмаганда ўзининг ўшандаги барча фикр-мулоҳазаларининг нақадар юзаки, ҳақиқатдан нақадар узоқ бўлганлигини тушуниб қолди...

Нутқни ўқиб бераётган лейтенант бирдан тўхтаб қолди. Нутқ босилган газета унинг қўлидан сирғалиб, аста ерга тушди. Дудин кўзлари хиралашиб, бир зум олдинга тикилиб турди-да, сўнг ерга қулади. Алёша фонарни тушириб юборди. Йигитлар ўрнидан сапчиб туришиб, командирлари ёнига югуриб келишди.

Дудиннинг юзи ойнанинг кумушдек туюлаётган, аммо ўлик ёғдуси остида докадек оқариб кўринарди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ! Ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади!— дея заиф товуш билан такрорлади у.— Жин урсин, менга нима бўлди ўзи!

Кўринишидан, Дудин ўзидан жуда норози эди. У ўзининг ожизлик қилгани, бунинг устига яна ўзининг қўл остидаги жангчилар олдида шундай заифлик намойиш этганидан жаҳли чиққан кўринарди.

— Ҳа, йигитлар,— унинг товушида бирдан тетиклик пайдо бўлди.— Мен собиқ старшина Дей-Неженко ҳақида сизларга нотўғри гапни айтдим. Унинг жасадини биз ташлаб кетмадик, албатта — дафн этдик. Фақат биродарлик қабрига эмас: бундай разил одам қаҳрамонлар билан ён-маён ётишга муносиб эмас. Уни алоҳида кўмдик. Отанасига эса одатдагидек қилиб хабар жўнатдик: Совет

Ватанимиз учун бўлган жангларда ҳалок бўлди, деб ёзиб юбордик. Ахир, уларда гуноҳ йўқ-ку, унинг бундай...

Кимдир полк медсанчастига бориб, Дудиннинг мазаси қочиб қолганини хабар қилган эди, у ердан кичкинагина, Сўғирсоққа ўхшаш дўмбоққина санинструктор қиз югуриб келди.

У дарҳол взвод командири атрофида парвона бўла бошлади.

Кўлини қайтадан боғлади, димогига нашатирли пахта тутди.

— У кўп қон йўқотган,— дея тушунтирди қиз солдатларга.

Дудин қизни дарров таниди:

— Менинг халоскорим! Катя, Катюша... Жанг пайти ярамни мана шу қиз боғлаб қўйганди. Мен, Катя-Катюша, ҳозир ўрнимдан тураман...

— Сира ҳам мумкин эмас, ўртоқ лейтенант!— дея қичқириб юборди Катя-Катюша.— Ҳатто хаёлингизгаям келтирманг!

Взвод командири яна кўзларини юмиб олди.

Санинструктор қиз эса буйруқ бера бошлади:

— Йигитлар! Дарров бирон от-арава топинглар. Уни госпиталимизга олиб борамиз. Ўзи яқингина, лекин сак-киз юз метрча келади... Тезроқ бўлинглар!

Алёша Лира томон югурди — у яқинроқ турганди, кейин Костилга қараганда ювошроқ ҳам эди. Йигит отни деҳқонлар аравасига қўшди-да, боғча ёнига ҳайдаб келди. Ҳозиргина Сталиннинг нутқини эшитишиб чўзилиб ётишган ва тун тинч ўтадиган бўлса, шу ердаёқ ухламоқчи бўлишган пичандан олиб, аравага ташлади...

Йигитлар Дудинни кўтариб, авайлаб аравага ётқизишди, Катя-Катюша араванинг бир четига чиқиб ўтирди, Алёша эса Лиранинг жиловидан тутиб, отни йўл томон бошлади.

— Арава силкинмасин, текисроқ йўлдан юр, рассом!— дея қичқирди Катя-Катюша:

— Ўзим ҳам шунини ўйлаяпман...— деди Алёша.

«Нега мени «рассом» дейди?— хаёлидан ўтказди Алёша.— Умуман, қаёқдан келиб қолди бу ерга?»

Бу — Катя-Катюша аломат қиз экан. Юзининг аллақаерлари Верага ўхшаб кетаркан. Бошқа жиҳатдан, балани билан дейсизми (хаёлига келган гапни қаранг), қадди-қомати дейсизми — ўхшамас экан. Дўмбоққина. Айниқса, ҳарбий формада шундай кўринаркан. Бўйи ҳам унча ба-

ланд эмас! Лекин чаққонгина экан! Қизиқ, агар Верага ҳам қизил аскар формасини кийинтириб қўйишса, қанақа кўринаркин?..»

Санинструктор қиз йўл кўрсатиб борди.

Маълум бўлишича, медсанчасть қишлоқнинг нариги чеккасига жойлашган экан. Қишлоқ анча узун бўлиб, унгача бўлган масофа чиндан ҳам бир километрча келарди. Медсанчасть бир неча уй ва учта катта палаткага жойлашибди.

Палаткаларга яқинлашишгач, Катя-Катюша аравадан сакраб тушди-да, «Кутиб тур!»— деганича югуриб ичкарига кириб кетди.

Бир оздан сўнг у ёши қирқларга бориб қолган иккита санитар билан қайтиб чиқди. Санитарлар носилка кўтариб олишганди.

Дудин яна ҳушини йўқотган эди, санитарлар уни осонгина кўтариб носилкага ётқизишди.

Катя-Катюша кўрсатма бериб турарди.

Санитарлар носилкани кўтаришди-да, уни палаткаларга эмас, уйлардан бирига олиб кетишди.

— Кутиб тур!— дея қичқирди Катя Алёшага.

Алёша кута бошлади.

У Лирани силаб-сийпади. Дудинни медсанчастьга осонгина олиб келгани учун мақтади. Кейин жониворга бир бўлак қанд берди. Яхшиям, чўнтагида сақланиб қолган экан, сўнгра отни аравага билан палаткалардан нарироққа ҳайдаб борди-да, Лирани аравадан чиқариб, ўтлашга қўйди. Езги жазирамада ҳали жизғинаги чиқмаган ўтўланнинг ҳозир айни етилган пайти эди.

Алёша медсанчастьга биринчи келиши бўлиб, у атрофида бўлаётган ишларни қизиқиб томоша қиларди. Палаткаларда ҳам, уйларда ҳам қандайдир у тушунмайдиган ҳаёт ўз мароми билан оқмоқда эди ва гарчи, кўпгина одамлар у ёқдан-бу ёққа шошилиб юришаётган бўлишса-да, ховлиқинг сезилмасди. Палаткалар ёнидаги майса устида жароҳатланган жойин боғлаб қўйилган ярадорлар ўтиришарди. Анчадан бери ювилмаган ва у ер-бу ерига қон тегиб, доғ бўлиб қолган оқ халатли санитарлар носилкаларда баъзи ярадорларни у ёқдан-бу ёққа ташишарди. Қандайдир барваста эркак ва аёллар палаткалардан чиқиб, алланималарни муҳокама қилишар ва ютоқиб тамаки чекишарди...

Алёша ҳам тамаки тутатди.

Улар Дудинни олиб келганларидан буён камида бир соатча вақт ўтди-ю, аммо Алёшани ҳеч ким эслай демасди.

«Кутиб тур!»— деганди Катя-Катюша, аммо қиз, балким, уни унутиб қўйгандир?..

Лекин у Алёшанинг рассомлигини қаёқдан билдийкин?  
Чиндан ҳам қандайдир мўъжиза бўлди-ку!

Ниҳоят, Катя-Катюша пайдо бўлди. Алёша уни уйдан югуриб чиққан заҳоти кўрди-ю, аммо қиз қоронгида уни кўрмади, албатта. Шу боисдан ҳам у аввал палаткалар томон югурди, бироқ кейин бирдан тўхтади-да, улар боя Дудинни олиб келишган жойга қараб бурилди. Аммо Алёша Лирани араваси билан нарироққа ҳайдаб кетишга улгурган эди.

Алёша қизнинг олдига борди:

— Сенмисан! Мен бўлсам боядан бери кутиб турибман!

— Худога шукр,— дея тўнғиллади Катя-Катюша. Кейин бирдан бошқачароқ оҳангда гапира бошлади:— Сиз, эркакларни, доим шунақа қидиришга тўғри келади! Оббо сеней! Қаёққа яшириниб олувдинг, рассом?..

Яна «рассом» деди!

Алёша нимаям дея оларди?..

— Лейтенантнинг аҳволи қалай?— дея сўради у.— Тирикми ишқилиб?

— Тирикми, дейсанми? Тирик, тирик, керак бўлса, сен билан мендан ҳам кўпроқ яшайди,— деди Катя-Катюша.— Сендан Сталиннинг нутқини охиригача ўқиб беришни илтимос қилди... Уша нутқнинг зўрлигини қара-я! Биз кечаёқ радио орқали эшитгандик. Одамнинг ақли шошиб қолади.

Шундан сўнг Катя жим бўлиб қолди.

— У яшайдими?— дея сўради яна Алёша.

— Яшайди, яшайди, албатта!— дея хитоб қилди Катя-Катюша.— Бўлмасам-чи? Уша жангда мен унинг ярасини боглаб қўйгандим. Госпиталга жўнатмоқчи бўлдим. Лекин сира кўнмади! Мана, оқибати: кўп қон йўқотди, ҳушидан кетди, томир уриши элликтага тушиб қолди. Лекин, омон бўлсак — ўлмаймиз, деяпти...

— Шошма!— деди Алёша ва қўшимча қилди:— Шошманг! Сталиннинг нутқи нима бўлади? Менда йўқ-ку, нутқ. У Дудинда эди...

Катя-Катюша хижолатга тушгандек бўлди:

— Қанақасига энди? Ахир, ўзи айтди-ку...

— Йўқ менда ўша нутқ, гапимга ишон... Ишонинг...

Алёша унга қандай мурожаат қилишини билмай қолганди.

Катя-Катюша. Худди ёнида Вера тургандек.

У Катя-Катюшага қараб туриб, Вера тўғрисида ўйларди.

Вера эса хат ёзмапти! Ёзмапти! Ёзмапти!

Катя-чи?..

У «рассом» деган сўзни қаёқдан олди ўзи?..

— Мен ҳозир чиқаман,— деди Катя-Катюша.

Хатто хотиржамгина ўт чимдиётган Лира ҳам, Алёшанинг назарида, югуриб кетаётган қизнинг ортидан таъна билан қараб қўйгандек бўлди.

Катя-Катюша яна анчага довур ғойиб бўлиб кетди.

Буни Алёша соатга қараб эмас, тусмоллаб билди. Алёшада соат нима қилсин! Охирги жангда ўлиб ётган немисларнинг соатини ўлжа тариқасида ечиб олиши мумкин эди. Улар мурдаларнинг ҳужжатини олишаётганида, ўлик немисларнинг кўлларидаги соатларнинг чиқиллашни эшитишганди. Бироқ ўликларнинг соатини ечиб олишга ҳеч ким журъат этмади. Қирқ биринчи йил — қирқ бешинчи йил эмас. Қирқ бешинчи йилда тажриба ҳам, пишиқ-пухталик ҳам пайдо бўлади, ҳозир эса лекин бораётган жангчиларимизда фақат жирканиш туйғусигина бор эди...

Ойдин борлиққа кумушдек ёғду сочмоқда эди.

Осмону фалак худди юлдузлардан марварид қадагган тимқора духобага ўхшарди. Бу осмонга узоқ тикилган одам кўзи кўр, қулоғи қар бўлиб, бутун борлигини унутиб қўйиши мумкин эди.

Оқ палаткалар ва ўйлар ой ёғдусида худди рақс тушиб, гир-гир айланаётгандек туюларди. Бу кўзга кўринмас, сирга тўла, мўъжизали рақсга эса қандайдир қулоққа эшитилмас куй жўр бўлаётгандек эдики, бу куйнинг фақат биргина, мавҳум, осойишталик ва уйғунликни пароканда қилиб юборишга интиладигандек оҳанги бор эди.

Қани энди шундай тунни тасвирлаб бера олса!

Нега фақат тунни бўларкан?

Нега энди тамаки чекиб олиш учун палаткалардан ташқарига чиқаётган манови одамларни — ҳарбий форма устидан оқ халат кийиб олган манови — эркак ва аёлларнинг суратини чизмаслик керак экан?

Жанубнинг тимқора осмони. Баркашдек ойдин, беҳисоб юлдузлар. Осмонга қарашга вақт йўқ, лекин бугун тун тинчгина ўтяпти...

Буларнинг бари ҳаёт, ҳаёт, ҳаёт...

Катя-Катюша эса, уларнинг бари ўз командирларининг яраланганини пайқамаган бир пайтда, лейтенант Дудининг ярасини боғлаб қўйган экан.

Дудин улар билан бирга биродарлик гўрини кавлади. Дудин ҳамманинг олдида Дей-Неженконинг разиллигини қоралади, лекин шу Дудиннинг ўзи уни жангда мардона ҳалок бўлган бошқа йигитлар қатори дафн этди.

Қизиқ, бугун негадир осмонда немис авиацияси кўринмайпти.

Ерда ҳам сукунат ҳукмрон.

Айниқса, бу ерда — медсанчастанда бунинг катта аҳамияти бор. Ахир, бу ерда операция қилишади, одамларни қутқаришади...

Мана, ҳозир чақириб қолишади, дея кутаётган Алёша ана шундай ўйларди.

Уни эса фақат бир одам — ғалати қиз, санинструктор Катя-Катюшагина чақириб қолиши мумкин эди-ю, лекин у ҳозирча кўринмай турарди.

Қилар иши бўлмаганиданми ёки бошқа бир сабабданми, унинг хаёлига урушдан олдин тўқилган бир қўшиқ келди-ю, Алёша аста шунинг хиргойи қила бошлади:

Олма-ю нок гулин тўкишади,

Дарё узра юзади туман.

Соҳил сари юради Катюша...

Алёша бу қўшиқни миясидан чиқариб ташламоқчи бўлди, аммо унинг оҳанги тилида айланаверди:

Содда қизни эсласин у доим,

Қўшиғини эшитсин ўша.

Она-Ерни асрасин у қонм,

Ишқни эса асрар Катюша.

Яна Катя-Катюша ҳаллослаганича югуриб келганида Алёша ҳамон ўша қўшиқнинг оҳангини хиргойи қилганича Лирани силаб-сийпаб турарди.

— Кечир, сени куттириб қўйдим! Бизда бахтсизлик содир бўлди. Олтинчи батареянинг командири ўлиб қолди. Алёша индамай тураверди.

Кейин сўради:

— Бизнинг лейтенант қалай?

Катя-Катюша қувноқ жавоб қилди:

— Дудиннинг аҳволи яхши. Эрта билан қайтиб боради. Лекин ҳозир сендан Сталиннинг нутқини охиригача ўқиб беришни қаттиқ илтимос қилди. Мана, ўша нутқ!

Катя-Катюша Алёшага Сталиннинг хиёл ёғимланган ва у ер-бу ерига лейтенант Дудиннинг қони теккан нутқи

текстини узатди-да, сўнгра Лирани аравага қўшишга ёрдамлашиб юборди. Ниҳоят, Алёша аравага чиқиб, жиловни қўлига олганида қиз бирдан деди:

— Унутиб юборма, рассом! Хўпми?

Алёша яна хижолатга тушди.

— Менинг рассомлигимни қаёқдан биласан?

— Сен мени танитайсан, мен эсам сени Долинадан буюн танийман, Горсков.

Буни қаранг-а, Алёшанинг ҳатто хаёлига ҳам келмаган эди бу гап!

У Лирага қамчи босиб, аравани орқасига бурди-да, Катя-Катюша билан хайрлашиб ҳам ўтирмай ҳар қандай эҳтиёткорликни унутиб, тўғри ўз дўстлари томон елиб кетди.

Боғча олдида уни Костя Петров кутиб олди:

— Биз сени анчадан буюн кутяпмиз! Хўш, Дудиннинг аҳволи қалай?

Алёша Дудин ҳақида гапириб берди. Улар биргалашиб Лирани аравадан чиқаришди-да, узун арқонга боғлаб, ўтлагани қўйиб юборишди. Аравани эса итариб, бир четга олиб қўйишди.

— Йигитлар кутиб ўтиришибди!— деди Костя.

— Ухлашмадимми?— дея сўради Алёша.

— Бу нима деганинг!— деди жеркиб Костя.— Сталиннинг нутқи охиригача ўқилмади-ку, ахир...

Гарчи, пичан йигиб, жой ҳозирлашган ва чамаси, овқатланиб олишган бўлишса-да, йигитлар чиндан ҳам ухлашмаган эди.

— Тамадди қилиб ол,— деди Костя унга котелокни узатар экан.— Биз овқатландик, мановини сенга қолдиргандик.

Алёша совиб қолган қандайдир овқатни апил-тапил еб олди-да, Сталиннинг нутқини давомини ўқий бошлади. Костя Петров унга фокус ёруғини тутиб турди.

— «...Бизни урушишга мажбур этишлари оқибатида,— тантанавор оҳангда ҳаяжон билан ўқирди Алёша,— мамлакатимиз ўзининг энг ёвуз ва маккор душмани — герман фашизми билан ҳаёт-мамот жангини бошлаб юборди...

СССР халқларининг барча кучларини тезда сафарбар этиш мақсадида, Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум бошлаган душманга қақшатқич зарба бериш учун Давлат Мудофаа Комитети ташкил этилдики, энди давлатимиздаги бутун ҳокимият тўла равишда ана шу Комитет қўлида мужассамлашади. Давлат Мудофаа Комитети ўз ишини бошлаб юборди ва у бутун халқни Қизил Армия ва

Қизил Флотни фидокорона қўллаб-қувватлаш, душманин тор-мор этиш, ғалабага эришиш йўлида Ленин-Сталин партияси атрофида, Совет ҳукумати атрофида яқдиллик билан жипслашишга даъват этади.

Барча кучларимизни қаҳрамон Қизил Армиямиз, шонли Қизил Флотимизни қўллаб-қувватлашга қаратайлик!

Халқнинг барча кучларини душманин тор-мор этишга сафарбар қилайлик!

Бизнинг ғалабамиз учун — олга!»

Сталин нутқининг тексти қандайдир маҳаллий босма-хона томонидан варақа тариқасида — қоғознинг иккала томонига босилганди. Ёки, аҳтимол, армия босмахонасида босилгандир. Варақа жуда хира босилибди. Алёша уни анча қийналиб ўқиди. Минбарда микрофонлар олдида турган Сталиннинг фотосурати ҳам хирагина бўлиб чиқибди. Бу 3 июль куни Москва радиоси орқали нутқ сўзлаётган ҳозирги Сталинми ёки партиянинг ўн саккизинчи съездида доклад қилаётган Сталиннинг илгариги суратими — тушуниб бўлмасди.

У нутқни ўқиб тугатганидан сўнг ҳам йигитлар индамай ўтираверишди, аммо кўзларидан бу нутқ уларни ниҳоятда ҳаяжонга солгани яққол сезилиб турарди.

Янги сафарбар қилинганлар, уларнинг взводларига кейинроқ келиб қўшилган тиришқоқ ва серилтифот «ғарбийлар» ўзаро аста нималарнидир гаплашиб ўтиришарди.

Алёша ҳозир ҳеч қандай митингнинг кераги йўқлигини тушунди. Бироқ шу тобда митинг ўтказиш керак бўлганида, у ўз-ўзидан бошланиб кетган бўларди. Бунинг учун ҳамма нарса тахт эди!

— Энди, йигитлар, ётиб ухланглар, — дея буюрди Алёша.

У «йигитлар» сўзини худди Дудинга ўхшаб айтди.

Лекин Сталиннинг нутқи...

Уруш узоқ давом этади, энди бу нарса ойдинлашиб қолганди, аммо ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, ҳатто ҳарфларнинг катта ёки кичик ёзилиши ҳам — буларнинг бари улкан бир маъно касб этганди. Энг иқир-чикиригача ҳамма нарса ҳисобга олинганди. Эҳтимол, бу нарсаларни бугун унчалик тушуниб ҳам етишмас, лекин бу гаплар бутун урушни мўлжаллаб ёзилган эди. Кейин, аслини олганда, битта ҳам ундов белгиси қўйилмабди! Ҳатто бир неча ундов белгиси қўйилиши керак жойда ҳам бу белги кўринмасди. Ҳаммаси бир қаторда, ҳаммаси нуқта орқали ёзилибди. Ҳар бир мисра тагида эса теран фикр жойлашган... Кейин ҳеч нима унутилмабди. Қизил Армия ва Қизил Флот ҳам, чекинниш

сабаблари ҳам, душман босиб олган ерларда қолаётган одамларимиз олдидаги вазифалар ҳам—ҳаммаси очиқ-ойдин гапириб берилибди. Нимани олиб кетиш, нимани йўқ қилиш, қандай йўл тутиш... Партизан отрядлари... Жосуслар ҳамда ваҳимачилар... Телефон ва телеграф алоқаси... Дезертирлар ва ҳаво ҳужумига қарши мудофаа... Поезд ҳамда вагонлар ва қимматбаҳо мол-мулкни олиб кетиш... Кўприклар ҳамда йўлларни портлатиш ва олиб кетишнинг иложи бўлмаганида, ғалла, ёқилгини ёқиб юбориш... Халқ кўнгиллилари, Москва, Ленинград... АҚШ ҳукумати-нинг Россияга ҳарбий ёрдам бериш ҳақидаги баёноти...

Ҳаммаси ажойиб, бош ва кичик ҳарфларнинг ёзилишига қадар ҳаммаси ўз жойида.

Ва ниҳоят соф рус тили!

Нутқ ва докладларда, газета ва радиода ишлатила-вериб сийқаси чиқиб кетган сўзларнинг унутилай деган туб маъноси ушбу нутқда бирдан янги жилолар билан товланаиб, кўп жиҳатлардан эса янгича оҳанг касб этганди.

Сталин рус тилида грузинча акцент билан гапиришини ҳамма биларди. Бироқ урушга қадар Сталиннинг нутқини камдан-кам одамгина эшитар, бу нутқларни кўпроқ ўқишарди. Унинг нутқларини одатда Политбюро аъзолари, кейин Сталин сўзга чиққан съезд ва мажлисларда қатнашган одамларгина эшитишарди. Халқ эса, Сталиннинг нутқларини кўпроқ газеталарда ўқирди — урушдан олдинги йилларда радио эндигина расм бўлганлиги бонсидан, ҳали кўп хонадонларда йўқ эди.

Россия санъат Академиясининг собиқ студенти, 1940 йил сафарбар қилинган қизил аскар, энди эса йўқ бўлиб кетган 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизиясининг 140-нчи артиллерия полки старший сержанти — омади юришмаган рассом Алёша Горсков ҳам Сталинни шу тариқа биларди...

Қизил аскарлар уйқуга ётишди.

Алёшанинг эса уйқуси келмасди.

Дудин тўғрисида, Катя-Катюша ҳақида ўйларди: «Қаранг-а, мени Долинадан буён танир экан...» Сталин нутқи ҳам сира хаёлидан кетмасди.

Негадир ҳозиргина эслаган «Ленин-Сталин партияси...» — деган ибора ғашини келтирди.

Балким, нутқни тайёрлаб беришганида Сталин бу иборани кўрмай ўтқазиб юборгандир?

Йўқ, чамаси, шундай деб айтиш керак бўлганга ўхшайди.

«Ленин-Сталин партияси» — бу иборанинг тагида қандайдир алоҳида маъно бор. Яъни ўртоқ Сталин «Улуғ Ватан уруши» деганга ўхшаш.

## XVI

Верадан хат-хабар йўқ эди. Қизиқ, лекин ҳозир Алёша у тўғрисида ўйламасди. Аниқроғи, ўйлашни истарди-ю, аммо кўз ўнгидан сира Катя, Катя-Катюша нари кетмасди.

Верани эсларди-ю, лекин кўз олдида Катя турарди. Ҳатто Веранинг юзи ҳам унинг хотирасидан, худди туман ичига кириб йўқолгандек, хира тортиб ўчиб кетди.

Катя-чи...

У узоқдан бўлса-да, Катяни бир кўриш мақсадида бир-ров медсанчастига бормоқчи бўлди, аммо бирпасда кеч тушиб қолди. Кечикди!

Ҳаммаёқ осойишта бўлишига қарамай, улар навбатчи тайинлашди.

Ахир, қоида шундай эди-да, гарчи, уларга ҳеч ким ўргатмаган бўлса-да, Алёша билан Костя ўзларича шундай қарор қилишди.

Навбатчиларни эрталабданоқ белгилаб қўйишди. Ҳамма бир соатдан навбатчилик қилади. Навбат топширувчи навбатни қабул қилувчини уйғотади. Зеро, ҳамма ўзидан кейин ким навбатчилик қилишини биларди.

Бошлиқларсиз яшаш жуда ғалати бўлар экан.

Ҳозир бу ерда Костя билан иккови бошлиқ, лекин тепаларида старшина ҳам, взвод командири Дудин ҳам йўқ.

Бу кеча уларни батарея бўйича навбатчи ҳам, дивизион бўйича навбатчи ҳам, ҳатто полк бўйича навбатчи ҳам келиб текшириб кетишди. Полк бўйича навбатчининг ёнида Иваницкий ҳам бор эди.

Ўртоқ Сталиннинг нутқини ўқишганини эшитиб, Иваницкий уларни мақтаб қўйди.

— Биз ҳали бу нутқни кўп ўрганамиз! — деди Иваницкий. — Дарвоқе, ўртоқ Серов, — дея мурожаат қилди у ёнида ҳамроҳ бўлиб келган политрукка. — Барча бўлинмаларда шундай ўқишни ташкил этинг. Ҳар бир взвод, батарея, дивизионда ўқиб чиқишсин! Хўжалик бўлими билан медсанчасти ҳам унутманг! Айниқса, ғарбий областлардан сафарбар қилинганлар билан молдаванларга алоҳида эътибор беринг!

Алёша билан Костя ҳали ухлашмаган эди.

Постларга одам қўйилган. Бошлиқлар келганида навбатчи аниқ рапорт бериб турди. Мана, ҳозир ҳам ёнида майор Иваницкий полк бўйича навбатчи билан келаётганини кўриб, баланд овозда:

— Ким келяпти?— деб сўрарди.

Одатда жанубда бўладигандек, бирпасда тснг отиб, кун ёришиб кетди. Бир вақтлар, ўттизинчи йилда ойиси билан дадаси бод касалини даволаш учун Алёшани Евпаторияга олиб боришганди. Ўшандан буён у жануб кечалари ва тунларини эслаб қолганди.

Костя ухлаб қолди.

Алёша навбатчининг ёнига борди.

Унинг соати — нақ немис штамповкалиги бор эди.

— Соат беш бўлди,— деди навбатчи.

Алёша уйнинг орқасига ўтиб, апил-тапил қурилган желаларга боғлиқ отларни текшириб кўрди. Отлар мудраб туришарди.

— Дам олаверинглар, дам олаверинглар,— дерди Алёша отларнинг мулозим тумшукларини силар экан.— Ҳали кўп жанг қиламиз...

Шу тобда унинг миясига бирдан, медсанчаства бориб келсам-чи, деган фикр келиб қолди. Ҳа, ҳозир, худди ана шу ғира-шира тонг отаётган пайтда, уруш тугадими ёки ҳализамон янги, янада даҳшатлироқ бирор кор-ҳол бошланадими — тушуниб бўлмайдиган ана шу туннинг охирида бир бориб келсамикин... Алёша боришга аҳд қилди. Шундан сўнг у навбатчининг ёнидан ўта туриб, деди:

— Медсанчаства кетяпман. Взвод командири, лейтенант Дудинни кўриб келмоқчиман. Керак бўлиб қолсам, ўша ердан топасизлар.

Медсанчаствада, балким, Катя-Катюшани ҳам учратиб қолар? Шу тобда Алёша негадир уни жуда кўргиси келарди!

Тонг қоронғисига чулганган кўчанинг ўнг ва сўл томони ухлаб ётган қизил аскарлар, пишқириб турган отларга тўлиб кетганди. Аравалар, кўчма ошхоналар ва тўплар четан деворларга яқинроқ суриб қўйилганди.

Алёша кириб келган медсанчаства худди клубда кино кўрсатишаётган пайтдагидек, кўчма электростанция тариллаб турарди, палаткалар ёнида эса яраси боғлаб қўйилган ярадорлар мудраб ўтиришарди. Палаткалардан иккитасида чироқ ёниб турарди. У Дудин ётган уйни бир амаллаб топди-да, эшикни очди.

Қовоғи солиқ, мудроқ кўзли санитар унинг олдига келиб:

— Сенга нима керак?— деб сўради.

— Лейтенант Дудиннинг аҳволи қалай? Шунн бил-моқчи эдим.

— Ухлашяпти улар, ухлашяпти,— дея тўнғиллади санитар.— Топган вақтингни қара-ю...

Сўнгра бир оз юмшаб, қайта сўради:

— Ким дединг?

— Взмодимиз командири, лейтенант Дудин. Биз уни кеча... Тўғрироғи, бугун кечаси олиб келгандик...

— Бўлмасам, шу ерда тура тур... Билиб чиқаман... Биз бугун кечаси анчагина одамни дафн этдик. Қараб кўрай-чи, шояд лейтенантинг тирик бўлса... Фақат шу ердан бир қадам ҳам олдинга жилма! Бўлмаса гап тегади!

Ёши элликларга бориб қолган кекса санитар тамаки тутунидан сарғайиб кетган малла мўйловини сийпалаганича қаергадир кириб кетди. Нарироқда эски, тўқ қизил бўёқлари ўнгиб кетган ва чамаси, ўша кекса санитар ўтирадиган табуретка ҳамда унинг ёнида типпа-тик қилиб қўйилган снаряд қутиси кўзга ташланарди. Снаряд қутисининг устида сарғайиб кетган газета ёзиқлик бўлиб, унда нон ушоқлари сочилиб ётар, алюмин котелок билан худди шундай алюмин қошиқ турарди.

Алёша эшик олдида қимирламай турарди.

Ниҳоят, карабинини елкасидан олиб, ерга қўйди. Қарабин ҳам, ўқдон ҳам зилдеккина эди. Баъзи йигитлар аллақачон энгилроқ бўлган немис автоматлари билан қуролланиб олишганди. Баъзилардан ўлжа қуролини тортиб олишар, баъзиларида эса автоматлар қолиб кетаверарди. Алёша ҳам бирор жангда таваккал қилиб кўриши керакка ўхшайди. Нима бўлганда ҳам улар, Костя Петров иккови энди старший сержантлар-ку, ахир.

Бояги санитар қайтиб келди-да, хотиржамгина сўради:

— Сенинг исминг нима?

— Дудиннинг олдига келгандим,— деди Алёша.— Қизил аскар Горсковман...— Шу пайт ўзини эски унвони билан таништирганини тушуниб қолди-да, қўшимча қилди:— Старший сержант Горсков! Нима эди?

— Ҳеч гап йўқ. Ҳозир кириб айтаман унга,— деди санитар.— Командиринг уйғоқ ётибди, ким келганини билиб беришни сўради фақат. Ҳозир... — Сўнгра орқасига ўгирилиб қўшимча қилди:— Агар чарчаган бўлсанг, табуретда ўтира тур. Худди қоровулга қўйилгандек қаққайиб туришингдан нима фойда... Кулгили кўринаркан, ҳатто... Кейин қуролингни ҳам бундай ушлама... Бу ер — медицина, ахир. Кутиб тур, қозир чиқаман...

Алёша табуретга ўтирмади-ю, аммо энди ўзини анча эркинроқ ҳис эта бошлади. Демак, Дудин тирик. Бу ҳол Алёшанинг бемаврид ташрифини оқлаётгандек туюларди...

Бу ерга у лейтенант Дудинни кўриш учун келди-ю, аммо нуқул санинструктор Катя-Катюша тўғрисида ўй-лаяпти. Шу тобда Алёша уни жудаям кўргиси келмоқда эди!

Бояги санитар қайтиб чиқиб, деди:

— Уртоқ лейтенант Дудин айтиб қўй деди, бугун, йўқ, эртага шекилли, ҳа, «эртага» деди, эртага олдиларингга қайтиб борармиш. Унинг ёнига кириш мумкин эмас. Йўқ, унинг аҳволи чатоқ эмас, шунчаки палатада оғир ярадорлар бор... Кейин у яна, омон бўлсак — ўлмай-миз, деди. Сени кўрмоқчи бўлди-ю, лекин бугун бунинг иложи йўқ. Эртага кўришасизлар. Кейин, хаҳ, нимаЙди, сен ким эдинг ўзи? Рассомдинг? Айтдики, ўша Горсков — сенинг фамилиянг шунақамиди ўзи?— рассом йигит, ҳозирча тинчлик экан, сурат чизсин. Шунақа деди, у. Бор гап шу. Ҳеч нимани эсдан чиқармадим, шекилли... Ҳа, ҳаммасини айтдим...

Алёша кўчага чиқди. Эшик олдида ярадорлар мудраб ўтиришарди.

У бир оз айланиб юрди, кейин тўхтаб турди, сўнгра яна юра бошлади... У Катяни кўриш умидида эди.

Лекин қиз кўринмади.

Кун деярли ёришиб кетгач, взводига қайтди.

## XVII

Улар жанглар билан Днепр томон чекинишмоқда эди. Кейин Каховка районида Днепрни кечиб ўтишди. Тинимсиз бомбардимон остида, Днепрни машаққат-ла кечиб ўтишди. Ҳалок бўлганларни дафн этишди.

Бу хусусда полк командири майор Иваницкийнинг қатъий буйруғи бўлиб, жангчилар уни кичик командирлардан билиб олишганди:

— Қаҳрамонларимизни дафн этиш зарур! Жанг майдошида биронтаси ҳам қолиб кетмасин! Ташлаб кетилмасин! Иззат-эҳтиром билан дафн этилсин! Чекиняпмизу, лекин қайтиб келамиз. Уларнинг шон-шухрати ўзи билан! Шунингдек, унутмаслигингизни талаб қиламан: ҳалок бўлганлар рўяхати тузиб борилсин. Қариндош-уруғларига албатта хабар қилинлар. Албатта! Ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам...

Мазкур буйруқ қатъиян бажариларди.

Полк колоннаси, четдан қараганда, албатта, жуда галати кўринарди. Собиқ 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизияси урушга қадар, чамаси, бошқачароқ бўлган бўлса керак. Худди шу гапни уларнинг 140-нчи артиллерия полки ҳақида ҳам айтиш мумкин эди. Техникалари ҳам, ташқи кўринишлари ҳам ҳозир анча путурдан кетган, ташқи кўриниш ўз йўлига! Энди уларнинг дилида: «Бизга ҳеч ким бас келолмайди!» «Ҳе, биз ўша ипирисқи немисларни!..»— дегандек кўр-кўрона, чапанича ишонч эмас, балки уруш энди узоқ чўзилиши, унинг жуда оғир бўлиши, бундай уруш бўлишини олдиндан ҳеч ким билолмаганини тушунган ҳолда пайдо бўлган ишонч эди. Ҳатто чекина туриб ҳам ақл билан жанг қилиш мумкин... Лекин бу янги шароит синовларига ҳамма дош бера олмади, албатта. Урушга қадар ҳаммадан кўпроқ бақириб-чақирадиган Дей-Неженко каби кишилар, масалан, энг ёмон солдат бўлиб чиқишди. Бошқалар эса жанг майдонида мардона ҳалок бўлдилар. Масалан, дивизия командири Скворцов ёки 22 июнь куни янги чегарада душманга қарши кўксини қалқон қилиб чиққан ва ўша жангларда ҳалок бўлган қанчадан-қанча жангчиларимиз ва дивизия командирларимизни олайлик! Ёки Проля Кривицкий, Ваня Дурнусовларни, Ивась Лада ва бошқа «ғарбийларни» эслайлик. Уларнинг бари биродарлик мазорларига дафн этилди...

Полк колоннаси эса Днепрни кечиб ўтгач, ўз йўлида давом этди. Олдинда от минган суворийлар боришарди. Алёша билан Костя ҳам шулар орасида эди. Шу билан бирга майор Иваницкий бошлиқ (ё қудратингдан, у ҳам от минар экан) барча катта-кичик командирлар ҳам от миниб олишганди... Разведками? Йўл бошлаб кетаётган дозорми? Ҳозир кимнинг нима вазифа бажараётганини тушуниш қийин эди.

Уларнинг ортидан тўплар — 76 миллиметровкалар келишарди. Тўплар кам қолганди, аммо шу омон қолганлари ҳатто шу ерда, Каховка ёнидаги жангда ҳам тинмай ўқ узиб турди. Тўпларни отлар сургаб келишарди. Иблисидан ҳам, балосидан ҳам, урушдан олдинги тажрибасиз Алёша каби янги сафарбар қилинган жангчилардан ҳам қўрқмайдиган ниҳоятда чидамли қизил аскар отлари... Улар ҳалок бўлишар, лекин омон қолган жониворлар тўпларни ҳам, снаряд қутиларини ҳам, кўчма ошхоналарни ҳам тортиб кетаверишар, лозим бўлиб қолганида эса суворийлари билан бирга жангга ҳам киришарди...

Алёша Костилни миниб олганди. Лира эса алмақаерда, колоннанинг ўртасида — Алёша буни яхши биларди! — қандайдир мўъжиза билан омон қолган ягона снаряд қутисини сургаб келарди.

Каховка! Бу номни эшитганда одамнинг дилида ғалати туйғу уйғонарди!

Улар Каховкани урушга қадар Светлов ёзган қўшиқ бўйича билишарди.

Уша қўшиқ кинода, «Уч ўртоқ» фильмида ижро этилганди. Жаров, Баталов, Горюнов, Гурецкая...

Қувноқ ва жиддий фильм эди.

Сол оқишиш пункти. Яхши одамлар ва ёмон одамлар. Муттаҳамлар. Яхши одамларнинг тиши оғрийди. Оилавий машмашалар. Барча воқеалар уч эски ўртоқ, уч эски дўст теварагида содир бўлади. Дўстлар эса ҳар хил одамлар бўлиб чиқишади. Фильм ғалаба билан яқунланади: портлатиб юборилган кўприк қайта қурилади ва ундан қатор бўлиб, экиш мавсумига тракторлар ўтишади.

Содагина, лекин таъсирли.

Каховка, Каховка,  
Жон милтиғим сен ёвга  
Ўқлардан от, ўқлар от!

Ва кейин:

Шинелли бизнинг қиз  
Ўт ичра ёнган  
Каховка оралаб борадн чаққон...

Охирида энг муҳим сўзлар янграрди:

Аmmo бизнинг бронепоезд  
Запас йўлда турибди ҳозир...

Мана ўша — Каховка! Наҳот, чиндан ҳам ўша Каховка бўлса?

Колонна эса ўз йўлида давом этади. Суворийлар. Тўплар.

Лекин ҳозир Каховка ортда қолди...

Биргина снаряд қутиси — сақлаб қолганлари ана шу бўлди.

У ёнига эса ғалати пойга коляскалари, извошлар, оддий ғилдираклигидан тортиб резина шиннали энг янги колхоз араваларига қўшилган беҳисоб отлар. Бундай янги араваларга ҳали одамнинг кўзи ўрганмаган эди.

Коляскаларга ҳам, извошларга ҳам, танишу нотаниш араваларга ҳам қурол — снарядлар, патронлар, хуллас, армия учун зарур бўлган ҳарбий анжомлар юкланганди. Кейин ярадорлар, госпиталга тушмай қолган, аммо юришга ожиз бўлган ярадорлар ўтиришарди...

Медсанчасть билан хўжалик взводи эса колоннанинг охирида иккита уч тоннали «ЗИС — 5» юк машиналарида келишарди.

Чамаси, Катя ҳам ўша ерда бўлса керак.

Катя-Катюша. Алёша ўша куни азонда медсанчастьга борганида ҳам уни кўролмай келди.

Кечга яқин кириб келишган Марфинкада артиллерия отишмаси бошланиб кетди. Улар тинимсиз жойларини ўзгартириб, кетма-кет ўқ узишарди, лекин нарироқда яна бир артиллерия турган экан. Унинг ўт очиши кучлироқ эди.

Лейтенант Дудин вазиятни аниқламоқ учун ўт очиш позициясидан Кузатов Пунктимизга қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Олдинга бошқариш взводини — разведка билан алоқани жўнатишди. Лекин ҳеч нимани аниқлай олишмади. Немислар Днепрни кечиб ўтишдимикин ёки ўтишолмадим? Балким, бошқа жойдан кечиб ўтишгандир?

Батарея ва уларнинг Дудин бошлиқ расчёти Днепрни ҳимоя қилиб, ўт очиб турарди. Тўплар Днепр соҳилидаги тепаликларда қатор қилиб қўйилганди.

Днепрдан қочоқлар сузиб ўта бошлашди. Долина ва Кутида, Ивасинг қишлоғи каби эски чегаранинг нариги ёғида яшайдиган ғарбийлар эмас, балким уларнинг ўзларига ўхшаб, совет ҳокимияти даврида яшаганлар қочиб келишмоқда эди. Улар ҳеч қандай от-уловсиз, турли аравачалар ва болалар коляскаларини итаришганича, энгил-бошлари бир ҳолатда, ҳаммаёқларига лой сачраган, қўлларида йиғлаётган чақалоқлару худди катталарга ўхшаб жиддий қиёфадаги норасидаларини етаклаб келишарди.

Чамаси, ҳеч нимани аниқлай олмаган Дудин чап қўлида тўппонча тутганича (ўнг қўли ҳамон боғланган бўлиб, бунинг устига тахтакачлаб ҳам қўйилган эди, шекилли?) асабийлашиб турарди. У кўзга кўринмас немисларни ўққа тутаётган расчётига кўрсатма бермоқда эди. Кейин Дудин бирдан:

— Ўт очиш тўхтатилсин! — дея қичқирди.

Сўнгра ҳаммани Днепр соҳилига, қочоқларни қутқаришга ҳайдади.

Қочоқлар дарёни қайиқларда, солларда, хода ва тахталарга ёпишиб, бир хиллари эса тўғридан-тўғри сузиб

ўтмоқчи бўлишарди. Баъзилари чўкиб кетишди, лекин жангчилар кўпгина одамларни соҳилга тортиб чиқаришди. Улар болалар билан аёлларга биринчи навбатда ёрдам беришарди. Уларни соҳилга олиб чиқиб, бир вақтлар урушга қадар ГСО системаси бўйича ўрганишган усулда сунъий нафас олдиришарди.

Алёша билан Костянинг кийим-боши жикқа ҳўл бўлиб кетганди. Улар кийимларини ечиб ўтирмай ўзларини сувга отишганди. Ботинкаларини обмоткаларини ҳам ечишмаганди. Буларни ечиб ўтиришга вақт ҳам йўқ эди. Кимдир хурсандлигидан ўкириб йиғлар, Днепрда бирор жигардан бандидан жудо бўлган бошқа бирови эса нола қиларди. Немислар, худога шукр, ўт очишни тўхтатишди. Кутилмаганда ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Немислар Днепрни кечиб ўтишдими ёки йўқми? Улар ё ўнг томондан, ё сўл томондан кечиб ўтган бўлишлари мумкин эди. Лекин, ҳар ҳолда, бу ердан, уларнинг участкасидан ўтишгани йўқ. Марфинка каттагина қишлоқ экан. Ҳаммаёқда яшил ва оқ ранглар уйғунлашиб кетганди. Яшил — боғлар, полизлар, дарахт ва ўт-ўлан. Оқи эса уйлар.

Уйлар сира зарар кўрмабди. Кўпгина уйларнинг деворларига урушнинг биринчи кунларида чиқарилган плакатлар, ҳарбий комиссариатнинг буйруқлари осиб қўйилганди, шунингдек, бевосита деворларга ёзилган шиорлар. Тепалари поёнсиз мусаффо осмон, теварак-атроф эса нақ уфққа қадар чўзилган далалар. Далаларда бултурдан қолган сомон ғарамлари қаққайиб турар, немис авиабомбаларидан ҳосил бўлган чуқурлар қорайиб кўринарди. Чуқурларда ерга сингиб кета бошлаган халқоб сувлар тўлиб қолганди. Марфинка кўчаларида осмон-ўпар азим теракларининг япроқлари шитирлаб турар, йўл четида эса меваси ҳали пишиб етилмаганидан оқариб кўринаётган дўланага ўхшаш аллақандай буталар ўсиб ётарди.

Зовурларда чангга беланган товуқ ва ўрдаклар тентираб юрар, офтобрўяда лоҳас бўлган ит ва мушуклар чўзилиб ётишар, от тезаги атрофида семириб кетган чумчуқлар учиб-қўниб юришарди.

Аҳён-аҳёнда йўлдан шалақ арава ўтиб қолар ёки, шундай пайтда биронта одамга хат келиши даргумон бўлса-да, от миниб, ёнига почтальонлар сумкасини осиб олган болакай елиб ўтарди.

Қуриб, қорайиб кетган симёғочларда электр симлари бўғиқ гувиллар, уларнинг оппоқ чиннидан ишланган изолаторлари қуёш нурида ялтираб турарди.

Қишлоқ аҳли деярли жойидан жилмаган эди.

Улар жангчиларимизни қадрдон одамлардек кутиб олишарди.

Фақат:

— Бизни кимларга ташлаб кетяпсизлар? Наҳот, немис бу ерга ҳам келса? Днепр-ку, ахир!..— дея ҳасрат қилишарди.

Қочоқлар Марфинкада бирров тўхтаб, яна йўлга тушишарди.

140-нчи полк эса қишлоқда қолди. Ҳозирча ҳеч қандай буйруқ бўлмагани учун кийимларини ечиб қуритишди. Ҳатто дам ҳам олишга улгуришди. Узоқ кунлар ва дафталар ичида биринчи марта шундай ҳордиқ чиқаришлари эди. Кийимларини офтобда қуритишди.

Уларнинг ёнига лейтенант Дудин, Егозин, дивизион мандири капитан Суховлар келиб кетишди...

Қочоқлар энди анча узоқлашиб кетишганди. Улар Марфинкадан ўтиб кетишганидан сўнг, киши анча енгил эртди. Болалар, аёллар, қариялар. Бўлмаса йиғи-сиғи ва асабийликдан одамнинг юраги сиқилиб кетганди.

Алёша ҳамма қатори ечинди. Ҳамма қатори кийимини қуритди. Ҳамма қатори офтобда ҳузур қилиб ётди.

Медсанчасть тўғрисида ўйлади. У қаердайкин ҳозир? Шу ерда, Марфинканинг ўзидамикин? Албатта, шу ерда бўлади-да. Аммо қишлоқ катта экан. У бошидан бу бошигача камида уч километрча келади. Катя-Катюша ҳам...

Улар Днепрни кечиб ўтишаётганида Алёша уни кўрмади. Илгарироқ, Каховкада ҳам кўрмаган эди.

Майдон тўлмиш эди шовқин-суронга,  
Пулемёт тариллайди — тинмайди бир он.  
Шинелли бизнинг қиз ўт ичра ёнган  
Каховка оралаб боради чаққон...

Яна ўша қўшиқни ва яна Катя-Катюшани эслади...

Тирикмикин ишқилиб?

Бирдан миясига кутилмаган фикр келиб қолди: Каховка ёки Днепр тархида Катюшанинг суратини чизса-чи... Кейин Днепрни сузиб ўтаётган қочоқлар ва ўзлиги, фарқ бўлаётган қочоқларни қутқараётган эгни-боши жиққа ҳўл жангчилар. Ёки ҳозир сукунат қўйнига фарқ бўлган манови Марфинка. Кейин ўзлари, ҳориб-чорчаган, ярим-яланғоч, лекин аслида бақувват ва ҳатто чиройли йигитлар...

Йўқ-йўқ. Буни кейин, вақти келганда чизади.

Уларнинг ёнига политрук Серов келди:

— Ҳордиқ чиқаряпсизларми? Яхши, яхши, дам олаверинглар!

Ярим-яланғоч Костя сакраб ўрнидан турди.

— Утиравер, ўтиравер!— деди Серов.

Кейин бир оз сукут сақлаб турди.

«Ғарбийлардан» бири политрукдан алланимани сўради.

Алёша унинг гапини эшитмай қолди, лекин Серов, чамаси, йигитнинг саволини дарров тушунди:

— Жанг қиламиз! Сводкалар эса ёмон, йигитлар! Немис бостириб келяпти!

Кечга қадар Марфинкада ҳеч нима ўзгармади. Қаердадир ҳалок бўлганлар ва яралардан ўлганларни дафн этишибди, деган мишмиш тарқалди. Айтишларига қараганда, ғарқ бўлган қочоқларни ҳам уларга қўшиб, битта биродарлик қабрига дафн этишибди. Аммо бу воқеа қишлоқнинг нариги четида, уларнинг батарея ва взводларидан анча узоқда содир бўлибди. Уларда эса ҳеч ким ҳалок бўлмаганди.

Бу тўғрида Алёша Қаховкадан буён кўрмаган Саша Невзоров билан Женя Болотинлар гапириб беришди. Женянинг чап елкасини осколка ялаб ўтган экан — ҳеч кўрқинчли жойи йўқ эмиш! Маълум бўлишича, Днепрни кечиб ўтишаётганида жароҳатланибди.

Улар Слава Холопов тўғрисидаям гапириб беришди:

— Тирик у! Фронт орқасига жўнатиб юборишди!

Бу хабар полк медсанчастидан келганди. Уларнинг батареялари медсанчастининг шундоқ ёнгинасида эмиш. Женянинг ярасини ҳам ўша ерда боғлаб қўйишибди.

Взвод жойлашган боғчага бу гал ҳамма сиғди: одамлар ҳам, отлар ҳам, ягона снаряд қутиси ҳам. Кейин ғалати «буржуйча» извошни ҳам шу ерга олиб кириб қўйишди. Бундай извошлар Ленинград извошчиларида ҳатто ўттизинчи йилларнинг бошларида ҳам бўлмаганди!

Кечга яқин постга одам қўйишди.

Ғалати бир ҳол!

Жанг — табиий нарса.

Марш — бу ҳам табиий иш.

Ердан ҳам, осмондан ҳам ўқ узиб туришган пайтда ҳеч ким ҳеч қандай ишдан бош тортмайди ва ҳар қандай бўйруқни сўзсиз бажаради. Алёша буни шунчаки кўргангина эмас, тушуниб ҳам олган.

Лекин бир-икки соатгами, нари борса, бир суткагами тинчиб қолишса борми! — тўнғиллашади, сўкина бошлаша-

ди... Аввало ўзимизникилар, «ғарбийлар» эмас — у боёқишлар ҳар қандай буйруқни ҳам сўзсиз бажараверишади.

Бунақа пайтда постга одам қўйиш ҳам бутун бир муаммага айланади.

Айниқса, уларда: чунки бошлиқлари йўқ.

Уивони олиб ташланган собиқ старшина Хохлачев ўлгунай ялқов қизил аскарга айланганди. Аввалига унга шафқат қилиб юришди-ю, кейин ҳафсалалари пир бўлди. Хохлачев ҳар қандай ишни ҳам қўл учида бажарарди. «Кетини қуруққа олиб қочяпти!» — деганди бир кун Костя Петров. Мана, ҳозир ҳам, Марфинкада постга тайинлашаётганида Хохлачев:

— Нега энди мен боришим керак экан? — дея ғингишиб қолди.

Кимдир, Днепрдан кечиб ўтиш маҳали, ҳамма от ва тўпларни нариги соҳилга ўтказиш учун ўлиб-тирилиб соя ясаётган пайтда, Хохлачев ишламай, хўжа кўрсинга у еқдан-бу ёққа югуриб юрди, деганди.

Алёша буни ўз кўзи билан кўрмаганди-ю, лекин йигитлар шундай дейишмоқда эди.

Алёша ҳеч қачон сўкинмасди, кейин у турли бошлиқлардан, жумладан, Хохлачевдан ҳам — нима бўлгандаям собиқ старшина, бунинг устига ёши ҳам улугроқ — чўчинқираб юрарди. Лекин у: «Нега энди мен боришим керак экан?» — деган гапни эшитди-ю, тутақиб кетди.

— Бу нима деганинг! — Алёша «аблаҳ!» демоқчи бўлди, лекин оғзидан ундан ҳам кучлироқ сўкиш чиқиб кетди: — Ж... экансан! Йигитларнинг гапига бир қулоқ солиб кўр!

Кейинроқ у Хохлачевдан постни ўзи қабул қилиб олди.

Соат учда унинг ўрнига Костя Петров келди.

Бир оз суҳбатлашишди.

— Ҳойнаҳой ухламасанг керак? — дея сўради Костя.

Уфқ хиёл бўзариб, тонг ота бошлаганди.

— Билмадим, — деди Алёша. — Уйқум ўчиб кетди...

Анови лаънати Хохлачев...

Алёша гапни охирига етказмай жимиб қолди.

— Медсанчастьга бориб кел. Аҳмоқлик қилма. Ҳозирча...

Ким билади, кейин нима бўлади дейсаң...

Алёша дўстидан хурсанд бўлиб кетди. Костяни ҳазилмазах қилиб юришади-ю, лекин у ҳамма гапни тушунади! Ақлли йигит Костяси тушмагур!

— Бор, боравер! Балким, бахтинг чопиб учратиб қоларсан...

У Катянинг номини айтмади-ю, лекин иккови ҳам гап ким ҳақида кетаётганини яхши тушунишарди.

— Йўқлигимни сезиб қолишмасмикин?— дея сўради Алёша.

— Бор дегандан кейин бошни қотирмай бораверсанг-чи! Болотин билан Невзоров айтишди-ку, шундоқ ёнгинамизда деб...

Алёша боришга қарор қилди.

Аввалига у Дудиндан рухсат сўрамоқчи бўлди, аммо лейтенант ухлаб ётган экан. Дудин ҳовли орқасидаги деярли қуриб қолган ариқ бўйида ўсган қайрағоч остида, ёли ва думлари калта қилиб қирқилган паст бўйли ва бақувват отлари тинчгина пишқириб турган жойдан сал нарироқда ухлаб ётарди. Дудин у ер-бу ери куйиб, анча путурдан кетган шинелини устига ёпиб олганди. Фақат тоза бинтлар билан боғлаб, бўйнига осиб қўйилган ўнг қўлигина қандайдир нотабий равишда оқариб кўринарди.

Алёша Костиль билан Лирани эркалатиб шапатилади-да (отларни сийлаш учун на қўлида, на чўнтагида бирор нарса бор эди!), сўнгра Соня билан Миронни ҳам бошни силаб, дарвоза томон қайтиб кетди.

Негадир шу тобда миясига: лейтенант Дудиннинг ёши нечада ўзи? — деган савол келди. Алёша илгари бу тўғрида ўйламаганди, энди бўлса командирининг ухлаб ётган пайтида юзини кўрди-ю, ҳайратга тушди — ё қудратингдан, ҳали жуда ёш экан-ку! Дудиннинг оғзидан фуражкасига бир томчи сўлак оқибди. Худди ёш болага ўхшайди-я... Болалигида Алёшанинг ҳам уйқусида шундай сўлаги оқиб чиқарди. Бир вақтлар, урушдан аввал, ҳали Академияга ўқишга кирмасдан бурун у оппоқ ёстиққа сўлагини оқизиб ётган яланғоч боланинг суратини чизганди. Афтидан, ўзининг болалигини эслаб чизган бўлса керакки, сурат анча яхши чиққанди. Мактабда — ўшанда ё саккизинчи, ё тўққизинчи синфда ўқирди — чизган суратини мақташиб, қандайдир район ёки шаҳар кўргазмасига юборишди...

Алёша полк медсанчастига борди.

Бу ерда, аввалги галдагидек, оқ палаткалар тикилганди-ю, аммо энди ҳеч ким у ёқдан-бу ёққа югурмас, ярадорлар ҳам кўринмасди. Икки шофёр тамаки тутатишганича ўз «ЗИСларини» тузатишмоқда эди. Алёшка уларнинг ёнига бориб, ўзи ҳам тамаки тутатди-да, бирпас гаплашиб турди.

— Ярадорлар йўқ, ҳаммаси ўлиб бўлди, — деди бир шофёр...

— Охирчилари кеча ўлди. Тунда дафн этдик. Тунда эса ҳеч ким ўлгани йўқ. Энди дам олишяпти. Итдек чарчади дўхтирлар ҳам...

— Майли, ухлайверишсин... Бизга нима! Уларга бўлса — ҳужумдаям, чекинишдаям — бари бир иш!.. Мен ўша ярадор немис асирни отиб ташлаган бўлардим, уларга эса, қутқар, деб буюришган! Дўхтир ниямай қилсин!

— Нима, шофёрнинг аҳволи энгилроқ, деб ўйлайсанми!..

— Энгилроқ эмас-ку, лекин дўхтирлик — бу сенга баранкаш айлантриш эмас!

Бошқа янгилликлар, бошқа муаммоларни ҳам муҳокама қилиб чиқишди. Ҳозир ҳамма сиёсатчи бўлиб кетган. Ҳар кимнинг ўз нуқтаи назари бор. Шофёрлардан бирининг саволидан сўнг, Алёша яна Дудинни эслади.

— Сен йигитча, нечанчи йилда туғилгансан? — деб сўради ўша шофёр.

— Ун еттинчи йили, — деди Алёша.

— Еш бола эмас экансан, — деди биринчи шофёр.

— Сен тенгилар взвод ва батальонларга командирлик қилишяпти, — деди иккинчиси.

— Қаёқданам шу касбни танлаган эканмиз! Шофёр шофёр-да! Яна келиб-келиб медсанчастьга тушиб ўтириб-миз! Ундан кўра олдинги чизиққа тушганим маъқул эди! Бу ерда бўлса...

Алёша Катяни излаб юрганди, Катя эса беҳосдан ўзи топилиб қолди. У оқ палаткалардан эмас, қаёқдандир чап томондан югуриб чиққан эди, Алёша уни дарров таниди.

Алёша шофёрларни ҳайратга солганича, янглишмадимикни, дея қўрқиб, қизнинг ортидан югурди.

Гимнастёркасининг тугмалари ечилган, камарини тақмаган Катя яна бирдан ғойиб бўлиб қолди. Ҳеч нимани тушунмай қолган Алёша оқ палаткалар ёнидан югуриб ўтди-да, Катя ғойиб бўлган чап томонга ўзини урди. Кейин қўққисдан уни кўриб даҳшатга тушди: Катя юбкасининг этагини кўтарганича чўнқайиб, заруратини бажармоқда эди...

Кейинчалик — қирқ иккинчи йилда, ва айниқса, урушда аёллар кўпайиб қолган қирқ учинчи йилдан сўнг, қирқ тўртинчи ва қирқ бешинчи йилларда ҳаммаси жуда осон бўлиб қолади:

«Йигитлар, ўнг!..»

«Қизлар, чап!..»

Очиқ жойларда, биронта кимсасиз сайҳонликда эса:

«Йигитлар, тўхтаглар! Пана қилинглар! Фақат орқангларни ўгириб туриш шарти билан! Бирпасда қойиллатамиз!»

«Йигитларнинг» ўзлари эса ўша кезлари қизлардан унча уялиб ўтиришмас, машина ва араваларнинг ғилдираклари

остига, йўл четидаги ариқларга, яқинроқ турган истаган иморатнинг орқасига ўтиб ҳам ҳожатларини бажараверишарди-ю, лекин қизларни пана қилиб туришарди. Сайхон жойларда улар қизларга орқаларини ўгиришганча дарров саф тортишарди. Ахир, урушда аёлларга эркакларга қараганда анча қийинроқ эди-да.

Лекин бу гапларнинг бари кейинроқ бўлади.

Ҳозир эса Алёша эсанкираб қолди.

Орқасига чирт ўгирилди-ю, дарров нари кетди. Лекин у Катяни йўқотиб қўйишдан қўрқарди. Эҳтимол, бу бошқа аёлдир? Агар янглишган бўлса-чи?

Катянинг ўзи унинг олдига югуриб келди:

— Сенмисан?

— Мен, нимаиди?— дея олди Алёша қовоғини солиб.

— Жинни бўлиб қолибсан! Топган пайтингни қара-ю!..

Уялмадингми?..

Бироқ унинг кўзлари шундай бир меҳр билан қараб турардики, Алёша бир зумда ўнғайсиз аҳволга тушганини нутиб, эсанкираганича қизга тикилиб қолди.

Катя унга қараганда минг марта ақллироқ экан.

— Мени, топдингми, рассом? Ахийри топибсан-да, а?

Алёша индамай тураверди.

Сўнг, худди бир нарсани эслаган бўлиб, аранг леди:

— Бугун ҳаммаёқ осойишта...

Катя кескин жавоб берди:

— Бўрондан олдин шунақа осойишталик бўлади... Уша Дудининг ҳақида сўрамайсанми яна! Тирик ўша Дудининг ва ҳали кўп яшайди, агар...

Алёша яна битта аҳмоқона гапни айтиб юборди:

— Дудин ухлаб ётибди ҳозир... Мен бу ёққа келиш учун ундан рухсат сўрамоқчи бўлгандим, лекин у ухлаб ётган экан...

— Ҳамонки келибсан, кира қол энди. Фақат адашиб кетма, Дудиннинг олдига эмас, меникига кирасан...

Медсанчастининг катта-катта оқ палаткалари ёнида икки ёки учта плашч-палаткадан қурилган тўқ яшил рангдаги ғалати бир чодирча қаққайиб турарди.

— Сизга санми?— деб сўради Катя.

Гарчи, ушбу маскан унинг бўйига мўлжаллаб қурилмаган бўлса-да, Алёша бир амаллаб ичкари кирди. Катя қандайдир мўъжазгина, унга эса бўйдан худо берган— бир метру саксон уч сантиметр.

Палатканинг ичи тор ва қоронғи эди. Аммо Катя дарров бунинг йўлини топиб, жинчиروқни — дарз кетган стаканга солиб қўйилган патрон гильзасидаги пиликни ёқиб

қўйди. Алёша бунақа жинчироқни биринчи марта кўриши эди.

Катя эса ишини билиб-билиб бажарар, буни кўриб Алёша баттар хижолатга тушарди.

Катя сари иштилиб юрганида у нималар тўгрисида ўйламади, учрашгач, унга қандай сўзлар айтиш зарурлигини хаёлан неча марта такрорламади, дейсиз. Мана, учрашишди ҳам, у бўлса, худди оғзига толқон солиб олгандай, миқ этмай ўтирибди!

— Ичишни истайсанми?— дея сўради Катя.— Менда спирт бор... Бир қултумдан ичсак ҳеч нима қилмайди...

Алёша «майли, ичаман» демоқчи бўлди, зеро уруш пайтида ҳам, гарчи, у пайтларда бу ишни бошқалардан яширишса-да, урушдан олдин, қирқинчи йилда ҳам ичишга тўғри келганди, бироқ яна чурқ этиб оғиз очмади.

Катя стаканларга спирт қўйди:

— Ма! Қани, ичдик! Фақат бир нарсани тушунолмаяман: менинг нимам ёқиб қолди сенга...

Қиз бу ишни қандайдир атайин такаллуфсизлик билан қилдики, Алёша унинг ўзи ҳам хижолат чекаётганини тушунди.

Йигит ярим стакан спиртни симириб юборганди, нафаси оғзига тиқилишига сал қолди.

Катянинг ҳам кўзидан дув-дув ёш оқиб, оғзини катта очганича каппалаб ҳаво юта бошлади.

— Қалай, рассом?— дея олди у ниҳоят.— Тўқсон олти градус-а!

Алёшанинг кайфи ошмади-ю, лекин дилида алланечук жасорат тўйди:

— Қанақасига рассом бўлар эканман!

— Майли, майли, ҳазиллашдим,— деди Катя.— Дарвоқе, сенинг расм чизишингни мен Кучкиндан эшитгандим. Эсингдами? У сизларда клуб бошлиғи эди...

— Албатта, нега эсимда бўлмас экан! Шундай ажойиб...

— Кеча кечқурун дафн этдик уни. Кўпчилик билан. Йигирма уч киши... Яна биродарлик мазори.

— Қанақасига энди?— Алёша ҳатто тушунолмайд қолди.

— Ана шунақасига. Дайди мина қорнига тегибди,— дея тушунтирди Катя.— Биласанми, сендан ўтинаман, ўзингни эҳтиёт қил!

Бу сўзларни у, худди афсун қилаётгандек, илтижо билан айтди.

...Қаталакдек палаткада жинчиروق хирагина шуъла сочиб турарди.

Алеша Катянинг юз-кўзидан ўпарди, қиз эса негалир қаршилиқ қилмасди.

...Бутун дунё қаёққадир ғойиб бўлиб, борлиқда ёлғиз ўшино аллақандай ширин сўзларни шивирлаётган Катягина қолгандек туюларди... Алеша бу сўзларни деярли эшитмасди. Лекин кейинроқ хотирасида баъзи гаплар аниқ тикланди:

«Қариман-ку ахир, сенга менинг нимама ёқиб қолди ўзи?»

«Эҳ, тентаккина, мен сендан анча каттаман-ку, ахир!»

Ўзи нима деди — Алеша буни эслолмасди. Ўзини оқлагандек бўлди, шекилли.

...Улар кун бутунлай ёришиб кетганда ажралишди. Икковидан бири кетишга шошила бошлади. Эҳтимол, Алешанинг ўзидир?

Катя кийиниб, сочларини таради-да, қўққисдан:

— Лекин сен бошқани севар экансан!— деди.

Алеша унинг гапини тушунмади. Шу боисдан ҳам ранжиб, ноўрин жавоб қилди:

— Нега энди? Нима учун ундай деяпсан?..

Катя маъюсгина жилмайиб қўйди:

— Йўқ, шунчаки ўзим... Ахир, мен сени Долинада кўрганимдаёқ...

Алеша яна саволини такрорлади:

— Нима учун? Нега энди?

Катя индамагач, қўшимча қилди:

— Учрашувимиз жуда яхши бўлди. Ешимизда тўрт йил фарқ бўлса, нима қилибди! Ҳозир шу ҳақида гапириш керакми!

— Мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим,— Катя бошини кўтариб, унга қаради. Аёлнинг киприклари ранж-алам билан хиёл титраб турарди.— Ахир, мен эрга текканман... Тўғрироғи, теккандим... Қизчам ҳам бор. Ксана... Ойим билан Юрьевец шаҳрида қолган. Шунақа шаҳарни эшитганмисан? Қизим бешга кирди. Юрьевец эса — Волгада. Ивановская областида.

Алеша ҳеч нимани тушунолмаб қолганди. Қизи бор экан. Хўш, нима қилибди! Юрьевецни эшитмагану, лекин Ивановский областини билади, албатта. Тўғри, у ерда бўлган эмас, аммо билади... Хўш, гап нимада ўзи?

— Катюша, нималар деяпсан ўзи? Наҳот, ўйлайсанки...— дея гапира бошлади у.

— Узингни эҳтиёт қил,— деди унинг сўзини бўлиб Катя.— Нима деяпганимни сўрадингми? Сенга қандай тушунтирсам экан... сен мени эркалатдинг, лекин нуқул Вера, Верочка, деб атадинг...

Кечқурун ниҳоят Ленинграддан хат келди. Хат ойниси билан Маня бувисидан эди. Унда Вера тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтилмаганди.

## XVIII

Отларда, урушга қадар ҳам хизмат қилган эски қизил аскар отларида ғаройиб бир сезги, тўғрироғи, одат— ўқ овозидан чўчиш одати пайдо бўлди. Омон қолган жониворлар баъзан уларга, қизил аскарларга қараганда ҳам ўзларини хотиржамроқ туттишар, кўпроқ сабр-тоқат намойиш этишар, ҳар қандай ишни ҳам индамай бажариб кетаверишарди...

Лекин ўқ овозини эшитишса ёки ҳатто уни олдиндан сезишса ҳам сесканиб тушишар, баъзида эса, ҳуркиб тисарилишганча орқа оёқларига туриб олишарди.

Қирқ биринчи йилга қадар уларни бирон ишга ўргаташ жуда қийин бўларди. Ҳозир бўлса тоғ ўқчиларининг бу отлари урушга қадар етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган юкларни бемалол тортиб кетаверишарди. Яна қандай тортишарди денг!..

Одамлар ҳалок бўлаётган бир пайтда отлар ҳақида ўйлаш тентаклик, албатта, лекин Алёша бари бир улар тўғрисида ўйларди...

У отларни яхши кўрарди. Урушга қадар ҳам у турли жониворлар ҳақида орзу қиларди. Масалан, ит билан мушук тўғрисида, балиқчалар солинган аквариум билан қушлар боқиладиган қафас ҳақида, денгиз чўчқаси ва тошбақа, ҳатто сувилон билан калтакесак ҳақида ҳам орзу қилганди. Унинг мактабдош ўртоқларининг баъзилариникида шундай ҳайвонлар бор эди, уларникида эса ҳеч нима боқилмасди. Алёша ойниси, дадаси ва Маня бувисидан, бирор жонивор боқайлик, деб кўп илтимос қилиб кўрганди-ю, лекин бундан ҳеч иш чиқмаслигини ўзи ҳам тушунарди. Хўш, бошқаларда бўлса нима қилибди. Болалигида унинг ҳатто уч филдиракли велосипеди ҳам бўлмаганди. Бўлмасам, Алёша ўшанда шундай велосипедни жуда ҳам орзу қилган ва орзуси ушалмагани учун баъзан ҳеч ким кўрмайдиган жойларга яшириниб олиб, аччиқ-аччиқ кўз ёшлари тўкканди. Гарчи, ўша пайтларда ҳамма ҳам эришолмаган бўлса-да,

лекин баъзи тенгдошларида бўлган икки гилдиракли велосипедни ҳам олиб беришмади, унга.

У яна ўтмишни эслаб, ўзини-ўзи койирди.

Уларнинг мактабида бир йигитча бор эди. Саккизинчи синфда ўқирди. Уша йигитча «Спартак» от спорти клубига ёзилиб, тўққизинчи синфда ўқиётганидаёқ Ленинград чемпиони бўлиб олди. Унинг исм-шарифи Валя Глушченко эди. Ҳамманинг унга ҳаваси келарди. Ҳаммадан кўпроқ бу йигитчага Алёшанинг ҳаваси келарди-ю, лекин негадир от спорти клубига ёзилиш учун ота-онасидан рухсат сўрашга ботинмасди. Нега энди? Бу саволга у ҳозир ҳам жавоб бера олмасди. Ота-онасидан қўрқармиди ёки беихтиёр бўлса-да, келажакда рассомчиликнинг оғир қисматини зиммасига юклашни мўлжаллагани учун ҳам шундай қилармиди? Ким билсин... Ё — униси, ё — буниси, ёки?.. Валя Глушченко эса Алёша санъат Академиясида ўқиб юрган кезларида, айтишларича, Технология институтини тугатишга улгурмай, Карелия тепаликларига отличлар разведкасига сафарбар қилинибди... Ва ўша ерда ҳалок бўлибди. Ҳалок бўлганда ҳам Алёшанинг отаси билан бир жойда ҳалок бўлибди. Алёша негадир анчага довуру Валя Глушченкога ҳаваси келиб юрди. Қизил Армияга қадар — қирқинчи йилда ҳам, кейин армияда, «отлиқ» 96-нчи тоғлик ўқчилар дивизиясига тушиб қолганида ҳам у ўша йигитга ҳавас қиларди...

Алёша урушга қадар, аввал Долинада, сўнгра Кутида ўзини расм чизишни билладиган, фойдали одам деб биларди... Ёлғиз угина эмас. Саша Невзоров билан Женя Болотинлар ҳам ўзларини шундай одам деб ҳисоблашарди. Улар бу фидоққа урушдан анча аввал, Ленинграддалик пайтлариданоқ кўникиб қолишганди...

Уша Долинада эса, бирдан эслади Алёша, рассомчилик қобилияти эмас, ҳуснихати қўл келиб қолди. Ҳа, ҳуснихати!

Бунини Катя эслади.

Марфинкадаги ўша учрашув пайтида эслатди...

Уни мақтаётганида аёлнинг ўзи бундан беҳабар эди, лекин Алёша эслади.

Ушанда, Долинада, унинг хати чиройли эканлиги маълум бўлиб қолди. «Рассом» сифатида клубдан кавушинини тўғрилаб қўйишди-ю, лекин ҳуснихати асқотди. У ҳар кунини кечқурун эртанги кун учун кун тартибини ёзарди...

Кейин Кутида ҳам худди шундай бўлди...

У ерда ҳам Алёша кун тартибини ёзар, баъзида эса шпорлар ёзиб, плакатлар чизарди... Дивизия ва полкда қобилият жиҳатидан ундан қолишмайдиган ҳамда бундай ишларни қойилмақом қилиб бажарадиган бошқа йигитлар ҳам бор эди...

Эҳ, Катя! Катя-Катюша!

Гаройиб, тентаккина, лекин жуда доно аёл!

Ораларида бўлган ишларнинг бари мўъжизанинг ўзгираси! Кейин ўша пайтдаги ширин сўзларни айтмайсизми!

Алёшанинг ўзи-чи? Телбами? Тентакми? Аҳмоқми?

Ҳа, Катя тўғри айтди, келиб-келиб ўша пайтда унга Вера тўғрисида алланималарни шивирлаб ўтирибди.

Унинг эса Қсана исмли қизи бор экан. Кейин у Алёша сира бўлмаган Волгадаги Юрьевец шаҳридан экан...

Ўша тунда Катя айтган кўпгина сўзлар орасидан негадир: «Ўтинаман, ўзингни эҳтиёт қил!..» — деган жумла сира ҳаёлидан нари кетмасди. Бу сўзларда қандайдир сирми, қандайдир қудратми бор эдики, Алёша бунинг таъсирида ўзини кучлироқ, мустақилроқ сизди. У кимгадир жуда керак бўлиб қолганди. Шу билан бирга у ўзининг бошқа бир одам учун жавобгар эканлигини ҳам ҳис этди...

...Марфинкадан улар кутилмаганда, чекинаётганларига ўзлари ҳам ишонмаган ҳолда, пешин чоғи чиқиб кета бошладилар. Жанг билан чекиндилар.

Дудин яна:

— Зирх тешувчи снарядлар билан!.. Ўт оч!..— дея команда берарди.

Сўнгра қўшимча қиларди:

— Зарур бўлиб қолса, доира бўлиб мудофаага ўтамиз!

Унинг ўнг қўлидаги бинтлардан яна қон сизиб чиқа бошлаганди.

Отишма пайти Сноб ҳалок бўлди... Ажойиб от эди!

Ёшу қари одамлар ҳам ҳалок бўлишмоқда эди. Лекин уларнинг взводларига ҳозирча шикаст етмай турарди.

Улар ўз взводлари билан чекиниб боришарди.

Немислар уларни чап томондан ўққа тутишди.

У ерда ўрмон ва чакалакзор бор эди. Ёки бу ўрмон олдидаги ботқоқмикин? Ёки чакалакзор ҳозир кўзга кўринмай турган дарёнинг соҳилларида ўсганмикин?

Ўрмон ва чакалакзор олдида эса очиқ дала бор. Уч юз, гўрт юз метрча келади.

Немислар ўша ёқдан келишмоқда эди.

Улар Марфинкадан чекинишаётганида взводларидаги ўттиз кишидан йигирма тўрт киши қолди.

Полк чекиниб борар, уларнинг взводи эса уни душмандан пана қилиб турарди.

— Сочма ўқ билан!— дея қичқирарди Дудин ва соғнап қўли билан ўлжа олинган немис автоматидан душмани ўққа тутарди.

Мотоцикл минган немислар яқинлашиб қолишди.

— Танклар йўқ экан, йигитлар!— деб қичқирди яна Дудин.— Қўрқманглар! Сочма ўқ билан! Сочма ўқ билан уринглар!

Кейин ўзи команда бериб турди.

Душманга қадар бўлган масофани у шунчаки чама-лаб айтарди.

Ҳозир ҳисоб-китоб қилиб ўтиришга вақт йўқ эди. Стереотруба ҳам, теодолит ҳам — хуллас, уларда илгари бўлган барча мосламалар аллақачон йўқолган ёки ишдан чиққан эди...

Сочма ўқ жуда қўл келди.

Немис мотоциклчилари орқага қараб қочишар ёки ўнг ва сўл томонга қараб бурилиб кетишарди. Аммо уларнинг ортидан пиёдалар тизилиб келишарди.

Тўплардан ўқ узиб туришар экан, «ғарбийлар» яхши ёрдам беришди. Лейтенантнинг буйруғи билан улар қаёққадир югуриб, снарядлар келтириб туришди.

Дудиннинг «ғарбийлардан» бўлган ординареци взвод командирининг оти билан жуда иш кўрсатди.

— Богдан! Югур!— дея қичқирарди унга Дудин.— Снаряд келтир! Кетиб қолмасларидан бешинчи ва олтинчи батареяларга бор! Тезроқ!

Богдан ҳам канда қилмай снаряд келтириб турди. Келтирганда ҳам бир эмас, бир неча марта, ҳар борганида уч-тўрт снарядни отга ортиб, биттасини ўзи кўтариб келарди.

Лейтенант минадиган отнинг номи Славка эди. Алёша урушга қадар уни кўрмаган экан. Уруш бошланганидан кейин ҳам у Дудин минадиган отнинг фақат исминигина эшитиб юрди-ю, биринчи марта уни Днепрни кечиб ўтишаётган пайтда кўрди. Ушанда Алёша Славканинг Дудинни қутқариб қолганини, ўз навбатида лейтенант ҳам сувдан чиқишаётганида Славкани бир ўлимдан сақлаганини тушунган эди. Отнинг ўлишига бир баҳя қолганди, аммо лейтенант ординареци билан бирга учиб келаётган снаряддан Славкани нарироққа итариб юборишган ва ўзлари ҳам отнинг панасига яширинишган эди... Славка ҳам, Дудин билан ординареци ҳам ўшанда мўъжиза туфайли омон қолишганди...

Шу тобда қишлоқда уларнинг взводидан бўлак ҳеч ким қолмагандек туюларди. Демак, медсанчасть ҳам, Катя ҳам омон-эсон кетиб бўлишгандир?

Немислар ётиб олишди.

Дудиннинг ординареци улар ҳали сочма ўқ узиб туришган пайтдаёқ Славкани етаклаганича снаряд олиб ке-

лиш учун ғойиб бўлганди. Бу гал негадир ҳаяллаб қолди.

— Уқ узиш тўхтатилсин!— дея буюрди Дудин.— Тўпларни отларга қўшинглар! Чекинамиз!

Бир минутча ҳаммаёқ жимиб қолди. Жангчилар шу вақт ичида тўпларни тортиб чиқариб, отларга қўшишга ва взводни чекинишга ҳозирлашга улгуришди.

Алёша, Костя ва яна олти йигит мудофаага шайланиб, ётиб олишди. Дудиннинг буйруғига биноан улар қўллари-га карабинларни олиб, немисларнинг анча сийраклашиб қолган тизмасини тўхтатиб туришлари керак эди.

Жуда чанқашган эди. Кун ниҳоятда исиб кетганди. Шундоқ ёнгиналарида полиз жойлашган бўлиб, ҳали ғўр тарвузлар ва бодринглар кўкариб турарди. Йигитлар бодринглардан олиб чайнашди. Куннинг иссиқлигиданми ёки, эҳтимол, ҳаяжоннинг зўриданми томоқлари қуриб қолмоқда эди...

Полк чекиняпти, чекиниб ҳам бўлди; охирида улар қолишди, лекин немисларнинг ҳужумини ҳам даф этишди. Шу боисдан ҳам Дудин взводни — одамлар, тўплар, отларни бамайлихотир йўлга олиб чиқди.

Ётиб олган немислар аҳён-аҳёнда ўқ узиб туришарди. Улар ҳам худди шундай жавоб қилишарди. Тўртта мажақланган мотоцикл ва уларнинг ёнида чўзилиб ётган немисларнинг жасади — бу взводнинг иши...

Жангчиларнинг ёнига бирдан Дудин югуриб келди.

— Йигитлар! Биринчи навбатда сен қулоқ сол, Петров!— деди у ҳансираганча.— Шу дақиқадан бошлаб сен взвод старшинаси бўласан! Баҳслашилмасин! Муҳокама ҳам қилинмасин! Горсков ҳам бўлиши мумкин эди! Ажойиб қизил аскар, лекин ортиқ даражада маданий! Хафа бўлма, Горсков! Ҳурмат қиламан, лекин... Кетдик! Ташланг бу позицияларни! Узимизникиларга етиб олишимиз керак!.. Омон бўлсак, ўлмаймиз, ўлмасак, омон бўламиз! Улар йўлга чиқиб олишди.

Маълум бўлишича, Дудиннинг ординареци ҳозиргина қайтиб келибди. У Славкадан ташқари ташлаб кетилган яна бир отни тутиб олибди-да, ўнта снаряд олиб келибди. Снарядларни сақланиб қолган ягона снаряд қутисига олиб жойлашди-да, Марфинкани тарк этиб, йўлга тушишди. Ҳеч ким, ҳатто Богдан ҳам исмини билмайдиган янги от қайсарлик қилар ва ҳаммага ҳалал берарди.

Фақат кейингина унинг қайиши жуда қаттиқ тортиб юборилганини тушуниб қолишди. Уни қайта эгарлашга тўғри келди.

Олдинда ўзимизникилар кўринишмасди.

Улар кутилмаган кичик бир станциянинг олдидан чиқиб қолишди.

У ерда немислар бор экан.

Дудин гўр тарвузлар билан бодринглар ўсиб ётган поллиз ёнидаги кичкина ўрмонда ўрнашиб олишни буюрди. Одамларнинг ҳам, отларнинг ҳам жуда сув ичгилари келар, аммо уларнинг чанқовини на тарвуз, на бодринглар боса оларди.

Улар темир йўлни, аниқроғи, унинг кўтармасини кесиб ўтишлари керак эди-ю, аммо у ерда немислар ўрнашиб олишганди.

Кўтарма томон бораверишда баланд қамиш, қиёқ ва турли ўт-ўлан барқ уриб ўсиб ётган кичкинагина ботқоқ бор экан. Ботқоқ ёнида сап-сарик баркашдек икки туп кунгабоқар ўсиб ётарди. Уларнинг япроқлари катта-катта бўлиб, бу ерга уруғи қаёқдан тушиб қолгани номаълум эди.

Кунгабоқарлар узоқдан ҳам яққол кўзга ташланиб турарди.

Кўтарманинг ўзида эса нимжонгина ўт-ўлан ўсган бўлиб, уларнинг орасидан, худди биров тасодифан сочиб юборгандек, оқ ва қизғиш гуллар мўралаб турарди.

Кўтармага майдаланган оқ тош тўкилган бўлиб, унинг устида рельс металл хирагина ялтираб кўринарди.

Богдан поллиз билан ботқоқнинг нариги ёғида, кўтармадан хиёл берида қудуқ борлигини кўриб қолди-да, Дудиндан рухсат сўраб, сув олиб келиш учун жўнади.

Орадан кўп вақт ўтмай у ярим-ярим тўлдирилган тўрт котелок сув кўтариб қайтди.

Немислар ўқ узмай туришарди.

Сув жангчиларга бир қултумдангина етди.

Кун оғиб қолган бўлишига қарамай, жазирама иссиқ ҳамон одамнинг тинкасини қуритарди.

— Отлар-чи?— сўради Дудин.

Унинг қўли ҳалиям боғлиқ эди, аммо, чамаси, оғриғи анча пасайганди. У энди ярадор қўлида тўппончасини ҳам, овқатланаётганда котелок билан қошиқни ҳам ушлай оларди...

Алёша Богданга сув олиб келишда ёрдам бермоқчи эканлигини айтди.

Лейтенант рози бўлди.

Йигитлар тўрттадан котелок олиб, поллиз орқали қудуқ томон ўрмалаб кетишди. Уларнинг бахтига, қудуқ шундоқ кўтарманинг четида экан.

Немислар ҳозирча отишмаётганди.

Фақат йигитлар ярми сувга тўлган котелокларини кўтариб, ўртоқлари ёнига қайтишганидан кейингина улар ўрмонни онда-сонда ўққа тута бошладилар.

— Оббо аблаҳлар-ей, чанқаб қолишибди шекилли! Қаранглар!— деди Дудин дурбин орқали қудуқ томон тикилар экан.— Отманглар! Майли, ичаверишин!

Маълум бўлишича, немислар ҳам котелоклар ва қандайдир канистраларини кўтаришганича қудуқ томон югуриб қолишган экан.

Горсков билан бошқа йигитлар ўқ узмоқчи бўлишди.

Бироқ лейтенант алланечук нафрат билан:

— Майли, майли, ичволишсин заҳарларига!..— дея такрорлаганича уларни тўхтатиб қолди.

Отларга озгина-озгина сув ичиришди. Ҳатто неми номаълум немис оти ҳам четда қолмади.

Кейин ётиб ухлашди.

— Подъём!— деган команда эшитилгунинга қадар бир ярим соатча қотиб ухлашди.

Немислар миномётлардан ўқ узиб туришар, уларнинг миттигина броневиклари ва мотоциклчилари елиб боришарди. Броневик ва мотоциклчилар взвод томон эмас, балки темир йўл кўтармаси бўйлаб чап тарафга қараб елиб кетишди.

Горсков билан ўртоқлари икки тўпнинг оғзини ўша томонга буриб, немисларга қарата ўт очишди. Душман эса, негадир уларнинг ўқ узишига жавоб бермай, ўрмонни четлаб қоча бошлади.

Кичкина бўлса-да, лекин ғалаба қозонишганини ўйлаб, барча йигитларнинг қалби қувончга тўлди. Иккита броневик гуриллаб ёнмоқда эди. Бир неча мотоцикл портлаб кетди. Немислар йиқилиб-сурилиб қочишар, жанг бошлашдан қўрқиб, жуфтакни ростлашарди!

Эрталабга яқин взвод бояги кичик станциянинг чапроғидан темир йўл кўтармасини кесиб ўтди-да, очиқ чўлга чиқиб олди. Немислар кўринмасди. Аҳён-аҳёнда осмонда яқка-ёлғиз «рамаларгина» кўриниб қоларди, лекин улар... Йигитларнинг бари энди «рамаларнинг» ўқ узмаслигини билиб олишганди. «Мессерлардан» қўрқиш керак эди, уларнинг бахтига, осмонда «мессерлар» кўринмасди.

Бир маҳал аллақасқдан Иваницкий келиб қолди:

— Взводнинг жуда яхши жанг қилди, Дудин! Немисларнинг роса адабини бердинглар! Қочиб қолди, газандалар...— Кейин шу заҳоти ҳазиллашаётганини ҳам, жиддий гапираётганини ҳам билиб бўлмайдиган бир оҳангда қў-

шимча қилди:— Роса дўппосладинг уларни! Яхши! Аммо эшитишимча, сен уларнинг сув ичиб олишларига ҳам йўл қўйиб берибсан. Шундай бўлувмиди? Ёки, балким, ёлғон гапиршаётгандир?

— Жудаям унчалик эмас, ўртоқ командир,— эътироз билдирмоқчи бўлди лейтенант.

Бироқ Иваницкий унинг гапини бўлди:

— Яхши, ўзингни оқламай қўя қол, биламан сени! Қўлингни асра, манови одамларингни эҳтиёт қил, ановиларни эса... Сира аяб ўтирма! Ана шунақа! Омон бўл!

Қисқа-қисқа дам олишлар билан улар ўша куни ўттиз-қирқ километрча йўл босиб қўйишди. Йўлларида сув ҳам учраб турди. Қишлоқларда уларга муздек сут олиб чиқишарди, ҳатто асал ҳам топиларди: вайрон қилинган қишлоқларда беҳисоб қувилар кўзга ташланар, ҳатто жон асари кўринмаётган жойларда ҳам асалари қутилари қатор бўлиб саф тортиб турарди.

Взводда асаларичиликнинг тилини тушунадиган Богданга ўхшаш «ғарбий» йигитлар бор экан, лекин улар саноқли кишилар эди. Қолган йигитлар эса, ўзларига қандай хавф қутқу солаётганини ҳатто хаёлларига ҳам келтирмай, асалари қутилари ёнига бемалол яқинлашишган эди, асаларилар уларни боплаб жазосини беришди: улар гала-гала бўлиб отларга ва қизил аскарларга ташланишарди.

Богдан бу офатнинг олдини олмоқчи бўлиб, маслаҳат берар, аммо унинг маслаҳатлари ушбу вазиятда мутлақо бефойда эди. Шу боисдан ҳам йигит асаларилариданми, ўртоқлариданми жаҳли чиқиб тўнғиллар, лекин унинг барча гапларининг маъноси бир жойга бориб тақаларди: «Уруш! Уруш! Лаънати немислар! Ҳатто асалариларнинг ҳам оромини бузишди. Шунинг учун ҳам қутуриб кетди, жониворлар! Эҳ, афсус...»

Тўхтаган пайтлари питир ёғида чалпак пиширишарди. Чалпакми ёки қуймоқми? Тўғрироғи, қуймоқ бўлса керак.

Яна йўллар, йўллар, йўллар...

Олға, олға, олға, лекин, афсуски, ғарбга эмас...

Костя Петров взводга ажойиб старшина бўлди. У одамларни бекордан-бекорга ғазабламас, буйруқ бериб ўшқирмас, «навбатдан ташқари» нарядлар ҳам ёғдирмасди...

Чамаси, у ўзига берилган ҳокимиятдан қийналарди ҳам. Ҳатто кўпинча бошқалар ўрнига ҳам ўзи ишлашга ҳаракат қиларди. Бироқ бошқалар, жумладан, Алёша Горсков ҳам, бу имкониятдан деярли фойдаланишмасди...

Аксинча, доим Петровни қўллаб-қувватлашга, ўрни келиб қолганида эса, ҳатто унинг ишларини ҳам ўзлари бажаришга ҳаракат қилишарди. Ахир, Хохлачев ва Дей-Неженкодан сўнг Петров нақ мўъжизанинг ўзгинаси эди-да!

## XIX

Улар кўпгина уйлари куйиб тушган кичкинагина, ўттиз хонадонли, кимсасиз украин қишлоғида тунаш учун тўхташди.

Гарчи, осмонда хирагина ой бўзариб турган бўлса-да, тун осойишта ва қоронғи эди. Печь мўрконлари, вайрона деворлар, мажақланган қудуқ чиғириқлари ва снаряд парчаларидан жароҳатланган тераклар гамгин қаққайиб турарди. Эти бориб устихонига ёпишган ва кўзлари фонус янглиғ ёниб турган ёлғиз мушук вайрона ичида айланиб юрар ва баъзан даҳшатли миёвлаб қўярди. Енгилгина эсаётган шабада газета ва қоғозлар, ярмиси куйиб тушган фотосуратларни шитирлатиб ўйнар, йиртилиб кетган ёстиқ ва тўшакларнинг парини кўтариб учирарди. Омон қолган деворлардаги деразаларнинг дарз кетган ойналари маъюс жиринглар ва мана ҳозир синиб тушаётгандек туюларди.

Кеча жанг бўлмади, ҳартугур талафот ҳам кўришмади, осмонда немис самолётлари ҳам негадир кўринмай қолганди.

Тун. Осмонда ой сузиб боряпти. Қизил аскарлар ухлаб ётишибди. Отлар жазирама қуёш нурида жизғанаги чиққан қуруқ ўтни қуртиллатиб чайнаганча пишқириб қўйишарди.

Алёша постда турарди.

Саратонлар тинимсиз чирилларди.

Яна хотирасида Ленинград намоён бўлди: кўз ўнгида Марат кўчасидаги уйи, санъат Академияси, узоқ Лахтинскаядаги Веранинг уйи гавдаланди.

Эҳтимол, шунчаки болалигини эслагандир? Йўқ — ундай бўлмади!..

Ўйларди-ю, аммо бу тўғридаги хотираларни қувиб соларди...

Кўз ўнгида Веранинг уйи бор эди, лекин Веранинг ўзи кўринмасди: «Хат ёзмаяптими, майли, ёзмаса, ёзмай қўя қолсин!»

Ундай деса ҳозирги пайтда қандай қилибам хат келиши мумкин, ахир?

Аммо шу чекиниш тўс-тўполонида ҳам Алёша ойна билан Маня бувисидан иккита хат олди. Худога шукр-

ким, эсон-омон юришганмиш, фақат ундан хавотир оли-  
шаётганмиш. Узлари ҳақида бўлак янгилик йўқ экан.

У апил-тапил жавоб ёзди-да, хатининг охирида шунча-  
ки тасодифан эслагандек қилиб, Вера ҳақида сўради.

Хатни у нисбатан каттагина станцияда фронт орқасига  
олиб кетилаётган оғир ярадорлар эшелони билан жўнаг-  
ди. Ярадорлар билан жўнаётган санитар уни биринчи  
тинч шаҳардаёқ почта қутисига ташлашни ваъда қилди..

Шундай қилиб, агар эшелонни бомбардимон қилишма-  
са, немислар эса уларни тез-тез бомбардимон қилиб тури-  
шарди, хат оинсига бориб тегади.

Лекин ҳар қалай:

Яшасак гар севиб,  
Чекиб изтироб,  
Иложсиз ишлар ҳам  
Осон бўлар ҳал.  
Соҳиб мўйқалам,  
Кашф эт ўзингни,  
Мураккаб нарсани  
Содда чиз бир гал.

Бу кимнинг шеъри эканлигини у билмасди.

Ёки хотираси пайд бериб бу шеърни урушдан сўнг,  
ҳатто ундан анча кейин — орадан йигирма йил ўтганидан  
сўнг эсладимкин?..

Лекин ҳозир бу шеър унинг хотирасида қирқ биринчи  
йил воқеалари билан, ўша чекиниш кунлари билан омих-  
та бўлиб гавдаланмоқда эди...

Вазият эса ўшанда оғир эди... Буни ҳамма тушунарди.  
Қизил аскарлар ҳам, командирлар ҳам. Аммо, умуман,  
фронтдаги вазиятни ва бу ерда, жанубда — уларнинг  
Жанубий фронтлари ҳамда қўшни Жануби-Ғарбий фронт-  
даги вазиятни улар тусмоллабгина тасаввур қилишарди.

Яхшиямки, уларнинг бахтига, Дудин бор экан.

Чекинишгаю чекинишяпти-ю, лекин баъзан Дудин шун-  
дай хабар қилиб қоларди:

— Йигитлар, Жануби-Ғарбий фронтдаги қўшинлари-  
миз Повгород-Волинский ва Червоноармейский ёнида  
немисларнинг роса таъзирини беришибди...

Маълум бўлишича, уларнинг қаршисидан ҳам, «Жа-  
нуб» деб ном олган армиялар қўшилмаси ҳужум қилиб  
келаётган экан. Бизнинг бешинчи армиямиз шундай қар-  
ши зарбалар берибдики, немислар орқаларига қараб  
қочиб қолишибди... Бўлмасам, улар саккизта дивизия  
экан!

Бу воқеа июлнинг ўртасида содир бўлганди.

Июль ниҳоятда иссиқ келди. Жазирама иссиқдан оғирлашиб қолган осмонда туман янглиғ гард хирагина қалқиб турарди. Оёқ остидаги ер тандирдек қизиб кетганди. Ҳар куни гоҳ пешин чоғи, гоҳ кечга яқин, баъзида эса кунига икки марта момақалдироқ гумбирлаб турарди. Ана шунда ёққан қисқагина ёмғирдан сўнг, ер бир оз буғланиб турарди-да, кейин тезда қуриб, метиндек қотиб қоларди. Осмону фалакда момақалдироқдан тинкаси қуриган калхатлар эринибгина парвоз қилишарди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Дудин яна гап топиб келди:

— Жанг қилишни ўрганишимиз керак, йигитлар! Афсуски, ҳозирча яхши жанг қилолмаяпмиз! Қайтараман — ҳозирча! Аммо Жануби-Ғарбий фронтдаги қўшинларимиз эса, тўғри, авиациянинг ёрдами билан, немисларни роса дўппослашибди! Уларни мудофаага ўтишга мажбур этишибди! Ўзингиз биласиз, у ерда фашистлар тўғри Киевга ҳужум қилиб боришаётибди-да, ахир!..

Йигитлар ўша кунлари лейтенантдан бошқа тафсилотларни ҳам билиб олишди.

Маълум бўлишича, чегарадан буён улар билан немисларнинг «Марказ» армиялар группаси жанг қилиб келаркан.

Каменец-Подольскдан бу ёғига ўн саккизинчи ва тўққизинчи армиялар битта немис, иккита румин армиялари ва венгер корпусига қарши жанг қилмоқда экан.

Ушанда улар румин ва венгер байроқларига дуч келганларининг сабаби энди тушунарли эди... Улар бўлишса, тентаклар, ажабланиб юришибди!

Дудин яна шундай деди:

— Бизнинг Жанубий ва Жануби-Ғарбий фронтимиз қаршисида немислар жуда катта куч билан ҳаракат қилишяпти! Аниқ айтолмайман — балким хотирамдан кўтарилгандир! — немис дивизияларининг ўзи ўттиз саккизта дейишганди, шекилли. Улардан бештаси танк, бештаси моторлашган дивизиялар экан. Кейин самолётлар! Бунинг нималигини биласизми? Лекин бизнинг қўшниларимиз жанг қилишни билишадди, аммо биз-чи?.. Улар Бердичев ва Могилев-Подольский ёнида немисларни қуршовга тиқишди... Лекин биз-чи?

Ана шу «лекин биз-чи?» деган гап йигитлар учун жуда хунук эшитиларди. Айниқса, бу гапни Дудин айтганда шундай бўларди. Бу гапнинг тагида фақат чекинишгина эмас, балки ўртоқларининг ҳалокати, «активист» сифати-

да ўлдирилган ўша оддий одамлар ва Қизил Армия сафига келиб қўшилган ҳамда кейинроқ ҳалок бўлган «ғарбий» йигитларнинг ўлими ҳам назарда тутилари...

\* \* \*

... Кейин, уруш тугаганидан сўнг анча йиллар ўтгач, Алексей Михайлович Горсков аллақайси бир китобда немис генералининг ўша кунлар тўғрисидаги сўзларини ўқийди. Омон қолган немиснинг пишиқ-пухта ёзилган оддий эсдалиги:

«Душман кучларининг муттасил кўпайиб бориши, унинг борган сайин қаттиқроқ қаршилиқ кўрсатиши, артиллерия ва авиациясининг кучайиб бориши ва шу билан бир қаторда ўз кўшинларимизнинг очиқ-ойдин тизкаси қуриши ҳамда биз кўраётган катта талафотлар — буларнинг бари тез кунларда муваффақиятга эришувимиз ҳақидаги умидларни чиппакка чиқарди!.. Армиялар қўмондонни кўшинларни бошқаролмай қолиш хавфининг олдини олиб... Киев, Коростень маррасида ҳужумчи тўхтатиш ҳамда вақтинча мудофаага ўтиш ҳақида буйруқ берди...»

Чамаси, Алексей Михайлович буни эллагинчи йилларнинг охиридами олтиншинчи йилларнинг бошидами ўқиган эди. Китоб ҳам Москвада нашр қилинганди. Агар, янглишмаса, ўша генералнинг фамилияси ҳам немисларникидан кўра италянларникига ўхшаб кетарди. Филиппини эди, шекилли? Ҳа, шундай эди. Бироқ ўшанда, қирқ биринчи йили, ўша Филиппини уларнинг шундоқ рўпараларида жанг қилганди...

Уруш кезлари ҳамма, жумладан, Алёша ҳам биладиган генерал Гальдер эса бундай деб ёзганди:

«Марказ» армиялар қўшилмасининг операцияси борган сайин ўз шаклини йўқотиб бормоқда... Қўшилма фронтининг шимолий участкасида керагидан анча ортиқ куч ўралашиб қоляпти. 1-нчи танк группасининг четлаб ўтувчи қаноти жануб томон силжиёлмай қолди... Бунинг устига 17-нчи армиянинг зарбдор қисмлари танк группаси кўшинларига шу қадар яқинлашиб қолишдики, энди бу районда душманнинг каттароқ кучини қуршаб олишдан умид қолмади».

Бу гапларни ҳам Алексей Михайлович урушдан анча кейин ўқиди.

Лекин буларнинг бари — кейин, кейин, кейин...

Ҳозир эса уларни руминлар, немислар, венгерлар қуршаб туришарди.

Тўғри, венгерлар ва руминлар борган сайин камайиб, немисларнинг сони эса кўлайиб бормоқда эди.

Уруш офатига қарамай ям-яшил шаҳар Тирасполь ниҳоятда гўзал кўринарди. Уруш унга деярли зарар келтирмабди, бутун шаҳар ўзининг гуркираб боғ-роғларини кўз-кўз қилганича кўм-кўк каштан ва заранг булоқларига ғарқ бўлиб ётарди. Катта-кичик уйлар қуёш нурида оппоқ бўлиб ярқираб турарди. Шаҳар ташқарисида эса тепаликлар оша ҳаммаёқни яна боғ ва узумзорлар тутиб кетганди.

Руминларнинг тўртинчи армияси фронтимизни ёриб ўтибди. Алёшаларнинг полкини ана шу ўпирилишга ташлашди. Улар ўша жойга етиб боргунча бир неча юз километр масофани босиб ўтишди. Уларнинг ҳозир полкка айланган собиқ дивизияси, дивизион ва батареялари жанговарлик бобида, чамаси, ўзини жуда яхши кўрсатди.

Немисларга қараганда руминлар билан жанг қилиш анча осонроқ экан.

Тўғри, аввалига руминлар жўжаҳўрозлик қилиб, олдинга ташланишди.

Аммо биринчи найзавозлик ҳамласидан кейиноқ жанг майдонида:

— Ну врем сэ лучтэм! Не предэм!<sup>1</sup>— деган қичқириклар эшитилди.

Сўнгра яна:

— Тоць сыит офицерий! Ши немций!<sup>2</sup>.

Жанг тўхтади. Руминлар, жумладан, офицерлар ҳам, асир туша бошлашди.

— Блестемат сэ фис разбою агеста!<sup>3</sup>— дея қичқирарди улардан бири.

— Руший ыс бэець буны!<sup>4</sup>— тилёғламалик қиларди бошқаси.

— Йигитлар, биродарларим! Асир олинглар!

Кейин уларни мақташди. Политрук Серов. Комбат Егозин. Рота командирининг ёрдамчиси Валеев.

Лекин буларнинг бари яна илгарироқ, Днепрни кечиб ўтишларидан аввал содир бўлганди.

<sup>1</sup> Биз урушишни истамаймиз! Биз таслим бўламиз! (Руминча).

<sup>2</sup> Ҳаммасига офицерлар айбдор! Анови немислар ҳам! (Руминча.)

<sup>3</sup> Лаънат бўлсин бундай урушга! (Руминча.)

<sup>4</sup> Руслар яхши йигитлар экан! (Руминча.)

Унда ҳали кўпгина ўртоқлари ҳалок бўлишмаганди.

Унда ҳали Катя-Катюша...

Нега уларни Днепрнинг нариги соҳилига чекинтиришди?

Демак, кечув ҳам, Днепрнинг нисбатан тинчроқ бўлган бу томонидаги барча сазъ-ҳаракат ҳам бекорга кетибди-да! Лекин улар бу ерда ҳам жанг қилишган эди-ку... Баъзи ўртоқлари ҳалок бўлишди. Немисларнинг авиацияси ҳам, артиллерияси ҳам ва ҳатто мотоциклчилари ҳам ҳаракатга келиб қолгандек кўринарди. Душман яна десант туширди!

Яна урушдан сўнг анча йиллар ўтгач, Алексей Михайлович ўша кунлар ҳақида қуйидаги гапларни ўқиди:

«Жанубий фронтнинг бошқа қўшинларининг ҳам қуршовга тушиб қолиш хавфини бартараф қилиш учун Ставка уларни фронт орқасидаги мудофаа маррасига чекинишига рухсат берди. 9-нчи армиянинг чап қанот дивизиялари фронтнинг асосий кучларидан ажралиб қолгани учун бирлаштирилиб, қўшинларнинг Приморская группаси ташкил этилди. Кейинчалик бу группа генерал-лейтенант Г. П. Сафонов қўмондонлигидаги алоҳида Приморская армиясига айлантирилди. Шу билан бирга Ставка Жануби-Ғарбий йўналиш қўшинларини ўз резервлари билан кучайтирди...»

Бу гапларни у олтмишинчи йилларда, таниқли расом бўлиб қолган, лекин ҳали ўзини ўзи тан олмаган бир пайтда ўқиганди...

Ушанда эса уларнинг чекиниб бораётган қисмларини яна Днепр ёнига, унинг чап соҳилига қайтаришган ва улар ўша ерда мудофаа чизигини ташкил этишганди.

Дарёнинг усти туман янглиғ буғланиб турарди. Днепр уларнинг кўз ўнгида ўзининг қорамтир, лойқа сувларини бир маромда олға суриб борарди. Осмондаги қора булутлар ва ёнғинлардан кўтарилаётган тутунлар аралашиб кетмоқда эди. Катта-кичик омонатгина қайиқлар соҳил ёнида заиф тўлқинда чайқалиб турарди; балиқчиларнинг оддийгина асбоб-анжомлари ҳам шу ерда сочилиб ётарди. Фақат ҳеч қаерда эшкак кўринмасди.

Қия соҳилда ўқ ва снаряд парчаларидан жароҳатланган дов-дарахт кўзга ташланарди. Уларнинг бари, гўё жон сақлаш дардида паноҳ излагандек, сувга қапишиб турарди.

Дудин уларга деди:

— Шахсан ўртоқ Сталиннинг буйруғи бор: биз Днепрнинг ана шу чап қирғоғида ўрнашиб олиб, немисни бу

ёққа ўтказмаслигимиз ёки уни иложи борица кўпроқ кўлда тутиб туришимиз керак Ана шунақа, йигитлар!...

Бу — август ойининг бошларида бўлганди.

Днепр ва унинг кўрфазларидаги сув кулранг тусга кирганди. Дов-дарахт ҳамда ўт-ўлан жазирама ёз ва уруш туфайли жизғанаги чиқиб кетганди. Ҳаммаёқни куюк ҳиди тутиб кетган, сайхон жойлар снарядларнинг портлашидан ўнқир-чўнқир бўлиб қолганди. Кули кўкка созурилган қишлоқлар ва куйиб кўмирга айланган дарахтларнинг бари бир-бирга ўхшаб кетарди. Қишлоқлар деярли кимсасиз эди — сдамлар шарқ томон кетиб қолишганди. Уйлар ўрнида ҳам, вайронага айланган ҳовлиларнинг этагида ҳам қуруқ печлар қаққайиб турарди. Боғлару бутазорлардаги дов-дарахт ҳам, қуруқ тупроғу қумга айланган ерлар ҳам — ҳамма, ҳаммаси уруш оловида ёниб, айқаш-уйқаш, алғов-далғов бўлиб кетганди...

Ҳаммаёқдан — Днепр ортидан ҳам, ўнгу сўлдан ҳам ва яна аллақайси номаълум томонлардан қочоқлар, қочоқлар, қочоқлар ёпирилиб келишарди... Даҳшатли манзара!

Ҳар бир букчайган жуссада, ҳар бир қайғули башарада изтироб ва «Нега чекиняпмиз, ахир?..» — деган савол тўниб қолганди.

Сафоновни Алёша ўшанда кўрганди. Алёшага уни Дудин кўрсатганди:

— Олдингга бир қара, Горсков! Кўрдингми? Жуда довиорак командир! Бу ерда, Днепрда энг катта бошлиқ ана шу одам. Айтишларича, уни Олий Бош Қўмондоннинг ўзи шахсан танир экан, шунинг учун ҳам тайинлабди. Фамилияси Сафонов.

Алёша Днепрнинг шундоққина қирғоғида қазилган траншеяда турган одамга қаради. Дудин унга ўша траншеяни кўрсатган эди. Сафонов душманнинг ўқ узишидан кўрқмай қаддини бемалол ростлаб турарди. Алёша фақат ана шуни эслаб қолди... Кейинчалик урушдан сўнг у Г. П. Сафонов ҳақида ўқиганида, аллақандай номаълум шеър қирқ биринчи йил воқеаларига омихта бўлиб хотирасига жойлашгани каби, Горсковнинг қулоғида ўшанда эшитган фамилия жаранглагандек бўлди.

Немислар эса Жануби-Гарбий ва Жанубий фронтларнинг бутун минтақаси бўйлаб Днепр соҳилига чиқиб олишди.

Уларнинг, гарчи, янги одамлар келиб қўшилаётган бўлса-да, қатори анча сийраклашиб қолган полклари ҳа-

мон чекиниб бормоқда эди. Тоғлик ўқчилар деган номдан асар ҳам қолмаган эди.

Душманни рўпарадан туриб ўққа тутишарди.

Тўпларни қисмларга ажратишмас, отларга ортишмас эди. Кейин отларни ҳам алмаштириб туришга тўғри келарди. Оғир юкларга ўрганган эски отларнинг ҳаммаси ҳалок бўлиб кетганди. Йўл-йўлакай бундай хизматга ўрганмаган янги отларни олишга тўғри келарди. Ҳатто учта немис оти ҳам пайдо бўлди. Ганс, Фриц, Марга. Булар яхши отлар эди-ю, аммо рус тилида ҳеч балони тушунишмасди. Жониворлар сира қайсарлик қилишмас, аммо-лекин бирор тўс-тўполон бўлиб қолса, уларга ҳеч нимани уқтириб бўлмасди. Турли аравалар, заряд қутиларини индамай тортиб кетаверишарди. Ярадорлар ҳам, медсанчастнинг барча хўжалиги ҳам ана шу араваларга жо бўларди. Аммо аслида ғирт аҳмоқ эди, жониворлар!

Яна Днепр олдидан нари чекинишди. Уларнинг ўрнини бошқа қисмлар эгаллаб, улар, худога шукрки, немислар кейинчалик бари бир Днепрни жанг билан кечиб ўтишганини кўришмади.

Ана шу йўсинда улар сентябрнинг йнгирманчи числоларида Шимолий Таврияга бориб қотишди. Бу ерда оёйишталик, сукунат ҳукмрон эди.

Қаёққа қарама бий дола, қирққуён ўсиб ётарди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда шўрак пилдираб учарди.

Поёнсиз чўл. Аҳён-аҳёндагина бирор ўсимлик ўсган сойлик ва қишлоқ учраб қоларди.

Одамнинг нафаси қайтарди!

Ҳаво қуёш нурларини ўзига сингдириб олиб, қизиган тандирдек ловуллаб турарди.

Ерни нақ метин дердингиз. Салёрлар белкурагининг арағ тиши ўтарди унга.

Улар эса ҳужумга ҳозирлик кўришмоқда эди.

Худого шукр — ҳужумга ўтадиган кун ҳам бор экан!

Бундай шароитда ҳужумга ўтиш нима эканлигини улар яхши билиб олишганди! Энди уларга бир нарса аён бўлиб қолганди: немислар жанг қилишни билишар экан! Лекин... Улар ҳам билишади! Немисни дўннослай олишади! Мудофаа қилиш ҳам, ҳужумга ўтиш ҳам қўлларидан келади!

Ана шунда Алёша Сталиннинг «Кўз қўрқоқ — қўл ботир» деган сўзларини эслади.

Улар Катя билан бир нафас учрашишга муваффақ бўлишди.

— Менинг нимами севиб қолдинг? Ахир, хунукман-ку мен!— деди ўшанда Катя.

Алёшага урушга қадар чиройли хотинлар, масалан, «Қатта вальс» кинофильмининг бош қаҳрамонига ўхшаш аёллар жуда ёқарди. Лекин ўшандан буён анча вақт ўтиб кетди.

Ҳаётда-чи?

Мана, Катя.

Катянинг олдида у жуда ақлли ва тажрибали бўлиб кўрinishга ҳаракат қиларди:

— Менимча эса, ҳамма чиройли аёллар ғирт тентак бўлишади! Уларнинг бутун кучи ҳуснига сарф бўлади! Худди спортчи аёлларнинг бутун кучи спортга сарф бўлганидек! Оддий аёллар эса...

— Бўлмаган гап бу, Алёшенька, бўлмаган гап!— дея жавоб қиларди Катя.— Биласанми, ҳар қандай хотин ҳам чиройли ва бахтли бўлишни истайди... Мен ҳам жудаям бахтли бўлишни истайман!

— Ахир, севаман-ку сени!— дея хитоб қилди Алёша.

— Биламан, севасан. Лекин, жаҳлинг чиқмасину, бари бир севмай қўясан... Мен фақат хунуккина эмас, яна омадсиз ҳамман. Мен ўз қисматини биламан, рассом...

— Қанақасига рассом бўларканман?!

— Сен чинакам рассомсан. Юрагим сезиб турибди, тушунаман, лекин фақат...

Катя, гўё тушунтириш қўлимдан келмаяпти, дея юрагини ёрдамга чақиргандек, иккала кафтини чап кўкраги устига қўйди.

Алёша унга Катя умри бино бўлиб кўрмаган Ленинград тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Йигит унга ўзининг Марат кўчаси ва Арктика музейи ҳақида, севимли Пушкин ҳайкали ва Академиядаги Рафаэль ҳамда Тициан заллари тўғрисида, уларнинг деворларига чизилган суратлар ҳақида ҳикоя қиларди.

— Уруш тамом бўлсин, сенга Ленинградни томоша қилдираман,— дерди у.

— Ростдан томоша қилдирасанми?— Катя, чамаси, Алёшанинг бу гапидан ҳайратга тушган эди.

Кейин яна ҳозирги вазият тўғрисида сўзлашишди.

...Айтишларича, Сталин Жануби-Ғарбий йўналишда Будённийни қўмондонликдан олиб ташлаб, унинг ўрнига Гимошенкони тайинлабди. Будённийни ҳам, Тимошенкони ҳам барча яхши биларди. Кейин Киевни қўлдан берилгани тўғрисида ҳам гаплашишди.

Балким, бирор нарса ўзгарар?

Улар бу тўғрида ҳам Катя билан гаплашиб олишга улгуришди...

Сўнгра Алёша кутилмаганда Ленинграддан иккита хат олди.

Биринчи хат ойисидан эди:

«Алёхин, ўғилжоним, азизим — салом! Омонмисан? Қаердасан ҳозир? Ишқилиб, эсон-омон юрган бўлгин... Маня бувинг ҳам худди шундай ўйлайди ва доим сени дуои жонингни қилади. Уруш бошлангандан буён ёзган учта хатингни ва ундан олдинги хатларингни ҳам олиб ўқиғач, жуда хурсанд бўлдик, албатта... Бизда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Мен ишляяпман. Ҳатто Маня бувинг ҳам жамоатчи активист бўлиб қолган... Ўғилжоним!... Ўзингни эҳтиёт қил, иложи бўлган пайтда эса хат ёзиб тур. Ленинград ҳозирча тинч...»

Иккинчи хат эса — буни қаранг-а! — Верадан эди:

«Алёша, салом! Гарчи, кам хат ёзган бўлсанг-да, жавоб ёзмаганим учун мени кечир. Иш кўп жуда, кейин ўқишни ҳам давом эттиряпман. Уруш халал беряпти, албатта...

Ўзинг қалайсан? Ўйлайманки, ҳамма ишларинг яхши бўлса керак.

Менга хатни Лахтинская ёки Ленсовет адресига ёз. Мен яна ўша ерга ишга ўтдим...

Илойим ҳамма ишларинг яхши бўлсин.

*Вера»*

## XX.

Алёша учун фалокат сентябрнинг охирида, Қагарлик ёнида содир бўлди. Ушанда нима бўлганини у кейинроқ билиб олади: Жанубий фронт, Алоҳида Приморская армияси, Чигирин — Вознесенск — Днестр кўрфази, сўнг Қагарлик... Немислар ва руминлар. Кейингилари кўпроқ, аммо немислар осмонда... Одесса мудофааеи!..

Кун ниҳоятда иссиқ. Одамнинг нафаси қайтади. Теварак-атрофдаги ўт-ўланнинг жизғинаги чиқиб кетган, бироқ энди чўлдан сўнг борган сайин елимшак ботқоқларга кўпроқ дуч келишарди, оёқ остидаги лой билқиллаб, бижғиб қайнаб турарди.

Ботқоқларда қурбақалар тинимсиз вақиллар ва беҳисоб чивинлар учиб юрарди. Чивинлар жангчиларнинг юзини, гимнастёрка устидан елкаларини, обмотка ўралган оёқларини чақар, оғзилари ва кўзларига учиб кирарди.

Осмонда булутдан асар ҳам кўринмасди. Фақат кўкиртир дудгина элас-элас кўзга чалинарди. Одамнинг нафаси томоғига тиқилар, пешонасидан реза-реза тер оқарди. Шўри чиқиб кетган гимнастёркалар тердан жиққа ҳўл бўлиб қолганди.

Оёқлар ботқоқнинг балчиғида шалоплаб борар, йўлнинг эса сира охири кўринмасди. Одамнинг ҳамма нарса ни улоқтириб юбориб, боши ва юз-кўзини бирор нарса билан яширганича ерга ётиб олгиси келарди.

Кагарлик яқинида улар — у, Серёжа Шумов ва Дудиннинг ординаречи индамас «ғарбий» Богдан — разведкага боришди.

От минмай пиёда жўнашди. От юра олармиди бунақа йўлда!

Вазият ноаниқ эди, кейин улар бунга кўникиб ҳам қолишганди. Разведкада вазият қачон аниқ бўлган ўзи? Лекин бу ўринда ҳеч нимани тушуниб бўлмасди.

Осмондан ҳам, ердан ҳам ўқ узиб туришарди.

Улар ўзларини қаёққа уришмасин, нуқул руминларга дуч келишарди. Оқоллар ҳам, позициялар ҳам руминларники эди. Немисларни улар, осмондан ташқари, икки жойда: тепаликка ўрнатилган зенит тўплари олдида ва катта йўлдаги иккита бронетранспортёрда кўришди.

Бирор фалокатга учрамаслик учун уларини ҳам, буларини ҳам четлаб ўтишди, албатта: олдиларига қўйилган вазифани бажаришлари керак эди-да...

Деярли ҳеч нимани аниқлаёлмай, анча кеч қайтишди, аммо Дудин ҳам, Валеов ҳам, Серов ҳам, Егозин ҳам аввалига якка-якка, сўнгра биргалашиб Серёжа, Богдан ва Алёшаларнинг ахборотларини эшитишгач, улардан хурсанд бўлишди... Чамаси, уларнинг мана шу кузатувлари ҳам анча фойдали чиққан кўринарди.

Кейин эса тунда душман уларни тўплардан ўққа тугди. Полк чекинди.

Ҳаммадан олдин Серёжа Шумов ҳалок бўлди. Бу фалокат шундоқ Алёшанинг кўз ўнгида содир бўлди.

Снаряд парчаси тўғри Серёжанинг кўкрагига келиб тегди.

Аҳмоқона ўлим! Жанг бўлганида ҳам бошқа гап эди!

Серёжани ҳалок бўлган жойида қолдириб кетишди: отлар ва тўпларни, кейин аравалар, снаряд қутилари ва медсанчастга қарашли икки «ЗИС»дан омон қолган биттасини қутқариш керак бўларди...

Эҳ, Серёжа, Серёжа! Ленинград тўқимачилик институтининг ўқитувчиси! Ахир, сең урушдан олдин ҳам санъат

Академиясида ўқиган биз чаламулла талабалардан анча ақллироқ эдинг! Нимаям қилиб, биз билан қирқинчи йили армияга сафарбар қилина қолдинг? Уруш бошланишидан олдинги ўша машаққатли бир йил ичида сен ажойиб қизил аскар бўлиб етишдинг... Урушда ҳам биздан қолишмадинг, эҳтимол, биздан яхшироқ ҳам жанг қилгандирсан?..

Биз кўп чекиндик.

Ҳа, мудофаа қилдик, чекиндик, баъзида эса ҳужумга ҳам ўтдик.

Лекин...

Ҳозир сени ташлаб кетяпмиз. Сени дафн қилишга вақтимиз йўқ. Жаҳлинг чиқмасин, Серёжа! Кечир бизни!..

Негадир ёнма-ён туриб қолган Дудин билан политрук Серов:

— Ваҳима қилманглар!

— Чекининглар!— дея қичқирдишарди.

Улар чекина бошлагач, Алёша полк командири Иванчикийни кўриб қолди. У қўлларини жон-жаҳди билан силкитганича Дудин билан Серовга қараб алланамалар деб қичқирмоқда эди. Лекин Алёша унинг нима деганини англаб улгура олмади. Бирдан унга ҳаво етишмай қолиб, кўксида қандайдир даҳшатли бир олов ёнгандек бўлди ва Алёша ҳали ўзига нима бўлганини тушуниб ҳамда оғриқни ҳис этиб улгурмай, нафаси бўғилганича ерга қулади. У ўзини отаси билан Маданият ва истироҳат паркида кўрди. От ўйинида айланишаётганмиш. Шу пайт у тез айланаётган от ўйинга биринчи бор ўтирганида гужанак бўлиб олган митти жонивор янглиғ қўрқувни аниқ-тиниқ ҳис этди. Хотирасида бир лаҳза хира ва кулранг булутлар орасидан ёриб чиқиб отасининг юзига тушган қуёш нури ялт этиб кетди. Лекин бирдан ҳалиги митти жонивор сакраб қаёққадир қочди-ю, от ўйин оҳиста ва унсиз сочилиб кета бошлади...

Алёша тепасидаги оғир сукунатдан ҳушига келди. Биринчи кўзи тушган нарса — ёнида чўзилиб ётган отнинг жасади бўлди. Боёқиш жониворнинг сағрини тагидан катта, қип-қизил доғ ёйилиб чиқмоқда эди. Костилми ёки Лирами? Алёша лоқайдлик билан кўзини ундан олиб қочди. Уни ўраб турган одамлар, лабларининг қимирлашига қараганда, алланамалар дейишмоқда эди. Алёша, одамлар нега овоз чиқармай гаплашишяпти, дея ажабланди, лекин шу пайт кўз ўнгидаги от ўйин яна тез-тез айлана бошлади ва йигит ўзини алланечук учиб кетаётгандек туйди-ю, яна ҳушидан кетди.

Уни кўтаришди, носилкага ётқизиб, нимагадир ортишди, қаёққадир олиб боришди. Поездлар, қандайдир пароход ва Ленинграддаги уйлари эмиш. Уйда ойиси, Маня бувиси ва Вера бор эмиш. Веранинг ёнида эса Катя турганмиш, лекин энди бу Ленинградда эмасмиш... Кейин ҳаммаёқда яхши эсида қолмаган беҳисоб оқ халатли кишилар...

Аввалига у шунчалик узоққа — денгиз соҳилига жойлашган кичкинагина шаҳарча — номи қушларнинг овозига ўхшаш Очамчирега тушиб қолганини билмади. Деярли тинчлик давридагидек сукунатни ҳис этмади. У ҳамма нарсани кўрарди-ю, лекин ҳеч нарсани тушунмасди. Палатанинг деразаларини очган кезлари кўчадан денгизнинг асабларга ором бахш этувчи бир маромда шовуллашн эшитилар, ана шунда Алёша бу таниш шовқиннинг нима-лигини эслашга уриниб, ташвиш билан қулоқ солар, аммо сира эслай олмасди. У Очамчиреда бир йилу саккиз ой ва ўн икки кун бўлди.

Жароҳати анча оғир экан — ўнг ўпкасида снаряднинг бир неча парчаси ўрнашиб қолибди. Чап қўлининг учта бармоғини узиб кетибди. Бунинг устига биринчи даражали контузия бўлибди. Алёша нутқ ва хотирасини йўқотиб қўйганди. У на исми, на фамилиясини эслай оларди. Кейин нутқи тикланади-ю, аммо хотираси қайтмайди. Нутқи ҳам, хотираси ҳам тиклангунча орадан анча вақт ўтади.

Госпиталда бир йилу саккиз ой ётишига тўғри келади...

Аввалига муваффақиятли чиққандек кўринган биринчи операциядан сўнг, бир ярим ой вақт ўтгач, бирдан унинг аҳволи оғирлашиб қолди. Алёшанинг гоҳ ҳарорати қирқдан ошиб кетар, гоҳ эти қаттиқ жунжикиб, қалтирай бошларди. Шундай дақиқаларда унинг баланд бўйли, тиззаларининг кўзи туртиб чиққан, ўспиринларникидек хипча гавдаси айниқса ожиз кўринарди. Врачлар ҳеч нимани тушунолмай қолишди ва бир оз маслаҳатлашиб олишгач, қайтадан операция қиладиган бўлишди. Кўкрак қафасини очишгач, улар ўпканинг анча жойи фэсод бойлаганини кўришди. Бунга биринчи операция пайтида кўрмай қолишган майда осколкалар сабаб бўлганди. Бироқ операциядан кейин ҳам Алёшанинг аҳволи энгиллашмади. Ҳамон унинг гоҳ ҳарорати кўтарилиб кетар, гоҳ эти жунжикиб, титрайверганидан силласи қурирди. Врачлар қоннинг захарланишидан кўрқа бошлашди. Улар қўлчаридаги барча дори-дармонни ишга солишди — суль-

фаниламид препаратлари ва кўплаб стрептоцид ичиришди. Горсков деярли ҳушига келмай ётарди. Унинг каравотини йўлакка олиб чиқишиб, ювилаверганидан сийқаси чиқиб кетган бахмоқ адёл билан тўсиб қўйишди. Бу даҳшатли парда ортида ётган одамнинг саноқли кунлари қолганини ҳамма тушунарди. Шу зайлда саккиз кун ўтди. Тўққизинчи кун ҳарорат тушиб, қалтираш ҳам тўхтади. Кечга яқин Алёша, тепасига келган врач Бағрат Васильевични ҳайратга солиб, аниқ-тиниқ сўради:

— Бу ерда мен қанчадан бери ётибман?

— Алёша, ўғлим, қадрдоним, сен тирик қолдинг! Тушунасанми, биз галаба қилдик! Ай, қандай шоввоз йигитсан-а!— бақириб-чақириб қувончини изҳор қилди Бағрат Васильевич.— Айт-чи,— Бағрат Васильевич бир лаҳза хижолат чекиб турди-да, сўнг секингина, бир оз ўзини мажбур қилиб давом этди:— Сенинг исминг нима?

Алёшанинг кўзларида аввалига ҳайрат акс этди, сўнг-ра аянчли саросима ва қўрқув ифодаси пайдо бўлди.

— Билмайман...— талвасага тушиб ўрнидан кўтарилмоқчи бўлди-ю, аммо шу заҳоти ёстиққа йнқилиб тушди.

— Нега мен ўз исмимни билмаяпман? Қаердаман?— сўзларни аранг эслаганича гўлдираб сўради Алёша. Унинг сарғайиб кетган озгин юзларидан кўз ёшлари оқа бошлади.

— Тинчлан, азизим. Нима бўлганини биласанми ўзи? Сен гапира бошладинг! Гапира бошладинг, тушунасанми! Демак, тезда хотиранг ҳам тикланиши керак. Фақат бардам бўл, кацо! Контузиядан кейин кўшинча шунақа бўлади. Сенинг контузиянг эса, ўғлим жуда оғир бўлган... Бугунги кунда сенинг энг асосий вазифанг — соғайиб кетиш. Айтмоқчи, туғишганларинг борми?— Лекин шу заҳоти Бағрат Васильевич гуноҳ қилган одамдек жимиб қолди ва расмий оҳангда қўшимча қилди:— Ҳозир сени ярангни қайта боғлаш учун олиб боришади.

Яра боғлаш хонасидан сўнг, Алёшанинг каравотини яна палатадаги эски жойига олиб киришди.

Алёша тирик қолди!

Горсков бир ўлиб тирилди!

Врачлар Игорь Иванович, Григол Ираклиевич ва айниқса, Алёшага меҳр қўйиб қолган, қаердадир Фарбий фронтда ўзининг ҳам Алёша исмли ўғли жанг қилаётган Бағрат Васильевичлар унинг атрофида парвона бўлишар ҳамда ярадорларни тинмай операция қилишарди. Ярадорларни яна ширинсўз ва меҳрибон ҳамширалар — Нина, Соня, ва Лайнэллар парвариш қилишарди. Грузин,

чуваш ва бу ерга қаердан келиб қолгани номаълум эстон қизлари.

Горсков энди кўзи кўриб, қулоғи эшитадиган, ҳамма нарсани тушунадиган, аҳён-аҳёнда бўлса-да, озгина гапирадиган бўлиб қолганди-ю, аммо ўзининг ўтмишини сира эслай олмасди. У госпиталга қадар ҳаётида нима бўлганини тасаввур қилишга уринар, лекин эслабмай қийналарди.

Врачлар бошқа ярадорларга нисбатан уни даволашга кўпроқ овора бўлишарди. Палатадаги қўшнилари Алёшага қўлларидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилишди.

Алёша ҳаммасини тушунар ва шу билан янада қаттиқроқ изтироб чекарди.

У куни бўйи деярли қимир этмай ётганча, гоҳ деразага бепарво тикилар, гоҳ гап нима тўғрисида кетаётганини тушунишга ҳаракат қилиб атрофдаги одамларнинг сўзларига иштиёқ билан қулоқ соларди.

Палатада аския қилишар, ҳазил-хузул гаплар айтишар, жиддий суҳбатлашишар, сўнг яна ҳазил-мутойиба бошланиб, кейин яна жиддий мавзуга кўчиладди.

Суҳбат турли мавзуларда бўларди. Анъаналар ҳақида гап кетганида тез-тез 1812 йилги Ватан урушини эслашарди. Суворов, Кутузов, Багратион...

Урушдан олдинги йиллар тўғрисида ҳам кўп гаплашишарди. Харобалар ва биринчи беш йилликлар. Индустрлаштириш ва коллективлаштириш. Қимдир ҳаддидан ошишлар ҳам бўлган, дея тўнғиллади. Унга жавобан, ҳаддидан ошиш ҳақидаги Сталиннинг мақоласини далил қилиб, келтиришди. Ҳаддидан ошишлар ўз йўлига-ю, лекин Сталин буни тушунган ва халққа бу тўғрида очиқ-ойдин гапирган эди...

Иттифоқчилар тўғрисида, жангга кирмасданоқ бузилиб қоладиган инглиз танклари ҳақида, жанг пайти бизнинг самолётларимизга тенг келолмайдиган инглиз самолётлари тўғрисида, немислар оккупация қилган Франция ва «Нормандия — Нема» эскадрильяси ҳақида, америка тушонқаси ва консерва қилинган пушти колбаса тўғрисида сўзлашишарди. Бу тўғрида баъзи йиғитлар:

— Иккинчи фронт дегани ана шу бўлади!— дея аския қилишарди.

Госпиталда уларни ана шундай маҳсулотлар билан боқшарди.

Лекин улар кўпроқ уйлари ҳақида, оилалари тўғрисида гапирарди. Бундай гаплар Алёшани айниқса қаттиқ изтиробга соларди. Баъзан унга ҳам бир вақтлар у ёқда,

жуда олисда ўзининг қандайдир яқин одамлари бўлган-дек туюла бошлар, лекин Алёша қаерда ва кими бўлганини эслай олмасди.

Тунлари у алоғ-чалоғ тушлар кўриб чиқарди. Аммо худди ўша тушларида унинг хотираси тикланарди. Шунда у, тушида бахтини топиб олган одамдек, юзида табасум билан уйғонар ва бир неча дақиқа энди ўзига ҳам номаълум ўтмишига ғарқ бўлиб ётарди. Аммо бу жозиба-ли, мўрт хотиралар бир зумда тарқаб, ғойиб бўлиб кетарди.

Алёша деразага қараб ётарди.

Пальмалар ҳам, улкан магнолиялар ҳам кишининг кўзига ғалати кўринарди.

Уларнинг ортида, юқорида эса мандаринзорлар ва чой плантациялари жойлашганди.

Госпиталнинг шундоқ ёнгинасидан ўтган йўл устида доим бир талай қарғалар ҳаққалаб, емиш ахтариб юришарди.

Улар бу ерда нима қилиб юришибди?

Наҳот, Кавказда ҳам қарғалар яшаса?

Бу ерда тўтиқушлар дориламон яшаса бўларди!

Аммо тўтиқушлар кўринмас, фақат қарғалару жанубда яшайдиган озгин чумчуқларгина кўзга ташланарди.

Баъзан йўлдан қорамол ҳайдаб ўтишарди. Уларни кенг соябонли шляпа кийиб, қўлида қамчи тутган абхазликлар ҳайдашарди.

Алёша суҳбатларга қулоқ солар экан, онгининг аллақайси қаърида, гўё чуқур ертўлада қамалиб ётгандек, ўзи ҳам нималигини билмайдиган, аммо ниҳоятда ҳаётий ва зарур бир нарса типирчилаб, сира эркинликка чиқа олмаётгандек туюларди. Унга, кислород янглиғ, муттасил ана шу «бир нарса» етишмас, гарчи ўзи ҳам шу ерда яшаётган бўлишига қарамай, теварак-атрофида содир бўлаётган барча воқеалар унга сира алоқаси йўқдек кўри-нарди...

Кимдир бу госпиталда урушга қадар дам олиш уйими, санаторийми бўлганини айтган эди. Алёша бу сўзларни ғаройиб бир нарса сифатида қабул қиларди, зеро урушга қадар унинг ёшида ким ҳам санаторий ёки дам олиш уйига борибди, дейсиз!

Болалигидан алоҳида диққат-эътибор ва парваришга ўрганмаган, ҳамда олиш эмас, бериш керак, деган фикрга қаттиқ кўникиб қолган кўпгина ярадорлар: «Вой-бўй, атрофимизда бунча парвона бўлишмас!»—дея врач ва ҳамшираларнинг илтифотидан хижолатга тушишаётган

дек кўринишарди. Уз жароҳатларини эса улар хизмат эмас, балки қандайдир ёзгирса арзийдиган нарса деб ўзларига айб қўйишарди: «Ўзим аҳмоқман!» ёки «Хато қилдим!» ёки «Фронтда қололмадим, бу ерда эса яна мени парвариш қилиш керак!»

Уруш қурбонсиз бўлмайди, госпиталда ҳам ўлим бўлиб турарди. Улганларни аввалига маҳаллий қабристонга дафн этиб туришди, аммо кейин қабристонда жой қолмагач, чой плантациялари жойлашган тепалик ёнбағрига дафн эта бошлашди. Гуркираб ўсган чой буталари орасида биродарлик қабрлари қандайдир ғалати ва қайғули кўринарди...

Қирқ иккинчи йилнинг кузидан бошлаб Алёша, соғайиб бораётганлар қатори, ошхонага қатнайдиган бўлди.

Шимолий Кавказ ва Бош Кавказ тизмасининг доволарида аёвсиз жанглар кетмоқда эди. Немислар қутуриб Махачкала ва Каспий денгизи томон чиқиб олишга ҳаракат қилишарди. Очамчиредан унча узоқ бўлмаган Туапсе хавф остида қолганди. Денгизда ҳам тинимсиз жанглар кетмоқда эди. Бу гапларнинг барини йигитлар госпиталга урушнинг барча участкаларидан келтирилаётган ярадорлардан билиб олишарди. Ярадорларни эса бу ерга ҳар куни келтиришарди.

Алёша госпиталда эскилардан ҳисобланарди. Кеча ва тган куни ёки икки-уч ой илгари келган бошқа ярадордан у фронтдаги аҳвол тўғрисида кўп нарсаларни билиб олди. Қадрдон Ленинградни тўғрисида ҳам анча гапларни эшитди, албатта. Бироқ қамал тўғрисидаги бу гаплар унинг тасаввурига ҳеч қандай таъсир қилмасди.

Госпиталдаги барча ярадорлар тезроқ фронтга қайтсам, дейишарди. Горсковнинг ўзига ўхшаган илгари аҳволи оғир бўлган ярадорлардан тортиб, кеча ёки ҳатто бугун келганларигача ҳамманинг фикр-ёди ана шу эди.

Ярадорлар ҳамон кўплаб келиб турарди. Аммо оғир ярадорлар борган сайин камроқ келадиган бўлиб қолганди.

Новоросийскда немислар роса таъзирларини ейишганди. Кейин Кичик ерда ҳам. Туапседа бўлса уларни икки марта дўппослашди. Керч операцияси барбод бўлди, бу ерда немисларнинг жуда кўп одамлари қирилиб, техникаси мажақланди. Харьков билан Ростовда ҳам шундай бўлди. Алексей Михайлович Горсковнинг дўстлари ва ўртоқлари ўша ерда жанг қилишмоқда экан. Буни у анинроқ билиб олади.

Немислар Нальчикда ҳам, Оржоникидзеда ҳам Бош Кавказ тизмаларида ҳам кўрадиганларини кўришди. Уларнинг «Эдельвейс» ва бошқа тоғли дивизиялари яксон этиб ташланди.

Бу ерларнинг осойишта, оромбахш табиати Алёшанинг зардасини баттар қайнатар, жаҳлини чиқарарди.

Биринчи ўқ еганидаёқ ҳалок бўлмаган одамларнинг ҳаёт учун қандай курашишларини Алёша, чамаси, биринчи бор ана шу ерда, Очамчиреда тушунди!..

Очамчиреда у яна қўлига қалам олиб кўрди.

Суратларни у газеталарнинг ҳошияси, ҳамширалардан тасодифан сўраб олган бланкалар — хуллас, дуч келган қоғозларга чизаверарди. Қоғоз бу ерда анқонинг уруғи бўлиб, асосан, тамаки ўраш учун ишлатиларди.

Тамакини эса бу ерда, госпиталда фронтдагига қараганда кўпроқ бериб туришарди.

Горсковнинг ўзи ҳам, атрофдаги барча ярадорлар ҳам кўп чекишарди. Унинг учун тамаки нажот деган гап эди. Ҳатто врачлар ҳам унга шундай дейишганди.

Боз устига, эстон қизи Лайнэдан ташқари, барча врач ва ҳамшираларнинг ўзлари ҳам тамаки чекишарди.

Алёша эса тамаки чекар экан, қоғозни тежаб сарфлашга ҳаракат қиларди.

Қирқ учинчи йилнинг бошларида унинг хотираси тиклана бошлади. Хотираси аста-секин, қийинчилик билан, туртиниб-суртиниб қайтмоқда эди. Унинг бу ҳолати бола ҳали онанинг қорнида-ю, аммо ўзини борлиққа намоён этмоқ учун қаттиқ типирчилай бошлаган оғир туғруқ дардига ўхшарди. Бунақа дард билан туғилган бола, ҳали ҳаётга қадам қўймасданоқ, унинг учун биринчи курашдан қаттиқ мадори қурийд-ю, лекин бари бир яшай бошлайди.

Баграт Васильевич Алёшани соғайиб бораётганлар командасига қўшиб қўйди.

Кейинроқ эса уни госпиталга санитар қилиб тайинлашди.

Гўё ҳаммаси ажойибдек кўринарди.

Содир бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини тушуниш, Совет Информбюросининг хабарлари — ҳам қувончли, ҳам кишини ташвишга солувчи хабарлар — немислар Сталинграддан кейин ҳам ёпирилиб келишмоқда эди! Таслим бўлишмаяпти, шекилли, лаънатилар! Демак, ҳали олдинда... Лекин энг муҳими, у тирик! Тирик! Тирик!

Бир куни уни Баграт Васильевич ўз хонасига чақириб қолди.— Утир, Горшков!

У Алёшанинг фамилиясини «Горшков» дея талаффуз қиларди.

Алёша врачнинг эман тахтасидан ясалган улкан столи олдидаги юмшоқ креслога ўтирди. Баграт Васильевич стол тортмасини очиб, ундан иккита хат олди-да, Алёшага узатди. Тўғрироғи, биттаси хат, иккинчиси эса шунчаки икки энлик ёзув эди.

— Сендан ортиқ яширолмайман,— деди Баграт Васильевич.— Бир йил яшириб юрдим, бу ёғига энди қўлимдан келмайди. Олдинроқ кўрсата олмасдим, жаҳлнинг чиқмасин. Манови икки энлик кичкина хат билан эса олдинга жуда ёқимтой бир қиз, санинструктор келганди. Олдинга киришга жуда уринди-ю, лекин ўшанда аҳволнинг ниҳоятда чатоқ эди. Ана шунақа... Энди, Алёша — Алексей ўзингни бутунлай тузалиб кетдим, деб ҳисоблай-вер.

Алёша уч бурчакли хатда дарров Веранинг ёзувини таниди.

«Салом, Алёша! Биламан, сенга қайғули хабар етказ-япман, лекин ҳаммасини айтиб бермай иложим йўқ.

Қамалда биринчи бўлиб буving вафот этдилар. Қирқ иккинчи йилнинг январидаёқ оламдан ўтдилар улар. Мария Илларионовна қайғудан қаддини букмай, ишлаш-да давом этаверди. Дарвоқе, буvingни бошқалар билан бирга Пискаревкага дафн этишди. 17 июнь куни, ойнинг ишдан қайтаётганларида, немислар кўчани тўплардан қаттиқ ўққа тута бошлабди. Мария Илларионовна, чамаси, пана жўйга яширинишга улгурмабдилар ва снаряд портлашидан ҳалок бўлибдилар. Менга айтишларича, у кишини ҳам Пискаревкага дафн этишибди. Афсуски, бу гапларнинг ҳаммаси тўғрисида мен фақат июннинг охиридагина хабар топдим. Уйинглар вайрон бўлган. Бунақа пайтда нима афзал эканлигини ҳам билмай қолар экан одам.

Бардам бўл!

Менинг ҳаётимда жиддий ўзгаришлар содир бўлди, шекилли. Лекин бу ҳақида кейинроқ ёзарман. Илойим омон бўл.

*Вера»*

Хатга, 1942 йилнинг 13 июли, дея сана қўйилганди.

Икки энлик хат эса Катядан экан.

Алёша уни Баграт Васильевичнинг олдида ўқишдан уялиб, сўради:

— Мен кетаверсам майлими?

— Кетавер, Горшков, кетавер!— деди Баграт Васильевич.— Кейин жудаям қайгу чекаверма. Буни уруш деб қўйибдилар, биродар!

Кўчага чиққач, Алёша Катянинг хатини очиб ўқиди.

«Жонгинам, қадрдон рассомгинам!

Мени ҳатто олдингга ҳам киритишмади, нима, аҳволинг шу қадар оғир эдими? Ўзим медикман, ҳаммасини тушунаман, лекин бари бир алам қилар экан. Ҳеч бўлмаганда сени бир нафас кўриб кетардим-ку, ахир! Минг марта яраланган тақдирингда ҳам бари бир сени севаман! Билиб қўй! Сени севаман, деган ўзинг айбдорсан, мен эсам бир кўнгил қўйсам бас — кейин умримнинг охиригача ўша одамни дейман.

Сенга Дудин, Невзоров, Петров, Болотинлар салом деб юборишди. Мен уларни тез-тез кўриб тураман. Гарчи, афсуски, ҳужум қилмаётган бўлсак-да, ҳаммалари соғ-саломат юришибди. Ҳозир мен сенга ҳар доимдагидан ҳам яқинроқман. Бир жойда жанг қиляпмиз, деб ҳисоблайвер. Сен яраларинг билан. Биз эсак фрицлар ва анто-нескулар билан.

Иложи бўлган заҳоти менга хат ёз. Бизнинг дала почта-миз 18657 — Б.

Тезроқ соғайиб кет!

Бардам бўл!

Умрбод сенинг Катянг.

17 декабрь 1942 й».

Офарин, Катя!

Доно қиз, Катюша!

Ана шу қисқагина хатинг унга нақадар зарур эканлигини билсанг эди!

Атрофида эса бу пайтда одатда жанубда ёғадиган тропик жала қуймоқда эди. Жаланинг сувлари тоғлардан тошқин дарё янглиғ отилиб тушиб, денгиз томон ошиқарди. Денгизнинг соҳилга яқин жойлари қум ва тупроқдан лойқаланиб кетганди. Катта-катта долғалар ҳайқириб соҳилга яқинлашар ва оқ кўпик сачратганича у ердаги тошлар устига ёпирилиб тушарди. Госпиталнинг қиш пайтидагидек терчилаб турган дераза ойналари сиртидан тинимсиз сув оқиб тушмоқда эди. Жаланинг деразага куч билан урилишиндан ромлар зириллаб турарди.

Шамол ва сув дарахтлардан узилиб тушган япроқлар, хас-чўп, тўнғаклар, гулбарг ва парча-парча қоғозларни суриб келарди. Пальма дарахтидан бир новда узилиб тушди-да, тош йўл устида беўхшов сирпанганича, турти-ниб-суртиниб пастга, денгизга қараб елиб кетди.

Кўчада тирик жон йўқ эди.  
Ҳатто машиналар ҳам кўринмасди.

## XXI

Мана, ниҳоят — яхши қол, Очамчире! Яхши қол, қадрдон, лекин ўлгундек жонга теккан госпиталь!

Яхши қолинглар, Игорь Иванович, Баграт Васильевич, Григол Ираклиевич!

Яхши қолинглар, Нана, Соня ва Лайнэ!

Яхши қолинглар, пальма ва магнолиялар, чой плантациялари ва кенгайиб кетган қабристон!

Ҳарбий хизматга чекланган равишда яроқли!

Жин урсин ўша моддани! Бари бир, у фронтга жўнашга муваффақ бўлди.

Ленинграддан келган мактуб ва Катя ёзиб қолдирган икки энли хатдан сўнг унинг бутун фикр-ёди фақат фронт бўлиб қолганди!

Ётадиганини ётиб бўлди!

Оз эмас, кўп эмас, бир йилу саккиз ой ётди-я!

Айтишга осон бу гап!

У машинадан бу машинага ўтиб, ўзининг янги хизмат жойига етиб боргунинга қадар узоқ йўл юрди.

КАН бўлса КАНда! Кўчма автоноввойхона! Новвойхона 57-нчи армия ихтиёрида бўлиб, ҳозир немислар қўлидаги Харьковнинг шарқ томонида, Мартовая қишлоғида жойлашганди.

Алёша новвойлик касбининг сир-синаотларини тез кунда ўрганиб олди. Улар фақат ўтин ва бир центнер ун сиғадиган катта-катта немис қопларини кўтариш масаласидагина қийналишарди. Эрталаб улар оддий аскар Хабибуллин ва шофёр Самсонов билан биргаликда туни бўйи ёпишган нонларини тарқатишарди-да, сўнг қора молларга қарай бошлашарди. Новвойхона ихтиёрида бир неча сигир бор эди. Қонда бўйинча улар билан ишлаши лозим бўлган тўртинчи одамни ҳозирча беришмаётганди.

Мартоваяда деярли ҳеч ким яшамасди. Қўшни қишлоқ ва жарликларга қочиб кетган қора молларни шу ерга йиғиш ҳақида буйруқ келди.

Қишда эти бориб устухонига ёпишган, ёввойлашиб қолган сигирларни тутиб келиш анча қийин бўлди.

Ўт-ўлан эндигина ниш уриб келаётган бўлиб, ем-хашак етишмасди. Дарахтларнинг ёш новдаларидаги япроқлар ва у ер-бу ерда ўсган баландроқ ўтни юлиб, бултурдан қолган сомон билан аралаштиришар — хуллас, қўлларига

ем бўлишга арзийдиган нима тушса, сигирларга тиқиштиришарди.

Сигир соғишни ҳам ўрганиб олишди. Бир куни Алёша армия штабига икки челак сут олиб борди. Сигирларни полкларнинг хўжалик қисмларига тарқатиб юборишди.

Бир ҳафтадан сўнг уларга:

— Дарҳол Чугуевга боринглар. У ерда ун ортилган вагонлар ёняпти,— дея буюриб қолишди.

Йигитлар от миниб йўлга тушишди. Уларнинг КАН-лари ёнида артсклад жойлашган бўлиб, ана шу склад ихтиёрида немис отлари бор эди. Отларни ҳам, немис автоматларини ҳам улар ўша складдан олишди.

Алёшага бурун парраклари пуштиранг баҳайбат бия тегди. Бу бияни кўрган одам нақ сўқим дерди!

Уни эгарлаш ҳам, кейин жойидан қўзғатиш ҳам анча қийин бўлди. Улар бир неча ярим вайрона қишлоқлардан ўтиб темир йўл тармоғи ёнига чиқишганида қуёш найзага келиб қолганди.

Бир маҳал олдинда кетаётган Хабибуллин ўрмондаги сойлик ёнида немисларни кўриб қолди.

Йигитлар отларидан сакраб тушиб, ерга ётиб олишди.

Немислар тўрт киши экан. Улар ҳеч нимага эътибор бермай, аллақандай ўз ишлари билан банд эдилар.

Алёша отини ерга ётқизди. Ўртоқлари ҳам худди шундай қилишди.

— Шошмай туринглар, славянлар,— деди Алёша.— Агар бирор кор-ҳол бўлса, ўт очиб, пана қиласизлар.

— Эҳтиёт бўл, жин ургур!— деди Самсонов.

Горсков отининг орқасидан чиқиб, дарахтларни пана-лаб югурганча немислар томон ташланди. Қизиқ, немислар негадир қатрон йиғишмоқда эди. Улар қуроолларини елкаларига осиб олишганди.

Немисларга яқинроқ боргач, Горсков сапчиб ўрнидан турди-да, осмонга қарата автоматдан қаторасига ўқ узди ва қўлидаги лимонка гранатасини силкитиб қичқирди:

— Қани, газандалар, қўлингни кўтар! Хенде хох!

Немислар саросимага тушиб орқаларига ўгирилишди. Улардан фақат биттасигина автоматини қўлига олмоқчи бўлганди, Алёша унинг қўлига уриб, қуролини учириб юборди.

— Хенде хох! Қимга айтяпман!

Уларнинг ёнига Самсонов билан Хабибуллин югуриб келишди.

Немисларни қуролсизлантиришди-да, сўнг ўзларининг камарлари билан қўлларини орқасига қилиб боғлашди.

Алешанинг қалби қувончга тўлганди. Биринчи галабаси ахир бу. Гарчи немислар ёши қирқлардаги кексароқ одамлар бўлса-да— ҳар қалай, бу галаба эди.

Асирларни навбатдаги қишлоқда жойлашган арtpолк штабига топширишди. Алёша билан унинг ўртоқларидан воқеанинг қандай бўлгани тўғрисида узоқ сўраб-суриштириб, ҳаммасини ёзиб олишди.

Ярим соатдан сўнг улар Чугуевга етиб боришди. Бу ердаги манзарани кўрган одам даҳшатга тушарди. Оғир ярадорлар тушган санитар поезде ёнмоқда эди. Унинг ёнидаги иккинчи йўлда эса ун ортилган состав буруқсаб турарди. Вагонларда ўзимизнинг ҳам, немисларнинг ҳам уни бор экан. Бизнинг ун 65 килограммлик қопларда бўлиб, немисларнинг уни бир центнерлик қопларга солинган эди.

Самсонов билан Хабибуллин паровозларга сув солинадиган резина ичакларни тортиб келгунларига қадар Горсков вагонлардан қопларни тушириб турди.

Составда бешта вагон бор экан.

Ингитлар урни фақат кечга яқин тушириб бўлишди.

Кейин шу ерда, платформанинг ўзидаёқ ярим вайронага айланган вокзал деворига суяниб ўтиришганича ухлаб қолишди. Ниҳоятда чарчашганидан ҳатто гапиришга ҳам мадорлари қолмаганди.

Бир соатдан сўнг Горсков сакраб ўрнидан турди. У бориб отларга қараб келди. Отлар ердаги ўт-ўланини ҳам, дарахтларнинг шох-шаббасини ҳам қурум босган кичкинагина хиёбон четига боғлаб қўйилганди.

— Туринглар, славянлар, вақт бўлди! Бўлмасам, эрта-лабгача нон ёпиб улгурмаймиз.

Хабибуллин билан Самсонов унга уйқусираб қараб туришарди:

— Нима?

— Қаердамиз ўзи?

Аранг ўзларига келиб, отларни эгарлашди.

Ҳатто тунда ҳам ҳаво дим эди. Станция узра, худди ёнғин пайтидагидек, тутун буруқсаб турарди.

Қайтишаётганида тезроқ юришди. Чўлда ҳаво анча салқинлашиб қолибди. Фақат жанубда бўладигандек, осмонда юлдузлар гўжғон ўйнай бошлади.

Азонга яқин кириб келишган Мартоваяда улар яна бир фалокатнинг устидан чиқишди. Артиллерия склади портлаб кетибди. Омон қолган саноқли одамлар бири-бирига зид гапларни айтишмоқда эди: бировлар, бу душман қўпоровчиларининг иши дейишса, бошқалар, складда кимдир тамаки тутатибди, дея изоҳ беришарди.

Ҳалок бўлганларни дафн этишибди. Улар ўн икки киши экан.

КАН зарар кўрмабди. Фақат портлаш тўлқинидан «ЗИС» машиналарининг ойнаси синибди ва бортига снаряд парчаси тегибди.

Улар ўтин ёришиб, унни тушириб олишди-да, сўнгра сув ташиб келишди.

Хамир қорадиган пайт ҳам бўлганди.

Тун уйқусиз ўтгани боисидан бугун иш анча қийинчилик билан юришмоқда эди. Соат саккизда биринчи буханкалар тайёр бўлди. Полк ва дивизиялардан нон олиб кетгани юк машиналари ва аравалар кела бошлади.

Соат тўққизда эса машиналардан бирининг кабинасидан ёшгина младший лейтенант сакраб тушди-да:

— Бу ерда Горсков ким бўлади?— дея қичқирди.

Алёша югуриб унинг олдига борди:

— Мен бўламан, ўртоқ младший лейтенант!

— Сизни армия штабига олиб бориш буюрилган.

Горсков негадир кўрқиб кетди:

— Нима гап ўзи?

— Билмайман. Отланинг.

Улар газикнинг тепасидаги брезент томи йиртилиб кетган шофёр кабинасига кириб, сиқилиб ўтиришди.

Анчагина узоқ бўлган бутун йўл давомида улардан биронтаси ҳам чурқ этиб оғиз очмади.

Армия штаби ҳамон Алёша бир неча бор сут олиб келган ўша Белий Колодезь қишлоғида жойлашган экан.

Алёшани бошлаб киришган уйда бир вақтлар сигирларни хўжалик бўлимларига топширишни буюрган ўша таниш майор ўтирган экан.

— Эҳ-а эски таниш-ку!— деди у топ-тоза қилиб қиртишланган стол ортидан туриб келар экан.— Хўш, Горсков, солдатларнинг таъбири билан айтганда, эрийдиган бўлдинг. Фақат энди сутинг йўқ чоғи. Очиғини айтсам, ўзимиз ҳам анчадан бери ичмаяпмиз. Қани, энди мана бу мукофотни ол!

Шундай дея у Горсковнинг гимнастёркасига «Жасорати учун» медалини тақиб қўйди.

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!— Алёша ғоз қотиб турди. «Асир олинган немислар учун бўлса керак,— дея ўйлади у.— Тез етиб борибди». Лекин у янглишган экан.

— Бу медаль ун ортилган эшелонни қутқарганларинг учун,— деди, гўё унинг хаёлидаги гапни сезгандек, майор.

— Мен бўлсам...— Алёша асирлар ҳақида гапириб берди.

— Ҳали бу ҳақда етиб келганича йўқ,— дея жилмайди майор.— Унда гимнастёркада яна бир тешик очавер. Етиб келади, албатта, етиб келади.

Сўнг жиддий оҳангда сўради:

— Бу дейман, бутун урушни новвойлик қилиб ўтказмоқчимсан?

— Билмайман, ўртоқ майор, лекин... Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳарбий хизматга тўла яроқли эмасман.

— Сени ўзимизга, трибуналга олсак, нима дейсан? Аввалига котиблик қилардинг...

Горсков нима деб жавоб беришни билмай қолди.

— Хўп, майли, сен боравер,— деди майор.— Бу гапни кейинроқ давом эттирамиз яна.

## XXII

Очамчиредалик пайтидаёқ Алёша Катяга ҳамда қисқагина қилиб Ленинградга, Верага хат ёзиб юборганди. Катядан фақат энди, июлнинг бошларидагина жавоб келди. Маълум бўлишича, унинг дала почтасининг номери ўзгарган экан. Уларнинг медсанчастини 7-нчи гвардиячилар армиясининг медсанбатига қўшиб юборишибди. Бу шундоқ ёнгиналарида, Белгороддан икки юз километрча шарқ томонда жойлашган Белянка районида эди.

Хат мулоим ва маънос руҳда ёзилган эди. 140-нчи арtpолкни қайтадан тузишга жўнатишибди. Дудин яна ярадор бўлибди, аҳволи анча оғир эмиш, худди Алёшага ўхшаб ўпкаси жароҳатланибди. «Омон бўлсак, ўлмаймиз», дегани қаёқда қолди. Саша Невзоров билан Женя Болотинлар ҳалок бўлишибди. Қостя Петров яраланибди-ю, лекин яраси енгил экан. Ана шунақа гаплар. «Жонгинам, қадрдоним, ўзингни эҳтиёт қил. Сени қанчалик соғинганимни билсанг эди. Кечаси тушларимга кириб чиқасан. Ишқилиб, майиб бўлиб қолмасанг бўлди. Лекин, чекланган равишда яроқли бўлсанг-да, ҳамонки урушга юборишибдими, демак, аҳволинг унча ёмон эмас экан».

«Унинг олдига бораман,— дея қарор қилди Алёша.— Албатта, бораман!..»

Бошлиқлардан ижозат олиш унча қийин бўлмади.

— Шерикларинг билан келишиб ол,— дейишди улар.— ҚАНда иш тўхтаб қолмаса бўлди.

Хабибуллин ва Самсоновлар билан бирга икки кун давомида улар етарли қилиб ўтин ёришди, сув ташишди, ун тўла қопларни ичкарига ташиб киришди.

Учинчи кун Алёша бурун парраклари пуштиран ўша таниш немис биясини эгарлаб минди-да, йўлга чиқди. Бақувват жонивор анча ювош тортиб, унга итоат эта диган бўлиб қолганди.

— Сенинг исминг нима ўзи? Мартами? Гретами? Ек Магдалинами?

Унинг саволига жавобан бия катта тумшуғини силки тиб, сергак тортиб, қулоқларини чимириб қўярди.

Ҳаво очиқ, кун ниҳоятда осойишта эди. Чўл ҳавоси қизиб кетганидан титраб турарди. Осмонда булутдан асар ҳам кўринмасди.

Йўл Белий Колодезь орқали ўтиб, Волчанскийнинг ўн томонидан тўғри Белянка томон чўзилиб кетганди.

Беш соатча йўл юргач, Алёша тўпларнинг гумбурлашини эшитиб қолди, осмоннинг гоҳ у ери, гоҳ бу ерида самолётлар тўқнашиб, жанг қилишмоқда эди.

Горсков оддан тушиб, ана шундай жанглардан бирини кузата бошлади. Бизнинг миттигина «И—16» самолёти миз немис «фокке-вульф-101»нинг қуйруқ томонидан ўтиб ҳужум қилиб қолди.

Қулоққа қаторасига узилган ўқ овози заифгина чалинди-ю, «фокке-вульф» буруқсаб тутай бошлади. У орқасида тутунли из қолдирганича фронт чизигига қараб, афтидан, Белгород томон йўл олди. Бир маҳал ундан кўзга арани кўринадиган бир нуқта ажралди-да, қуёш нурида яри этиб, парашют очилди.

Нима қилиш керак?

Алёша сакраб отига минди-ю, парашют тушиб келаётган томон елиб кетди.

Парашют аста пасаяр, Горсковнинг оти эса илдам йўргалаб борарди. Куйиб кул бўлган қишлоқнинг изи бўлмиш ис босган печь трубалари олдида Алёша немисга етиб олди. Парашют чилвирлари трубалардан бирига илиниб қолгани туфайли немис ёнбошига қулаб тушди.

— Тўхта! Хенде хох!— дея қичқирди Горсков, аммо немиснинг таслим бўлиш нияти йўқ эди. У тўппончасини олиб, уч марта ўқ узди. Алёша тўппончага чап бериб, немиснинг қўлига тепди, бироқ учувчи тўппончасини маҳкам тутиб турарди. Горсков немиснинг нягига тепди, лекин немис ўқ узнишда давом этаверди. Тўғри, унга парашют чилвирлари халал берар ва немис парашютини ечиб ташлашга уринарди.

Алёша яна бир ҳамла қилиб, немисни ерга босиб олди, аммо учувчи унинг тагидан туриб ўқ узди. Ўқ Алёшанинг шундоқ қулоғи ёнидан ўтиб кетди.

Шундан сўнг Алёша карабин найзасидан ясалган пичоғини шартта олди-да, немиснинг елкасига санчди. Учувчи бўшашиб, тўппончасини қўлидан тушириб юборди. Унинг комбинезони қонга беланди.

— Шайскерл! Ихъ верде михъ зовизо нихът эрте-бен!<sup>1</sup>— деб қичқирди у.

Алёша тушунмади.

— Учир овозингни!— деди у тўнғиллаганича нафасини ростлар экан.— Энди нима қилсам экан сени?

Немис эса тинмай сўкинаверди:

— Дреккерл! Ротцназе! Зо айнфах кригст ду михъ нихът!<sup>2</sup>

Алёша пичоқ билан фрицнинг комбинезонини қирқди-да, уни учувчининг эғнидан йиртиб олди. Кейин ботинкасини ҳам ечтирди.

— Ана шунақа, оёқ яланг бўлсанг, енгилроқ юрасан!

Сўнгра унинг гимнастёркасини елкасидан йиртиб, шахсий пакетигаги бинт билан ярасини боғлаб қўйди. Жароҳат анча чуқур экан.

Кейин, биронта ҳужжати бўлиши керак-ку, дея эслаб, фрицнинг ич чўнтакларини титкилай бошлади.

Иккита ҳужжат топди.

Бир офицерлик гувоҳномаси эди. Бир амаллаб таржима қилди: Оберлейтенант Отто Вернер ва № — қисми... «Кондор» легиони.

Иккинчиси партия билети экан.

Фрицнинг чўнтагидан у яна Темир крест ҳам топиб олди.

— Тақмабсан-ку, газанда, қўлга тушиб қолишдан қўрққан экансан-да,— деди Горсков, ҳужжатларни чўнтагига яширар экан.

Аmmo шунга қарамай ароқ қуйилган флягасини унинг оғзига тутди.

— Ма, ичвор заҳарингга!

Немис ютоқиб бир қултум ичди-ю, ammo шу заҳоти башараси бужмайиб кетди.

— О, шнапс! Ихъ виль кайне шнапс! Гиб мир вассер!<sup>1</sup>

— Ёқмадим, майли ичмай қўя қол,— муросасозлик билан деди Алёша.— Қани бўлмасам, йўлга отланайлик.

У фрицнинг қўлтиғидан олиб, отнинг ёнига сургаб борди-да, бир амаллаб уни биянинг сағрисиغا кўндаланг қилиб ўрнаштирди.

<sup>1</sup> Аблаҳ! Барн бир таслим бўлмайман! (Нем.)

<sup>2</sup> Шумтака! Мишиқи! Мендақа одамни осонгина қўлга ололмайсан! (Нем.)

<sup>3</sup> О, шнапс! Шнапс ичмайман! Сув бер! (Нем.)

Сўнгра ўзи отга минди.

Белянкага қадар яна ўн километрча йўл юриш керак эди. Аммо у қишлоққа яқинлашган сари тўпларнинг гумбурлаши қаттиқроқ эшитиларди. Кейин милтиқларнинг пақиллаши, автомат ва пулемётларнинг тариллаши ҳам қулоққа чалина бошлади. Чамаси, у ерда жанг кетмоқда эди. Қишлоқни ўнгроқдан четлаб ўтишга тўғри келди.

Белянкага яқинлашиб бундай қараса, чиндан ҳам қишлоқ гуриллаб ёнмоқда экан. Бизнинг жангчилар немисларнинг навбатдаги ҳамласини даф қилмоқда эдилар. Жанг майдонида «тигр» ва «фердинандлар» буруқсаб ёнар, мотоцикл ва бронемашиналар мажақланиб ётарди.

Горсков штабнинг қаердалигини сўраган эди, ҳеч ким унга дурустроқ тушунтириб беролмади. Штаб Великомихайловкадами, Будённийдами, Янги Осколдами, Артельнийдами — ҳеч ким билмасди.

— Жонинг борида жўнаб қол бу ердан, йигит! Кўрмаясанми, нима бўлаётганини?

У ердан чекинишга тўғри келди. Бунинг устига лаънати фриц минғиллашини қўймасди:

— Тринкен! Тринкен! Шайскерл, гиб мир цу тринкен!<sup>1</sup>

Великомихайловкада хўжалик ва бошқа ёрдамчи қисмлар жойлашган экан. Бу ерда асирни ҳеч ким қабул қилиб олмади.

Лекин Будённийда омади келди.

Ундан немисни қабул қилиб олишди ва ҳатто ташаккур ҳам эълон қилишди.

Офицер анча катта одам бўлиб чиқди.

Маълум бўлишича, медсанбат Янги Осколда жойлашган экан. Бунинг билиб олиш унча қийин бўлмади; ҳамма йўллардан у ерга ярадорлар тушган транспорт оқиб келмоқда эди.

Урушдан деярли зарар кўрмаган ва чанг босган боғ-роғларга фарқ бўлиб турган кичкинагина шаҳарча бўлмиш Янги Осколнинг ҳаммаёғини оқ палаталар ва оқ халатлар тутиб кетганди. Шу туришда у бутунлайинча госпиталга айлангандек туюларди.

Кун оғиб қолганди. Горсков бутун шаҳарчани айланиб чиқди-ю, лекин Катяни ҳеч қаердан топа олмади. Худди момақалдироқ олдидан бўладигандек, ҳаво дим эди.

Алёша отини суғориб, уни ўтлагани қўйиб юборди-да, ўзи четан деворга суянганича бу ёғига нима қилиш ҳақида ўйлай бошлади.

<sup>1</sup> Сув! Сув! Сув бер, аблаҳ! Сув бер! (Нем.)

Бир маҳал кўчада аёл кишининг:

— Малигина! Ҳой Малигина! — дея қичқиргани эшитилиб қолди.

Бу Катянинг фамилияси эди!

Катяни ҳарбий врач аёл чақираётган экан.

У қўшни уйдан югуриб чиқди ва эсанкираганича Алёшага тикилиб қолди:

— Сенмисан? Вой, ҳатто медаль олишга ҳам улгурибсан-ку!

Кейин ҳушига келиб:

— Мени кутиб тур! Дарров қайтиб келаман! — деганича ҳарбий врач аёл билан қаёққадир югуриб кетди.

Улар бутун тунни бирга ўтказишди. Шу тобда уларга дунёда икковидан бўлак ҳеч ким йўқдек туюларди. Катя пахса деворли уйда, алоҳида хонада турар экан.

Эрталаб Алёша қайтиб кетиш учун йўлга отланар экан, Катя яна унинг пинжига кирди.

— Энди нима бўлади, Алёш? Яна сенсиз нима қиламан энди? Бола бўлиб қолса-чи?

Алёша қўлидан келганча уни тинчитишга ҳаракат қилди.

— Катенька, бола бўлиши ажойиб-ку, ахир. Лекин у туғилгунича анча вақт ўтади... Унгача уруш ҳам тамом бўлиб қолади...

— Тамом бўлмаса-чи, мени армиядан қувиб юборишадими...

— Сабр қил, сабр қил, қувишмайди.

— Оҳ, қувишади, Алёш! Жонгинам, тентаккина рассомим... Хўп жиннилик қилдик-да, ўзиям!

Алёша Мартовага, дўстлари ёнига фақат пешинда етиб борди. Йўлда у анча қийналди. Немислар Харьков — Белгород районида фронтни ёриб ўтишибди. Ҳаммаёқда қаттиқ жанглар кетмоқда эди.

Хабибуллин унга битта хат узатди:

— Сенга келди!

Горсков хатни очди.

«Жаҳлинг чиқмасин, Алёша, ҳайрон ҳам бўлма, лекин мен турмушга чиқдим. Эрим жуда яхши одам, агар ўша бўлмаганида биз қамалдан чиқолмаган бўлардик. Биз дейишимнинг бонси, мен қиз кўрганман. Ҳозир у етти ойлик бўлди.

Сенга сиҳат-саломатлик тилайман!

Вера»

Нега Веранинг шу пайтгача хат ёзмагани сабабини Алёша энди тушунди. У хафа бўлмади. Фақат дилида қандайдир доғ қолди.

5 июль куни тонготарга яқин, кечаси соат икки яримда Чугуевдан Думиничига қадар бўлган бутун улкан фронтда ср ларзага келди. Ҳамма калибрдаги минглаб тўп ва миномётлар немис мудрофаасини ўққа тутта бошлади. Лекин бари бир немислар, хиёл ўзларига келишгач, ҳужумга ўтдилар. Минглаб танк ва ўзиюрар тўплар, бронемашина ва самолётлар бизнинг мудрофаамизга ҳамла қилдилар. Бизникилар беш-ўн километр чекинишар, аммо кейин яна ҳужумга ўтиб, немисларни эски жойига улоқтириб ташлашарди.

5 июль куни ҳам, 6 ва 7 июль кунлари ҳам худди шундай бўлди.

Буюк Курск жанги бошланиб кетганди.

СС корпус ва дивизиялари, «Рейх», «Адольф Гитлер» ва «Улик бош» дивизиялари, «Кемпф» оператив группаси мажақлаб ташланмоқда эди.

Жанглр 8 июлда ҳам, 9, 10, 11, 12 июлларда ҳам давом этди.

Немисларнинг «Қалъа» операцияси барбод бўлмоқда эди.

13 июль куни қўшинларимиз немисларнинг мудрофаасини ёриб ўтишди.

5 августда Орёл ва Белгород озод қилинди, 23 августда эса Харьков душмандан тозаланди.

КАН ҳужум қилаётган қисмлар ортидан борарди. Улар энди икки ҳисса кўпроқ ишлашмоқда эдилар. Нон ёпишни бир ярим марта кўпайтиришга тўғри келди, бу эса кўпроқ ўтин, сув, ун талаб қиларди. Ҳаммасини йўл-йўлакай, анча қийинчилик билан топишарди.

Мерефа яқинида Самсонов билан Хабибуллин биттадан «Жанговар хизматлари учун» медали олишди, Горсков эса иккинчи «Жасорати учун» медали билан тақдирланди. Асир олинган тўртта фриц ҳамманинг эсидан чиқиб кетибди, аммо Алёшанинг офицерини унутишмабди. Уни асир олинган учувчи, шерикларини эса нон учун мукофотлашибди.

Харьковнинг бўсағасида йўлнинг тўс-тўполонида Горсков Катюшани кўриб қолди. Лекин ҳатто гаплашиб олишнинг ҳам иложи бўлмади. Фақат бир-бирларига қараб қўл силкишга улгуришди, холос.

Шаҳар қаттиқ зарар кўрганди. Бутун-бутун кварталлар харобага айланганди. Шаҳар четидаги кўпгина хусусий уйларнинг кули кўкка совурилибди. Ана шундай жойлардан бирида узун бир зовур кўзга ташланарди. Зовур-

нинг бетига хиёл тупроқ тортилган бўлиб, унда немислар отиб ташлаган юзлаб аёллар, эркаклар, чоллар ва ёш болаларнинг жасадлари чўзилиб ётарди. Чекина туриб, немислар зовурни кўмишга улгуришмабди.

Харьковда Алёшани 14-нчи гвардиячилар дивизиясининг штабига чақирди. Уни дивизия командири полковник Жаровнинг ўзи қабул қилди. Полковникнинг ёнида қандайдир бир капитан ҳам бор экан.

— Саволингиз борми?— дея сўради полковник. Унинг ҳазиллашаётганини ҳам, чиндан гапираётганини ҳам билиб бўлмасди.

— Бор эди, шекилли,— деди мужмал қилиб Горсков.

— Рассоммисиз?— қизикди полковник.

— Чаламулла рассомман,— ҳазил билан жавоб беришга ҳаракат қилиб деди Алёша.

— Гап бундай, ўртоқ чаламулла рассом,— деди полковник.— Капитан Серовнинг қўл остига ўтасиз. У сизга вазиятни тушунтириб беради.

— Менинг КАНим нима бўлади?— дея сўради Горсков.

— Ташвиш қилманг, бу ёғини ўзимиз тўғрилаймиз.

Капитан Серов вазиятни тушунтириб берди. Энди Горсков дивизиянинг ҳарбий трибуналида котиб бўлармиш. Капитаннинг ўзи трибуналнинг раиси экан. Ҳозирча иш кўп эмасмишу, лекин битта иш бор эмиш. Старшина Волчок Харьков учун бўлган жангда иккита тўпни нобуд қилибди. Дарёга чўктириб юборибди. Трибунал мажлиси эртага ўну ноль-нолда экан.

Эртасига эрталаб трибуналнинг тақдирининг тақозоси билан болалар боғчасида жойлашган биносида— Горсков шу ерда тунади— капитан Серов, капитан Истомин, старший лейтенант Вязов ва у, котиб Горсковлар тўпланишди.

Соқчилар старшина Волчокни олиб киришди.

Унинг ёши қирқлардан ошиб кетганди: ёноқ суяклари туртиб чиққан, кўзлари ўқрайиб турарди.

Сўроқ бошланди.

Горсков протокол ёзиб турди.

— Хўш, нима дейсиз, Волчок?— дея сўроқни бошлади Серов.— Дарёни кечиб ўтиш кераклиги ҳақида сизни огоҳлантиришибди. Кечув қулай экан. Сиз бўлсангиз, икки юз метр наридаги кўприкка қараб жўнаб қолибсиз...

— Тўплар бузуқ эди-да,— деди Волчок.

— Мен у тўғрида гапираётганим йўқ. Нега ўшанда командирнинг буйруғини бажармадингиз? Натижада тўпларни чўктириб юбордингиз, сал бўлмаса отларни ҳам ҳалок қилардингиз.

— Айтяпман-ку, бузуқ эди, деб.

— Ҳамонки бузуқ экан, балким, атайлаб чўктириб юборгандирсиз?— дея сўради капитан Истомин.

— Бузуқ эди, деб айтяпман-ку...

— Мукофотларингиз борми?— савол берди Серов.— Нечанчи йилдан бери жанг қиласиз?

— Қирқ биринчи йилдан бери. Мукофотим йўқ.

— Хўп, асосий масалага қайтайлик. Нега сиз, Волчок, командирнинг буйруғини бажармай, ўзбилармонлик қилдингиз...

— Бузуқ эди, ўша тўплар.

— Бу гапингизни эшитдик,— деди старший лейтенант Вязов.— Лекин бузуқ тўпларни тузатиш мумкин эди, сиз бўлсангиз...

Волчок биронта ҳам бамаънироқ гап айта олмади.

У нукул;

— Бузуқ эди... Бузуқ эди...— дея такрорларди.

Барчанинг, ҳатто протокол ёзаётган Горсковнинг ҳам тоқати тоқ бўлди.

— Хўш, нима қиламиз?— Серов атрофидаги одамларга бирма-бир кўз югуртириб чиқди.

— Штрафбат. Яна нима ҳам қила олардик!— деди Истомин.

Ҳамма унинг фикрига қўшилди.

Волчокни олиб кетишди.

— Қани, кўрсатинг-чи,— дея илтимос қилди Серов Горсковдан ва унинг қўлидан протоколни олди.— Нимаям дердим, дуруст! Ҳатто жуда яхши десам ҳам бўлади! Сизга айтиб қўяй, Алексей Михайлович, бугунги иш — холва ҳали. Сиз ановиларни бир варақлаб кўринг,— деди у шкафни кўрсатиб,— жуда қизиқ гапларни топасиз. Биринчи қараганда, бизнинг ишимиз номуносибдек, ҳатто таъбирингиз жоиз кўрса, паст ишдек кўринади. Лекин аслида ундай эмас, албатта. Биз ҳали жиноятнинг олдини олиш билан кам шуғулланамиз. Иши бизга юборилган одамларнинг ҳаммасини ҳам бутунлай ёмонга чиқариб бўлмайди, ахир. Масалан, қўрқоқликнинг ўзи ҳам нисбий тушунча. Мана, Курск жанги пайтида ишимиз бошимиздан ошиб кетди. Афсус биз ишини кўриб чиққан одамларнинг кўпчилиги штрафбатларда ҳалок бўлишди, албатта. Лекин Қаҳрамонлик юлдузини олганлар ҳам бўлди. Кейин ҳалок бўлганлар ҳам шаъниларига тушган доғни ювиб кетишди. Аммо ўшанда биронта ҳам одам отишга ҳукм қилинмади. Бўлмасам, ҳазилакам қирғинбарот бўлдимиз ўшанда! Шунинг учун ҳам бир варақлаб кўринг, Алексей Михайлович, албатта, ва-

рақлаб кўринг. Кейин рассомлигингиз учун ҳам келажакда фойдаси тегади сизга...

Алёша Серов унга исм-шарифини атаб мурожаат қилаётганидан ҳайратга тушди. Армияда уни камдан-кам одам бундай деб атарди. Армиядан олдину, умуман, ҳеч ким унга исм-шарифи билан мурожаат қилмасди.

У делоларни варақлай бошлади.

Унинг кўз ўнгидан турфа хил ишлар бирма-бир ўтди! Ўзини ўзи отиб ногирон қилишлар, жангдан қочиш, буйруқни бажаришдан бўйин товлаш, талончилик, ичкилик-бозлик. Жиноятчиларнинг кўпи ёшлар эди, аммо ёши бир жойга бориб қолган одамлар ҳам учраб турарди.

Горсковни трибунал барча ишларни нақадар пухта кўриб чиққани ҳайратга солди. Фронт шаронитига эмас, қандайдир ҳарбий бўлмаган, тинчлик даврига хос пишиқ-пухталик эди бу.

Отишга ҳукм қилиш жуда кам учрарди. Кўпроқ штрафбат тилга олинарди.

Ана шунда Горсков Серовнинг «...Иши бизга юборилган одамларнинг ҳаммасини ҳам бутунлай ёмонга чиқариб бўлмайди»,— деган сўзларини эслади.

## XXIV

Кировоград ортидан Знаменка — Смела районда 14-нчи гвардиячилар дивизияси немисларнинг 4-нчи ҳаво флоти штабинини тор-мор келтирди. Каттагина ўлжа қўлга киритилди, кўплаб асир олинди. Асирлар орасида битта америкалик — авиация техника хизматининг майори ҳам бор эди. Бу воқеа бир зумда бутун дивизияга тарқалиб, турли миш-мишларга сабаб бўлди.

Трибуналда ҳам бу янгиликни муҳокама қилишди.

— Агар сўроқ бўлса, илтимос қилиб кўраман, Алексей Михайлович! Балким, бизни ҳам қўйишар!— дея ваъда қилди капитан Серов.

Уларни чиндан ҳам таклиф қилишди.

Шу муносабат биланми ёки шунчаки тўғри келиб қолдими, Горсковга янги форма беришди. Кўк инглиз шинели, гимнастёрка ва шим дурустгина эди-ю, лекин ботинкаси ўлгудек совуқ экан. Унинг таглиги картондан бўлгани сабабли, биринчи лойгарчиликдаёқ жағи очилиб қолди.

— Бунақа иттифоқчилардан ўргилдим,— деди Серов.— Кўринишидан дурустгина экан, бўлмасам.

Ботинка ўрнига немис этигидан топишга тўғри келди.

Мана, ниҳоят, улар дивизия штабига тўпланишди.

Одам анчагина бўлиб, командир ва штаб бошлиғидан тортиб Горсков ва яна қандайдир оддий аскарларгача шу ерга йиғилишганди.

Уйга америкаликни олиб киришди.

— Таржима қилинг, ўтирсин,— деди полковник.

Америкалик майор илжайиб турарди. У ўз форма кийимида бўлиб, ҳатто унвонини билдирувчи нишонлари ҳам жойида эди. Ёши ўттизлардан ошган, миқтидан келган бу одамнинг афт-ангориди асир бўлганидан асорат ҳам сезилмасди. У анча олифта кўринарди.

— Қани, гапиринг, нима бўлган эди ўзи!— дея илтимос қилди полковник таржимон орқали.

— Ун уэр шот даун эт Штутгарт. Эт фёст ит уоз э призэн кэмп. Зэн зей юзд ми зэ э тэқникэл эксперт<sup>1</sup>.

— Демак, сиз немислар билан бирга жанг қилгансиз, шундайми? Бундай ишончга қандай эришдингиз?<sup>2</sup>—сўради полковник.

— Ай, уозн'т э комбэтэнт. Ай уоз динг э джермэн мэйнтэнанс джоб<sup>2</sup>.

— Қанақасига жанг қилмаган бўласиз! Сизнинг ватандошларингиз, билишимча, фашистлар Германиясига қарши уруш қилишяпти,— деди штаб бошлиғи.— Сиз-чи?

— Ай хэд ту ду зэ джоб эгейнст май уилл<sup>3</sup>.

— Хўжайинларингиз сизга қандай муносабатда бўлишди. Мана, формангизга ҳам тегишмабди, унвон нишонларингиз ҳам жойида. Қандай овқатландингиз? Қаерда яшардингиз?

— Зэй тритид ми дисэнтли<sup>4</sup>.

— Немис офицерлари қатори кўришармиди?

— Йиес<sup>5</sup>.

— Қочишга уриниб кўрмадингизми? Бу янги вазифангизда фронтга қачон келгадингиз?

— Три энд э хаф манз эгоу<sup>6</sup>.

— Юмшоқроқ қилиб айтганда, бу ғалати аҳволингиз тўғрисида ўйлаб кўриш учун вақтингиз етарли бўлган. Афтидан, сизни қаттиқ кўриқлашмас ҳам экан,— деди қовоғини солиб полковник.— Нега, масалан, биз томонга қочиб ўтмадингиз.

<sup>1</sup> Бизни Штутгарт тепасида уриб туширишди. Аввалига лагерь, кейин эса мени техник эксперт сифатида ишга жалб этишди. (Ингл.)

<sup>2</sup> Мен жанг қилганим йўқ, немис техникасига қарардим, холос. (Ингл.)

<sup>3</sup> Менинг розилигимни сўраб ўтирмай жалб этишди. (Ингл.)

<sup>4</sup> Муносабатлари ёмон эмасди. (Ингл.)

<sup>5</sup> Ҳа. (Ингл.)

<sup>6</sup> Уч ярим ой илгари. (Ингл.)

Америкалик иккиланиб қолди.

— Жавоб беринг!— деди полковник.

— Ай фанд ит хаад ту анса. Пропагандэ, ю си...<sup>1</sup>

— Демак, немислардан қўрқмагансиз, руслардан эса қўрққансиз. Ғалати мантиқ!— деди штаб бошлиғи. Америкалик индамади.

— Айтадиган яна бирор гапингиз борми?— дея сўради полковник.

— Ай мэ разе уэоо диспоузд ээ рашэнз. Хэв э лук! Ит даз нот прув маг, бат стил...<sup>2</sup>— шундай дея у кителининг ич чўнтагидан қандайдир бюллетень олиб, полковникка узатди.

Бюллетень қўлма-қўл ўта бошлади.

Ҳамма:

— Қизиқ!

— Ғалати-ку!

— Русча ёзилган экан!— дерди.

Ва яна шунга ўжшаш гаплар такрорланарди.

Ниҳоят, бюллетень Серов билан Горсковнинг ҳам қўлига етиб келди. Улар уни варақлаб кўра бошлашди.

#### ГАЛАБА УЧУН

*Рус-америка жамиятининг бюллетени*

№6. Сан-Франциско, Калифорния.

Баҳоси 5. 1-нчи йил чиқиши.

1942 йил, сентябрь ойи.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига

Салом!

АҚШ ва СССР халқлари орасидаги дўстлик борган санин кучайиб бормоқда.

Қаҳрамон Қизил Армия урушининг биринчи куниданоқ фашистлар қуролининг енгилмаслиги ҳақидаги афсонани йўққа чиқарди. Совет олимлари, педагоглари ва санъат арбобларининг ишлари фашистларнинг «шафқатсиз сталинча режим» ҳақидаги, «қизил, коммунистик хавф» тўғрисидаги уйдирма ва бўҳтонларини буткул чиппакка чиқарди, зеро Гитлер, ана шу хавфга қарши «салб юришини» бошляпман, дея дунёга жар солганди. Аслида эса тескариси бўлиб чиқди: дунё гитлерчилар сиёсатининг ваҳшиёна башарасини кўриб олди, фашист жаллодларининг жиноятидан қалби ларзага келди ва халқига чинакам қаҳрамонлик, юксак маданият, инсонпарварлик руҳини синг-

<sup>1</sup> Бу саволингизга жавоб беришим қийин. Кейин, биласизми, ташвиқот. (Ингл.)

<sup>2</sup> Менинг русларга муносабатим жуда яхши. Мана, кўринглар! Бу далилу исбот эмас, албатта, лекин, ҳар қалай... (Ингл.)

дириб билимдон қилиб тарбиялаган Совет мамлакати олдида бош эгди.

Бу қаҳрамонларнинг номи инсоният тарихидаги учта буюк мудофаанинг мислсиз шухрати билан боғлиқ: Людмила Павличенко — Севастополь мудофааси иштирокчиси, Николай Красавченко — Москва ва Владимир Пчелинцев Ленинград мудофааси қатнашчилари.

Улар, иттифоқчилар қачон амалий ишга ўтадилар, дея сўрашга ҳақлидирлар?..»

Ана шу биринчи саҳифанинг ўзида Николай Красавченко, Людмила Павличенко ва Владимир Пчелинцевларнинг тўла жанговор форма кийган ҳолда тушган суратлари босилганди.

Иккинчи саҳифада эса немислар томонидан қийноққа солинган совет болаларининг фотосуратлари ва иккита мақола босилганди:

**«СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЁРДАМ УЧУН 120 МИНГ ДОЛЛАР.** Андоқким, ёронлар, замон ёмон келмоқда. Рус оғизаларининг қадди ёйдек букилмоқда, кўзларидан маржон ёшлар тўкилмоқда: энди қайлиқларимизни ўйлашга ўйинмиз, бўйлашга бўйимиз, кўришга кўзимиз етмай турибди. Кун чиқардан, аё дўстлар, Киев забун, Чернигов эса жигархун: РУС ТУРБАТИ УЗРА ҒАМ-ҒУССА ТАРАЛМОҚДА, ҲАСРАТ РУС ТУПРОҒИДАН ТОШҚИН ДАРЁ БУЛИБ ЁЙИЛМОҚДА... (Игорь ҳақидаги кўшиқдан.)

Ҳа, Русь Қипчоқлар билан бўлган урушда даҳшатли пайтларни бошдан кечирганди. Аммо ҳозир рус халқи бошидан кечираётган даҳшатларга ҳеч нарсани қийслаб бўлмайди. Инсоният тарихида ҳозир Совет Халқи ўзининг қони, жасорати ва умуман, ҳаёти билан ёзаётган бундай офат, вайронгарчилик, азоб-уқубатлар ва қаҳрамонлик саҳифалари бўлмаган.

Юз минглаб бевалар ва етим-есирлар, юз минглаб бош-визасиз қолган одамлар. Қон ва кўз ёши... болалар чекаётган изтироблар, очлик, совет йигит-қизларини қийноққа солишлари, ўт қўйилган бугдойзорлар, вайрон қилинган ва таланган хўжаликлар... Она тупроғимизда ҳукм сураётган жаҳаннам тўғрисида ўйлашнинг ўзиданоқ одам даҳшатга тушади...

Ҳозир, ана шу мисралар ёзилаётган бир пайтда инсоният тарихида мисли кўрилмаган даҳшатли жанг кетяпти...

Биз эсак бу ерда, гарчи уруш ҳолатида бўлсак-да, лекин фронтдан узоқда, иссиққина уйларда, очлик нима-лигини билмай фароғатда тўкин-сочин яшаяпмиз... У ерда, Сталинград кўчаларида Қизил Армиянинг жангчилари ва халқ ўз гавдалари билан йўлини тўсиш учун даҳшатли танклар остига ташланаётганлари, бошқаларнинг ёрдами-сиз, ёлғиз ўзлари ҳаётларини қурбон қилиб, дунёни қут-қараётганлари тўғрисида ўйласак... бу ерда уларга кўрсатишга ҳаракат қилаётган ёрдамимизнинг нақадар арзимас эканлигини тушуниб қоламиз.

Биз йиғаётган маблағ камлик қилади. Биз ёрдамимиз-ни кўпайтиришимиз, қилаётган ишимизни ўн карра кучайтиришимиз зарур».

Сўнгра бундай ёзилганди:

«Ватанга ёрдам учун маблағ тўплашни кўпайтириш ниятида Р. А. О. 24 октябрь куни Иглс Холда катта кеча уюштиради. Кечадан тушадиган соф фойда УОР ЧЕСТ РОШИАН УОР РЕЛИФ УЧУН жамиятига топширилади. УОР ЧЕСТ БИР ЙИЛДА БИР МАРТАГИНА маблағ йи-гади. Лекин ана шу БИР МАРТА барча кучларни ишга солган ҳолда ЗАРБДОР бўлиши керак. Ана шу БИР МАРТА бизнинг яқдиллигимизни, Россияга бўлган муҳаб-батимизни кўрсатмоғи лозим. Совет Халқи олдидаги бур-чимизни бажарайлик».

Учинчи саҳифада Павличенко, Красавченко ва Пчелин-цевларнинг еудья Роберт Жексон ва миссис Элеонора Рузвельтлар билан бирга тушган фотосуратлари ҳамда ҳошиясига иштирокчи мамлакатларнинг байроғи тасвири туширилган ҳолда студент ёшларнинг Вашингтондаги ин-тернационал съезди тўғрисидаги хабар босилганди.

Ва яна:

**«КОМПОЗИТОР ШОСТАКОВИЧ**

Шостакович уч ой давомида Консерватория биносини қўриқлашда иштирок этган ҳолда қамалдаги Ленинградда яшади.

25 октябрь куни у 36 ёшга тўлди. Американинг бутун музика жамоатчилиги бу кунни муносиб нишонлади.

7-нчи симфониядан ташқари Шостакович Қизил Армия жангчилари учун марш ва қўшиқлар ёзди ва фронтларда шахсан концертлар берди».

Сўнгра ўт ўчирувчилар формасини кийган Шостакович-нинг сурати берилганди.

*Юрий Братов*

ОРДЕНЛИ УҚЧИ ҚИЗ ЛЮДМИЛА ПАВЛИЧЕНКО ҲАҚИДА  
ҚУШИҚ

Тун чўкди. Далани қучди сукунат,  
Мудҳиш жимликка ғарқ шаҳар ҳам ўзи.  
Қўлда қурол ушлаб борар шу фурсат  
Бизнинг мамлакатнинг ой юзли қизи.  
Шохларни оҳиста суриб бир четга  
Мерган кўзи билан боқар илгари.  
Ерга ётиб олар — учса ракета,  
Ракета сўнаркан — силжийди нари.  
Мана чегарага етиб келар у,  
Снаряд ёндирган бутазор... дўнглик...  
Ётар-да милтигин ҳўп тўғрилар у:  
Йироққа термилар синчков назар, тик.  
Қални ишком мудҳиш қора девордай,  
Қарагиси келмас одамнинг кўзини.  
Павличенко! Улим кутар ағёрдай,  
Эй, ёруғ Ватаннинг ой юзли қизи!  
Улимлардан қўрқмас Людмила аммо,  
Томирида ёнар қон эмас, қасос.  
Болалар азоби, дардлар учун то  
Қотиллар адабни бергай рўйирост.  
Совет тупроғига меҳри кўп улуг,  
Миллионларга толе берган тупроққа.  
Сталинидан олди доноликни у,  
Боболар ўғитин олди қулоққа.  
Қаҳрли милтиқни тўғрилайди қиз,  
Қасосли кўз билан мўлжалга олар.  
Людмила ўқидан ёв қолмас ҳаргиз,  
Мерган қиз отса ёв тил тортмай ўлар.  
У билар: босқинчи ўлганда фақат  
Зиён етказолмас; мана қиз не дер:  
— Фашистни от! — ёвни отар бешафқат,  
Уч юз тўққизинчи тишлар қора ер.  
Жаҳон шарафлайди, ўртоқ Людмила,  
Сен халқнинг гурури, чақноқ юлдузи.  
Умринг нурли бўлсин, кечсин қут ила,  
СССРнинг шонли ой юзли қизи.

С. Алмазовнинг «Ер ёнапти» очеркида қуйидагилар ёзилганди:

«Ана шунинг учун ҳам бутун дунёда:

Иккинчи фронтни очинглар!

деган даъват янграяпти.

Бостон ҳамда Вашингтон, Нью-Йорк ва Ливерпуль ҳимояси, Ковентри ва Батаан интиқоми, Ростов ва Можайск жанглари учун миннатдорчилик тариқасида — ана шуларнинг ҳаммаси учун иккинчи фронт керак».

Илья Эренбургнинг «Германия истаклари» мақоласи ва унинг ёнида қуйидаги сўзлар:

«Вашингтоннинг кўрсатмаси билан Совет Халқини шарафлаш тариқасида 7-нчи ноябрь куни, Октябрь революцияси байрами бутун Америка бўйлаб кенг нишонланади. Уша кунга атаб биз Бюллетенимизнинг махсус катта сонини чиқармоғимиз даркор. Яна олдимизда пул масаласи кўндаланг бўляпти. Бюллетени нашрга тайёрлаш учун 0— в бир цент ҳам сарфламайди, аммо уни босмахонада бостириш учун ПУЛ КЕРАК. Бу пуллар кўнгилли равишда ёзилиш ва иона тўплаш йўли билан йиғилади. Биз ўқувчиларимизга МИНГТА сонни тарқатамиз, аммо шу кунга қадар бор-йўғи юзтача одам бизга пул юборди. Қолганлари Бюллетенимизни текинга ўқишяпти. Бундай қилиш яхши эмас, граждандар. Агар сиз Бюллетени олаётган бўлсангизу, лекин олишни истамасангиз — бу ҳақда идорага хабар қилинглр, аммо олаётган бўлсангиз ва бундан кейин ҳам олишни истасангиз, унда, марҳамат, Бюллетенимизнинг БАДАЛИНИ ЮБОРИНГ: ҳаммаси бўлиб БИР ИИЛГА БИР ДОЛЛАР, холос. Идорамизнинг адреси: 68 Пост ст. 126 хона. Ушбу илтимосини дарҳол бажарган одамлардан редколлегия гоятда миннатдор бўлади».

### «ОЛЬГА ЛАСТОЧКИНА СОҒАЙИБ КЕТДИ

Ҳормас-толмас ишчи қиз Ольга Ласточкинага салом. Унинг тезда соғайиб кетганини қувонч билан хабар қиламиз. Ҳозир у госпиталдан сўнг қишлоқда дам оляпти, Ватанга ёрдам учун бундан кейин ҳам тинмай ишлаш ниятида янги куч тўплаяпти».

### «РУС МЕҲМОНДОРЧИЛИГИ КҮНЛАРИ

Жамият ишларининг каттагина қисмини Аёллар Комитети ўз зиммасига олган. Бизнинг аёлларимиз армия ва флот мансабдорларини русчасига меҳмон қилиш кунларида катта хизмат кўрсатмоқдалар. О' Фарелдаги ЮСО биносида ҳар ойнинг 26-нчи куни расмий равишда рус куни деб эълон қилинган. Ана шу рус кунларига минглаб ҳарбийлар келишади. Уларнинг ҳаммасини меҳмон қилиш керак бўлади. Меҳмондорчилик учун масаллиқ иона берувчилардан тўпланади. Жумладан, Аёллар Комитетининг ўзлари ҳам бу ишга катта улуш қўшаптилар. Лекин ушбу кунларда колониямизнинг, умуман, барча аёллари қатнашмоқлари лозим. Ҳар бир рус аёли ўз календаридида 26-нчи кунни белгилаб қўймоғи ва мазкур кунни жамоат ишлари ва иона тўплашга бағишламоғи лозим. Бу иш барча рус аёллари учун «кўнгилли мажбуриятга» айланмоғи керак. ЮСО га ёрдам бериш учун Аёллар Комитетининг раисаси М. Каргинанинг олдига бориб ёзилинглар».

### «СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЕРДАМ УЧУН

Яҳудийларнинг Совет Иттифоқига Ёрдам Жамияти 18 Октябрь куни 1839 Гэри стр. (фильмор ёнида) Тэмпл Бат Израиль биносида катта бозор ташкил этади. Бозорда машҳур ҳунарманд рассом Рубинов томонидан тўқилган бежамали гиламнусха адёл кимошди савдосига қўйилади. Ушбу адёл ҳафта давомида Сити оф Париснинг нафис санъат бўлимида намойиш қилинганди. Яҳудийларнинг Совет Иттифоқига Ёрдам Жамияти ўтган галдаги концерт-балга ташриф буюрган барча дўстларга чин юракдан миннатдорчилик билдиради ва барчани қувноқ ўйин-кулги билан ўтадиган ушбу Бозорга таклиф этади. Бозор пешин соат бирда бошланиб, ярим кечагача давом этади. Бутун соф фойда Рошиан Уор Релиф орқали медицина асбоблари ва амбуланс харид қилиш учун сарфланади. Бунга муҳтожлик жуда катта. Илтмос, Бозоримизга ташриф буюринглар ва таниш-билишларингизни бошлаб келинглар.

Яҳудийларнинг Сов. Иттифоқига Ёрдам Жамияти».

— Қизиқ,— деди капитан Серов.— Сиз нима дейсиз, Алексей Михайлович?

— Фақат, афсуски, улар ҳозиргача иккинчи фронтни очишга шошилишмаяпти,— деди Алёша.

— Кўриб турибсизки, жаноб майор, Американгизда бошқа одамлар ҳам бор экан! Бунга нима дейсиз?— дея сўради полковник.

Майор индамай тураверди.

— Немислар буни сиздан олиб қўйишмадими?— сўради Жаров бюллетенга ишора қилиб.

Майор индамади.

— Қани, гапиринг!— деди қатъий оҳангда яна полковник Жаров.

Майор яна индамай тураверди.

— Қандай илтимосингиз бор, жаноб майор? Бу ерда сизга қандай муомала қилишди?— дея қизиқди штаб бошлиғи.

Майор яна индамади.

— Яхши,— деди полковник.— Ҳозирча Москвага учиб борасиз. Ҳаммангиз озодсизлар!

Ҳамма қандайдир мияси говлаган ҳолда тарқалди.

— Унинг ўзи— корафта одамми ёки аҳмоқми?

— Ҳа, чинданам фаройиб саёҳат!

— Ватанига қайтиб борсин — таъзирини беришади роса...

— Бериб бўлишибди! Мемуарлар ёзади ҳали. Бизнес!

— Афсус, у бизнинг ихтиёримизда эмас-да, Алексей Михайлович,— дея иқроқ бўлди Серов.— Узим ёвуз одам эмасману, лекин бунақасини штрафбатга жўнатиш у ёқда турсин, отишга ҳам ҳукм қилиб юборган бўлардим.

## XXV

Айни ёз пайти эди. Лекин қуёш ҳали ўт-ўланнинг жингинагини чиқаришга улгурмаганди. Урмон ва далалар, сойлик ва урушдан олдинги пайтлардан сақланиб қолган ихота дарахтлари яшил либосга бурканиб турарди. Деҳқонлар далага анча кечикиб чиқишганди. Улар омовча сигирларни қўшиб ер ҳайдашар, кичкина саватчаларга соллинган уруғлик донни қўллари билан сочишарди.

Бизнинг қўшинларимиз Днепр сари ҳужум қилиб бормоқда эдилар.

Серов Горсковга Сталин имзо чеккан бир қўлланмани кўрсатди. Қўлланмада шундай дейилганди: «Жанговор операциялар давомида Қизил Армия қўшинларига кўпгина дарёларни кечиб ўтишга тўғри келяпти ва тўғри келади. Дарёларни, айниқса, Десна ва Днепр каби йирик дарёларни тез ва дадил кечиб ўтиш қўшинларимизнинг бундан кейинги муваффақиятлари учун катта аҳамиятга эга бўлади».

Бу воқеа сентябрнинг бошларида содир бўлди.

Жануби-Ғарбий, Чўл, Воронеж ҳамда Марказий фронтлар ҳужум қилиб боришмоқда эди.

Уларнинг 14-нчи гвардиячилар дивизияси Днепр соҳилига Гуляй-Поле районида етиб келди. Унг қирғоққа ўрнашиб олишди. Олдинда Запорожье, Никополь, Кривой Рог.

Горсков бир куни Серовга шундай деди:

— Уртоқ капитан, мана, сиз жиноятнинг олдини олиш ҳақида гапирган эдингиз. Мен барча архивларни ўрганиб чиқдим. Жанг бўлмаган осойишта пайтларда батальон ва полкларни айланиб, суҳбат ўтказсам нима дейсиз? Қисмларда янги сафарбар қилинган одамлар кўп. Балким, фойдали бўлар?

— Жуда яхши ўйлабсиз, Алексей Михайлович! Мен сиёсий бўлим билан келишиб қўяман, кейин сиз бошлайверасиз. Дарвоқе, агар сизга қулайроқ бўлса, мени Виктор Степанович деб чақираверишингиз мумкин. Келинг, расмиятчи бўлмайлик.

— Раҳмат, Виктор Степанович!

Кўрилаётган ишлар жуда оддий эди. Терговни прокурорлар ёки Смерш<sup>1</sup> олиб борарди. Прокурор бир вақтнинг ўзига Смершнинг ишларини ҳам тасдиқлаб турарди. Кейин тергов тугагач, иш трибуналга ошириларди.

Лекин бари бир анча овора бўлишга тўғри келмоқда эди.

Икки солдат эвакуация қилинганларнинг чамадонларини ўғирлашибди. Хўжалик взводидаги иккита темирчи ичволишиб, қандайдир маҳаллий украинга ўзларининг темирчилик асбоб-анжомларини сотиб юборишибди. Солдат Филонов немис варақаларини йиғиб юрар экан. Кейинчалик дивизияга ҳатто «Филоновгача бомбардимон, Филоновдан шубҳа-гумон» дея шеър ҳам тўқишганди.

Энг хунук ҳодиса Гуляй-Поледа содир бўлди.

Гуляй-Полени деярли жангсиз эгаллашди. Шаҳарча четидаги пичан ғарамида бир солдатнинг яшириниб ётганини ҳеч ким сезмади. У янги сафарбар қилинганлардан экан. Маълум бўлишича, у фронт чизигини кесиб ўтиб, озуқа ғамлаб олибди-да, пичан ғарамига яшириниб, бу ёғига ким кимни енгаркин, дея кута бошлабди. Шу зайлда у шаҳарчани ўзимизникилар эгаллашганини ҳам сезмай, бир ҳафтадан кўпроқ ўтирибди. Ёки, балким, немисларнинг қайтиб келишини кутгандир.

Трибуналда у сувга тушган мушукдай шалвираб турди.

— Озуқани қаердан олдингиз?

— Запас қилиб қўювдим.

---

<sup>1</sup> Смерть шпионам — жосусларга ўлим дея номланган алоҳида бўлим.

- Сувни-чи?
- Кечаси қудуқдан олдим.
- Янги пиширилган товуқ қаёқдан пайдо бўлди?
- Қўшни уйдан олдим.
- Уй эгаларини кўрганмидингиз?
- Мен уларни кўрқитдим.
- Одамларни тез-тез шунақа кўрқитиб турармидингиз?
- Шу ҳафта ичида беш мартача кўрқитдим.

Солдатни трибуналдан олиб чиқиб, саф тортиб турган дивизия олдига қўйишди...

— Ватан хонига қараб,— дея команда берди Смерш соқчилар взводининг командири...

Аммо у жумласини охиригача етказа олмади— сафда турганлардан бири хонига қараб ўқ узиб қолди.

Кейин ўша йигит ўзини ўзи оқлаб деди:

— Ортиқча ўқ сарфлашга арзимасди ўша газанда.

Кейин хўжалик взводида ўзини ўзи отиб ногирон қилиш ҳоли содир бўлди. Кексароқ старший сержант экан. Кўри-нишидан анча ишчан, ораста одамга ўхшарди. Лекин нега ундай қилдийкин? Жанг қилиш жонига тегдимикин?

Ўзини ўзи ногирон қилган одам олий жазога — отиб ташлашга ҳукм қилинади.

Старший сержантга чиқарилган ҳукмни ижро этишдан олдин соқчилар взводининг командири деди:

— Унинг этигини ечиб олинглар. Яхши этик экан.

Аммо ҳеч ким жойидан жилмади.

— Бунақа аблахнинг этигини ечишга ҳам ҳазар қилади одам.

Трибунал ихтиёрида биттагина машина, усти ёпиқ бир ярим тоннали «ГАЗ-АА» бор эди. Хужжатларни ана шунда олиб юришарди.

Машинани шофёр Володя ҳайдарди.

Бир неча кундан сўнг улар шофёр Володя билан биринчи сафарга — қўшни полкка жўнашди. У ерда уч батальонда суҳбат ўтказишди. Суҳбатни янги олинган аскарларгина эмас, ҳамма яхши тинглади.

Бир ҳафта ичида яна уч марта шундай сафарга чиқишди.

Серов уни мақтади.

Агар кундалик югур-югурлар бўлмаганида, у, эҳтимол, ҳозирнинг ўзидаёқ расм чизишга ўтирган бўларди. Ҳали ҳаммаси хотирасида турган пайтда чизиш керак эди. Картина «Хоин» деб аталади. Биринчи планда пичан ғарами ва хоиннинг башараси. Унда кўрқув ва кутиш ифодаланади.

Орқа планда эса бизнинг жангчиларимиз ҳужум қилиб келишмоқда. Уларнинг юзлари деярли кўринмайди, фақат бошнинг шакли холос, аммо гавдаларидан шиддат билан ҳужумга отилиб келаётганлари яққол сезилиб туради.

Эки бундай. Ҳеч қандай жангчилар бўлмайди. Бўм-бўш дала, ўрилган бугдой гарамлари. Осмонда қуёш чарақлаб турибди. Йирик планда хоин. У гарамга яширинган эмас, балки ерга қалишиб олган. Кўзлари аланг-жаланг. Пешонасини тер қоплаган.

Чизиш! Чизиш керак! Чизиш!

Бутун диққат руҳий ҳолатга қаратилиши лозим.

Фигурани пейзаж билан боғлаш керак.

Асосийси хоиннинг ички дунёсининг қашшоқлигини бўрттириб кўрсата билиш.

Композиция эса статуар ва ёпиқ бўлиши даркор.

Унинг ўлжа олинган бўёқлари бор эди: кобальт, ультрамарин, хром оксиди, очранг охра, сариқ кадмий, стронцийлик сариқ бўёқ, зарғалдоқ тусли кадмий, қизил кадмий, инглиз қизил бўёғи, умбра, қўрғошин белила.

Бутун бир бойлик!

Алёша хомаки суратлар, хомаки этюдлар чизиб кўрганди. У хоинни сўроқ қилинаётган пайтида натурадан ҳам чизиб олганди. Протоколни кейин ёзиб, машинкада кўчиришга тўғри келди. Кечикишига хиёл қолди. Яхшиямки, Виктор Степанович сезмади буни.

Мана ҳозир ҳам Горсков навбатдаги хомаки суратни — хоинни отиб ташлаш картинасини чизмоқда эди.

Унинг ёнига Серов келди-да, қизиқиб сўради:

— Мумкинми?

— Марҳамат, Виктор Степанович.

Капитан қалам билан чизилган хомаки суратни қўлига олди-да, унга узоқ тикилиб турди.

— Бу хоинни отиб ташлаш картинаси,— дея тушунтирди Алёша.

— Тушуяпман. Менга ёқяпти чизган суратингиз. Лекин бир қарап, отиб ташланаётган одамнинг фигураси аччайин мағрур кўринмаяптимикин. Менимча, у руҳи сўнган бўлиб кўриниши лозим...

— Ҳа, тўғри айтдингиз,— дея унинг фикрига қўшилди Алёша.

Энди у бутунлай бошқача яшаётгандек эди. Ҳаммаси — протокол ёзишлар, уларни тўрт нусхада кўчириб босиш, қисмларда суҳбатлар ўтказиш ўз йўриғи билан бажарилаётган эди-ю, лекин ҳозир унинг ҳаётида энг муҳим нарса қалам бўлиб қолганди. У энди бугдойи ўрилган

далалар, вайрон бўлган ва омон қолган қишлоқ ва шаҳарчалар, форма кийган ва оддий гражданча кийинган одамларни қандайдир ботин кўзи билан аниқ-таниқ кўрардики, илгарилари у буларга эътибор бермасди.

Хатто сокин тунлар ҳам унинг уйқусини келтирмас, аксинча, мушоҳада қилишга мойиллик тугдирарди ва бу ўй-хаёллар орасида «Хоин» картинаси ҳақидаги режалар биринчи ўринни эгаллаб турарди.

## XXVI

Гарчи, бир-бирларидан унча узоқ жойда бўлишмасанда, Катя билан улар тез-тез хат ёзишиб туришарди.

Сўнгги хатида Катяга у шундай деб ёзди: «Мени трибунал секретари ловозимига тайинлашди. Лейтенант унвонини беришди. Кейин аттестат ҳам ажратишди. Кимгаям юборардим уни? Юрьевецга, ойинг билан қизингга юборсам дейман. Розимисан?».

УК — барча моддалар ва жазо чоралари мажмуаси ҳамда УПК — жиноий процессуал кодексини синчиклаб ўргана бошлади. «Ҳарбий жиноятлар» алоҳида бўлим экан. Маълум бўлишича, Серов ҳам, Истомин ҳам, Вязов ҳам олий юридик маълумотга эга эканлар. Шунинг учун ҳам ҳаракат қилишга тўғри келарди!

Буларнинг бари собиқ тикувчи, соч-соқоли ўсиб кетган, исқирт одам Хаим Ткачнинг ишини кўришаётганида қўл келди. Маълум бўлишича, у уч марта жанг майдонидан қочган экан. Дастлабки икки мартасида уни кечиршибди. Учинчиси эса — трибуналга бошлаб келибди.

Ткач тирик хоиннинг бутунлай тескариси бўлиб, Горсков ўйлаб қўйган образга сира ўхшамасди. У қандайдир ниҳоятда аянчли кўринарди.

— Менинг омадим йўқ, — дерди нуқул Ткач трибунал мажлисида.

— Немислардан қочганингизда ҳам бир нави эди, сиз бўлсангиз, ўзлари асир тушгани келаётган итальянлардан қочиб юрибсиз. Уша итальянлар кейин асир тушишгач, хурсанд бўлганларидан ашула ҳам айтишди, — деди қовғини солиб Виктор Степанович.

— Омадим йўқ, деб айтяпман-ку, ахир, — дея такрорларди Хаим Ткач. — Мана, ўртоқ лейтенантнинг лекцияларини ҳам эшитганман, ҳаммасини тушунганман, лекин бари бир яна омадим чопмади... Алёша уни эслади. Учинчи батальонда суҳбат ўтказганида Ткач чиндан ҳам бўлган ва ҳатто саволлар берганди.

Итальянлар эса, тўғри, ўзлари асирга тушишди. Осмондан уларга немис мессерлари ўқ ёғдиришди, ерда эса уларни немис пулемётчилари ва поляклар ўққа тутишди.

Кейин ўша поляклардан бирини тутиб олиб, нега итальянларни ўққа тутдинг, деб сўрашганида, у нуқул:

— Вшисто едно! Вшисто едно!— дея мингиллади.

Ткачин нима қилишса экан?

Шу пайт қирқ иккинчи йили унинг «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланганини эслашди.

— Медални нима учун олган эдингиз, Ткач?— дея сўради Истомин.

Ткач тараддудга тушиб қолди.

— Хўш, нимага олгандингиз?

— Рота командирига френч тикиб бергандим.

— Ҳозир ўша медаль қаерда?

— Ҳибс этишаётганларида олиб қўйишди.

— Тўғри қилишибди,— деди Серов.— Энди янгисини олишингиз учун хизмат кўрсатишингиз керак бўлади. Штрафбатга жўнайсиз.

Ткачин штрафбатга жўнатишди, аммо Виктор Степанович анчага довур безовта бўлиб, ташвишланиб юрди.

— Уша Хаимга кўнглим ачияпти-да, — дея иқрор бўларди у.

Бир ҳафтадан сўнг, улар Ткачининг яхши жанг қилгани, ярадор бўлгани, ҳозир эса медсанбатда ётганини эшитишди.

— Кетдик, Алексей Михайлович, — деди Серов.— Йўл-йўлакай унинг медалини ҳам олиб кетамиз.

Улар Володя билан йўлга чиқишди. Медсанбат ўн икки километрча нарида жойлашганди.

Ткачин қийналмай топишди.

Соч-соқоли ҳафсала билан олинган Ткач димоғи чоғ бўлиб каравотда ётган эди.

— Хўш, қаҳрамон, қалай ишлар?— қизиқиб сўради Серов.

— Бу гал кўрқоқлик қилмадим. Учта фрицни ер тишлатдим, кейин битта броневикни ёндириб юбордим.

— Мана, медалингиз! Қайтиб олинг уни!— деди Серов.

— Вой, катта раҳмат сизга!— дея типирчилаб қолди Ткач.— Мен сизларга, ўртоқ капитан ва ўртоқ лейтенант, кителлар тикиб беришим мумкин... Лекин фақат...

— Соғайиб кетинг ва бундан кейин итальянлардан қочиб юрманг!— дея ҳазиллашди Серов.

Ҳар қалай, бизнинг ишда ҳам одамларни хурсанд қи-

лиш яхши бўлар экан,— иқрор бўлди капитан улар медсанбат палаткасидан ташқари чиқишгач.

Трибуналда анча иш йиғилиб қолганди.

Медсанбатдаги бир лейтенант майорга ўқ узибди. Унга ярадорларни олиб кетиш учун машина керак экан.

Машинистка аёл бир старший лейтенант билан яшар экан. Кейин у бошқасига илакишиб кетибди. Лейтенант уни отиб ташлабди.

Сибирлик йигит қишлоқда бир аёлга айланишибди ва ундан-касал юқтириб олибди. Буни билгач, қишлоққа қайтиб бориб ўша аёлни отиб ташлабди. Кейин командирининг олдига бориб, ўзи айбига иқрор бўлибди. «Мен у мочагарни шунчаки дўппосламоқчи эдим, у бўлса; «Юқтирдингни, энди чангаллаб юравер», деди. Шундан кейин чидаб туролмадим»,— дебди.

Ҳа, иш бошдан ошиб кетганди

Сўнгги иш бўйича узоқ тергов олиб боришди. Дезертирликни берухсат кетиб қолиш билан алмаштиришди, лекин қотилликдан кўз юмиб бўлмасди. Уни мажбурий даволаш ва етти йил қамоққа ҳукм қилишди.

Аммо дивизия командири полковник Жаров бу ҳукмга қарши чиқди:

— Тасдиқламайман бу ҳукмингизни! Нима десанглар деяверинглару, лекин бари бир тасдиқламайман! Йигит тўғри қилган! Унинг ўрнида ўзим бўлганимда ҳам...

Ишни қайта кўришга, анча бош қотиришга тўғри келди.

Сўнгра йигитни мажбуран даволашга, кейин штрафбатга жўнатишга қарор қилишди.

Жаров дарров тасдиқлаб қўя қолди:

— Мана бу бошқа гап!

Бу орада эса яна бир фавқулодда ҳодиса содир бўлди.

Хўжалик взводидаги ўн тўққиз ёшли бир қизил аскар фаройиб қилиқ кўрсатди. У деярли икки йилдан буён фронтда экан. Яраланибди ҳам. Олдинги маррага овқат солинган термослар, патронларни индамай ташиб юраркан.

Бир куни унга:

— Олдинги маррага бориб жанг қилсан!— дея буюриб қолишибди.

Қизил аскар бўлса:

— Боролмайман! Одам ўлдириш қўлимдан келмайди! Мен худога ишонаман,— дея оёғини тираб туриб олибди. Унақасигаям кўндирмоқчи бўлиб кўришибди, бунақасигаям, аммо йигит:

— Имоним йўл қўймайди!— дея гапида қаттиқ тура-  
верибди.

Иш трибуналга етиб боргач, унга «Диний эътиқод ба-  
ҳонасида қўлга қурол олишдан бўйин товлаш» моддасини  
ўқиб беришибди.

Йигит бўлса нуқул:

— Боролмайман!— дея такрорлармиш.

Уни саф олдида очиқ суд қилишди.

Сўнгра отиб ташлаш тўғрисида ҳукм чиқаришди.

Дивизия командири яна ҳукмни тасдиқламади.

— Отиб ташлаш тўғрисидаги ҳукмни тасдиқламайман.  
Истаган жазога ҳукм қилинглар, лекин отиб ташлашга  
эмас.

Яна анча бош қотиришди-да, йигитни штрафбатга  
жўнатишди.

Жаров бу ҳукмни тасдиқлади.

Жангда қизил аскар яхши иш кўрсатди, ҳатто ярала-  
ниб, учинчи даражали «Шухрат» орденига сазовор бўлди.

Октябрнинг бошларида далалар, нимжонроқ дов-  
дарахт батамом сарғайиб бўлди, ёмғир ёға бошлади.

Қунлар анча қисқариб қолди.

Трибуналдагилар шам ва жинчироқлар ёқиб ишлаш-  
моқда эди. Кўчма электростанция йўқ эди. Бирдан Катя  
келиб қолди.

— Мен бирровгинага келдим... Жуда соғиниб кетдим  
сени.

Бир-икки соат гаплашиб ўтиришгач, Катя кетишга  
шошила бошлади.

— Анови ишларинг қалай?— Алёша «анови» сўзини  
алоҳида таъкидлаб айтган эди, Катя дарҳол тушунди.

— Бўлиб қолди, шекилли...

— Ҳечқиси йўқ! Ишларнинг қандай кетаётганини кўр-  
япсан-ку, ахир. Уруш тез орада тамом бўлади. Фақат  
Днепрдан ўтиб олайлик... Кейин сени Ленинградга олиб  
бораман. Тўғри, уйимдагиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлиш-  
ган, уй ҳам бомба тагида қолган...

Барча Днепрни кечиб ўтишни зориқиб кутмоқда эди.

Хайрлаша туриб Алёша Катянинг қўлига аттестатини  
тутқазди:

— Ойингга юбор!

## XXVII

Куз батамом ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Табиатнинг  
бўёқлари, гўё суркалиб кетгандек, ранги анча ўчиб қол-

ганди. Дам-бадам ёмғир ёғарди. Йўлларнинг балчиғи чиқиб кетди, шу боисдан қўшинлар колоннаси йўл бўйлаб тўғри далалардан юриб борарди. Бироқ бу йўллар ҳам узоққа чидамас, шунинг учун уларнинг ёнидан янги йўл солишга тўғри келарди.

Гуляй-Поле районидан уларни шимол томонга ўтказишди. Энди Катянинг медсанбати шундоқ ёнгиналарида бўлиб, улар кунора кўришиб туришарди. Днепрнинг нариги соҳили Рось дарёсига қадар йирик партизан ўлкасига айланганди. Нариги соҳилдан медсанбатга ярадор партизанлар борган сайин кўпроқ кела бошлади. У ерда оғир жанглар бўлмоқда эди.

Армия сафи янги жангчилар ва техника билан тўлдирилди. Янги келган техника орасида «Матильда» ҳамда «Валентайн» дея номланган инглиз танклари ҳам бор эди. Бу танклар, гарчи шовқинсиз бўлса-да, секин юрар ва кўпол эди. Уларнинг башняси, гўё нишонга олиш осонроқ бўлсин дегандек, беўхшов ва катта қилиб ишланган эди.

Қизил аскарлар:

— Мана сизга иккинчи фронт! Бунақада ишимиз жуда юришиб кетади!— дея ҳазиллашишарди.

Октябрнинг йигирманчиларида аввал душман позицияси қаттиқ тўпга тutilгач, Черкасдан Каневга қадар Днепрни кечиб ўтиш бошланди. Аммо Горсков буни кўрмай қолди. Уларнинг трибунали иккинчи эшелонда бўлиб, улар Днепр соҳилига дарё сатҳида ўнлаб понтон кўприклар қуриб бўлинганда етиб келишди. Жанг нариги соҳилдан анча нарига силжиб кетганди.

Бу ерда эса янги ишни кўриб чиқишга тўғри келиб қолди.

Младший лейтенант оддий жангчини ўласи қилиб калтаклабди. Гувоҳлар бор экан.

Узоқ текширишди. Жабрланувчи чурқ этмасди. Младший лейтенант эса нуқул:

— Қилмишига яраша!— дея такрорларди.

Ниҳоят, сабабни топишди: ўртада аёл киши бор экан. Алоқачи жувон. Младший лейтенант у билан бир ойдан кўпроқ яшабди, кейин уни оддий жангчи билан ушлаб олибди.

Алоқачи жувонни чақиртиришга тўғри келди.

— Мен севаман,— дея иқрор бўлди жувон.

— Қайси бирини?— сўради қовоғини солиб Серов.— Еки барабарига икковиними?

— Икковини.

Апа холос!

Младший лейтенантнинг уввонини бекор қилиб, бошқа қисмга ўтказиб юборишди.

Сўнг яна йўлга тушишди.

Бир кунда йигирма километрдан мўлроқ йўл юришди ва қандайдир ўрмонда тўхташди. Олдиндаги пастликда черкови вайронага айланган бир қишлоқ жойлашганди.

Улар шу дарахтзорда тунайдиغان бўлишди. Серов, Истомин ва Вязов қийшайиб ўсган эман тагида тиклашган палаткада ухлагани ётишди, Алёша, уч нафар соқчи қизил аскар ва Володялар машина кузовига чиқиб олишди. Соқчи қўйишмади, зеро олд томонда ўзимизликлар жойлашган-ку, дея ўйлашган эди.

Немислар дарахтзорни кутилмаганда кечаси соат учда ўққа тутиб қолдилар. Аввалига олти офизли миномётлар мина ёғдирди. Кўринишидан, немислар пастликдаги қишлоқдан ўқ узишмоқда эди. Биринчи минаёқ машинанинг капотига келиб тегди. У гуриллаб ёна бошлади. Қизил аскарлардан бири мина парчаси тегиб яраланди.

Сув йўқ эди.

Горсков делолар солинган папкаларни апил-тапил ташқарига олиб чиқа бошлади. Володя ярадорнинг жароҳатини боғлашга тутинди.

— Келишяпти,— дея қичқирди Серов дарахтзорнинг четидан.— Айланасига мудофаага ўтамиз.

Тун қоронғисида улар немис бронетранспортёри ва унинг ортидан келаётган олтига кажавали мотоциклни кўришди. Мотоциклларнинг ҳар бирида иккитадан фриц бор эди.

Капитан Горсковга қаради:

— Алексей Михайлович, эплейсизми? Ёки ёрдам берайликми?

— Эплайман!

Унинг ҳаммаёғини қурум босганди, камар тақмагани учун гимнастёркаси йиртилиб кетганди. Папкалар анчагина — икки юздан кўпроқ бўлиб, машина эса энди расманасига ёна бошлаганди.

Бу орада бронетранспортёр ён томонга бурилиб, орасира ўқ узганича, дарахтзорни четлаб ўта бошлади. Мотоциклчилар эса машиналарини нарироқда қолдиришганича ўрмалаб келмоқда эдилар.

— Уртоқ капитан! Менимча, яқинроқ келгунларича қўйиб берганимиз маъқул!— деди Истомин.

— Албатта, шундай қиламиз!

Серов, Истомин, Володя ва қизил аскарлар, жумладан, анови ярадор жангчи ҳам қаторасига ўт очишганида Горс-

ков сўнгги папка дасталарини олиб чиқаётганди. Яхшиямки, уларнинг бари ўлжа автоматлар билан қуролланиб олишганди.

Бронетранспортёр орқасига бурилди-да, икки марта ўқ узиб, дарахтзор четидан юрганича келган йўлига қайтиб кетди.

Алёша мадори қуриб, бир лаҳза тагига папкаларни тахлаб қўйган дарахтга сўяниб турди, лекин шу заҳоти ҳушини йиғиб, автоматини қўлига олди.

У ерга ётиб, душман томон ўқ узди ва шундан кейингина фрицлардан бири бошқалардан сал чапроқда қолиб кетганини кўрди.

«Уни тириклайини қўлга туширишга уриниб кўрсамчи?»— дея хаёлидан кечирди у.

Алёша хиёл чапроққа югуриб ўтди-да, тепаликдан пастга юмалаб тушди ва немиснинг орқасидан ҳамла қилди. Немис аввалга автоматини қўлидан қўймай типирчилаб турди-ю, кейин бирдан шилқ этиб бўшашиб қолди. Горсков тиззасининг кўзи билан унинг човига тепиб, ўрмонга сургаб кетди.

Қолган немислар ҳамон ўқ узиб туришарди.

Ниҳоят, Вязов кетма-кет иккита граната улоқтирган эди, омон қолган учта немис орқасига қараб, мотоцикллар томон сурғалиб кетди. Бронетранспортёр негадир қишлоқ четига бориб кўздан ғойиб бўлди. Фрицлар иккита мотоциклга минишди-да, физиллаганича орқаларига қочиб қолишди. Эгасиз қолган тўртта мотоцикл пастликда патиллаб турарди.

— Уртоқ капитан, мумкинми?— Володя Серовга илтижо билан тикилди.

— Нима мумкинми?— унинг гапини тушунмай сўради капитан.

— Мен анови мотоциклларни бирпасда ру ёққа ҳайдаб келаман!— деди Володя.

Офицерлар бир-бирларига қараб олишди.

— Нимаям дердим, ёмон бўлмасди,— деди Серов.— Бўлмасам транспортсиз қолдик, шекилли.

Володя умбалоқ ошиб пастга юмалаб тушди-да, биринчи мотоцикл томон ўрмалаб кетди.

Бир минут ўтар-ўтмас у шартта биринчи мотоциклни миниб, ўрмон томон ҳайдаб қолди. У бир амаллаб мотоциклни тепага ҳайдаб чиқди ва ишидан мамнун ҳолда моторни ўчирди.

Сўнг яна пастга қараб ўмбалоқ ошди.

Ун беш минутдан сўнг тўртта мотоциклнинг ҳаммаси дарахтзор ичида қатор бўлиб турарди.

— Қани, ким ҳайдашни билади?— сўради хурсанд бўлиб Володя.

Маълум бўлишича унинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмас экан.

— Ҳаммангизга бирпасда ўргатиб қўяман,— дея ваъла қилди Володя.— Шундай транспортимиз бўла туриб, пиёда юришни ким қўйибди бизга. Серов немисни сўроқ қила бошлади. У немис тилини яхши биларди.

— Ир труппентель<sup>1</sup>

— Дригтэс батайон, дриттэс панцеррегимент дер зехцентен панцердивизьон. Панцергренадир Ханс Шредер, хэрр официр<sup>2</sup>,— дея тўнғиллади немис.

— Вэльхес кор бециунгсвайзе армее<sup>3</sup>

— Цвайте панцерармее. Ди хат хир абер лэнгст цурюктецогэн. Вир зинд блос ахтцеен фом ганцен батайон ам лебен геблибен.<sup>4</sup>

— Вас фюрте зи хирхеер, ин дизэс дорф<sup>5</sup>

— Вир зинд фон ден унзриген цурюктеблибен, хэрр официр<sup>6</sup>.

— Кайне руссише зольдатен?<sup>7</sup>

— Кайне, хэрр официр. Блос паар цивилистен...<sup>8</sup>

— Қизиқ,— деди Серов.

Тонг отиб бўлганди.

Улар наридан-бери нонушта қилиб олишди, ҳатто немисни ҳам қуруқ қўйишмади.

Эрталаб соат тўққизда Вязов билан Володя разведкага жўнашди.

— Қишлоқда аҳтиёт бўлинглар,— деди уларни йўлга кузатар экан Виктор Степанович.— Лекин штабни албатта қидириб топинглар:

Володя мотоциклнинг моторини ўт олдирди.

Кечга яқин Горсков биринчи бўлиб қишлоқдан улар томон тўғри даладан юрганича усти очиқ автомобиль келаётганини кўриб қолди. Машинани хурсандлигидан оғзи қу-

<sup>1</sup> Қайси қисмдансиз? (Нем.)

<sup>2</sup> Ун олтинчи танк дивизиясининг учинчи танк полкидаги учинчи батальоннинг оддий аскари Ганс Шредер, жаноби офицер. (Нем.)

<sup>3</sup> Дивизиянинг корпусга қарашлимиди ёки армиягами? (Нем.)

<sup>4</sup> Иккинчи танк армиясига. Лекин у аллақачон чекиниб бўлган. Биз ўн саккиз киши батальондан қолиб кетдик. (Нем.)

<sup>5</sup> Бу қишлоққа қандай келиб қолдинглар? (Нем.)

<sup>6</sup> Ўзимизникилардан орқада қолиб кетдик, жаноби офицер. (Нем.)

<sup>7</sup> Биронта ҳам рус солдатига дуч келмадингларми? (Нем.)

<sup>8</sup> Биронтасига ҳам, жаноб офицер. Граждан аҳолисидан бир неча одамни кўрдик, холос... (Нем.)

лоғида Володя ҳайдаб келарди, унинг ёнида худди шундай мамнун Вязов ўтирганди.

Машина дарахтзор ёнига етиб келди-ю, аммо тепаликка чиқа олмади.

Володя билан Вязов машинадан тушишди.

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ капитан,— биринчи бўлиб ахборот берди Володя.— Алмашиб олдик! Фрицларнинг мотоцикллари манови соявон аравага алмашдик. Ўттиз тўққизинчи йилда чиқарилган ҳақиқий «мерседес-бенц!»

— Кимдан алмаштириб олдинглар? Ишқилиб фрицларнинг ўзидан эмасми?— ҳазиллашиб сўради Серов.

— Шундайроқ,— деди Володя.— Хўп ғалати иш бўлди-да, ўзи ҳам!

Маълум бўлишича, дивизия штаби қишлоқдан ўтибди-ю, лекин тўхтамабди. Ҳозир у Қанев ёнида эмиш. У ерда эса қаттиқ жанглар кетаётган экан. Машинани бўлса, улар асир тушиш учун келаётган немис генералидан алмаштириб олишибди. У атрофидаги мулозимлари билан оқ байроқ кўтаришганича асир тушгани кетаётган экан. Улар генерални мотоцикл кажавасига ўтқозишибди-да: «Қани бос! Шунақада тезроқ етиб борасан»,— дейишибди.

— Лоақал раҳмат деддингларми?— дея яна ҳазиллашди Серов.

— Очиғини айтсак, раҳмат айтишни унутибмиз, ўртоқ капитан!— деди Вязов.

## XXVIII

Қутилмаган осойишталик чўкди. Кўрадиган ишлар ҳам йўқ эди.

Бирдан Горсковнинг қалбини қандайдир маъюс лоқайдлик туйғуси қамраб олди. Алёшанинг кўз ўнгида яна Академия, унинг торгина коридорлари, расм, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик билан шуғулланиш учун ажратилган салқингина кабинетлар гавдаланди. Хотирасида Рафаэль ва Тициан залларидаги картиналарнинг ҳаётбахш, ёрқин бўёқлари жилоланди. Ушанда бу нарсаларнинг қадрига етмагани учун ҳозир нақадар афсусланаётгани, ўзини қанчалар койиётганини билсангиз эди. У фақат эндигина, уруш оловида куйиб жизғанаги чиққан мана шу бир парча украин тупроғидагина қуруқ олифталиги ва ҳеч нарсага ишонмаслиги учун ўша аввалги Горсковга жуда ачиниб кетди. Ҳозирги Горсковнинг тушунишича, бунга фақат ёшликнинг сохта қудрати, билим даражасининг пастлиги, энг муҳими эса, ҳаётни билмаслик сабаб бўлганди.

У мўйқаламни соғинган қўллари зирқираётганини ҳис этиб, бармоқларини қаттиқ қисди. Ҳозир у полотно олдида туриб, унга ҳеч бўлмаса бир неча марта мўйқалам суриш, кўринишидан оддийгина бўёқларнинг сирли қудратини ҳис этиш учун ҳеч нарсани аямаган бўларди: ахир, асрлар кетидан асрлар, одамларнинг ўнлаб авлодлари дунёга келиб кетди, аммо уларнинг ҳаёти, қувонч ва изтироблари, севги ва нафратлари моҳир усталарнинг картиналарида сақланиб қолди. Бу картиналар одамларни ҳаяжонга солади, уларни томоша қилган ҳар қандай инсонни ўткинчи ҳаёт тўғрисида ўйлаб кўришга мажбур қилади...

Энгилгина шабада эсиб, ҳаво хиёл очилгандек бўлди. Сурункали ёққан ёмғирдан сўнг дала ва ўрмонлар селгий бошлади.

Гулхан ёнида шинель ва гимнастёркалар, этик, ботинка ва обмоткаларни қуритиб олишди.

Кейин йўлга тушишди.

Уларнинг колонналари жуда ғалати кўринарди. Олдинда багажнинг ва орқа ўриндигига архив материаллари солинган папкалар тахлаб, устига плащ-палатка ёпилган «мерседес-бенс», унинг орқасида эса учта мотоцикл.

— Моторлашган колонна!— дея ҳазиллашарди Володя.

Мотоциклларни учта қизил аскар ҳайдаб борарди, «мерседесни» эса турган гап, Володянинг ўзи бошқарарди.

Яқинда, Серов майор унвонини олганди, Горсков эса архивни қутқаргани учун иккинчи даражали Ватан уруши ордени билан тақдирланганди.

Бу воқеаларни ўз улфатлари билан нишонлашди. Дарвоқе, фақат улфатларигина эмас, ораларида Катя ҳам бор эди. Уларнинг муносабатларидан ҳамма хабардор эди. Зиёфат пайти ҳатто Серов:

— Келинг, Алексей Михайлович, сизларни никоҳдан ўтказиб қўяман,— дея таклиф қилди.— Шунда ҳаммаси жойида бўлади. Сизнинг офицерлик билетингизга, Катерина Васильевнанинг эса қизил аскарлик дафтарчасига муҳр босаман. Шундай қилишга ҳуқуқим бор менинг.

— Афсус, ундай қилолмайман,— деди Катюша қизариб.— Олдинги эримдан расман ажралган эмасман, ахир..

Бу гапдан ҳам ҳамманинг хабари бор эди.

— Унда бу ишни урушдан кейинга қолдирамиз,— деди хаёлга чўмиб Серов.

Зиёфатдан сўнг ёшларни пичанхонага чиқариб юборишди. У ер салқинроқ бўлса-да, лекин осойишта эди.

— Эшикларни ён, Алёш,— дея илтимос қилди Катя.

Улар юмшоқ ва хушбўй пичан устига ётишди.

Катяша тезда ухлаб қолди, Алёшанинг эса сира уйқу-си келмасди. У яна чизмоқчи бўлиб юрган «Хоин» картинаси тўғрисида тинимсиз ўйларди. Негадир шу тобда у тикувчи Хаим Ткачни ҳам, ўйнашини стиб ташлаган си-бирлик йигитни ҳам, хўжалик взводидаги художўй қизил аскарни ҳам эслаб кетди. Назарида битта картина карти-налар сериясига айланаётгандек эди. Серия борган сайини кўпайиб борарди. Мана, Алёша планшеткасидан ватман қоғози билан қалам олди-да, пичанхонанинг эшигини қия очиб, Катянинг портретини чиза бошлади. «Уйқудаги қиз» — Алёша бу картинани ана шундай атайди.

Кун ёришиб қолганди. Даланинг у ер-бу ерида қор оқариб кўрнарди. Ташқаридан совуқ ҳаво уфуриб кир-моқда эди. Лекин Алёша ҳеч нимани сезмасди. Катюша худди соғлом болага ўхшаб ширингина ухлаб ётарди. Алёша завқ билан штрих кетидан штрих чизарди. Мана, чамаси, табассум ҳам, лўппигина ёноғи тагига қўйиб ёт-ган қўллари ҳам, қовоқлари тагидан тархи сезилиб турган шаҳло кўзлари ҳам тўғри тасвирлангандек бўлди. Гим-настёркаси устидан ёпиб ётган шинелини кейинроқ чиза-ди, ҳозир эса бутун диққат Катюшанинг юзи билан қўл-ларига.

Пичаннинг ҳиди ғаройиб эди. Унинг ҳидида ҳамма нарса — кечаю бугунни ҳамда эртаси омхта бўлиб кет-гандек туюларди. Димоққа турли-туман ўт-ўлан билан кечаги куннинг иси, яқиндагина тамом бўлган ёзнинг ҳи-ди ва келажакда унажак кўкатларнинг бўйи урилари.

Алёша соат саккизгача ишлади. Чамаси, сурат жуда яхши чиққандек эди. Энди расм ниҳоясига етганди, унда босилиб қолган пичандан тортиб, пичанхонанинг йўғон ходалардан қурилган деворининг бурчагигача ўз аксини топганди. Ҳатто эшик тирқишидан тушиб, Катянинг ёно-ғида ўйнаётган қуёш нури ҳам жилваланиб турарди.

Катя ҳузур қилиб керишди-да, бирдан ўрнидан сап-чиб турди:

— Сенга нима бўлди? Ухламадингми?

— Вой-бў, мунчаям ажойиб-а! Менга совға қил, Алё-ша!— дея илтимос қилди у бутунлай уйқуси тарқагач, сўнг қизалоқларга ўхшаб ўтинди. — Хўп дея қол, майлими!

— Ёқяптими?— сўради Алёша. Сурат унинг ўзига ҳам жуда ёқаётган эди-ю, лекин ҳозир бошқа одамдан мақтов эшитгани келди.

— Жуда!— дея шивирлади Катя.

— Совға қиламан, лекин ҳозир эмас,— деди у. — Уни мойбўёқ билан чизмоқчиман. Хўпми?

Катя бир оз маънос тортса-да, аммо хафа бўлмади.

— Афсус!

Ярим соатдан сўнг у йўлга отланди.

— Ҳеч кетгим келмаяпти,— дея иқрор бўлди Катя.

У човкар айғир қўшилган енгилгина извошда келганди.

Катя уйга кириб Серов, Вязов, Истоминолар билан хайрлашиб чиқди-да, извошига ўтирди.

— Негадир юрагим увишиб кетяпти,— деди у.— Кел, сени яхшилаб ўпай. Балким, ўтиб кетар?

— Руҳингни туширма, ҳаммаси яхши бўлиб кетади,— деди Катяга далда бермоқчи бўлиб Горсков, лекин негадир ўзининг ҳам кўнгли ғаш эди.

Уч соатдан кейин эса уни майор чақиртириб қолди.

— Бардам бўлинг, Алексей Михайлович,— деди Виктор Степанович.— Бардам бўлинг, азизим!

Алёша ҳеч нимани тушунимай турарди.

— Нима гап ўзи?

— Катерина Васильевна...— Серов тутулиб қолди.— Хуллас, медсанбатга етиб бормасдан... ҳалок бўлибди.

— Қандай қилиб?— карахт бўлганча дея олди, холос. Тамом. У бошқа биронта ҳам сўз айта олмади.

Серов яна алланмаларни гапирди-ю, бироқ Алёша унинг биронта ҳам сўзини эшитмасди.

Шундан сўнг майор қандайдир уқувсизлик билан унинг елкасини силаб, деди:

— Ҳозироқ отланиб, медсанбатга боринг. Володяни бирга ола кетинг. Хоҳласангиз машинада, хоҳласангиз — мотоциклда кетаверинг! Қани, отланинг!

Улар мотоциклда медсанбатга елиб келишганида Катя янгигина ясалган тобутда қарағай новдаларига кўмилиб ётарди.

«У ухляяпти... Бугун тунда уни ана шу ҳолатдаги суратини чизгандим!»— дея хаёлидан ўтказди Алёша.

Катянинг тобути қўйилган уйга кираверишда оркестр уқувсизлик билан Шопеннинг музыкасини чалмоқда эди.

Тобут ёнига қўйилган ёстиқчаларга Қизил Юлдуз ордени, «Жасорати учун», «Жанговар хизматлари учун» медаллари қадаб қўйилганди.

Алёша бу мукофотлардан беҳабар экан. Катя унга бу тўғрида гапирмаганди.

Унинг ёнидан одамлар ўтиб боришарди. Улардан кўпчилиги у ер-бу ерини боғлаб олган ёки қўлтиқтаёқларга таянган ярадорлар эди.

Алёша эса тобутнинг четига икки тирсагини тирагани-

за Катянинг юзига тикилиб турарди — Катя худди тирик-ка ўхшаб ётарди.

Миясидан сира бир фикр нари кетмасди: «Унинг сурагини чизгандим. Ҳа, чизгандим... У суратни совға қилишимни сўраганди... Неча ой бўлувди ўзи?.. Беш ойдан ошувди, шекилли... Тобутда уларнинг болалари ҳам бор...»

Унинг пешонасини совуқ тер қоплади, Катянинг қора мағиздан келган юзи эса сира ўзгармай ётарди.

«У ухляпти... Албатта, ухляпти... Ҳозир тонг отади, ана ўшанда...»

Кимдир унинг димоғига нашатир спиртига ботирилган пахта тутди.

— Раҳмат, ҳожати йўқ,— деди заиф овозда.

Кўп ўтмай тобутни кўчага олиб чиқишди-да, тўп лафетига ўрнатишди.

Алёша оркестрнинг олдига тушиб, лафетнинг ортидан юриб кетди. Унинг ёнида фахрий қоровул солдатлари қадам ташлаб боришарди.

Қишлоқдан чиқишгач, улар чапга, қирғоғида нимжонгина мажнунтоллар ўсган кўл томонга бурилишди.

Унинг назарида жуда узоқ юришгандек эди. Алёша Катянинг юзидан кўзини узмай борарди. Севгилиснинг юзига астагина қор заррачалари учиб тушмоқда эди. Бу заррачалар, гўё қор эмас, теракнинг момиги янглиғ негандир эримай турарди.

Кўлнинг соҳилида, кекса мажнунтолнинг тагида гўр қазиб қўйилган экан.

Тобутни ерга олиб қўйишгач, кимдир нутқ сўзлай бошлади. Аввалига ҳарбий врач гапирди, узун шинель кийган аллақандай бир аёл сўзга чиқди.

Алёшанинг ёнига кимдир келиб:

— Бирор гап айтмайсизми?— дея сўради.

— Йўқ, раҳмат,— у негандир қўрқиб кетди.

У бошқалар нима дейишаётганини тушунмас, фақат Катянинг юзига тикилиб турарди. Қор заррачалари борган сайин кўпайиб борарди. Заррачалар унинг қошида, килриклариди, нягининг тукида иниб қолмоқда эди.

«Қандайдир алаҳсираш бу... Бундай бўлиши мумкин эмас... Бошқаларда бўлиши мумкин... Ҳаммада бўлиши мумкин... Фақат Катя эмас... Ҳозир, ҳозир уйғонади-ю, ҳаммаси ойдинлашади...»

Нутқлар тугаб, тобутнинг қопқоғини ёпишиб, гўрнинг четига олиб келишди ҳамки, у бўлса ҳамон: «Ҳозир... Ҳозир...»— дея ўйларди.

Кейин у бирдан орқасига ўгирилди-да, шартта гўрнинг ёвидан нари кета бошлади. Орқасидан кесакларнинг тобут қопқоғига тўқиллаб тушиши эшитилиб турарди. Оркестр гимн чалар, Алёша эса қишлоқ томон йўлдан эмас, тўғри даланинг ўртасидан юриб борарди. У ўқтин-ўқтин қоқилиб тушарди. Володя унинг ортидан югурди.

— Бу ёққа, ўртоқ лейтенант, бу ёққа,— дея йўл кўрсатарди Володя.

Алёша мотоцикл кажавасига чиқиб ўтирди.

— Бу ердан тезроқ кетайлик.

Йўлда улар чурқ этиб оғиз очмай боришди.

Ниҳоят, Володя журъатсизгина сўради.

— Ўртоқ лейтенант, ҳой ўртоқ лейтенант! Сўрадин-ғизми, бу фалокат қандай содир бўлибди ўзи?

Алёша бу тўғрида сўраб кўрмаганини эслади.

Кейин, ҳозир нима аҳамияти бор бунинг?

— Йўқ,— деди у Володяга.— Сўраб нимаям қилардим?

Уша куни Алёша туш кўрди. Катя билан Ленинградда юришганмиш. Марат кўчасидаги ўн олтинчи уйлари бутун эмиш, ойиси билан Маня бувиси эса уларни Арктика музейининг панжараси олдида кугиб туришганмиш. Алёша катта-кичик иккита қизчани етаклаб олганмиш. Ойиси билан бувисига уларни таништирар экан:

— Менинг қизларим!— дермиш.

— Улар сенга ўхшашар экан,— дермиш Мария Илларионовна.— Худди қуйиб қўйгандай! Жаҳлингиз чиқмаептими, Катюша! Менимча, улар Алёшанинг худди ўзгинаси.

Катя бўлса индамасмиш.

Катя нега индамаяпти, ахир?

## XXIX

Яна ишга кўмилиб кетишди.

Бешта солдат младший лейтенантнинг кўз ўнгида ёғоч спиртдан ичишиб, ҳалок бўлишибди.

Полк ошпази ошхонадаги навбатчининг устига қайноқ шўрвани тўкиб юборибди.

У эса тинмай сурат чизарди. Кечасию кундузи, бир дақиқа бўш вақти бўлди дегунча, қўлига мўйқалам оларди.

Мойбуёқ билан Катянинг портретини қайта чизиб чиқди. Портрет мўъжазгина эди. Каттарогини урушдан кейин чизади.

Умуман, Алёша энди бир нарсани тушуниб қолди: илгари у кўпроқ макон сифатида англайдиган шакл энди қандайдир тинимсиз ўзгариб турадиган ва яна қарор топадиган хусусият касб этганди. Шакл энди унинг учун муваққат бўлиб қолганди.

У Академияни эслади: «Натура — тасвирий санъатнинг интиҳоси ҳамда ибтидосидир».

Ҳозир эса у мойбўёқ билан «Хоин»ни чизмоқда эди. Энди қуйидаги манзарани ўйлаб топди: олдинги планда хароба уй ва ярми нураб тушган деворга қапишиб олган хоин. Деворнинг қулаб тушган жойидан, орқа томонда — атака.

— Ростини айтсам, кутмаган эдим. Менимча, яхши чизибсиз,— деди Серов.

Алёша Катяни Серовга кўрсатмади. Бошқаларга ҳам кўрсатмайди. Кўрсата олмайди. Яхши чиқяптими, ёмон чиқяптими, унинг учун аҳамияти йўқ эди. Фақат ишласа, ишласа, ишласа, бўлгани!

У қанчадан-қанча ўлимларнинг шоҳиди бўлди, шунинг учун ҳам мапови «Хоин»ни сақлаб қолмоғи керак. Энди ўша хоин қайси бир жиҳатлари билан Хохлачевга ҳам, Дей-Неженкога ҳам, активистларни ўлдирган анови одамларга ҳам, Иваснинг акасига ҳам ўхшаб кетарди...

Шунингдек, трибуналдан ўтаётган ишлар, албатта.

Хоиннинг юзи борган сайин жонлироқ чиқмоқда эди. Яхшиям, Алёша уни йнрик планда олди. Башарасидаги ҳар бир чизиги, ажини маъноли чиқяпти. Бўм-бўшлигидан жуда катта кўринадиган даҳшатли кўзлар. Дарвоқе, кўзларни ҳали яна излаш ва излаш керак!

Горсков хизмат вазифаларидан ҳам бўйин товламасди. Аксинча ҳамма ишни аввалгидек сидқидилдан бажарарди. Ҳанузгача топишолмай юришган котиб ўрнига котиблик ҳам қиларди (соқчи қизил аскарлардан бир нечасини синаб кўришди, аммо уларнинг ёзуви хунук, маълумоти эса чала бўлиб чиқаверди). Қисмларда энди анъана бўлиб қолган суҳбатларини ҳам кайда қилмай ўтказиб турди. Аммо шунга қарамай, энди унинг ҳамма ишга вақти етарди. Бўлмасам, улар тинимсиз бир ердан иккинчи ерга кўчиб юришарди, ахир.

Янги йилга бир неча кун қолганида Серов унга қараб деди:

— Дарвоқе, Алексей Михайлович, сизга яхшигина Янги йил совғаси тайёрлай олганга ўхшайман.

Алёша ҳайрон бўлди.

— Фақат бир-икки кун сабр қилиб турасиз,— деди сирли оҳангда майор.

Яна иш устига иш.

Кекса старшина бир вақтнинг ўзида икки аёл билан — эллик бир ёшли хотин ва унинг ўттиз ёшли қизи билан дов олишиб юрар экан. Уларнинг устидан саксон ёшли кампир шикоят қилибди...

Шофёр ликер-ароқ заводидан уч канистр спирт ўғирлабди. Кейин, у «ўзимга ўғирлаганим йўқ!» дея исботламоқчи бўлди...

Янги йилга икки кун қолганида Серов Горсковнинг ёнига қандайдир бир одамни бошлаб келди:

— Алексей Михайлович, марҳамат, танишинглар!

Горсков меҳмонга қаради-ю, анграйиб қолди:

— Федотов? Саша?

Улар қучоқлашиб, анчага довр ўзларига келолмай туришди.

— Мана сизга янги котиб, Алексей Михайлович,— деди майор.— Хўп, майли, ҳозирча сизларга халал бермай тураман.

Федотов. Александр Владимирович Федотов. Урушга қадар ўзининг шахсий кўрғазмаларига эга бўлган ажойиб рассом. Горсков ўша кўрғазмаларнинг ҳаммасини кўрган. Алёша Академияда Федотов билан бир вақтда ўқиган эди. Фақат Федотов қирқинчи йили сўнгги курсда эди. Ҳа, у Академияни қирқинчи йили тугатди. Уша йили куз пайти Олимлар уйида унинг яна бир кўрғазмаси бўлганди. Бироқ Алёша уни бориб кўришга улгурмаганди: уни армияга сафарбар қилишди.

— Ёдингдами?

— Албатта!

— Ўзинг-чи?

— Бўлмасам-чи!

Академияда улар тез-тез учрашиб туришарди. Федотов комсомол комитетининг аъзоси бўлиб, шу туфайли ҳам уларнинг йўллари кесишиб турарди. Бир куни ҳатто Федотов Алёшанинг ишини кўрганди. У бунинг учун атайлаб савдо портига борган ва у ерда Алёшанинг акварели ва «Чор Россиясида дарахт кесувчиларнинг оғир меҳнати» картинасини кўздан кечирганди. Картинани у йўққа чиқарганди («Менимча, ўз кўзинг билан кўрмаган нарсани чизибсан»,— деганди), акварелларни эса мақтаганди. Айниқса, «Луга» билан «Павловский парк» манзаралари ёққан эди унга. Фин уруши даврида эса унинг плакатларини мақтаганди.

Улар сенсираб гаплашишарди-ю, аммо Алёша Федотовга жуда ҳурмат билан қарарди. Федотов ҳамон унинг учун маҳорат бобида етишиб бўлмайдиган катта уста бўлиб кўринарди.

Мана энди, Федотов билан учрашгач, унинг дилида қандайдир қалбига яқин ўтмиш хотиралари тўлқинлангандек бўлди.

У Федотовнинг саргузаштларини тингларкан, ўзича ўйларди: «Эртага ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, плакат чизишга уриниб кўраман. Анчадан буён плакат чизмаган эдим. Қаскадан сув ичаётган солдат. Тагида эса шундай ёзув: «Қадрдон Днепрнинг сувини ичяпмиз, ҳали Днестр, Прут, Неман ва Бугларнинг ҳам сувини ичамиз! Совет тупроғидан немис-фашист газандаларини улоқтириб ташлаймиз!»

Федотов эса ҳикоя қилишда давом этарди.

— Первوماйск ёнида содир бўлди бу фалокат. Фрицлар бизни қамишзорга қувиб киритишди-да, тўрт томонимиздан ўраб олишди. Тўпларни чўктириб юбордик. Дивизион командири Маневич қорнида яраланганда мен унинг отини жиловидан тутиб турган эдим. Маневич менинг қўлимда жон берди. Левенчук, Остапов, Соловьев, Кедровлар ҳам ҳалок бўлишди. Мен отга миниб олиб, қамишзор ичида ўзимни у ёқ-бу ёққа уриб кўрдим. Бирдан биров бошимга гурзи билан уриб, устимга олов сочгандек бўлди-ю, қулаб тушдим... Кейин маълум бўлишича, мени «хейнкелда» учиб келган фриц ўққа тутган экан. Ҳушимга келиб қарасам: мени немислар сургаб кетишяпти. Қаёққа? Нимага? Ҳеч нимани тушунмайман, дегин. Кейин аравага ётқизиб қаёққадир олиб кетишди. Узоқ йўл юрдик. Уқтин-ўқтин ҳушимдан кетиб қолардим. Ўзимга келган пайтларимда эса йўл устида йиғлаб турган аёлларни, уларнинг пинжига тиқилган болаларни кўрардим. Сўнгра яна ҳушимдан кетардим. Бир маҳал ҳушимга келсам, қулогим билан бурнимдан қон оқяпти. Қандайдир шаҳарчага кириб бордик. Ҳаммаёққа эълон ёпиштириб ташланган экан: «Граждан аҳолисидан кимда-ким шаҳар территориясида қўлга тушса, дарҳол отиб ташланади». Сўнг тиканли сим, соқчилар турадиган вишкалар, беҳисоб итлар орасида яшадик. Баланд устунга лавҳа осиб қўйилганди: «Кўчириш лагери. Лагерга кириш ва тиканли сим ортидан туриб сўзлашиш қатъиянман этилади. Ушбу қонунни бузган одамлар отиб ташланади». Буларнинг бари русча ёзилган эди. Шаҳарчининг номини билолмадим. Лагерда ҳарбий бўлмаган одам-

лар кўп эди. Бу ердан уларни Германияга жўнатиб туришарди. Уларнинг аксарияти ўн уч-ўн беш ёшли болалар ва ёш жувонлар эди! Уларни эшелон-эшелон қилиб олиб кетишарди. Биз, эркаклар, айниқса, ҳарбийлар камчил эдик. Ҳар куни лагерга янги-янги партияларни олиб келишарди. Мени негадир сўроқ ҳам қилишмади. Шаҳарчани тозалаш учун ишга бораётганимизда бизни итлар кўриқлаб боришарди. Жуда қутурган итлар эди, лаънатилар. Ҳатто немисларнинг ўзидан ҳам ўтиб тушарди. Мен ўзимизнинг руслардан бўлган фельдшер билан дўстлашиб қолдим. У ёши қирқлардан ошган, ҳарбий бўлмаган бир одам эди. Жовимга ўша ора кирди. Биринчи марта январь ойида қочдим. Омадим келмади. Тўғрироғи, аввалига ҳаммаси яхши кетаётган эди-ю, аммо итлар дарров изимга тушишибди. Ушлаб олишди. Лагерга олиб келиб, бир кишилик, карцерга тиқиб қўйишди. Икки ой давомида қочиб учун хандақ қазидим. Кейин бир ярим ой қулай фурсат келишини кутдим. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган нақл бор-ку, ахир. Апрельда омадим келди. Қочиб муваффақ бўлдим. Немислар босиб олган жойлардан уч юз километрдан мўлроқ йўл юрдим. Бу бош нималарни кечирмади, дейсан. Ҳатто партизаниларнинг олдида ҳам бўлдим, лекин у ердан жўнашга тўғри келди. Яна қон оқа бошлади. Мени турли гнеҳлар билан бир меҳрибон кампир даволади. Кейин яна йўлга тушдим. Ниҳоят, ўзимизникиларнинг олдида етиб келганимда текшир-текшир бошланди. Текширувдан эсон-омон ўтдим, аммо-лекин ярим йиллик умрим сарф бўлди. Ахир, менинг сарсон-саргардонлигим жуда чалкаш эди-да. Ма-на энди сизларнинг ёнингизга келдим...

### XXX

Эрталаб Алёша Федотовнинг олдида чизган плакати-ни олиб келди.

— Менимча, яхши чиқибди,— деди Александр Владимирович.— Буни дарҳол майорга кўрсатишинг керак.

Виктор Степанович хурсанд бўлиб кетди:

— Буни ҳозироқ политотделга олиб бораман. Жуда зўр! Кейин ҳозирги кунда жуда керак нарса.

Горсков Федотовга «Хоин»ни ва айниқса «Уйқудаги қизни» кўрсатишга журъат этмади. Умуман, у ҳозирча ўзи ва Катя тўғрисида Сашага ҳеч нима демаганди.

Январь ойининг ўртасида Горсковнинг плакати маш-хур бўлиб кетди. У армия штаби ва ҳатто фронт штаби-

гача бориб етди, ҳамма жойда маъқулланди ва кўпайтириб босилди.

Алёшани 2-нчи Украина фронтининг штабига таклиф қилишди.

Фронт қўмондони Иван Степанович Конев унга Қизил Юлдуз орденини топширди.

Ҳарбий советнинг аъзоси Иван Захарович Сусайков Алёшага штабда ишлашни таклиф қилди.

Таклиф унчалик қатъий бўлмагани учун ҳам Горсков уни мулоҳимгина рад этди.

У Серов, Иетомин, Вязов, трибуналдаги барча дўстлари, энди эса Федотовни ҳам ташлаб кета олмасди. Алёшага негадир у ерда, дўстлари орасида, Катяга яқинроқ бўладигандек туюларди. Тўғри, бунинг тентаклик эканлигини тушунарди-ю, лекин шувиси дуруст эди.

Уша йили Украинада пилчираган қиш бўлди. Қишми, кузми, баҳорми — тушуниб бўлмасди. Баъзан ҳаво очилиб қолар, қуёш чарақлар, ҳаммаёқни қушларнинг чуғурчуғури тугиб кетарди. Бундай пайғда ҳаводан марг — апрелнинг ҳиди кела бошларди.

Шундай кунларнинг бирида Алёша ниҳоят юрак ютиб деди:

— Сенга, Саша, баъзи нарсаларни кўрсатмоқчиман. Фақат қаттиқ танқид қилиб юборма, хўпми!

Шундан сўнг у дўстига «Хоинни» кўрсатди.

Федотов картинага индамай узоқ тикилиб турди.

У гоҳ картинадан узоқлашар, гоҳ яна яқинлашиб тикиларди.

— Биласанми, Алёша,— деди у ниҳоят.— Чамаси, мен фожиасиз ҳақиқий санъатнинг бўлмаслигини энди тушундим. Бу картинаг туфайли ҳали кўп маломатларга қоласан. Лекин ҳеч кимга ишонма, таслим бўлма! Бу ҳақиқий санъат! Ё қудратингдан, анови «Дарахт кесувчилардан...» кейин нақадар ўсибсан-а! Осмон билан ер-ку, ахир бу. Ақлимни шошириб қўйдинг!

Алёша нима дейишини билмай қолганди. У Федотовга ишонарди. Наҳотки, шундай бўлса?

У Катянинг портретини олди:

— Мановини бир кўр-чи. «Уйқудаги қиз» деб аталади.

— Ажойиб!— деди дарҳол Федотов.— Буни қарагин-а, нақадар ҳар хил услубда чизибсан. Манови «Қиз», унинг ёнида «Хоин», тунови кундаги плакатинг. Бу яхши, Алёша, жуда, жуда яхши! Ростини айтсам, сендан бу қадар кучли асарларни кутмагандим ҳатто. Сен туғма колорист экансан. Тасвирлаётган нарсангни конкрет ва ишонарли

қилиб чизишга ҳаракат қилибсану, лекин бари бир юзакни натурализмдан ҳоли бўла олибсан, дунёга ўзгача бир кўз билан қарашнинг уддасидан чиқибсан. Мен бундай чиза олмасдим...

Буларнинг бари тушга ўхшарди.

Алёша бу гапларга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай қолганди.

Уша куниёқ у янги картинани бошлаб юборди. Бунини у «Чекиниш» деб атайдди. Днепр соҳили. Бош яланг жангчи ҳовучлаб сув оляпти. У гўё қадрдон дарё билан хайрлашаётгандек кўринади. Унинг юзида қаттиқ ҳорғинлик ва қайғу акс этмоғи лозим. Ва яна қатъият, бу ерга қайтиб келишига, албатта қайтиб келишига ишонч сезилиб турмоғи керак.

Алёша берилиб ишламоқда эди. Ҳозир у ўзининг одамларга керак эканлигини тушуниб қолганди. Фақат трибуналдагина эмас. Энди бутун фронтга машҳур бўлиб кетган плакатининг фойдаси тегди-ку, ахир.

Федотов унинг «Чекиниш» устида қандай ишлаётганини кузатиб юрган эди.

— Фигуранинг жойлашиши, нур ва сояларнинг ўйнаши, бошнинг кўрinishи — буларнинг бари сенда шундай чиқяптики, биронта ҳам рассом илгари бундай чизган эмас. Бу ажойиб, ахир!

Серов Горсковга яна бўёқ топиб келди. Табиий — оҳра, сиена, умбра, марслар. Минерал ва сунъий бўёқлар — кадмий, белла, кобальтлар, турли тусдаги қизил бўёқлар, пруссча зангори бўёқ, хром оксиди. Кейин бўз ҳам.

— Буларнинг барини қандай топдингиз, Виктор Степанович?

— Немислар чекинишяпти, уларда эса баъзи нарсалар бор экан,— деди сирли қилиб майор.

Энди Горсков илгари чизган ҳамма нарсалар — қандайдир портретлар, хомаки суратлар, этюдлар — болаларнинг эрмаги бўлиб туюларди.

У Федотовга «Чекиниш»нинг хомаки нусхасини кўрсатди.

— Сен одамнинг кўз ўнгига ўсяпсан,— деди хурсанд бўлиб Александр Владимирович ва бир оз ўйлаб тургач, кўшимча қилди:— Қартинадаги солдатнинг тиззасида хиёл қаддини ростлаброқ туриши керак эмасмикин, Алёша? Тушуняпсанми, худди полк байроғи олдида тургандек қилиб тасвирласанг қандай бўларкин? Гўё қасам ичаётгандек бўлиб кўринса-чи?

— Тўғрига ўхшайди,— дея унинг фикрига қўшилди Горсков.— Ҳа, шундай қилсам яхшироқ бўлади!

У яна ишга шўнғиб кетди.

Академияда ўқиб юрган кезлари ректор Бродский айтган сўзларни эслади:

— Истеъдоднинг ўзи ҳали ҳеч нима эмас. Ҳар куни ишлаш керак!

Лекин нега у ерда инсонга эмас, кўпроқ жанрга эътибор беришарди? Кейин муаллимлари Николай Сергеевич Бодановнинг сўзларини эслади:

— Менимча, сен, Горсков, жанристсан, пейзажлар эса сен учун шунчаки эрмак!

Навбатдаги ёриб ўтишдан сўнг ўлдирилган немисларни дафн этишга тўғри келди. Бу ишга ҳаммани сафарбар этишди. Зеро, дафн этувчи команда анча илгарилаб кетган экан.

Бир неча соат овора бўлишга тўғри келди.

— Бизникилар ўликларни қандай кўмишаётганига эътибор бердингми, Алёша?— деди Федотов.— Бошидан, қўлтиғидан олиб тортишяпти-ю, лекин оёғидан сургашмаяпти. Немислар сургашаверарди. Мен ўз кўзим билан кўрганман.

— Ахир, бу ҳам инсоннинг характериға боғлиқ,— дея унинг фикрига қўшилди Горсков.— Боши урилмасин, ерга ишқаланиб тириалмасин, дейишади-да. Руслар аслида инсонпарвар одамлар ўзи...

Душмандан халос этилган шаҳарчалардан бирида Горсков Лаокоон<sup>1</sup> ниқобини топиб олди. Аввалига у ўзини бахтиёр ҳис этди. Ниқобга қараб суратини чизмоқчи бўлган эди, лекин ҳеч эплай олмади. Ҳатто мактаб ўқувчиси даражасида ҳам чизолмаяпти. Жуда таъби тирриқ бўлиб кетди. Ниқобни бир четга ташлаб, мўйқалам ва мольбертни ҳам йиғиштириб қўйди. Қаердандир қуруқ спирт топиб, уни сувга аралаштирди-да, бинтдан ўтқазиб, ичиб юборди. Хиёл енгил тортгандек бўлди. Кейин шундай спиртни Катя билан қандай ичишганини эслади-ю, юраги баттар ғаш бўлиб кетди.

Анчага довур дилгир бўлиб юрди.

Унинг бу ҳолатини Федотов сезиб қолди:

— Негадир хафа кўринасан?

— Анови Лаокоонни чизаман деб кайфиятим бузилди,— дея очигини айтди Алёша.— Жли урсин уни. Қаёқданам қўлимга тушиб қолди ўша ниқоб!

— Шошма! Шошма! Тентак экансану!— дея хитоб

<sup>1</sup> Қадимги грек афсонасидаги қаҳрамон.

қилди Александр Владимирович.— Наҳот, талабалик давринг ўтиб кетганини тушунмасанг? Пётр Митрофанович Шухмин эсингдами?

— Эсимда, албатта.

Шухмин Академиядаги энг яхши муаллимлардан бири эди.

— Унинг нима деганини бир эслагин-чи,— деди Федотов.— Картиналарингги кўраётганида у сенга ҳам бир гапни айтганди. «Дарахт кесувчиларинг...» билан ер ҳақида яна бир картинаг бор эди-ку. Номи нимайди?

— «Ердан умрбод фойдаланиш ҳақидаги Актнинг топширилиши»,— дея эслатди Алёша.

— Ҳа, ҳа... Хўш, ўшанда Шухмин нима деганини эсладингми? Бу аҳмоқона бошларнинг суратини чизишни йиғишларинглар энди. Кечаги кун энди бу. Жанр билан шуғулланинг, жанр билан! Кейин Бродский ҳам худди шу гапни айтган эди! Шунинг учун ҳам тентаклик қилмагин-да, ўтириб картинагги чизавер.

Горсков яна ишга ўтирди. Иш юришиб кетди, шекилли. Энди у картинани фигурадан ҳам, Днердан ҳам эмас, жангчининг юзидан бошлади. Солдатнинг юзида Алёшанинг ўзи жангчиларимизнинг юзида кузатган ва ўзи ҳам «Озғиналиши қаранг...» деган сўзларни эшитганида дилида ҳис этган қандайдир гуноҳкорлик туйғуси пайдо бўлди. Кейин албатта қайтиб келажакларига бўлган ишонч, ҳозир ўзлари Днепр соҳилига қайтиб, уни кечиб ўтишганида ҳис этишадиган ички бир қатъият, галаба ва интиқомга ташналик ҳам акс эта бошлади.

Иш жуда юришиб кетди.

Битта оёғининг тиззасига таяниб турган фигура ҳам, дарёдан ҳовучлаб сув олаётган қўллар ҳам биринчи чизишдаёқ аниқ чиқа қолди. Қуриб қолган, ташна лаблар ҳам. Байроқ олдида қасамёд қилаётгандек.

Ҳамма штрихлар жой-жойига тушмоқда эди.

— Жуда жиддий асар бўляпти,— дея далда берарди унга Федотов.— «Хоин» ва «Уйқудаги қиз»дан зўр бўлса зўрки, лекин заиф эмас Қайси бир жиҳатлардан ҳатто янгича ҳам. Албатта, бу картина учун ҳам ҳали анча маломатларга қоласан. Аммо бардам бўл ва ўз гапингда қаттиқ тур!

### XXXI

Қиш ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Хиёл совуқ тушиб, далалар бетини момикдек қор қоплади. Йўллар музлаб, ўқтин-ўқтин изгирин турарди.

Уларнинг fronti қаршисида немислар олтинчи армиясининг йигирма икки дивизиядан иборат катта қисмини жойлаштирган эди. Булардан бештаси танк дивизияси, икkitаси моторлашган дивизиялар эди. Немислар яна икки танк дивизиясини, бир моторлашган ва учта пнеда аскарлар дивизиясини резервда сақлашарди.

Аммо фронт секин-аста бўлса-да, муқаррар равишда олға силжиб борарди.

Январнинг охирига келиб, Биринчи Украина fronti томонидан немисларнинг Корсун-Шевченковск группировкасини қуршаб олиш ниҳоясига етказилди. Ҳаммаси бўлиб 73 минг солдат ва офицерлардан иборат ўнта дивизия билан битта бригада қуршовга тушди. Немислар Новомиргород ва Толмач районларида қуршовни ёриб чиқишга уришиб кўрдилару, аммо бунинг уддасидан чиқа олмадилар. 17 февраль куни қуршовдаги душман батамом яқсон этилди. 10 март куни эса фронт қўшинлари Уманни ишғол қилдилар.

Умандан ўн-ўн икки километрча нарида Горсков билан Федотов ғалати бир уйга бориб қолишди.

Аслини олганда, бу қадимги помешчиклар қўрғонини эслатадиган баланд зинапояли, пештоқига оқ устунлар ўрнатилган, эшик олдида чақа бўлиб кетган икки шер ҳайкали қаққайиб турган эски бир иморат эди.

Бу уйнинг адресини уларга майор Серов айтди.

— Бир бориб кўринглар, сизлар учун қизиқ бўлиши керак.

Чамаси; унинг ўзи бу ерга олдинроқ келиб кетган эди.

Уй эски парк ўртасида жойлашган бўлиб, ҳаммаёғини қор босиб ётарди. Парк эман ва заранг дарахтларидан иборат. Дарахтларнинг атрофидаги қор устида хазон ва шох-шаббалар сочилиб ётибди.

Алёша билан Саша зинапоядан чиқиб, қўнғироқ тасмасини тортишди.

Эшикни, афтидан, бир вақтлар чиройлигина бўлган, аммо ҳозир ҳусни анча сўлиб қолган, эллик ёшлардаги бир аёл очди. У елкасига мўйна нақидка ташлаб олганди.

— Салом,— деди аёл,— марҳамат, ичкари киришглар!

Кираверишдаги хонанинг барча деворларига суратлар осиб қўйилган эди. Иккинчи қаватга чиқадиган зинапоч тепасида ҳам суратлар.

Горсков билан Федотов хижолат чекиб, эшик олдида туриб қолишган эди, хонининг ўзи гап бошлади:

— Янглишмасам, сизлар жан... кечирасизлар, ўргоқ майор айтган ўша рассомлар бўлсаларингиз керак!

— Жуда унчалик эмас,— деди Алёша.

Иккинчи қаватдан нозиккина бир қиз югуриб тушди-да, улар билан саломлашиб, сира тортинмай ўзини танитди:

— Менинг исмим — Светлана.

— Бу бизнинг кенжатоимиз,— дея изоҳ берди хоним.

— Ғоят хурсандмиз!— унинг гапига ҳамоҳанг қилиб жавоб беришди Горсков билан Федотов.— Алексей Михайлович! Александр Владимирович!

— Биз шу ерда, мана шу хилватгоҳда яшаймиз,— деди хоним.— Ҳа, айтгандай, ўзимни таништирмабман. Матильда Константиновна бўламан. Тортинмай йчкарига кираверинглар. Ҳозир чой қўямиз.

Алёша ҳайрат ичра картиналарга қараб турарди:

— Бу дейман, нақ музейнинг ўзи-ку, а?

— Нега музей бўларкан?— дея хитоб қилди Матильда Константиновна.— Шунчаки коллекция, холос. Эсимни таниганимдан буён тўплаб келаман буларни. Аввал чой ичамиз, кейин расмларни кўрамиз. Дурустми?

Йигитлар розимиз дегандай бош ирашди.

Коллекциянинг турфа хиллиги биринчи қарашданоқ кўзга ташланар, ундаги картиналар кишининг дилини қувнатар эди. Ярошенконинг пейзажлари, Айвазовскийнинг этюди, Кончаловскийнинг «Кузги хиёбон» манзараси, қандайдир хорижий рассомларнинг асарлари ва пастроқда Карпов мўйқаламига мансуб «Нежданова», «Барсова» портретлари, Сталиннинг қаламда чизилган икки сурати ҳамда «Гори» пейзажи осиглиқ турарди.

Аниқки, одамнинг хаёлига дарҳол: «Немислар бу ердагилигида Сталиннинг сурати қандай омон қолди экан?»— деган ўй келади.

Матильда Константиновна уларни юқорига бошлади, Светлана олдинга тушиб югурди.

Улар девор бўйлаб китоб жавонлари қўйилган шинамгина хонага киришди. Матильда Константиновна, гарчи, ҳали унча қоронғи тушмаган бўлса-да, қандилдаги шамларни ёқиб қўйди, Светлана эса физиллаганча аллақаяёққа чиқиб кетди.

— Оҳ, бу уруш даҳшат-а,— дея хўрсинди хоним,— ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб чигаллашиб кетди. Даҳшат! Даҳшат! Булар қачон тамом бўлади, ахир...

— Яқинда тамом бўлади,— деди Саша.— Бу ёғи энди оз қолди.

— Сизларга айтиш осон!— дея давом этди Матильда Константиновна.— Сизлар учун, эҳтимол, тамом бўлар, бизлар учун эса ҳеч қачон тамом бўлмайди.

Ўртага тушган ноқулайликдан қутулиш учун бўлса керак, Алёша савол беришга журъат этди:

— Матильда Константиновна, анови зинапояда биз рассом Карповнинг асарларини кўрдик. Ўртоқ Сталиннинг сурати... Кейин Гори манзараси. Немислар индашмадимми?

— О, немислар менга тегишмади, лекин Сталиннинг суратини мен яшириб қўйгандим, албатта. «Гори» эса жойида осиглиқ тураверди, улар буннинг нималигидан беҳабар эди-да.

Орага яна жимлик тушди.

— Немислар коллекциянгизни талаб кетишмадимми?— деб сўради Саша.

— Нималар деяпсиз! Талаб кўришсин-чи! Менинг эрим Викентий Иванович РОАда хизмат қилади-я!

Горсков билан Федотов бир-бирларига қараб қўйишди.

— Бу нима дегани?

— Рус Озодлик Армияси дегани-да, паҳотки эшитмаган бўлсангиз?

— Анови сотқин Власовнинг армиясими?

— Ҳа, ҳа, худди ўша. Викентий Иванович ҳам генерал Власов билан биргаликда Смоленск остонасида асирга тушган... Бу жуда даҳшатли уруш деб айтяпман-ку сизларга! Эрим РОАда, ўғлим эса Қизил Армияда, артиллерия капитани. Фақат тирик ёки ўликлигини билмайман! Тасаввур қилинг-а, ўғил отага қарши, ота эса ўғилга қарши жанг қилишяпти. Бу даҳшат эмасми, ахир!

Энди йигитлар ҳеч нимани тушунимай қолишди.

— Бу қанақаси бўлди?— деди Алёша.

— Эрим бу ерга икки марта келиб кетди, немислар пайтида, албатта,— соддалик билан изоҳ берди Матильда Константиновна,— мен ҳам унга ана шу саволни бердим. Лекин, биласизми, унинг эътиқоди бошқа эмиш, мен эса ожиза бир аёлман, қўлимдан нима ҳам келади? Бу гапларнинг баридан гапгиб қолдим. Викентий Москвада Бронетанк қўшинлари академиясини, ўғлим эса артиллерия билим юртини тугатишган эди, мана, энди бўлса...

Хоним гўё дард билан гапираётган бўлса-да, сўзлари гап худди оддий икир-чикирлар тўғрисида кетаётгандек, жўн ва содда эшитиларди.

Светлана қайтиб келиб, дастурхон тузай бошлади. Чиройли идишлар, қанддон, мураббо ва немис печенъелари қўйилди. Бу хонадонда ҳамма нарса мўл-кўл, пишиқ-пухта эканлиги сезилиб турарди.

— Бу ерда анчадан бери яшайсизларми?— дея сўради Алёша орадаги жимликни бузиш учун.

— О, ўттиз тўртинчи йилдан бери!— дея хитоб қилди Матильда Константиновна.— Миясини еб қўйган бир помешчик кампирдан сотиб олгандик бу жойни. Болалар унда ёш эди. Володя ўн иккига. Светочка еттига кирганди. Бу ер эса жуда ажойиб экан. Табиат, сукунат! Ҳавосини айтмайсизми! Ҳеч қандай шаҳарнинг кераги йўқ бундай жой турганда. Авваллари шаҳарма-шаҳар кўчавериб, жуда саргардон бўлгандик. Ҳарбий одам оиласининг тақдири не кечишини ўзингиз яхши биласиз-ку! Кейин Викентий Иванович Москвага, Володя эса Киевга ўқишга кетишди. Тўғри, улар бизни кўргани келиб туришарди. Лекин аслида Светочка билан биз ёлғиз қолдик. Мен муаллима эдим... Умуман, яхши яшардик, манови лаянати уруш бўлмаганда...

Алёша Светлананинг ундан кўзини узмай қараётганини сезиб қолди. «Онасининг гапига қараганда, унинг ёши ҳозир ўн етти-ўн саккизларда бўлса керак», дея хаёлидан ўтказди у.

Улар чой ичиб бўлишиб, коллекцияни томоша қилишга ўтишганда, қиз Алёшанинг қулоғига шивирлаб сўради:

— Сиз менга жуда ёқиб қолдингиз, мен-чи, мен ёқаманми сизга?

Алёша индамади.

Коллекция чинданам ғалатироқ кўринарди-ю, лекин қизиқ эди. Матейконинг «Хукм» ва Сислейнинг «Пичан ғарами», Велтлнинг «Торф ботқоғи» ва Франкнинг «Тоғдаги оқшом» эскизи, Қаплинскийнинг «Исёнчи аёл» ва Григорескунинг «Чол портрети» картиналари, Вишолковскийнинг «Қостел» манзараси ва Виткевичнинг — «Ярланган исёнчи» эскизи. Булардан ташқари яна Пурвит, Билибин, Коровин, Степанов, Савенко, Рябушкин, Орловский, Борисов, Петровичевларнинг асарлари осиглиқ турарди...

Алёшанинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Ёқяптими? Мен-чи?— деб шивирларди Светлана. — Ўртоғингиз эса менга ёқмади. У қандайдир тўпори ҳам қари экан...

Федотов қизнинг ивир-шивирларига бепарво эди.

Улар яна Айвазовский, Ярошенко, Кончаловский ва бу ердаги картиналар орасида бирмунча қовушмай турган Карповнинг суратлари ёнига қайтишди Йўқ, яна «Гори» манзараси ҳам... «Нежданова» билан «Барсова» портретлари ҳам бир нави-ку, лекин Сталин тасвирланган суратлар...

— Бу суратларнинг натурадан чизилганлигини биласизми?— деди Матильда Константиновна,— Сталин ҳам суратини чиздириш учун вақт топибди, қаранг!

Горсков бу тўғрида урушдан олдинроқ эшитганди, ammo ҳозир картиналарни томоша қилишга берилиб кетиб, Матильда Константиновнанинг гапини эшитмай қолди.

Светлана эса унинг ёнида нозланиб бижирлашини қўймасди.

Алёша яна бир неча қизиқ асарларни кўриб қолди. Булар Серовнинг «Қир ювиш» ва «Саша» номли суратлари эди. Суратлар ниҳоятда ажойиб чизилган. Маковскийнинг «Қишлоқда дафн маросими» картинасига чизган эскизи-чи? Бу ҳам қизиқ эди. Мана булар қанақа картина бўлди? Ё қудратингдан, ахир, булар Васнецовнинг «Кузги япроқлари», Левитанинг «Звенигород» номли машҳур картиналари-ку!

— Картиналарингиз қанча ўзи, Матильда Константиновна?— дея қизиқиб сўради йнгит.

— Юз элликтадан ошиқ,— деди аёл.— Қалай, сизга ёқдимми?

— Қизиқ экан — деди иқрор бўлиб Алёша.

Қисмларига қайтишар экан, йўлда Фёдоров иккови анчага довур индамай келишди.

— Жуда қизиқ,— деди ниҳоят Саша.— Эри Власовнинг ёнида, ўғли эса Қизил Армияда. Мен ўша Матильданинг ўрнида бўлганимда ақлдан озардим, у бўлса парво ҳам қолмаяпти...

Штаб Умань ёнида турган ана шу бир ҳафта ичиди улар ўша галати қўрғонга яна бир неча марта боришди. Яна худди биринчи галдагидек ўтириб чой ичишди ва даҳшатли уруш тўғрисидаги зорланишларни эшитишди. Ammo, энг муҳими, картиналарни томоша қилишди.

Мартнинг йнгирманчи куни Алёша қўрғонга ёлғиз ўзи борди. Федотов банд, оддий аскар сифатида патрул хизматини ўтамоқда эди.

Матильда Константиновна уни одатдагидек очиқ чеҳра билан кутиб олди, Светлана ҳам қувончини яшириб ўтирмади:

— Ёлғиз келганингиз жуда ажойиб бўлди-да, Алексей Михайлович! Қандай ақлсиз!

У онасининг олдида тортиниб ўтирмай, оёғининг учиди туриб йнгитнинг юзидан ўпди.

Алёша қизариб кетди.

— Бизнинг Светочка ўзи шунақа, тез ошиқ бўлиб қолади,— дея ҳазиллашди Матильда Константиновна.— Эҳтиёт бўлинг, Алексей Михайлович, тагин бошингизни айлантириб қўймасин!

Ҳар сафаргидек, китоб жавонлари қўйилган хонада шам ёруғида ўтириб чой ичишди.

— Ҳа, дарвоқе, бизда қувончли хабар бор,— худди ҳозир эслагандек қилиб деди Матильда Константиновна.— Мана, кўринг, Володя юборибди.

Шундай дея аёл Алёшага ўғлидан келган хатни узатди.

Йигит хижолатга тушиб, одатда фронтдан жўнатиладиган учбурчак хатни қўлида айлантириб кўра бошлади.

— Уқийверинг, ўқийверинг, Александр Михайлович, тортинманг,— деди Матильда Константиновна.

«Азиз онагинам ва сингилжоним! Ахборотларга қараганда, сизларни озод қилишибди, шу боисдан ҳам шошилиб хат ёзйман. Дарров жавоб ёзинг, соғ-саломатмисизлар, мудҳиш оккупация даврини қандай ўтказдинглар? Менинг ҳамма ишларим жойида. Ҳужум қилиб боряпмиз. Яқинда Берлинга етамиз,— дея ўқиди Алёша.— Бугун уруш давомида бор-йўғи икки мартагина енгил яраландим. Отам қалайлар! Анчадан бери у киши билан алоқам узилиб қолган...»

— Демак, ўғлингиз ҳеч нимадан хабари йўқ экан-да?

— Афсуски, шундай,— деди Матильда Константиновна.— Энди унга нима деб жавоб қилсам экан?

Светлана, гўё гап бутунлай бегона одамлар тўғрисида кетаётгандек, уларнинг суҳбатига паришон қулоқ солиб ўтирарди.

Онаси қандайдир юмуш билан хонадан чиқиб кетган эди, қиз Алёша томон талпинди:

— Мени ўпинг, Алексей Михайлович! Упинг, деяман! Мен талаб қиламан!

Йигит ўнғайсизланиб ўзини орқага тортди.

— Мен сизни севаман, ахир — дея шивирларди Светлана.— Биринчи кўришимданоқ севиб қолганман... Бир умр фақат сизни кутганимни англаганман ўшанда.

— Керак эмас, ҳожати йўқ,— деди ўнғайсизланиб Алёша.— Ёшингиз нечада ўзи?! Мен қариман, ахир...

— Мен ўн саккизга тўлганман! Сизни ким айтди қари деб! Сиз ажойибсиз! Сиз...

Қиз шу тобда самимият ва беғамликнинг тимсолидек кўринарди.

— Мен сизнинг ортингиздан истаган жойингизга кета-

вераман. Майли, дунёнинг нариги чеккасига юр, десангиз ҳам бораман!— дея шивирларди у.

Алёша сал ўзини тутиб олиб, жиддий оҳангда деди:

— Биз бугун ёки эртага жўнаб кетамиз бу ердан.

— Мен сизга хат ёзиб тураман, манови уруш тугаганидан кейин эса... Утинаман, мени олиб кетинг. Мени кечирасизу, буларнинг ҳаммаси ўлгудек жонимга теккан! Ойим ҳам, сотқин отам ҳам, уйимизда ўралашган анови немислар ҳам!

Алёша қизга биринчи марта жиддий тикилди.

Игит бу кеча штабга бирмунча бахтиёр кайфиятда қайтди ва дарҳол ўзининг «Чекиниш» картинаси устида ишлай бошлади.

### XXXII

Яна баҳор келди. Жанубдаги барча жойлардагидек, у бир зумда ҳаммаёқни кўм-кўк либосга буркади. Кузги бугдой бўй чўзиб, дарахтлар япроқ ёзди. Ўт-ўлан яшил гиламдек паст-баландликларнинг бетини қоплади. Деҳқонлар бу ерларда оккупация даврида ҳам даладаги, полиз ва боғлардаги ишларни тўхтатишгани йўқ. Ҳатто узумзорлар ҳам омон қолганди.

26 март куни уларнинг frontiдаги қўшинлар давлат чегарасига чиқиб олишди. Чиққанда ҳам Горсков ҳарбий хизматни бошлаган жойдан эмас, балки сал жануброқдан чиқишди. Каменец-Подольск, Долина шаҳарлари четда қолиб кетди. Энди Жанубий Буг ва Днестр дарёлари ҳам ортда қолган бўлиб, олдинда уларни Прут кутмоқда эди.

Алёша чидаб туролмай, мени табрикланг, деган маънода Светланага икки энлик хат ёзиб юборди.

Қиз унга дарҳол, хиёл пала-партиш бўлса-да, лекин назокатга тўла узундан-узоқ хат билан жавоб қилди. Ҳарбий цензура хатнинг баъзи жойларини ўчириб ташлабди. Қиз тушмагур ўчирадиган нимаям ёза қолган экан?

Молдавия ва Руминия тупроғи бўйлаб тантанавор одимлаб бораётган баҳор ҳаммаёқни гулларнинг рангин бўёғига бўяганди.

Ясси ва Кишинёвга яқинлашган сари ҳужум қилиш анча қийинлашиб борди. Немисларнинг «Жанубий Украина» армиялари группаси ва руминлар қаттиқ қаршилик кўрсатишмоқда эди.

Трибуналда иш анча кўпайиб қолди. «Дело»ларнинг кўпчилиги «хонимлар» масаласига боғлиқ эди.

Бир солдат молдаван қиз билан ошиқ-маъшуқлик қилган экан, қизнинг онаси аралашибди...

Сучавада румин аёлнинг жазмани бўлмиш старшина унинг уйига ўт қўйибди... Ўзини ўзи отиб, ногирон қилишлар камайиб, дезертирлик ҳодисалари барҳам топган эди.

Хуллас, ҳаммаси булутли хафагазак кундек зерикарли ишлар...

20 август куни душман позицияси аввалига роса тўплардан ўққа тutilгач, фронт яна олға интилди. Эртасига Ясси ишғол қилинди.

Уша куни кечқурун Сталиндан кўрсатма келди: «Ҳозир 2-ва 3-Украина фронтларининг асосий вазифаси иккала фронтнинг биргалашиб ҳаракат қилиши натижасида душманни Хуши районида тезроқ қуршаб олишдир. Шундан сўнг душманнинг Кишинёв группировкасини яқсон этиш ёки асир олиш мақсадида қуршовни сиқиб, исканжага олиш лозим бўлади. Ставка бошқа вазифаларни бажариш учун мўлжалланган кучларни жалб этмай, иккала фронтнинг асосий куч ва воситаларини ана шу бош вазифани бажаришга қаратилишини талаб қилади. Душманнинг Кишинёв группировкасини тор-мор этилиши биз учун Руминиянинг асосий иқтисодий ва сийсий марказларига йўл очиб беради... Сиз ушбу вазифани муваффақиятли равишда бажармоқ учун барча имкониятларга эгасиз ва уни албатта бажармоғингиз зарур».

Улкан сиртмоқ ичига бешта немис армия корпуслари тушиб қолди. Қўшилма тор-мор этилди. 24 август куни 3-Украина фронтининг қўшинлари Кишинёвга кириб боришди. 2-Украина фронтининг илғор қисмлари эса Бухарест остонасига етиб олишди. Сентябрда эса улар Югославия ҳамда Венгрия чегараларига бориб етишди.

Дебрецен ва Ньиредьхазу учун айниқса қаттиқ жанглар бўлди. Бу шаҳарлар тўплардан ўққа тutilиб, самолётлардан бомбардимон қилингандан сўнг, душман мудофаасини ёриб кирган фронт саксон-юз километрча олға силжиб, Каргац районига чиқиб олди. Бироқ Орадъ шаҳри ёнида қисмларимиз тўхтаб қолишди. Немислар қутуриб қаршилик кўрсатишмоқда эди. Трибунал жойлашган иккинчи эшелонни душман тўплари ва миномётлардан қаттиқ ўққа тута бошлади. Унг ва сўл томондан немислар ва венгерлар кўринди.

Серов айланасига ҳимояга шайланишни буюрди. Яхшики, кеча барчага граната ва ёндирувчи суюқлик солинган шишалар берилган эди.

Горсков аллақандай чуқурча ичида, Серовнинг ёнида жойлашиб олиб, душманни автоматдан ўққа тутмоқда эди.

Немислар билан венгерлар жуда яқинлашиб қолганда гранаталар ишга солинди.

Ун уч, ўн тўрт ва ўн бешинчи октябрь кунлари шу зайлда ўтди. Жанг кечаю-кундуз давом этарди. Ҳатто тамадди қилиб олишга ҳам қўл тегмасди. Бир суткада бор-йўғи икки-уч соатгина ухлар эдилар. Душман 8-немис армияси ҳамда биринчи ва иккинчи венгер армияларини қуршовдан олиб чиқишга уриниб, қаттиқ қаршилик кўрсатмоқда эди.

Ун олтинчи октябрь кунини немис артиллериясининг Ҳимоясида венгерлар ҳужумга ўтди. Душман Ҳимоясининг орқа чизигидан миномётлар ўт очди. Биринчи бўлиб трибуналчиларнинг немислардан ўлжа олган «Мерседес-бенс» машиналари портлаб кетди. Хайрият, архивлар бу машиналарда эмас, бир ой бурун олинган янги «Газик»ка жойлаштирилганди.

— Жангга шайланинг!— дея қичқирди Серов ва биринчи бўлиб душман сафига граната улоқтирди.

Горсков, Истомин, Федотов, Вязов ва Володяларнинг қўлларидаги гранаталар ҳам душман томон учди. Қизил аскарлар душманнинг орқадан четлаб ўтишидан чўчиб, машинани Ҳимоя қилмоқда эдилар.

Душман талвасага тушиб, орқага чекинди.

Ҳаммаёқ жимиб қолгандек бўлди. Энди нафас ростласалар ҳам бўларди.

Оқшом ва тун анча тинч ўтди. Аммо эрталаб уларнинг позициясига яна омон қолган венгерлар билан бирга немислар ҳужум қилди.

Ҳимоянинг орқа чизигидан ўзиюлар «Фердинанд» тўни ўқ узар эди.

Бир неча минутдан сўнг у қишлоқнинг чекка уйлари ортидан ўрмалаб чиқди-да, ҳар ўқ узганида бир силкиниб, трибуналчилар позицияси томон яқинлашиб кела бошлади.

— Рухсат беринг, ўртоқ майор!— Серовнинг олдида Володя пайдо бўлди.—Мен уни шиша билан ёндираман!

Серов Истомин ва Вязовлар билан кўз уриштириб олди.

— Майли, Володя, гумдон қил лаънатини!

Володя ўнг қўлига учта шишани олди-да, пана жойдан чиқиб, олдинга ўрмалаб кетди. Немислар билан

венгерлар сафи бирдан иккига бўлиниб, «Фердинанд»-ни олдинга ўтказиб юборишди.

«Фердинанд» Володяга етишига етти-саккиз метрча қолганда йигит санчиб ўрнидан турди-да, унга шишаларни улоқтирди.

«Фердинанд» гуриллаб ёна бошлади, бироқ Володя ҳам гурс этиб қулаб тушди.

Яраландимикин ёки атайлаб йиқилдимиз?

Немислар билан венгерлар «Фердинанд»нинг ёнаётганини кўриб, орқага ўрмалаб қолишди.

Володя қимир этмай ётарди.

— Уни олиб келсам майлими, Виктор Степанович?— дея сўради Горсков.

— Шошмай туринг, Алексей Михайлович!— деб тўнғиллади Серов.

«Фердинанд» ҳамон гуриллаб ёнмоқда эди.

Унинг туйнуги очилди-ю, тешикдан комбинезонлари тутаб ёнаётган учта фриц отилиб чиқди.

Вязов автоматидан ўқ узиб, уларни ер тишлатди. Немислар билан венгерлар қишлоқ томон қочиб бўлишганди.

— Виктор Степанович!— деб яна илтимос қилди Горсков.

— Ҳай, майли, боринг,— деб розилик берди майор.

Алёша граната ва шишаларни бир чеккага қўйиб, олдинга ўрмалаб кетди.

Ун беш метрча сургалиб борди. Мана, Володянинг ёнига етди. Бирваракайига бир неча жойидан ўқ еган Володя мук тушиб ётарди.

— Володя!— Горсков йигитнинг елкасидан тортди-ю донг қотиб қолди.

Володянинг катта-катта очилган кўзлари сўниб қолган, бўйнидан қон оқмоқда эди.

Алёша Володяни елкасига ортмоқлади-да, орқага қараб ўрмалади.

— Мана... Тамом бўлибди...— деди у ҳансираб ўз одамларининг ёнига қайтиб келгач.

Ҳамма бошидан шапкасини олди.

Улар қабрни тепаликдаги бутазордан қазишди.

Ҳеч ким ҳеч нима демади.

Фақат Серов, Володяни қабрга қўйиб бўлишгач, қандайдир ғайритабиий оҳангда секингина:

— Ҳа, ажойиб йигит эди...— деди.

— Мана сизга «бенц», — радмин оҳангда ҳазил қилди Вязов.

Уша куни ҳам, эртасига ҳам немислар билан венгерлар уларни безовта қилишмади.

Ун тўққизинчида дивизия штабидан алоқачи олдинга силжиш ҳақида буйруқ олиб келди.

Энди уларнинг хўжаликларида газик билан учта мотоцикл қолганди. Володянинг ёрдамида ҳаммалари мотоцикл ҳайдашни ўрганиб олишганди.

Уч соатдан сўнг улар Дебреценнинг жануброғида жойлашган Деречке қишлоғига етиб боришди. Расмана уйларга жойлашишди. Бу ерда граждан аҳолисидан ҳеч ким қолмаганди.

Эрталаб эса яна йўлга тушишди — ҳозиргина ишғол этилган Дебрецен томон равона бўлишди.

Вайронага айланган шаҳар ҳамон тутаб турарди. Немислар чекина туриб, кўпгина уйлар, тегирмон, вагонларни ремонт қилиш заводини портлатиб кетишбди. Омборлар ёнмоқда эди.

Трибуналчилар мактабнинг бирипчи қаватига жойлашишди. Иккинчи қават вайрон бўлган экан.

Шаҳар бизникиларга тўлиб кетганди. Ҳаммаёқда техника ва отлар кўзга ташланарди.

Гармошка, аккордеон, баян садолари янграб турарди. Кўчма ошхоналар тепасида тутун буруқсарди.

Кечки овқатдан сўнг, Горсков билан Фелотов шаҳарни айланмоқчи бўлишди.

Қош қорайиб қолганди. Улар бир қанча кўчаларни ортда қолдириб, катта майдондаги бадқовоқ костел биноси олдига чиқишди.

Майдонда гулханлар ёқилганди. Чамаси, механизациялашган суворийлар корпусига қарашли тачанкалар турарди. Уйлардан бирининг олдида битта «ИС» ва учта «ўттиз тўрт» танклари саф тортишганди.

Бир капитан танк устига чиқиб олиб, атрофида йиғилган қизил аскар ва командирларга қандайдир ҳужжатни ўқиб бермоқда эди.

— «Душманга нисбатан интиқом туйғусини биз ушбу қонли урушнинг ҳақиқий айбдорларига қаратишимиз керак... Венгриянинг немис ҳамда венгер фашизми томонидан икки карра жабрланган меҳнаткаш аҳолисини биз жиноят йўлига кирган венгер ҳукумати билан адаштирмаслигимиз лозим...»

— Биз учун ишляпти!— дея ҳазиллашди Алёша.

Булутли октябрь осмонида оғир самолёт шарпаси пайдо бўлганини ҳеч ким сезмагандек эди.

Майдон бир силкинди-ю, кетма-кет учта бомба тушиб портлади. Одамларнинг бақириб-чақиргани, отларнинг ҳуркиб кишнагани эшитилди.

Федотов бир четга учиб кетди, Алёша эса ўнг қўлида қаттиқ оғриқ ҳис этиб, тош кўчага қулади.

Қаердандир зениткалар ўқ уза бошлади, Горсков эса, ҳеч нимани тушунмай, ўнг қўлини совуқ тошга босганча срда чўзилиб ётарди.

— Сенга нима бўлди, Алёша!— деди унинг ёнига югуриб келган Федотов.— Қани тур! Тура қол!

Алёша Федотовга анграйганича қараб дели:

— Туролмайман, Саша, туролмайман!

— Кел, ёрдамлашвораман,— деди питирчилаб Федотов, Горсковни кўтаришга урилиб, бироқ Алёша ёнбошига қулаб тушди.

У ёниб кетаётгандек бўлиб оғриётган қўлини тош йўлга босишга ҳаракат қилар, шунда оғриқ хиёл босилаётгандек туюларди.

Зенит тўплари эса қоп-қора осмонга қараб тинимсиз ўқ узишарди. Пулемётлар ҳам из қолдирувчи ўқлар билан осмонни ўққа тутишарди.

Майдонда ярадорлар қичқиришарди. Бомба парчасидан қорни ёрилиб кетган учта от чўзилиб ётарди. Оёқлари синган битта от эса жон талвасасида қийналиб титирчиларди.

— Отиб ташла! Отиб ташла уни!— дея қичқирарди кимдир.

Ўқ овози эшитилди-ю, боёқиш от жимиб қолди.

Гулхан ёруғида Алёша автоматини қучоқлаб ётган қизил аскарга кўзи тушди. Унинг тагидан қон сизиб чиқмоқда эди. Жангчи автомат устига йиқилганида автомат ўзидан ўзи отилиб кетибди.

Кимдир тачанкаларга отларни қўшар, ярадорларни олиб келиб шу тачанкаларга ётқизишарди.

Кимдир сўкишарди.

— Славянлар!— дея, қичқирарди алақим хирвиллаб.— Қаердасиз, славянлар?

Ниҳоят, Федотов Алёшани куч билан кўтариб, оёққа турғазиб қўйди. Алёшанинг шинели ва гимнастёркасининг ўнг енгини йиртилиб кетганди. Осилиб қолган лахтактан қон оқмоқда эди.

Алёша кўнгли беҳузур бўлиб, гандираклаб турарди.

— Юра оласанми? Бу ердан узоқ эмас! Утинаман! Алёша, қани, юра қол!— дея ялинарди Федотов.

— Мен урилиб кўраман, жаҳлинг чиқмасин, ҳаракат қиламан,— дерди шивирлаб Алёша.— Аҳмоқона иш! Аҳмоқона иш бўлди!

Улар ўзлари жойлашган мактаб томон йўл олишди.

— Менга суяниб ол, яхшилаб суяниб ол! — дея илтимос қиларди Саша.

— Ҳозир, ҳозир, фақат нафасимни рослаб олай,— такрорларди Горсков. У кўнгли ағдарилиб, қайт қилган эди, бир оз енгил тортгандек бўлди.

У чап қўли билан ўнг қўлини бағрига босиб бораётганидан соғ қўли ҳам қонга беланганди.

Улар бир амаллаб маконларига етиб олишди.

Трибуналдагилар Алёшанинг ярасини қўлларидан келганича боғлаб қўйишди, лекин жароҳатнинг оғир эканлигини ҳамма тушуниб турарди.

— Врач қидириб топниш керак,— деди Серов.

Вязов қаердандир тамакидан мўйлови сарғайиб кетган кекса бир ҳарбий фельдшерни топиб келди.

Фельдшер ярадорни синчиклаб кўздан кечирди.

— Сизларда транспорт борми? Дарҳол госпиталга олиб борамиз?

Газикнинг моторини ўт олдиришди-да, Горсковни кузовга ётқизишди. Серов билан Федотов унинг ёнида жўнашди.

Йўлда Алёша ҳушидан кетди ва госпиталга етиб боришганида ҳам ҳеч нимани тушунмай ётди. Унинг миёсида Катя, Светлана ва негадир Вера айқаш-уйқаш бўлиб айланарди.

### XXXIII

У иккинчи куни — катта ўн каравотли палатадаги топтоза ўринда ҳушига келди. Алёшанинг биринчи қилган иши — ўнг қўлини пайпаслаб кўриш бўлди. Хайрият, қўли бутун эди. Тўғри, уни бинт билан ўраб боғлашган ва бўйнига осиб қўйишганди, лекин у бутун эди.

«Шунақаям омадсизлик бўладими,— дея хаёлидан ўтказди у.— Нақ уруш тугай деб турганида сафдан чиқсам-а. Яна аҳмоқона бир тарзда яраланганимни айтмай-сизми!»

Трибуналчилар ҳар куни уни кўргани келиб туришди.

Бир ҳафтадан сўнг Серов деди:

— Эртага бу ердан жўнайдиганга ўхшаймиз... Лекин сиз хафа бўлмаң, Алексей Михайлович, ҳали етиб оласиз бизга.

— Энди етиб олиш қийин бу ёрига...

Сўнгра бир оз ўйланиб тургач, илтимос қилди:

— Федотовга айтиб қўйсангиз, Виктор Степанович, бугун олдимга бирров кириб ўтса...

Федотовдан эса у шундай илтимос қилди:

— Саша, менинг нарсаларимни йиғиштирсанг. Энг муҳими, ишларимни унутма. Уларни маҳкам ўраб боғлагинда, иложи бўлса, бу ерга келтириб бер.

Саша ҳаммасини — чамадонини ҳам, картиналарни ҳам олиб келди.

Улар кучоқлашишди.

— Кейин...— Алёша гапни қандай бошлашни билмай қийналарди.— Расм чизишинг керак, Саша!

Федотов хаёлга чўмиб қолди.

Сўнгра деди:

— Ҳзим ҳам биламан, лекин бошимга тушган ўша машмашалардан кейин ичимда нимадир узилиб кетгандек бўлган, Алёша. Айниқса, анови олти ойлик текширувдан кейин...

Биринчи икки ҳафта яхши ўтди, бироқ кейин қўлида қаттиқ оғриқ турди, у кўкариб, ҳатто қорая бошлади.

Алёша яраси анча оғир эканлигини—суяги билан пайларни жароҳатланганини билиб олганди.

Кейин бирдан даҳшатли бир гап:

— Қўлни кесиб ташлашга тўғри келади.

Горсков ғалаён кўтарди:

— Сира ҳам рози эмасман!

У ҳаммаси — «Уйқудаги қиз» ҳам, «Ҳоин» ҳам, «Чекинш» ҳам, келажакдаги барча ижодий режалари ҳам барбод бўлаётганини тушуниб турарди.

— Сира ҳам рози эмасман!— дерди у хирургларга, бўлим бошлиғига, бош врачга.

Уни кўндирмоқчи бўлиб, илтимос қилишар, дўқ уришарди, аммо у нуқул:

— Сира ҳам рози эмасман!— дея битта гапни такрорларди.

Алёша тилхат берди.

Декабрда уни санитар поездида фронт ичкарасига жўнатишди. Поезд Венгрия ва Руминиянинг тор изли йўлидан Трансильвания орқали Ясси томон йўлга тушди. Сўнгра санитар текширувидан ўтиб, бошқа поездга чиқишди-да, энди ўзимизнинг темир йўлдан Киев томон йўл олишди. Қўли сирқираб, қаттиқ оғирди. Алёша унга қарамасликка ҳаракат қиларди. Ҳатто бинтлар тагидан ҳам унинг қорайгани сезилиб турарди. Ҳарорати кўтарилганини ҳам врачлардан яширарди. Зеро поезддан тушириб, бирор касалхонага тиқишади, деб чўчирди.

Фақат яшварнинг охирларидагина улар Москвага етиб боришди.

Москвада қаттиқ совуқ тушган пайти эди. Қора совуқ кетидан изғирин турар ёки қорбўрон кўтариларди. Уша кезлари кўчаларни ҳали яхши тозалашмас, шу боисдан ҳам шаҳарни қор босиб кетганди. Машиналар, троллейбуслар, автобуслар фақат бир қаторгина бўлиб юра олишарди. Томлардан улкан сумалаклар осилиб турарди. Тротуарлар яхмалакка айланган бўлиб, одамлар ўқтин-ўқтин сирганиб йиқилишарди. Чет кўчалар ниҳоятда торайиб қолганди. Унг ва сўл томонда қор тоғ-тоғ бўлиб уйлиб ётарди.

Горсковни Сверчков кўчасидаги госпиталга олиб боришди. Госпиталь собиқ 113-нчи мактаб биносида жойлашганди. У анча эски бўлиб, ўз анъаналарига эга экан. Чамаси, госпиталь бу ерда урушнинг бошларидан буён ишлаётган бўлса керак.

Врачлар уни биринчи кўришдаёқ кўнгилсиз гапни айтдилар.

— Зўриқтириб юборибсиз, яхши йигит, зўриқтириб юборибсиз!

— Қорасонга айланай деб қолибди!

Сўнгра жароҳатининг рентген суратини олишди.

— Осколкалар ҳам бор экан. Металлдан ҳам, ўзингизнинг суяк парчаларингиздан ҳам.

Уни яна операцияга олиб киришди.

Шу тобда Алёша бир шеърни эслади:

На чора

Пичоққа қолибди кунинг:

Жарроҳлар ўз ишин билар баякбор...

Ўзингни мағрур тут.

Кўтариб бурнинг,

Қайтиб кела олгин

Ҳаётга такрор!

— Доктор, қўлимни сақлаб қоласизми? Биласизми, мен қўлсиз асло...

У гапни охиригача айта олмади.

— Уриниб кўрамиз, яхши йигит, уриниб кўрамиз.

Операция бир ярим соатча давом этди. Горсков ҳаммасини кўриб, ҳаммасини билиб ётди-ю, лекин ҳеч нимани ҳис этмади. Кейин қандайдир тубсиз жарликка қулаб кетгандек бўлди.

Уйғонган заҳоти қўлнини пайпаслаб кўрди: қўли бутун эди.

Сўнг деразага қаради. Ташқарида қарғалар қағиллар, бўғотларда чумчуқ ва каптарлар ҳурпайиб туришарди.

Уйларнинг томларини улкан бароқ телпак янглиғ қалин қор босиб ётарди. Кўпгина деразаларнинг фэрточкасидан «буржуйка» деб лақаб қўйилган қўлбола печкаларнинг трубалари қаққайиб чиқиб турарди. Хиёл чапроқда жойлашган катта уйнинг бир бурчаги нураб тушган, деворлари эса осколкалардан чақа-чуқа бўлиб кетганди.

«Бомба тушганга ўхшайди»,— дея хаёлидан ўтказди Горсков.

Февраль ойида, Қизил Армия куни арафасида Умандан Светлана етиб келди.

— Жонгинам, азизим! Сенга нима бўлди? Тузукмисан? У Алёша билан дарҳол сенсираб гаплаша бошлади.

Горсков энди ўзини анча яхши ҳис эта бошлаган эди.

— Пенциллиндан укол олиб ётибман! Сиз хатимни олдингизми?

Дарвоқе, нега сўраяпти буни, тентак?

— Олдим, албатта, лекин у сираям сенинг хатинг эмас-ку.

— Ўзим ҳозирча хат ёза олмайман, кўряпсан-ку,— дея икром бўлди Алёша.— Қўшнимдан хат ёзиб беришни илтимос қилдим.

Унинг назарида Светлана жуда ўзгариб кетгандек эди. Ҳусни очилиб кетибдимики? Ёки вазминроқ бўлиб қолибдими? Эҳтимол, улугворроқ бўлиб кетгандир?

Светлана эса палатани тартибга солишга киришиб кетди. Бир зумда челак ва латта пайдо бўлди. Ўрнидан туролмайдиган ярадорларнинг туваклари ташқарига олиб чиқилди. Санитар аёллар етишмас, шу боисдан ҳам Светлананинг саъй-ҳаракати жуда ўринли бўлиб чиқди.

Светлана госпиталда бир ҳафтадан кўпроқ турди. Унга ҳамма ўрганиб қолди, шунинг учун ҳам қиз жўнаб кетаётганида фақат Горсковгина эмас, балки кўп ўринли палатадаги бошқа ярадорлар ҳам маъюс бўлиб қолишди.

— Албатта, хат ёз,— дея тайинлади кетар чоғида Светлана.

— Қандай ёзаман?

— Чап қўлинг билан ёз, ўрган ёзишни.

— Аммо чап қўлимда ҳам учта бармоғим йўқ-ку, ахир!

— Бари бир ўрган!

Алёша минг азоб билан чап қўлида ёзишни ўргана бошлади. Кейин бу ишни йиғиштириб қўйди. Хати ажи-бужи бўлиб чиқмоқда эди. Сурат чизишга уриниб кўрди. Дераза ортидаги манзарани — арғувон ва эман суратини қалам билан чизди. Бемаъни сурат!

Сўнгра яна тинимсиз ёзишни машқ қилди. Қаламни иккита бармоғи билан, бунинг устига чап қўлида тутиб туриш ниҳоятда қийин ва ноқулай эди. Лекин у тутиб турар ва тинмай ёзишни машқ қиларди.

Уруш эса энди бизнинг чегараларимиздан анча нарида кетмоқда эди. 13 февраль куни Сталиннинг буйруғида уларнинг дивизияси тилга олинди. Дивизия Будапешт учун бўлган жангларда иш кўрсатибди.

Украин ва белорус фронтлари тўппа-тўғри Берлинга ҳужум қилиб боришмоқда эди.

Илгаригидан хиёл дурустроқ ёзилган биринчи икки хатни Алёша Светлана билан Саша Федотовга жўнатди. Сашани ва барча трибуналчиларни у Будапешт билан табриклади.

Светлана-чи? У ўзаро муносабатлари тўғрисида жуда кўп ўйларди. Бу севгимикин ўзи? Худо билади. Балким, шунчаки ҳавасдир? Светлана ёш ниҳол, ифбат тимсоли, бу кимга ёқмайди, дейсиз. Кейин у бу ерда, госпиталда Алёшани озмунча парварити қилдими! Лекин бари бир Алёшани нимадир хижолатга солар, кўнглини ғаш қилиб турарди. Бунга Светлананинг тақдири галати бўлган отаси сабабчи эмас, албатта. Кейин ҳис-ҳаяжонга мойил Матильда Константиновна ҳам эмас. Хўш, унда нима сабаб бўл-япти? Нима?

Алёша, гарчи бу тўғрида жуда кўп ўйласа-да, ана шу саволга жавоб топа олмасди.

Шунинг учун ҳам у Светланага вазминлик билан, илгаригидек «сизсираб» дўстона хат ёзди.

Светлана жуда тез, Саша Федотовдан ҳам олдинроқ жавоб ёзиб юборди.

«Жонгинам, азизим, қадрдоним! Нега хатинг бунчалик маъносиз? Ёки яна мазанг қочиб қолдими? Менинг маслаҳатимга қулоқ солиб, чап қўлинг билан ёза бошлаганинг эса жуда яхши бўлибди, баракалла! Энди расм чизишга ўт!»

Алёша чиндан ҳам чап қўли билан расм чиза бошлаганди. Пейзажлар унча чиқмас, лекин портретлар ҳар қалай бир нави чиқиб, одамларни хурсанд қилмоқда эди. У палатадаги қўшнилари, врачлар, ҳамшираларнинг портретларини чизарди. Улар эса хурсанд бўлишар, унинг чизган суратларига қойил қолишарди. Қойил қолмай нимаям қилишсин: илгари бирон пайт биронта расм уларнинг суратини чизганмиди ўзи?

Горсков қалам ва акварель билан сурат чизарди. Акварелда чизган суратлари хиёл яхшироқ чиқарди. Қалам

уни толиқтирар, аммо акварель бўёқлари қоғозга осонгина, бир чизишдаёқ туша қоларди. Кейин уни мойбўёққа ўхшаб қориштиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Бу ўзини ўзи алдаш эди, албатта, Алёша буни тушунарди. Унинг кўпроқ мойбўёқ билан ишлагиси келарди.

У госпитални май ойида, ғалабадан уч кун ўтгач, тарк этди. Унг қўлига у қора қўлқоп кийиб олганди.

Энди ҳаммасини бошидан бошлаш керак.

Лекин қапдай қилиб?

### XXXIV

Москва эса ғалаба билан яшамоқда эди. Май ойи ҳам узоқ кутилган ва уни деб қанчадан-қанча ҳаётлар қурбон бўлган ғалабага, унинг қувончига монанд эди.

Алексей Михайлович биринчи навбатда, ҳеч қандай Уманга бормайман ва ҳеч қандай Светланага уйланмайман, дея қарор қилди. Қарор қилганда ҳам қатъий қарор қилди. Нега дейсизми? Бу саволга унинг ўзи ҳам жавоб бера олмасди-ю, лекин дилида фақат шундай қилиш керак, дея қатъиян ишонарди. Ишни бундан бошламаслик керак.

Светлананинг бутун дунёси ўша қимматбаҳо ва тасодифий картиналари билан биргаликда унга бегонадек туюларди. У Светлана тўғрисида қанча кўп ўйласа, қиз ундан шунча кўп узоқлашиб борарди.

Катя. Катя-Катюша. Уни тирилтириб бўлмайди энди. Ҳаёт эса давом этади.

Шунинг учун ҳам ушбу заминда қандайдир ўз жойини топиб олиши керак.

Яна севги изласинми?

Ундай деса, севгини изламайдилар.

Вера билан муносабатлари аллақачон куйиб кул бўлди.

Бир ҳисобда, шундай бўлгани яхши ҳамдир.

Ёки Ленинградга бориб, уни топиш, эридан тортиб олиш ва урушдан олдинги ўша орзу-умидлар асосида оила қуриш керакмикин...

Балким... Балким, шундай қилгани маъқулдир...

Унинг омади келди. Горсковни МОСХ ва Греков студиясида яхши кутиб олишди. «Уйқудаги қиз», «Хоин» ва «Чекиниш»ни ҳамма мақтарди. Мақташганда ҳам қуруқ мақтов билан чекланишмади. «Уйқудаги қиз»ни Рус музейи сотиб олиб, дарҳол кўргазмага қўйди. «Хоин» билан «Чекиниш»ни Третьяковка сотиб олди. Тўғри, у ерда кар-

тиналарни омборга яшириб қўйишди («Ўзингиздан қолар гап йўқ, ғалаба, сизда эса мавзу масаласи...»), лекин муҳими, сотиб олишди-ку.

Кузда Горсков 1905 йил номидаги Москва область санъат билим юртига ўқишга кирди ва бир вақтнинг ўзида Греков студиясида шуғуллана бошлади. Унга Строминкада жойлашган коммунал квартирадан бир хона беришди.

Горсков урушдан олдинги Академияни миннатдорчилик билан эсларди. Ҳозир эса билим юрти ва студия тўғрисида ўйларди. Лекин, ҳар қалай, уруш унга анча кўпроқ нарсани берди. Чамаси, кучли изтироблар, фожиаларсиз ҳақиқий санъатнинг ўзи бўлмаса керак.

Унинг фамилиясини газета ва журналларда тилга ола бошлашди, Горсков эса азоб чекарди. У энди чап қўли билан расм чиза олмас, ўнг қўли эса ҳали-бери ишлаб кетадиганга ўхшамасди. У қўлқоп кийган ҳолича сурат чизишга уриниб кўрди. Уни мақтаб, кўкларга кўтаришган ишларининг бари кечаги ишлар эди, лекин янгиси-чи?

Куз ўтиб, қиш тугади-ю, бирдан у қатъий бир қарорга келди:

«Ленинградга бораман! Дарҳол жўнайман!»

Унга бир ҳафтага жавоб беришди.

Ленинградда у бор-йўғи икки адресни — Рус музейи ва Лахтинская кўчасини биларди. Хотираларни уйғотиб, кўнглини бузмаслик учун у Марат кўчасига бормасликка аҳд қилди.

Рус музейида у ўзининг «Уйқудаги қиз»ига узоқ тикилиб турди. Ҳозир чиройли ромга солиб қўйилган картина Катянинг образидан ҳам, унинг ўзидан ҳам узоқлашиб қолгандек кўринарди.

«Қизиқ»,— деди ўзига ўзи Алексей Михайлович.

Лахтинскаяда у таниш уйғи топиб, номерини биладиган квартира эшиги олдига кўтарилди-да, қўнғироқ тугмасини босди.

Эшикни Вера очди.

— Сенмисан? Қандай келиб қолдинг бу ерга?

— Қиритасанми?— дея сўради Горсков.

— Госпиталдан чиқиб келяпсанми?— Сўради Вера унинг қўлини кўриб.

— У ердан чиқиб кетганимга анча бўлган, бултуроқ чиқиб кетгандим...

Вера ҳамон эшик олдида турарди.

— Балким, ичкари киритарсан?— дея такрорлади Горсков.

— Ҳа, албатта, албатта, марҳамат, ичкари кир,— деди шошилиб Вера ва уни хонага бошлаб кирди.

Горсков шинелини ечиб, диванга ташлади-да, ҳеч бўлмаса Ленинградга жўнашдан олдин киройи пальто сотиб олмагани учун дилида ўзини қойиб қўйди.

— Қизинг қани?— у атрофга алашглаб қаради.

— Катюша болалар боғчасида.

«Қизик, бу ерда ҳам Катюша»,— дея хаёлидан ўтказди Горсков.

— Хўш, ҳалиги...— Унинг тили тутилиб қолди.— У қаерда?

Вера унинг нима демоқчилигини тушунди:

— У аллақачон йўқ бўлиб кетган...

— Ҳалок бўлдими?

— Нега энди! Туппа-тузук юрибди, лекин биз ажрашиб кетганмиз...

Уларнинг гаплари қандайдир зўрма-зўраки, нотабий чикмоқда эди.

— Бошқа яқинларинг-чи?

— Бошқа яқинларимнинг ҳаммасини қамал олиб кетди... Фақат Катюша икковимизгина омон қолдик...

Чамаси, худди шу ерда, ана шу дақиқада, унинг миёсида янги иш режаси туғилди. Бу картинани у «Тўнғич бола» деб атайди. Ҳа, «Тўнғич бола». Қамалдаги Ленинград, қиш, қирқ иккинчи йилнинг декабрь ойи. Дераза олдида бола кўтарган она турибди. Балким, Вера бўлар; балким, Катя, балким, бошқа биронта аёл, лекин худди шундай бўлади. «Тўнғич бола»— бу ҳаёт, бу галаба!

Вера унга синчковлик билан қараб турарди. У Горсковнинг чап қўлида ҳам уч бармоғи йўқлигини кўриб қолди-да, сўради:

— Бу ҳам госпиталдами?

— Йўқ, бу илгарироқ бўлган эди...

Яна жимиб қолишди.

Ниҳоят, Вера бир нарсани эслади:

— Мен сен тўғрингда кўп ўқигандим. Рус музейига ҳам бордим.

— Биламан,— деди негадир Горсков.

Орага яна жимлик чўкди.

Бир оздан сўнг Горсков сапчиб ўрнидан турди:

— Гап бундай, Вера, Катюшанинг олгин-да, йўлга отлан, Москвага жўнаймиз. Қизингни эса ўзимга, ҳалиги нимайди, қиз қилиб оламан. Розимисан?

Веранинг ранги оқариб кетди.

— Менга шунчаки раҳминг келяптими?— дея сўради у кейин.

— Сира ҳам ундай эмас;— деди қатъият билан Горков.— Мен кечқурун яна келаман.

Шундай дея у шинелини елкасига ташлади-да, ташқарига чиқиб кетди.

### XXXV

Улар никоҳдан ўтишди ва деярли ўттиз йил бирга яшашди. Гарчи муносабатлари анча мураккаб бўлса-да, умрлари ёмон ўтмади. Вера узоқ вақт иккинчи бола туғишни истамай юрди, аммо эллик еттинчи йили журъат этди: шунда ўғлилари Костя туғилди.

Эллигинчи йилларнинг бошларида Алексей Михайлович учун кўнгилсиз воқеалар содир бўлди. «Хоин» билан «Чекиниш»ни унинг юзига солишди. Йлгари кўкларга кўтариб мақтаганлардан кўпчилиги энди пессимизм ва тушкунлик учун уни танқид қилишмоқда эди. Лекин ўшанда буён анча вақт ўтиб, Третьяковка аллақачон унинг асарларини омбордан олиб чиққан ва кўرғазмага қўйган эди. Рус музейида эса «Уйқудаги қиз» ёнида «Тўнғич бола» пайдо бўлди. Бу Алексей Михайловичнинг қора қўлқопини ечганидан сўнг чизган биринчи картинаси эди.

Ҳозир, ўша йилларни эслар экан, «Тўнғич бола» ҳақидаги режаси ўшанда Верага бўлган тўйғусидан муҳимроқ бўлганини инкор этмаслиги турган гап. Вера дунёдан ўтган ҳозирги пайтда энди бу гаплардан нима фойда...

Ушанда эса...

Уларнинг хонадонидан биринчи фалокат Катюша ўн олти ёшига тўлганида содир бўлди. Врачлар қизда — еpilepsia<sup>1</sup> борлигини аниқлашди. Веранинг эслашича, бу отамерос ирсий касаллик экан. Унинг отаси эпилепсия ва алкоголизмга мубтало бўлган экан. Ҳаммасига кўникишга тўғри келди. Катюша мактабни, сўнгра медицина институтини тугатди, эрга тегиб олди ва нисбатан енгил ишга — поликниникага жойлашди. Унинг тунда навбатчилик қилиши, бола туғиши ва кўлгина бошқа ишларни қилиши мумкин эмасди. Лекин яшаши мумкин эди. Иккинчи фалокат дарров эмас, орадан анча йиллар ўтгач, етмиш тўртинчи йили содир бўлди. Вера инсульт бўлиб қолди. Ярим йилдан сўнг инсульт иккинчи марта такрорланди. У Верани дафн этди. Учинчи фалокат. Филология факультетига

<sup>1</sup> Эпилепсия (Лот.).

Ўқишга кириб, онасини ўлими олдидан хурсанд қилган Костя (унинг ўзи шуни жудаям орзу қилганди) институтни ташлаб кетди. Аввалига, онасининг ўлими таъсир қилган бўлса керак, деб ўйлашди. Маълум бўлишича, ундай эмас экан. У уч марта институтни ташлаб кетди, уч марта тасодифий жойларга ишга кириб, у ерларда ҳам узоқ турмади... Энди Алексей Михайлович ўглидан аллақачон ҳафсаласи пир бўлган.

Алексей Михайлович ишини, фақат ишини биларди. Чамаси, у ҳеч қачон сўнгги йиллардагидек кўп ишламаган эди. Бу пайтда чизган картиналари «Уйқудаги қиз», «Хонин», «Чекиниш» ва «Тўнғич бола»дан қолишмасди. Унинг «Қон», «Сўнгги патрон», «Болалар», «Автопортрет» картиналарини мақтаб, улар тўғрисида кўп ёзишди. «Автопортретда» у ўзини қирқ тўртинчи йилги ўша машъум оқшом пайтида, Дебрецен майдонида тасвирлаган эди. Портретдаги одамни унинг ўзи деса ҳам бўларди, лекин бутунлай ўзи ҳам эмасди.

Евгения Михайловна унинг картиналарининг колорити тўғрисида ёзди. Унинг бу фикри Федотовнинг сўзларини такрорларди, Алексей Михайлович дўстининг «Сен туғма колористсан...»— деган сўзларини ёдида сақларди. Трагик таъсирчанлик чўққиларига етишишда ёрдами катта бўлган ритмнинг темир мантиқи тўғрисидаги сўзларини айтмайсизми...

У замонавий мавзуда ҳам баъзи нарсаларни чизмоқчи бўлди-ю, лекин картиналари яхши чиқмади. У ерда эса ҳаммаси унинг учун ойдек равшан эди.

Чамаси, Евгения Михайловна ўз монографиясида, у биргина, бутун умрга танлаб олинган мавзунинг рассоми, деганида тўғри айтганга ўхшайди.

Евгения Михайловна... Евгения Михайловна...

У Горсковни дилидаги гапни сўзсиз тушуна оларди.

Балким, муҳаббат деганлари ана шудир? Еки руҳий яқинликми?

Олтмиш ёшда-я? Хўш, нега шундай бўлиши мумкин эмас экан?

Балки бу эртақ эрур?  
Ғойибдан келган рўё?  
Бу — мўъжиза, о!

Балки бу севги эрур?  
Балки, ҳаёт камол?  
Бу — бахт, бу — толе!

Анчадан буён Алексей Михайлович бундай ёқимли ташвишларни билмаган эди. Елғизлик, бунинг устига, Веранинг икки йил касал бўлиб ётиши уни кулинария ва тайёр яримфабрикатлар ҳисобига апил-тапил овқат пишириш, ёки ҳатто умуман уйда овқатланмасликка кўниктириб қўйганди. Катюша аллақачон эри билан алоҳида яшар, Костя бўлса гоҳ ойлаб ғойиб бўлиб кетар, гоҳ касалхонада ётарди.

Мана бугун у кўп йиллар давомида биринчи марта уйига меҳмон чақиряпти. У бир шиша арман коньяги ва ярим ширин шампань винуни, боржом ва кўкатларни борзордан олди, магазинларда бўлмайдиган икра ва турли нав балиқларни Рассомлар уйининг ресторанидан топди. Гарчи, ўзи яхши кўрадиган сомса тўғрисида бир оз ўйлаган бўлса-да, у иссиқ овқат пиширмасликка қарор қилди. Зеро, бу соҳада у уқувсизроқ эди.

Навбатдаги кўп серияли фильми билан телевизор чалитмасин учун у дастурхонни кабинетда тузади.

Соат саккизга бориб ҳамма нарса тайёр бўлди ва Алексей Михайлович димоғи чоғ бўлиб, «Эҳ афсуски, тутилган кун йилда бўлар бир марта» деган қувноқ болалар қўшиғининг оҳангини хиргойи қила бошлади.

Саккиздан ўн минут ўтганида қўнғироқ чалинган эди, у югуриб бориб, эшикни очди:

— Марҳамат, Евгения Михайловна! Хуш келибсиз!

Евгения Михайловна бугун унга жуда чиройли ва навқирон кўриниб кетди. Сўнги жиҳат уни хиёл хижолатга солди-ю, бироқ у хижолатини тезда босиб олиб, аёлнинг ечинишига ёрдамлашиб юборди ва уни дастурхонга таклиф қилди.

Саросимага тушиб қолганидан йўл-йўлакай хушомад қилишга журъат этди:

— Бугун жуда соҳибжамол бўлиб кетибсиз!

— Соҳибжамол деганингиз нимаси!— жилмайди Евгения Михайловна.— Қари кампиршоман-ку.

У ёш масаласида яна ҳазил қилди-да, (Алексей Михайлович ундан ўн уч ёш катта эди), дарров бошқа мавзуга ўтди.

— Уйингиз жуда шинам экан,— дея тан олди Евгения Михайловна, гарчи, монография устида ишлаётган пайтида бу ерга келган бўлса-да. Улар беш ёки олти марта учрашишган эди.

— Ҳаракат қилдим-да,— деди унинг фикрига қўшилиб

Алексей Михайлович, лекин полни қандай ювгани, чангни артгани, ҳатто дераза ойналарини қиртишлагани тўғрисида гапириб ўтирмади.

Евгения Михайловна сумкачасидан целлофан пакет олди.

— Манови умумдастурхонга, совиб қолмасидан ейиш керак.

— Уҳў, сомса-ку!— дея хитоб қилди Алексей Михайлович.— Очигини айтсам, бугун мен худди шунақа сомса тўғрисида орзу қилгандим. Қаёқдан била қолдингиз-а, буни!

У лаган олиб келиб, сомсаларни унга солди.

— Гўшт билан гуруч солиб пиширганман,— дея тушунтирди Евгения Михайловна.

— Ажойиб! Қани энди дастурхонга!

У қадаҳларга коньяк қуйди-да, ўзиникини қўлига олди:

— Сизнинг монографиянгиз учун! Лекин мен унда негадир жуда ақлли бўлиб кетибман.

Шу заҳоти дилида: «Олифтагарчилик қиялман, шекилли»,— дея ўзига ўзи дакки бериб қўйди.

Евгения Михайловна эса ўзини жуда содда тутарди. У бемалол ўтириб еди, ичди, ўрнидан туриб, девордаги фотосуратлар ва турли майда-чуйдаларни томоша қилди, китобларни қўлига олиб кўрди.

— Биласизми, Алексей Михайлович, анчадан буён мен учун бундай ёқимли байрам бўлмаган эди. Чамаси, студентлик йилларимдан бери бундай кўнгил очмагандим. Тўғри, билим юртини анча кеч тугатганман, ўттиз саккиз ёшимда...

— Мен ҳам ўз билим юртимни эрта тугатган эмасман,— дея иқрор бўлди Алексей Михайлович.— Лекин сиз нега бундай кеч тугатдингиз?

— Вазият шундай бўлиб қолди,— деди аёл.— Аввалига уруш, сўнгра ҳар хил ҳаётий машмашалар. Оқибатда мактабни экстерн тариқасида ўттиз икки ёшимда, Строганов билим юртини эса ўттиз саккиз ёшимда тугатдим.

— Сиз мен тўғримда ҳамма гапни биласиз,— деди юрак ютиб Алексей Михайлович.— Мен бўлсам сиз ҳақингизда.. Агар сир бўлмаса, албатта.

— Ҳеч қандай сир йўқ,— деди оддийгина қилиб аёл.— Жуда вақтли эрга текканман, эрим билан ажрашиб кетдим. Уғилчам ўлиб қолди. Бор гап шу.

— Мени кечиринг,— деди мулойимгина Алексей Михайлович.

Евгения Михайловна кабинетда Алексей Михайловичнинг биронта ҳам картинаси йўқлигига эътибор берди.

Кейин бу ҳақда сўради ҳам.

— Уз асарларимни сақламайман,— дея тан олди Алексей Михайлович.— Ҳеч нимама йўқ, ҳаммаси сотилиб кетган! Лекин манови бор.

Шундай дея у Грабарнинг кичкина автопортретини кўрсатди.

— Шу нарсани жуда яхши кўраман!

Улар санъат соҳасидаги умумий танишларини эслай бошлашди. Маълум бўлишича, бундай танишлар анча кўп экан. Баъзилар Евгения Михайловна билан бирга Строганов билим юртида бирга ўқишган экан, баъзиларни эса иккови ҳам МОСХ ҳамда санъат Академияси бўйича танишаркан. Ёш новаторлар ҳақида бир оз баҳслашишди-да, сўнгра, майли, чизаверишсин, фақат тақлидчи бўлиб қолишмаса бўлгани, дея бир фикрга келишди.

— Оригиналлик баҳонасида ўтмишни такрорлашмаса бўлгани. Бўлмасам денг, бу ерда Пиросмани, Петров-Водкиндан тортиб лок суртиб чизиладиган «қутича» санъатига қадар тақлид бўлиб кетяпти.

Дераза ортида сўнгги йилларда бўлаётгандек беқарор қиш ҳукмрон эди. Ҳарорат гоҳ учга тушар, гоҳ ўттизга чиқиб кетар ва яна учга тушиб қоларди. Лекин бугун кун анча илқ эди. Томдаги сумалаклардан ёқимли чакиллаб сув томар, вақтни адаштириб қўйган мушуклар авжига зўр бериб миёвлашарди. Бўғотлар тагида худди баҳор пайтидагидек каптарлар гув-гувлашарди.

Яна майда-чуйда безакларни томоша қила бошлашди. Алексей Михайловичникида бундай майда-чуйдалар жуда кўп эди. Африка, Осиё ва Лотин Америкасига қилган саёҳатларидан эсдалик тариқасида олиб келган эди уларни.

— Нега сиз хорижда ҳеч қандай картина чизмагансиз?— дея қизиқиб сўради Евгения Михайловна.

— Сизга нима десам экан!— деди тушунтиришга ҳаракат қилиб Алексей Михайлович.— Саёҳатга боришни, томоша қилишни яхши кўраман. Картина чизиш масаласига келганда эса... Россияни яхши чиза олсам эди!

Алексей Михайлович ўрнидан турди-да, Евгения Михайловнанинг ёнига ўтиб, қўлини уқувсизгина унинг елкасига қўйди:

— Менинг ёшимда бу ғирт тентаклик, албатта, лекин мен сизни худди навқирон йигитчага ўхшаб, қаттиқ севиб қолганга ўхшайман...

Аёл ўзини четга тортмади, унинг қўлини елкасидан олиб ҳам ташламади.

— Нега индамайсиз?— дея оҳиста сўради Алексей Михайлович.

— Индамаяпманми?— Евгения Михайловна ажаблангандек кўринарди.— Шунчаки ич-ичимдан хурсанд бўлиб ўтирибман, холос.

Алексей Михайлович қайтиб жойига ўтирди. Энди иккови ҳам жимиб қолишди.

У аёлнинг хиёлгина сўла бошлаган, аммо жуда ёш кўринадиган чеҳрасига тикилиб ўтирарди. Евгения Михайловнани шу тобда сентябрь ойнинг бошларидаги ўрмон ёки далага қиёслаш мумкин эди.

— Болаларим ташвишини сизга юклаб қўймайман,— худди бир нарсани эслагандек, шошилиб деди Алексей Михайлович.— Менинг болаларим, демак, ташвишлари ҳам меники...

— Йўқ, ҳаммаси ўртада бўлади, азизим Алексей Михайлович.— деди жилмайиб Евгения Михайловна.— Ҳамма, ҳаммаси!

Сўнгра бир оз сукут қилиб тургач, жиддий оҳангда деди:

— Мен буни сўз билан ифодалаб беролмайман, лекин сизнинг мен учун қилган ишингиз бу жуда ажойиб...

## XXXVII

Рассом ўзи истамаган нарсани чизмаслиги керак.

Ҳарбий мавзуда энг муҳим нарса нима? Балки, кенг маънодаги раҳм-шафқат туйғусидир...

Вақт синови — санъат ўлчови.

Санъатнинг ижтимоий ва миллий аҳамиятини ҳаддан ташқари эҳтирос билан таъкидлаганида Стасов ҳақмиди? Санъатнинг ҳар бир тури учун фақат ўзига хос бўлган қонунияти йўқмикин? Ахир, мавзу танлашга алоҳида эътибор бериб, бадний формага унча аҳамият қилмайдиган ёзувчиларни Маркс ҳам танқид қилган эди-ку.

Импрессионистлар тасвирий санъатнинг юксалиши ва ёшаришига хизмат қилишмадими, ахир? Янги қонуниятлар кашф этиб, ўзларига қадар бўлган барча картиналардан тубдан фарқ қилиб турадиган асарлар яратган ўшалар эмасми? Улар дунёга янгича кўз билан қарашди, умумлаштириш ва контраст имкониятларини исботлаб беришди.

Рангин композиция — ҳар бир муваффақиятли чиққан картинанинг муқаррар шартидир.

Ҳатто бозор ҳақидаги картинада ҳам ёрқинлик, ранглар рақси бўлсин, лекин олачипорлик эмас.

Куинжи ва Рерих. Буюк колористлар. Ахир, уларнинг танлаган ранги худди мусиқа янглиғ у ёки бу кайфиятни пайдо қилиб, одамнинг психикасига таъсир этади.

Санъатнинг фан ва техника олдида ўз устунлиги бор. Иигирма — ўттиз йил мукаддам ишланган паровоз ёки автомобилни олинг. Нақ тасқара дейсиз! Санъат асари эса ўз таъсир кучини абадий йўқотмайди. Биз XIX асрнинг охириларида чизилган Олив портретларига зўр ҳаяжон билан қараймиз. Ибтидоий одамларнинг «венералари» бизни қанчалар ҳаяжонга солишини айтмайсизми! Санъат абадий умр кўради.

У бир минут бўш қолди дегунча расм чизар ва ўзи тасвирлаётган одамлар бунни билишмаган пайтда сурат жонлироқ чиқишини кўриб ҳайратга тушарди. Жангчилардан биронтаси унинг илтимосига кўра сурат чиздириш учун ўтирган заҳоти уни тангу торлик ва нотабий қиёфа қамраб оларди. Барча оилавий фотосуратларнинг ҳаётни ўлдирадиган ва санъатни зерикарли мажбуриятга айлантириб қўядиган қандайдир руҳан қотиб қолуви ва «ботартиблик» жиҳати билан бир-бирига ўхшаб кетиши сабаби шундан эмасмикин?

Мавҳум санъат турларининг безаш ишларида фойдаси тегиши мумкин. Бу ўринда маиший ашёларга туширилган фантазия, ёрқин бўёқ, геометрик суратлар ҳаётни безатиши, эстетик тарбия воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин.

Унга одамларнинг ғоялари, фикр ва туйғулари билан боғлиқ бўлган санъат яқинроқ эди.

Ранг мутаносиблиги. Масалан, Уйғониш даврини олинг: қатъий ўрнашиб қолган композицияларгина эмас, ранг бирикмалари нисбати ҳам уйғунлашиб қолган ўша даврдан буён ушбу мутаносиблик нақадар мураккаблашиб кетди.

Хаёлан у беихтиёр Дебрецен майдонида ўз автоматидан ҳалок бўлган номаълум жангчини қайта-қайта эсларди.

Уша қайғули воқеани кўриб, жангчининг беўхшов чўзилиб ётгани-ю, қорамтир гавдаси, гулхан ёлқинида тагидан си- зиб чиқаётган қон доғини эслаб қолганидан негадир уялар- ди. Чамаси, фақат ҳаётгина янги-янги композициялар на- мунасини бера олса керак.

Баъзан у ўзини инсон сифатида «четлаштиришга» му- ваффақ бўлиб, хаёлида фақат режа билан натура, қўлида эса апил-тапил ишлаётган мўйқаламгина қолганида кар- тина пала-партиш бўлса-да, лекин жонли чиқаётганини се- зарди. Лекин ҳафсала билан қайта чизганида эса, ҳаммаси тўғри бўларди-ю, аммо ҳаёт асари бўлмасди.

Машҳур зарбулмасал. Африкалик ҳаваскор рассом «Қутурган фил» ҳайкалини ишлабди. Европалик рассом унинг ишини кўриб, «Сенда қобилият бор, лекин ўқимоғинг керак», — дебди. Африкалик академияни тугатибди ва дип- лом иши тариқасида яна «Қутурган фил» ҳайкалини ишлаб- ди. Европалик унинг ишини кўрибди-да, дебди: «Академия сендаги санъаткорликни ўлдирибди».

Академия, билим юрти, студия ўз йўлига. Аммо Ватан уруши бўлмаганида, мен рассом бўлмасдим.

1973—1978

### ОНА

Зина уч йил бурун ўн уч ёшида отасидан жудо бўлди. У командировкада юрган вақтида, узоқдаги чегара застасида дунёдан ўтди. Улар Москвада, дафи маросимида отаси билан эмас, усти ёпиқ рух тобут билан видолашдилар. Ойиси мутлақо ҳолдан тойган бўлгани учун дафи маросимини хизматдош ўртоқлари ўтказишди. Маросимга жуда кўп ҳарбийлар ва ҳарбий оркестр келди, салют ҳам берилди. Ранг-рўйи сап-сарғайиб кетган онаси шамдек қотиб турар, йиғламас, миқ этмасди. Зина уни йиқилиб кетмасин, деб қўлтиғидан суяб турди. Маърака дастурхонида ҳам шундай индамасдан ўтирди, тез орада ҳамма тарқаб кетганидан сўнг ўрнига ётди-да, шу кўйи бир суткадан ортиқ ухлади. Зина онасининг атрофида уйғотиб қўйишдан қўрқиб, оёқ учида юрар эди.

Чамаси, ярим йилча она-боланинг ҳаёти ғалати кечди, бир-бирлари билан деярли гаплашишмасди. Лекин онаси ўзининг тўқимачилик фабрикасига қатнаб турди. Беш йиллик якунлари учун уни орден билан мукофотлашди, катта суратини район Ҳурмат тахтасига илиб қўйишди. Зина ҳар куни мактабга боришида ҳам, келишида ҳам шу суратни кўрарди. Бироқ она уйда овқат тайёрлаб, кир ювиб, ҳамма юмушни бажарса ҳам биқиниб яшар эди. Ҳатто телевизорга ҳам деярли қарамасди. Зина эса кўп уриниб онасининг кўнгили калитини топа олмади. Мактаб ҳаёти ҳақида сўзлаб беришга уринар, ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам сезиб қолгани ҳақида қандайдир кулгили воқеани айтиб берарди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, Зинанинг мазаси қочиб, кечалари кам уйқу бўлиб қолди. Бироқ тўсатдан уларнинг ҳаётларида муҳим ўзгариш рўй берди.

\* \* \*

Ёзнинг сўнгги кунлари эди. Зина очиқ дераза олдида ўтириб бензин ҳидига тўйинган иссиқ ҳаводан нафаси бўғиларди. Деразалари сершовқин, серқатнов кўчага қараган эди. Кўчадан устига тайёр деворлар ортилган прицепли

машиналар бирин-кетин қатнайди. Зиналарга яқин жойда уйсозлик комбинати бор эди. Атрофда дов-дарахтлар кўп бўлишига қарамай ҳаво дим.

Ойиси кечқурун бир ўзи келмади. Ёнида ушоқ юзи қизарган, калта қилиб чакка соқол қўйган баланд бўйли эркак ҳам бор эди. Ундан спиртнинг ўткир ҳиди келиб турарди.

— Таниш, Коля амаки! — деди ойиси.

Коля амаки Зинага қўлини узатди:

— Коля амаки.

Ойиси хориқулудда кайфияти хуш эди. У жон-дили билан ошхонада у-бу тайёрлади, дастурхон ёзди, сўнгра овқатланиб, чой ичишди. Зина уларнинг суҳбатларига қулоқ солмай, жимгина ўтирарди. Чойдан кейин:

— Мен бора қолай, — деб ўрнидан турди.

Шундай деб отасининг хонасига, тўғрироғи, отаси тирик-лигида кабинет деб аталмиш хонасига кириб кетди.

Зина девор орқасида ойиси билан Коля амакининг кулгиларини эшитди, сўнгра улар телевизор қўйишди.

Зина соатга қараб Коля амакининг кетишини сабрсизлик билан кутди. Лекин у кетишни хаёлига ҳам келтирмас эди.

Соат ўн бирдан ошгандан кейин хонага ойиси кириб келди.

— Балки шу ерда ётарсан? — дея таклиф қилди у Зинага.

— Майли, ойи, — дея рози бўлди Зина Коля амакининг шу ерда қолишини фаҳмлаб.

Зина ўрин-кўрпасини кабинетга олиб келиб солди-да, кўрпага ўраниб ётди. Радиони қўйди.

Радиода:

Бўйдоқ йигитлар кўпу, лекин,

Уйланганин севаман,—

дея қўшиқ янгради.

Коля амаки ҳар куни кечқурун келадиган ва шу ерда қоладиган бўлди. У доим ширакайф ҳолда ўзи билан вино ёки коньяк олиб келар эди. Улар Зинанинг ойиси билан ичишарди. Ойиси мутлақо ўзгариб кетди. Юзларига қон югуриб, сергап бўлиб қолди, отаси бор вақтидагидек сочларига, кийимларига оро берадиган бўлди.

Фақат Зина билан йўл-йўлакай бир лаҳзагина ҳол-аҳвол сўрашиб ўтар эди, холос:

— Аҳволинг қалай?

— Уқишларинг яхшими?

— Ҳай, омон бўл!

Зина эса отасининг кабинетига бекиниб олиб, дарсини қилар, сўнгра деворга узоқ тикилиб қоларди. Деворда отасининг ханжари, Олий Бош қўмондоннинг олтита ёрлиғи солинган ойна ва бир қанча суратлар осилган... Дастлабки медаллари билан тушган отасининг ўн етти ёшидаги сурати, Берлинда қирқ бешинчи йили старший лейтенант формасида тушган сурати... Онасининг ўқувчилик давридаги, отаси билан танишган пайти — студентлик давридаги суратлари. Қизил Майдонда иккаласи бирга тушган суратда отасининг қўли билан: «Собиқ бўйдоқ. 1961», — деган ёзув бор. Бу суратда отаси майор ва уч қатор орден ва медаллар колодкаси бор. Онаси эса жуда ёш. Зинанинг олтиш иккинчи йилдаги биринчи сурати — бир ёшлик пайти. Кейин Зина биринчи бор мактабга борган олтиш саккизинчи йили ойиси ва отаси билан бирга тушган сурати. Ва ниҳоят, энг сўнги сурат — етмиш бешинчи йилда олинган. Ғалабанинг ўттиз йиллиги. Отаси — полковник. Колодкаси эса тўрт қатор. Ёнида ойиси.

Кўчага қоронғи тушди. Деразадан ёқимли шабада эса бошлади. Витрина ойнаси равшан порлаб турибди. Кўчадаги симёғочдаги оққушсимон чироқлар ёнган, троллейбус ва машиналарнинг филдираклари юмшоқина ёзилмақда.

Зина кўчага тикилганча хаёл сурарди: шунча йилдан бери турмушлари ёмон ўтмади. Ҳеч қачон ҳеч қандай жанжал, англашилмовчилик бўлмади. Отасининг қўли гул эди. У бозор-ўچار ҳам, пазандалик ҳам, уй ишларини ҳам урдасидан чиқаверар эди. У хотинига: «Сен дамнингни ол!»— дер эди. Зинанинг ойиси ҳақиқатан ҳам ё қўлида китоб, ёки телевизор томоша қилиб ўтирар, отаси эса уй ишларини бирпасда бажариб қўярди. Уйларига тез-тез меҳмонлар келиб турар, бундай пайтларда отаси бозор-ўچار, дастурхон ғамини ўзи ер эди. Зинага муносабати эса... Зина отаси учун кеч кўрган ва яккаю ягона қизи эканлигини биларди. Ростини айтганда, Зина отасини онасига нисбатан хиёл ортиқ яхши кўрарди. Отаси уни ўзи боғчага олиб борар, ўзи уйга олиб келар, ёз пайтлари отасининг таъбири билан айтганча «эркакларча» бирон ёққа саёҳатга олиб кетар эди. Ота-бола Қрим ва Кавказ, узоқ Иссиқкўл ва Болтиқ бўйи, Киж ва Молдавия каби ўлкаларда бўлишган. Ойиси хонанишин бўлиб, бундай саёҳатларни ҳуш кўрмас эди. Ота-болани узоқ-яқин сафарларга хавотирланиб кузатар, қайтиб келишганда эса

қувонч билан кутиб оларди. Қувончи ничга сиғмай нималарни кўрдингиз, қаерларда бўлдингиз, деб сўрашни ҳам унутиб қўярди. Зина бундай саёҳатларни зўр фахр билан ўтказарди. Қаерга боришмасин, чегарачиларнинг отасига бўлган муҳаббати ва самимий муносабатларидан Зина ўзида йўқ мамнун бўлар эди. Отасининг соя давлатида таралабедод ҳаёт кечирарди. Отасининг дафн маросимига ҳам жуда кўп чегарачилар келишди. Москвалик хизматдош ўртоқлари, узоқ-яқиндаги чегаралардан, айниқса, отаси вафот этган Шарқий чегарадан кўплаб чегарачилар етиб келишди.

\* \* \*

Кечга бориб ҳаво айний бошлади. Узоқдан момақалди роқнинг бўғиқ гумбури эшитилди. Черков орқасидаги кимсасиз ўрмонзор устида аҳён-аҳёнда чақмоқ чақиб қўймоқда. Лекин ёмгирдан дарак йўқ эди. Шамол кўчанинг чангини осмонга кўтариб, йўловчиларни шоширар эди.

Коля амаки бир ўзи келди.

— Ойим қани?— деб сўради Зина.

— Партбюроси бор экан,— деди Коля амаки.

Бу сафар ундан ароқнинг қўланса ҳиди одатдагидан кўра ортиқроқ сезилиб турарди.

Авваллари у отасининг хонасига ҳеч кирмас эди (балки Зина йўқлигида киргандир), бугун ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ хонага кириб, ҳатто креслога ястаниб олди. Зина эса жўрттага намоишкорона отасининг столи олдига ўтирди.

— Яхши, яхши,— дер эди ўзича. Суратлар стол тепасида осиглиқ. Ханжар, пўкак дарахтининг бир бўлакчаси, нивхларининг ёғоч ниқоби, Узоқ Шарқдан отасига қилинган совға — сиртлоннинг калласи Зина ётадиган кат устида осиглиқ.

— Музейнинг ўзи-я!— дея хитоб қилди Коля амаки. Афтидан, тиржайди, шекилли қорачиқлари торайиб кетди.

— Лекин, ҳар ҳолда, баъзи бир нарсалар етишмайди!— деди у.

— Нима етишмас экан?— тушунмай сўради Зина.

— Масалан, айтайлик, ойинг билан бирга тушган менинг суратим етишмаяпти.

Зина шу дақиқа ундан шу даражада нафратланиб кетдики! Аъзойи бадани жимирлаб кетди.

Коля амаки буни сезмади.

— Рози эмасмисан?— деб сўради у.

— Пўқ.

— Нима сабабдан?

«Афт-башарангизни кўришга тоқатим йўқ»,— демоқчи бўлди-ю, бироқ ўзини тутиб олиб:

— Сиз онамга ким бўласиз?— деб сўради Зина.

Коля пихиллаб қўйди.

— Хўш, масалан, эр десак ҳам бўлади.

— Мен бундай эрни билмайман!— чўрт кесди Зина.

— Роса олдингу!— дея кулиб юборди Коля амаки.

Сўнгра ногаҳон дамани ичига ютиб, жиддийлашиб, қандайдир аянчли тусга кирди.

Яна бир оздан сўнг биргаяшашса ҳаммаларининг турмушлари яхши бўлиши, ўзининг ёғли жойда ишлаши, таниш-билишлари кўпчилиги ва шу сабабли истаган нарсасини топа олиши, Зинанинг бўйи етиб қолгани, бундан буён унинг кийим-кечаги, тузуккина еб-ичиши учун кўп нарса кераклиги ҳақида гап-ра кетди.

Зина қўллари билан қулоқларини беркитди. У Коля амакига тарсаки туширгиси, уйдан ҳайдаб чиқаргиси келарди. Ҳозирча отасининг кабинетидан чиқариб туришга ҳам рози эди. «Унинг юз-кўзларини ёғ босган, бутун қиёфаси...»— хаёлидан ўтказди Зина.

— Жим бўлинг!— қичқирди тўсатдан Зина, сўнг:— Чикиб кетинг... бу ердан,— деб қўшиб қўйди.

— Кетаман, кетаман,— деди шошиб қолган Коля амаки эшик томон кетар экан.

Коля амаки коридорда кийинди-да, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди.

«Худога шукр»,— деб ўйлади Зина.

Бироқ ярим соатдан кейин Коля амаки ойнаси билан қайтиб келди.

— Нима гап бўлди?— дея ўдағайлади ойнаси ҳали ечиммаёқ Зинага.

— Ҳеч нарса,— совуққина жавоб қилди Зина.

— Ҳар ҳолда-чи?— деб қистади она.

— Ҳар ҳолда ҳам ҳеч гап,— дея ўз сўзида туриб олди Зина ва отасининг кабинетига орқасидан эшикни беркитиб кириб кетди.

Яқин орада момақалдироқ гумбурлаб, осмон бағрини чақмоқ тилка-пора қилмоқда. Шамол шиддат билан дарахтларга урилар, барглар шовур-шувур қилар эди.

«Кўргани кўзим йўқ»— деди ўзича Зина.

Шу-шу она-бола ўртасида гап қочиб қолди. Ойиси бир неча бор, уни қийин-қистовга олди, лекин Зина фақатгина «Ҳеч нима» деб бир гапни такрорларди, холос.

Коля амакини эса борган сари синчковлик билан кузатадиган бўлиб қолди.

Унинг «ичкиликбоз»лиги Зинага ойнадек равшан эди.

«Ойимдан ҳийла катта, чамаси ўн ёш фарқи бор,— дея таъкидлар эди ўзича.— Дадам ҳам ойимдан ўн беш ёш катта бўлса ҳам унчалик қари кўринмасди. Бу эса чол».

Зина Коля амакининг қаерда, қайси лавозимда ишлашини билмасди-ю, бироқ назарида у қандайдир таъминотчидек туюлар эди. Шу боисдан бўлса керак ойисига Оренбург жун рўмоли, шимлик костюм, югослав туфлиси каби қимматбаҳо буюмлар совға қиларди.

Бундан ташқари Зинага у исқирт бўлиб кўринар эди.

«Балки рашким келаётгандир?— ўйлаб кўрди Зина.— Йўқ, бу рашк эмас. Дадамни яхши кўришим рост. Ойим ҳам севарди. Зеро, мен сўнимни бахтли бўлишини истайман. Фақат анави билан эмас!..»

Зинанинг кўпгина синфдошлари сузишга қизиқишарди, бахтларига ёнларида «Динамо» бассейни бор. Мана, икки йилдирки, Зина ана шу бассейнга қатнайди. Синфдош дугоналари ва ўғил болалар билан бирга боради. Бу йил қатнов абонементи бир оз ноқулай вақтга — кечки соат олтидан бошланадиган сеансга текканини ҳисобга олмаганда, бассейнда қишин-ёзин маза қилиб чўмилса бўлади.

Бир куни Зина одатдагидек соат олтида бассейнга келди, синфдошларини учратди-да, ечина бошлади.

— Кетдик!— дея даъват этди у кабинадан чиқа туриб ва тўсатдан ойиси билан Коля амакига кўзи тушиб қолди. Кўкрагига юлдуз расми чизилган ҳаворанг чўмилиш кийимида ориққина, хушбичим ойиси бадани кўпчиб, қорни осилиб кетган Коля амаки билан бассейн лабида туришарди.

Зина беҳос орқага тисланди: «Ишқилиб кўриб қолишмасин-да».

— Сенга нима бўлди?— деб сўради дугоналаридан бири.

— Мен ҳозир,— деди Зина.— Бораверинглар, бораверинглар...

Зина эсанкираб қолди. «Ахир бассейнга қатнашимни ойим билар эди-ку. Менга бир оғиз айтиб ҳам қўймабди».

Зина очиқ эшик орқали сувга тушиб кетаётган ойиси билан Коля амакига бир зум қараб турди-да, сўнг шартта орқасига ўгирилиб, кийина бошлади.

Зина уйда ойисининг келишини тоқатсизланиб кутар эди. Афтидан, ойиси ва Коля амаки бассейнга биринчи марта боришлари бўлса керак. Зина, ойим менга бор гапни айтса керак, деб кутиб ўтирди.

Соат саккизларда кайфияти хуш, хушчақчақ ойиси Коля амаки билан уйга кириб келишди.

Салом-аликдан бошқа гап бўлмади.

Коля амаки таъзим қилди-да, столга бир шиша ичимлик қўйди.

«Ойимнинг ёдидан кўтарилган»,— деган хулосага келди Зина.

\* \* \*

Ҳавоси тоза, мусаффо, ажойиб кун. Кўк юзида оқиш булутлар сузар, хилма-хил барг ва янги ўрилган пичаннинг ёқимли ҳиди анқирди. Хиёбонлардаги майсазорларда ўроқнинг шатир-шутир овози эшитилиб турибди.

Зинанинг димоғи чоғ. У комсомол билети олди. У кунни бир амаллаб ўтказди.

Кечқурун ойиси ва одатдагидек унинг орқасидан Коля амаки кириб келиши биланоқ Зина эшик томон югуриб борди-да:

— Ойижон, мана қаранг,— деди.

— Табриклайман,— деди ойиси ва Зинанинг юзидан ўпиб қўйди.

— Буни ювиш керак,— деди Коля амаки.

Зина орқасига ўгирилиб ўз хонасига кириб, эшикни беркитиб олди. Ойиси гоҳ ошхона, гоҳ меҳмонхонада ивирсиб юргани Зинага эшитилиб турарди.

Ниҳоят, эшик очилди:

— Овқатга юр.

— Емайман,— деди Зина.

— Қорнинг тўқми?

— Ҳа.

— Ихтиёринг.

Ойиси эшикни юзига ёпиб, чиқиб кетди.

Зина бутун кеча бўйи бир ўзи ўтирди. Амал-тақал қилиб дарсини тугатди. Сўнгра яна суратларни кўздан кечириб чиқди.

Меҳмонхонадан ойиси билан Коля амакининг қиқир-қиқир эшитилиб турарди. Кейин телевизорнинг қўйишгани

эшитилди. Зина ўз хонасидан чиқмаёй ўтираверди. Аллақанча вақт ўтди.

Телевизорнинг овози ўчди. Ойиси ошхонада идиш-товоқ юва бошлади. Ниҳоят, у ерга ҳам сукунат чўкди.

Зина ҳамон отасининг столи олдида ўтирар эди.

Соат миллари ўн иккени кўрсатди.

Тунги кўйлақда ойиси кириб келди.

— Нега ухламаяпсан?

— Уйқум келмаяпти,— деди Зина.

Ойиси эшикни сал ёлиб, унинг олдига келди.

— Нима учун жаҳлинг чиқяпти?

— Нега эрга тегмайсиз?— деб сўраб қолди Зина тўсатдан.

— Э, гап бу ёқда де?— дея сўради ойиси таажжублангансимон.— Истамасам-чи?

Зина индамади.

— У билан орани очди қилдим.

Зинанинг қошлари чимирилди.

— Қандай?

— Шундай!

Шу гапни айтди-ю, ойиси ҳатто «хайрли кеч» демай чиқиб кетди.

\* \* \*

Зина илгари ҳам ҳеч нарсага тушунмасди, энди бўлса жудаям боши қотиб қолди.

Эртаси куни ҳақиқатан ҳам Коля амаки келмади.

Бошқаси ёшроғи, ойисидан ҳам ёш, қирғий бурни устига кўзойнак илиб олган одам келди. Зинага ўзини:

— Валерий Алексеевич,— дея таништирди.

Ойиси ҳам шод-хуррам бўлиб Валерий Алексеевичнинг кўнглини овлаш ҳаракатига тушиб қолди. Валерий Алексеевич эса тортинчоқлик билан кам гапирар, афтидан, журъатсизликдан бўлса керак, Зинани «сиз»лар эди.

Валерий Алексеевич Коля амакига нисбатан ёқимтойроқ эди. У ярим кечагача кетмас, Зина ухлаб қоларди. Эрта билан уйғонганда уйда бўлмас эди.

«Ё ярим кечада, ёки азонда жўнаган»,— деб ўйлар эди Зина.

Шу тариқа ярим йилга яқин давом этди. Валерий Алексеевич қандай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ғойиб бўлди.

Лекин бир кун ўтмасданоқ эртаси кечқурун унинг ўрнига Жора амаки келди. Улар постга турган жангчилар каби

ўрин алмашишди: Буниси яна сочи оқ, қари бўлиб, бўйи ойисидан ярим калла паст, боз устига, дудуқ экан.

Жора амаки тунаб қолар, эрта билан ҳеч қаерга шошилмас, ваннахонада узоқ ўтирарди. Зина ювинишга ҳам улгурмай қолар эди. Валерий Алексеевичнинг доцент, Жора амакининг эса—рассом эканлиги Зинанинг қулоғига чалинганди. Жора амакининг ҳатто ўз устахонаси ҳам бор.

— Зинуля устахонамга бор, ўз ижодимни кўрсатаман.

Жора амаки ҳам унга «сен» деб мурожаат қиларди. Унинг Зинуля дейиши Зинага ёқмас, қўллари ҳам қуруқ, дағал бўлиб, ўзи ҳам чўпдек ориқ эди.

Езда Жора амаки, сўнгра ойиси Зинани Волга бўйлаб Астрахангача саёҳатга таклиф этишди, бироқ Зина рози бўлмади.

— Йўқ, йўқ, мен лагерга вожатий бўлиб кетмоқчиман,

Шу тариқа иккита бир ярим сменалик лагерга жўнаб кетди-ю, уйда эмаслигидан, нафақат Жора амакини, ҳатто ойисини ҳам кўрмаслигидан ўзини бахтиёр сеза бошлади.

Зина августнинг охирларида уйига қайтиб келганда Жора амаки ҳам, бошқаси ҳам уйда йўқ эди, ойиси эса яна гамгин, камгап, қўли ишга бормайдиган бўлиб қолибди.

Кечқурунлари бирга овқатланишмас, («Бирон жойда тамадди қилиб оларсан»,— деб ойиси пул берарди), ҳатто баъзан чой ҳам ичишмас, телевизор ҳам кўришмасди. Зина яна бассейнга қатнар, қиш кезлари ёнларидаги МПСК яхмалагида қолиб, иложи борича уйига кеч қайтишга уринарди.

У ойиси билан бир неча бор гаплашиб олмоқчи бўлиб пинжига суқилади, гап очмоқчи бўлиб оғиз жуфтларди-ю, лекин журъат этолмасди. Ойиси бўлса ўзича гап бошламасди, бунга Зинанинг аччиғи келар эди.

«Ёш бола эмасман, бошқа болаларни менга ишониб топшириб қўйишади-ю, ойим бўлса...»— дея ўзича ёзгинарди.

Қачонлардир отаси олиб келган девор соати бир меъёрда чиқ-чиқлаб, мис тебрангичи вақт сарҳисобини қилмоқда. Ҳар ярим соатда аста мусиқий бонг уради.

Балки биринчи бор Зина вақт ҳақида ўй сура бошлади. Вақт жуда секин, шу билан бирга жуда тез ўтиб бормоқда-я! Биринчи синфга боргани худди кечагидек ёдида, мана, кўз очиб юмгунча ўнинчи синфни тамомлаш арафа-

сида. Гўё куни кеча уйда хотиржамлик ҳукм сургандай эди, ҳозир эса отаси йўқ.

Суратлар ҳам вақт гувоҳи. Қизил жангчи, старший лейтенант. Майор. Полковник. Навқирон онаси — ҳозир ҳам ёшдек. Зинанинг ўзининг ҳам зигирдайлигидан ҳозирги дамгача бўлган суратлари.

Вақт беаёв ўтиб бормоқда, бироқ ҳали ҳеч вақо қилинмаган. Ойиси ҳам, ўша Коля, Валерий Алексеевич, Жора амакилар ҳам вақт олдида ожиз.

Ойисини ишхонасида қадрлаб, ҳурмат қилишларини Зина билади, уйда эса ҳаёт чаппасига кетган, ҳаммаси тасодифий ҳол, вақт ҳам тўхтаб қолгандай. Наҳот шундай яшаш мумкин бўлса?

\* \* \*

Айни қиш куни ўзгариш рўй берди. Баланд бўйли, аёздан юзлари қорайиб кетган, ҳарбий формада, нимаси биландир отасини эслатиб турадиган одам февраль ойининг кечаларидан бирида ойиси билан бирга уйга кириб келди.

Ундан аёзли қиш ва қор нафаси келиб турарди.

Зина уни қаердадир кўрганини бир зумда тушунди-ю, бироқ ҳеч эслай олмади. У ўз иззатини биладиган, камтарин ва хушфёъл, Зинага дўст бўламан деб шилқимлик қилмас, лекин ўртоқларча муносабатда бўларди. Ювинишга кетиш олдидан Зинадан ва ойисидан ванна керакмасми, деб сўрар эди. Ишга кета туриб, кечқурун уйга нима олиб келай, деб сўрарди. Рухсат олиб чекар эди.

Ойиси ҳам бу киши олдида димоғи чоғ бўлса ҳам, лекин меъеридан ошмас ва сохта ҳаяжонга тушмас эди.

Унинг исми Василий Петрович экан. Ёши қирқлар атрофида.

Василий Петрович ҳар куни бўлса ҳам, бироқ Зинанинг ойиси билан бирга эмас (биринчи сафардан қатъий назар), балки ундан сал кечроқ келарди. У келиши билан уйда қандайдир хотиржамлик ва осойишталик пайдо бўларди.

У Зинага дарров ёқиб қолди, ораларида жуда яхши, дўстона муносабат қарор топди. Василий Петрович Зинанинг ўқиши билан ва умуман, унинг бутун ҳаёти билан ойисига нисбатан кўпроқ қизиқар эди. Отасининг кабинетида ўтириб, тез-тез отаси ҳақида суҳбатлашишарди, зеро, Василий Петрович Зинанинг отаси билан кўп йиллар бирга хизмат қилишган экан.

— Мен ахир отангдан ўн ёш кичикман, ундан кўп нарса ўрганганман. Илгари унинг шогирди эдим, сўнгра дўстлашиб кетган эдик. Ешим кичик бўлгани сабабли урушда бўлмаганман. Бу борада Сергей Константиновичнинг тажрибаси менга жуда асқотди,— дер эди Василий Петрович.

Сўнгра у бу орада Зинанинг отаси билан деярли бутун чегарани айланиб чиқишгани, ва умуман, омадлари бор эканки, чегара қўшинларида хизмат қилишгани, чегарачилар орасида сиёсий иш олиб бориш жуда муҳим ва қизиқарли экани ҳақида гапириб берди.

— Чегарада тинч ҳаёт бўлмайди,— дея қўшиб қўярди у.

Зина отасининг урушдан кейин чегара қўшинлари ҳарбий-сиёсий мактабини битиргани, сўнгра узоқ Камчаткада хизмат қилгани, кейинроқ Москвага чегара қўшинлари Сиёсий бошқармасига келгани ҳақида Василий Петровичдан билиб олди.

Шундан кейингина у Василий Петровични қаерда кўрганини эслади.

— Мен сизни отамнинг дафн маросимида кўрган эдим,— деди Зина.

— Ҳа, шу воқеа юз берганда мен Сергей Константинович билан Читага учиб кетаётган эдим. Минг афсуски, Москвага тобутда олиб келдик. Ниҳоятда қайғули саёҳат.

У Зинанинг отаси ҳақида тирик одамдай гапирар эди.

— Мен Сергей Константинович билан худди ўша Камчаткада танишгандим,— деб ҳикоясини давом эттирди Василий Петрович.— Унинг қўл остида хизмат қилдим. Комсорг бўлдим. Сўнгра Ҳарбий-сиёсий мактабга киришимда ҳам унинг ҳиссаси бўлган. Мактабдан кейин Сергей Константинович ишлаётган сиёсий бошқармада хизмат қилдим. Шу зайлда дўстлигимиз орта борди.

Дастурхон ёзиб бўлган ойиси икковини таклиф этди.

— Қани, маҳмадоналар, овқатга!

— Биз маҳмадона эмасмиз,— эътироз билдирди Зина.

Зина бир вақтлар отасининг ёнида саёҳат қилгани каби Василий Петрович ва ойиси билан бирон ёққа, ҳеч бўлмаса чегара томон боргиси келар эди-ю, бироқ мукаллиф бўлиш бахтига муяссар бўлолмасди.

У Коля амакини эслади.

Василий Петрович ва ойиси билан бирга учовлон суратга тушишга ҳам жон деб рози бўлар ва бу сурат отасининг кабинетида осиялиқ турса ҳам майли эди. Отасининг

руҳи ҳам шод бўлиши мумкин. Чунки Василий Петрович отаси билан дўст бўлишган.

Лекин Василий Петрович бу ҳақда оғиз очмасди...

Қиш, унинг кетидан баҳор ўтди, ёз келди.

Улар ёзни Василий Петрович ижарага олган боғ ҳовлида ўтказишди. Зина зерикмади, чунки у ерда ўзининг тенгдоши — Василий Петровичнинг қизи Маша бор эди. Маша ювош ва одамови қиз бўлса ҳам иккови дўстлашиб қолишди. Тиниб-тинчимаган Зина нима учундир мулойим Маша билан тез тил топишиб кетди. Маша Зинага ойисининг жуда эрта, Маша беш ёшлигидаёқ геология экспедициясида ҳалок бўлгани, ўшандан бери отаси уйланмагани, бувиси билан яшагани, сўнгра у ҳам вафот этиб кетгани ҳақида сўзлаб берди.

— Дадам сенинг ойингга уйланса кўнглимдагидек бўлар эди-да,— деди Маша.— Сен нима дейсан?

Зина Қоля амакини, Валерий Алексеевични, сўнгра Жора амакини хаёлидан ўтказди-да, эҳтиёткорлик билан рози бўлди:

— Ҳар ҳолда, ёмон бўлмасди...

Улар Москвага қайтиб келишгандан кейин бир куни Зина онасига шу ҳақда оғиз очиб қолди. Василий Петрович командировкада эди.

— Маша сизни унинг отасига турмушга чиқсангиз деган эди,— деди Зина Машанинг истагини баҳона қилиб.

Ойиси ўйланиб қолди. Сўнгра:

— Қайдам, Зинажон, қайдам,— деди.

Зина индамади.

Ойис у билан маслаҳат қилмагани Зинага бир оз алам қиларди.

— Юрагим безиллаб қолибди,— дея гапида давом этди она.— Ҳозир шундай бўп тургани осон ва қулай, мабодо ҳаммаси расмийлаштирилса қандай бўларкин... Бас, бу гапга чек қўяйлик!

Шу тариқа яна гаплари келишмади.

\* \* \*

Бу воқеа ноябрь ойида содир бўлди.

Қиш эрта тушди ва тезда ўз ҳукмронлигини бошлади.

Қор ҳар кўни ёғар, транспортёрлар кўча тозалаб улгуришмасди. Дарбонлар эса қор кураб чарчашар эди. Чексиз қор уюмлари орасидан ўтган ёлғиз оёқ ингичка йўлқадан юриш мушкуллашиб қолган эди.

Зина онасининг касал бўлиб, врачга мурожаат этганини билмасди, бугун эса у поликлиникадан гамгин қайтиб келди.

— Афтидан, касалхонага ётсам керак.

На Василий Петрович ва на Зина бунинг боисини тушунишмади.

— Қандайдир тугунлар пайдо бўлган эмиш, операция қилиш керак дейишди,— деди она.

Василий Петрович ойиси билан қаергадир бориб, нималарнидир аниқлаб келди.

Бир ҳафтадан кейин ойисини касалхонага ётқизишди.

Касалхона карантинда бўлгани сабабли Зинани у ерга киритишмас эди. Василий Петрович эса махсус рухсатномаси бўлгани учун ишдан кейин ҳар кунни бемор ҳузурига кирарди.

Зина унинг касалхонадан қайтишини сабрсизлик билан кутиб ўтирар эди.

— Хўш, қалай?

Василий Петрович, Зинанинг назарида, ётиғи билан гапирар ва унга онасининг мактубини тутқазарди.

«Зинажон!.. Аҳволим дуруст. Ўзинг қалайсан? Ўқининг-чи? Василий Петровичга кўмаклашиб тур.

Сени ўпиб қолувчи ойинг!»

«Эркатојим, сени жуда соғиндим! Жуда кўргим келяпти! Қачон карантинни бекор қилишаркин, билмайман! Ўпиб қолувчи, ойинг!».

«Зинагинам, Василий Петровични авайла! У жуда илтифотли ва яхши одам. Қизи Машани кўриб кел. Аҳволим ёмон эмас. Ўпаман! Ойинг».

Зина Василий Петровичдан онасининг ҳол-аҳволини, қандай даволашаётганини, операция кунини сўраб-суриштирарди.

— Операция кейинги ҳафтага,— деди Василий Петрович.— Афтидан, сешанба кунни бўлади. Ҳозир капельница, ҳар хил уколлар қилишмоқда. Текширишяпти.

Зинанинг назарида Василий Петрович ундан ниманидир яшираётгандек, сир сақлаётгандек туюларди.

Лекин нимани? Буни қандай билиб олиш мумкин. Зина хуноб эди.

У мактабдан кейин бир неча бор Машанинг олдига борди, Маша ҳам икки марта уни кўргани келди. Бирга яхмалакка боришди, бироқ муз ҳали тобига келмаган экан.

Операция кунни Зина мактабдан ижозат олиб, эрта сажардан касалхонага жўнади. Уни гардеробхонадан нари

Ўтказишмади. Сал ўтмай Василий Петрович Маша билан етиб келди.

— Мактабинг нима бўлади?— деб сўради Машадан Зина.

— Рухсат беришди.

Василий Петрович устки кийимини ечиб, елкасига халат ташлаб олди, сўнгра:

— Қизлар, ўтира туринглар!— деди-да, лифтга кириб кетди.

Вақт жуда секин ўтарди. Қизлар деярли гаплашмас, дақиқа сайин соатга қараб қўйишарди. Шу алфозда икки соатча вақт ўтди.

Соат ўн иккига яқин Василий Петрович чиқиб келди-да, қизларнинг ёнига ҳорғин ўтирди.

— Операция ҳозир тугади,— деди у.— Уни палатага олиб киришди. Ухлаяпти. Ойнадан кўрдим.

— Нима топишди?— деб сўради Зина бетоқат бўлиб.

Василий Петрович гўё унинг гапини эшитмагандек бепарволик билан:

— Уст-бошларингизни кийинг, кетамиз,— деди гардеробхона томон кетар экан.

Ташқарига чиқишгач, Зина яна сўради:

— Василий Петрович, ҳар ҳолда, оймдан нима касал топишди?

— Билмайман, Зина, билмайман! Бирон нарса деёлмайман,— дея мужмал жавоб қилди у.

Метро олдида хайрлашишди. Василий Петрович ишга, Маша — мактабга жўнаб кетди. Зина мактабга бормасликка қарор қилди ва уйга кетди.

Кечқурун Василий Петрович:

— Ойингнинг аҳволи дурустга ўхшайди,— дея хабар қилди.

— Олдиларига бордингизми?

— Ҳа, бордим.

Бир неча кундан кейин Зина яна ойисидан мактуб ола бошлади. Мактублар гўё операция бўлмагандек оддий ва тетик руҳда ёзилган. Зина бозорга бориб анор ва ёнғоқ сотиб олиб келар, анорнинг сувини сиқиб, ёнғоқларни чақарди. Василий Петрович буларни Зинанинг мактуби билан касалхонага элтиб берарди. Василий Петрович қаёқдандир краб ва қора икра топиб келар эди. Ойисини ўзининг аввалги палатасига ўтқозишди. Декабрнинг пировард кунларида Василий Петрович арча ва ўйинчоқлар топиб келиб Зинанинг ойиси ётган палатасига ўрнатди.

Зина Янги йилни Маша билан кутиб олди. Телевизор

орқали «Голубой огонёкни» томоша қилишди. Василий Петрович эса кечани касалхонада ўтказди.

\* \* \*

Январь ойи серқор ва қуюнли келди. Шаҳарни оппоқ қор кўрпаси буркаб олган. Томлару кўчалар, ҳаммаси тинимсиз ёғиб турган қор либосида.

Янги йилдан кейин кўп ўтмай Василий Петрович хушxabар олиб келди.

— Эртадан касалхонада карантин бекор қилинади. Борасанми?

— Албатта, бўлмасам-чи!— деди хурсанд бўлган Зина.

— Фақат менга ўхшаб соат олтига етиб боргин,— дея илтимос қилди Василий Петрович.— Кейин...

Гапи чала қолди.

Зина ит азобида кунни кеч қилди. Миясига бошқа ҳеч нарса кирмади. Бозорга бориб уч дона янги бодринг билан битта помидор сотиб олди. Қиммат бўлса ҳам майли, ойиси яхши кўради-ку. Анорни эзиб шарбатини олди. Уйда анор етарли. Бетоқат бўлиб хонада юрди, дам-бадам соатга қаради. Ниҳоят, беш ярим бўлганида отлана бошлади.

Касалхонада устки кийимини ечиб, халат олди ва тўртинчи қаватга кўтарилди. Беморлар кўплигидан коридорда ҳам раскладушкаларда ётишарди. Зина палата номерини ахтариб топди.

Палатада тўртта каравот ва дераза олдида битта раскладушка қўйилган экан. Агар илгарироқ келиб бемор ёнида ўтирган Василий Петрович бўлмаса Зина ойисини таний олмасди ҳам.

Юзлари заъфрон, эти бориб суягига ёпишган ойиси баланд ёстиқда ётарди. Ҳоргин қиёфасида фақат кўзларигина йилтираб турарди. Бошини базўр тутиб турганидан, чайқалар эди. Ёнидаги капелъницадан резинкали найча қўлига тортиб қўйилган.

— Мана, Зина ҳам келди,— деди Василий Петрович, зўраки дадиллик билан.

Зина ойисининг юзидан ўпди-ю, нима дейишини ҳам, қандай қилиб ҳол-аҳвол сўрашини ҳам билмай гаранг бўлиб қолди.

Василий Петрович Зинанинг қўлидан сумкасини олди-да:

— Олиб келдингми? Ҳозир татиб кўрамиз,— деди.— Оҳо, янги бодрингу помидорлар! Жуда соз. Бир зумда еб тугатамиз.

У бемор атрофида парвоца бўлар, онаси эса гоҳ унга, гоҳ Зинага қандайдир 'айбдорона' назар билан тикиларди.

Зина миқ этмай тураверди.

Василий Петрович беморга бир неча қошиқ апор шарбатидан ичирди. Сўнгра помидор билан бодрингни кесиб, туз сенди ва қўлига вилка олди.

— Оз-оздан.

Ойиси қийналиб ер эди.

Палатага кечки овқат олиб киришди. Бемор овқатга кўз қирини ташлаб:

— Мен емайман,— деди.

Гапиришга ҳам ҳоли келмагандек зўрға бўшашиб айтди.

У оғир, хириллаб нафас оларди.

— Ке, ҳеч бўлмаса бир қошиқ е!— илтимос қилди Василий Петрович.

— Йўқ,— дея қисқа жавоб қилди бемор, сўнгра Зинага қарата:— Аҳволларинг қалай? — деди.

Зина: «Ойижон, хавотирланманг, ҳаммаси яхши»,— демоқчи бўлди-ю, лекин бу гапнинг мавриди эмас деб ўзини тийди.

— Емон эмас,— деб қўя қолди.

Яна бирпас бирга ўтиришди, сўнгра ойисини мудроқ босди шекилли.

— Сен кетавер,— деб шивирлади Василий Петрович,— мени пастда кут.

Саросимага тушиб қолган Зина ташқарига чиқди.

Пастда Василий Петровични узоқ кутиб қолди.

Ниҳоят, у чиқиб келди ва:

— Кечаси навбатчилик қилиш ҳақида келишиб олдик. Буям бир олам масала экан,— деди.

Кўчада Василий Петровични машина кутиб турган экан. У Зинага эшик очди, ўзи унинг ёнига ўтирди.

Зина ҳатто шофёр билан саломлашмади. Машинада у Василий Петровичдан сўради:

— Жудаям жиддий касалми?

— Жуда,— деб дарров жавоб қилди Василий Петрович ўйлаб-нетиб ўтирмай.

\* \* \*

Касалхонанинг қабул кунлари белгиланган бўлгани учун эртаси куни Зина ойисининг олдига бормади. Уйда ўтириб Василий Петровични кутди.

У ҳадеганда келавермади.

Соат тўққизда телефон жиринглади:

— Зина бу сенми?

Зина кўнглида қандайдир нохушлик сезди:

— Ҳа, мен. Нима гап, Василий...

— Дарров касалхонага етиб кел!

Зина елиб кетди. Метрогача югуриб борди, сўнгра троллейбусда юрди, яна бир чақиримча пиёда гизиллади.

Василий Петрович касалхона даҳлизида халатининг этаклари очилган ҳолда у ёқдан-бу ёққа юрар эди.

Зинани кўрди-ю, ёнига келиб, елкасидан қучоқлади:

— Бардам бўл, қизим!

— Нима?— тушунмади Зина.

— Тамом,— деди Василий Петрович.

Зинанинг аъзойи бадани аввал музлаб қақшади, сўнгра оташдек ёнди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди. Узига келганда сўради:

— Мен-чи!.. Қирсам бўладими?

— Балки ҳожати йўқдир? — иккиланиб сўз қотди Василий Петрович.

— Керак! — деди қатъий Зина.

— Майли, юр,— рози бўлди Василий Петрович.

— Қачон?— деб сўради Зина лифтда. У ҳалиям даҳшатли фикрга ишонгиси келмасди.

— Ярим соат бурун. Йигирма бирдан беш минут ўтганда,— деб жавоб берди Василий Петрович.

Тўртинчи этажда улар коридор бўйлаб таниш палатага боришди. Палатада ойисининг каравотига парда тортиб қўйилган эди. Капельницани олиб кетишган. Василий Петрович чойшабни аста кўтарди.

Ойисининг юзи аввалгидек кўкимтир — сариқ эмас, докадек оқ эди. Василий Петрович чойшабни ёпиб қўйди.

— Юр,— деди у сўнгра.

Кейин улар ординаторскийда ўтиришди. Навбатчи врач уларга иссиқ чой қўйиб берди, олдиларига қанд суриб қўйди. Василий Петрович врач билан нима ҳақидадир гаплашишарди-ю, лекин Зина тушунолмасди. Зина қайноқ чойни хўплар экан, ҳозиргина кўрган онасининг юзини кўз олдига келтиришга уринар, бироқ келтиролмас эди. Ойисини дадаси билан, Коля амаки, Валерий Алексеевич, Жора амаки, Василий Петрович ёнида тасаввур этарди-ю, аммо эндигисини ҳеч кўз олига келтиролмасди.

Уйга почта аравасида қайтдилар, машиналар ётиб қолган эди.

— Женяга рухсат бериб юборувдим,— деди Василий Петрович.

Кўчада қор бўрони авжига чиққан, шамол увиллар, қаттиқ совуқ эди.

— Қандай юз берди бу воқеа?— деб сўради Зина.

— Мен етиб келганимда, ойинг мени таний олмади. У огриқни босадиган дори ичган эди. Соат ўндан ошгандан сўнггина кўзларини катта очди, танигандай бўлди, бир нарса демоқчи бўлди-ю, тамом. Мен унинг бошини кўтариб турган эдим..

Уйга келганларида Василий Петрович Машага қўнғироқ қилиб, бор гапни айтди.

— Сен ётавер, мен шу ердаман,— деб қўшиб қўйди сўнгра.

Зина иккови алламаҳалгача ётишмади. Зина хона бўйлаб бемақсад, асабий юрар эди. Василий Петрович унинг орқасида бамисоли соя. Сўнгра у чой қайнатди ва Зинага:

— Чой ич! — деди.

— Ичгим йўқ! — деб жавоб берди-ю, лекин шу заҳоти ошхонанинг ўзида ўтириб иссиқ чашкани икки қўллаб ушлаб олди. Унинг аъзойи бадани қалтирарди.

Бир нарса ёдига тушгандек бирдан сўради:

— Балки мавриди эмасдир, бироқ... Василий Петрович отам ўлганидан кейин ойимга нима бўлганини билармидингиз?

— Билардим,— дея тасдиқлади у.— Ҳаммасини ўзи айтиб берди...

Бир зум жим тургач, қўшиб қўйди.

— Унга унчалик катта айб қўйганим йўқ, айниқса, ҳозир.

Зина сабабини сўраб ўтирмади. Василий Петрович нима дейиши мумкинлигини қалби сезиб турарди. Ойиси бу гун юз берган ҳодиса яқинлигини сезган, мана, оқибат...

Василий Петрович унинг фикрини билгандай:

— Фақат бир нарса учун ўзимни кечира олмайман, буям бўлса никоҳимизни расмийлаштириб қўйишга ойингни кўндира олмадим. Одамлардек яшаган бўлардик...

Зина, Маша ва Василий Петрович қабристондан электричка бекатигача пиёда келишди. Дафн маросимида одам кўп бўлди. Айниқса, тўқимачилик фабрикасида. Сиёсий бошқармадан бир неча ҳарбийлар келди. Ҳатто райком ва райсоветдан кимдир қатнашди. Нутқлар бўлди, лекин Зинанинг қулоғига кирмади. Унинг кўзи олдидан ойисининг юзи-ю, иккита орден ва учта медаль ётқизил-

ган қизил ёстиқча кетмасди. «Худди отамга, ҳарбийларга: ўхшаш», — хаёлидан ўтказди Зина.

Ойисини дадасининг ёнига — битта хилхонага дафн этишди. Дадасининг қабри устида гранит тош қўйилган, ойисининг қабри эса гулчамбарлар билан бурканди.

Булутли, гира-шира қоронғи пайти. Оёқ остидаги қор ғирчиллайди.

Станцияга етай деганда Зинанинг ёдига Василий Петровичнинг қўлидаги гувоҳнома тушди-ю:

— Қаттиқ юрак-томир етишмовчилиги дегани нима-си, — деб сўради.

— Бу диагноз, — деди Василий Петрович ва яна қўшиб қўйди: — Сўнги натижага ўхшаш.

— Сўнги натижадан бошқаси-чи? — деб сўради Зина.

— Узинг биласан-ку, — тушунтирди Василий Петрович, — рак...

Эртаси куни кечга яқин Василий Петрович қўнғироқ қилиб:

— Мактабга бордингми? — деб сўради.

— Йўқ.

— Эртага боргин, хўпми?

— Хўп.

— Бугун эса энг зарур буюмларингни йиғиштириб, бизни кут, Маша билан борамиз.

— Лекин, мен... — Зина баҳона қилмоқчи бўлди.

— Лекин-пекини йўқ, — деди қатъий равишда Василий Петрович. — Кут! Бизникига борамиз.

Зинанинг қўли ишга бормасди. Бир амаллаб чамадон ва отасидан қолган портфелга аллақандай буюмларини жойлади.

Соат еттида Василий Петрович билан Маша келишди. Юкларни кўтаришиб пастга тушишди ва машинага ўтиришди.

— Женя, уйга, бизникига ҳайда, — деди Василий Петрович шофёрга.

## СҮНГГИ УҚ

Биз Бреслау — Берлин автомобиль йўлида ўрнашиб олдик. Кўпчилиги қишлоқда ўсган йигитларимиз бундай теп-текис йўлни ҳали кўришмаганидан ҳайратларини яширмасдилар: «Роса боплашибди-я, ярамаслар».

Катта ҳужум кезлари аҳмоқона вазиятлар бўлиб туради. Мана, ҳозир ҳам ана шундай ҳолатга тушиб қолдик. Биз етиб келгунга қадар автомобиль йўлини мудофаа қилиб турган қисмларни қаёққадир юборишган экан. Бу яқин орада немислар бўлмаса керак, деб ўйлашган шекилли, ваҳоланки, улар бор экан. Маълум бўлишича, қаршидаги ўрмончада йирик немис қисмлари жойлашган бўлиб, улар автомобиль йўлига чиқиш тараддудида экан.

Шу боис бизга йўл ёқалаб кўприк ёнида мудофаа қилишни буюрилди. Биз — топограф, фотограф, овоз ўлчовчилардан иборат Алоҳида разведкачи артдивизон айтарли даражада жангари бўлмасак-да, мана шунга ўхшаш вазиятга тушганимиз бор эди. Бироқ, афсуски, сифимиз — бир юз йигирма нафардан атиги олтмишга яқин одамимиз қолган эди — сийрақроқ. Боз устига, офицерлар, ошпазлар, навбатчилар, шофёрлар қисмда қолган эдилар. Шу сабабли автомобиль йўлида атиги қирққа яқин одамлар мудофаа чизигини ташкил этди.

Атроф жимжит. Немислар кўринмасди. Фақат кўприк орқасидагина мотоцикл шубҳали тариллар эди. Бу овоз бизга тинчлик бермасди.

Автомобиль йўлининг у томонидаги ўрмон уч юз метрлар нарида жойлашган. Биз ўрмонни диққат билан кузатиб турибмиз — ҳеч гап йўқ.

Шу тариқа бир-икки соат ўтди. Майсалар эндигина ниш ураётган пайт. Баҳор қуёши исита бошлади, ҳатто кун қизиб кетди.

Гарчанд, мотоцикл шовқини ҳамон тинчлик бермаётган бўлса ҳам лоҳас бўлиб кетдик.

— Қараб келамизми? — сўрадим ёнимдаги Серёжа Шаригинга мурожаат этиб.

— Майли. Фақат лейтенантдан руҳсат олмиш керак.

Бошлиғимиз топографик батареянинг командири лейтенант Бурков эди. У йигирма метрлар нарида сўл томонимизда ётарди.

Мен унинг олдига югуриб бордим.

— Уртоқ лейтенант, руҳсат этсангиз, ўртоқ лейтенант.

Шундай дея, кўприк ортидаги тариллаётган мотоцикл ҳақида гапириб бердим.

— Ўзимам эшитяпман,— деди Бурков,— ўзимам ўйлаб турувдим. Бориб кела қолинг, лекин эҳтиёт бўлинг.

— Албатта, Шаригин иккимиз борамиз,— дедим.

Биз Серёжа Шаригин билан иккимиз ер бағирлаб бўлмаса-да, энкайганча автомобиль йўлини югуриб ўтдик-да, ўзимизни кўприк остига урдик. Кўприкнинг шундай ёнгинасида ариқ ичида мотори юргизилган янгигина мотоцикль ётганини кўриб анг-танг бўлиб қолдик. Ёнида ҳеч ким йўқ.

Очиғини айтсам, урушдан аввал велосипедим ҳам йўқ эди, мана, тумшуғинг остида эгасиз мотоцикл, ол-да, ёзиллаб кетавер.

— Синаб кўрамизми, а? — деб сўрадим Серёжадан, мендан аввал у отини қамчилаб қолишдан кўрқиб.

— Албатта-да,— деди у.— Ке кўмаклашиб юбораман.

Биз мотоциклни ростлаб, бетон йўлга қўйдик. Мен эгарга ўтирдим, педалига оёғим тегар-тегмас мотоцикл ёзиллаганча олға кетди.

Серёжа орқадан туриб:

— Қаёққа? — деб қичқиришга улгурди холос, мен эса мотоциклни тўхтатолмай, кейинги кўприк томон учиб борардим.

Орқадан Шаригин югуриб келаётганини ва бир нарса деб қичқираётганини ҳис қилар эдим, бироқ бир вақтнинг ўзида ҳам завқ, ҳам ваҳимага ғарқ бўлганимдан ҳеч нарса эшитмас, фақат мотоцикл рулини маҳкамроқ сиқардим.

Яшин тезлигида кўприкка яқинлашаётгандим. Мана, кўприк остига ҳам етиб келдим ва бирдан, не кўз билан кўрайки! Бошим гангиб қолди. Бутун бетон йўл шахмат таси каби бўлиниб кетган, ҳар бир катагида қандайдир яшиқлар ётарди.

«Танкка қарши миналар!» — деган фикр хаёлимдан ярқ этиб ўтди, бу вақт ичида иккита яшиқ ёнидан ўтиб ҳам кетдим. Шу пайт беихтиёр ўнг томонимга, икки яшиқ орасига ўзимни ташладиму...

Узимга келганимда ариқ ичида ётганимни сездим. Мотоцикл эса устимдан ошиб ўтиб симёгочга урилиб, мотори ўчиб қолибди. Гилдираклари ҳамон айланиб турарди.

— Тирикмисан?— югуриб келган Серёжа менга ташланди.

— Билмасам,— деб гудрандим, туришга интилиб. Сўнгра ўрнимдан турдим.

— Пешонанг росаям гурра бўлибди!— деди Шаригин.

— Гурра бўлса бўлар! Хайриятки...

— Ҳа, сени худо бир асради! Минага дуч келганимдами!— дея атрофимда парвона бўларди Серёжа.— Тезроқ бу ердан туёғимизни шиқиллатиб қолмасак, бўлмаса нақ лейтенант...

Узим ҳам бу ҳазил таги зил бўлиши мумкинлигини тушунардим. Бироқ не ажабки, охири бахайр бўлди, ҳатто воқеа тафсилотини лейтенантга ҳам айтиб ўтирмадим.

— Бўталоқлар! Балосизлар!— деди лейтенант бўшашиб орқага ўгириларкан.

Бўталоқ бўлсак бўлибмиз-да. Лейтенант йигирма учда, биз эса ўн саккиз-ўн тўққиздамиз. Қарияни қарангу! Лекин ўзи яхши одам.

Тез орада тушлик овқат олиб келишди, овқатдан кейин уйқу боса бошлади, немислар эса ҳамон кўринмасди.

Ур-тўполон бошланганида соат саккизга қараб кетаётган эди.

\* \* \*

Аввалига тўп-тўп бўлиб ўрмондан чиқиб кела бошлаган немислар оқшом ғира-ширасида тарқоқ бўлиб кўринишарди. Бироқ йўлга яқинлашганлари сари сафларини тартибга солиб, бир текис бўлиб келишарди. На танк, на бронетранспортёр ва на мотоцикл кўринарди. Бу ўзимизга ишончимизни орттирарди.

— Ҳушёр бўлинглар!— деб буюрди лейтенант.— Менинг команدامни кутинг!

Қирқ бешинчи йилга келиб деярли ҳаммамиз немисларнинг ўлжа автоматлари билан қуролланган эдик. Ўзларимизнинг қўпол карабинларимизни машиналарга беркитиб қўйгандик. Карабинларимизни фақат катта бошлиқлар келиб қолсагина қўлимизга олардик. Уставга биноан бизга автоматлар мумкин эмас эди, лекин ўзимизнинг бошлиқларимиз бунга панжа орасидан қарашарди.

Немислар қаддиларини ғоз тутиб келишарди. Ё бизни кўришмасди, ёки ўзларини ҳаддан ташқари дадил тутишмоқда. Гарчанд, ҳаво салқин бўлса ҳам устиларида шинеллари йўқ, қандайдир салобатли қадам ташлашмоқда. Бу қандайдир қари қартаңлару ўсмирлардан иборат фольксштурм отряди эмас.

Биз йўл нишабига биқиниб олдик. Тутган позициямиз жуда қулай эди.

Немислар эса битталаб санаб чиқса бўладиган даражада тобора яқинлашиб келишмоқда. Икки юз нафардан кам эмас. Олдинда учта офицер.

Шу пайт Бурковнинг:

— Ут оч!— деган буйруғи янгради.

Ўзи қаддини сал кўтариб немислар томон иккита граната ирғитди.

Немислар ер бағирлаб қолишди. Ҳар ҳолда, яксон бўлишмагану, эҳтиёткорлик юзасидан бўлса керак.

Йўқ, ўлганлар кўринмайди, шекилли. Ҳаммаси ўрма-лаб кела бошлади.

Гарчанд, патронларни тежаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса ҳам биз мўлжалга олиб ўқ узар эдик. Бошқасини билмайману, лекин патронларни ғамлаб олганмиз.

Қўққисдан кутилмаганда ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди.

Немисларнинг овози ўчди, биз ҳам отишмани тўхтатдик.

Вақт имиллар, орадан ўн-ўн беш минут ўтди ҳамки, атроф боягидек жимжит.

— Ҳозир қайта ҳужум бошлашади,— деди душман ниятини пайқаган лейтенант.

Дарҳақиқат, қандайдир дақиқа ўтар-ўтмас немислар сапчиб ўринларидан турдилар-да, югурганча йўл-йўлакай ўт очиб, биз томон бостириб кела бошлашди. Аввалгига қараганда сафлари сийраклашиб қолган бўлса-да, биз учун етарли эди.

Бурков ирғиб йўлга чиқиб олди ва:

— Орқамдан! Олға!— деб бақирди.

Биз ҳужумга ташландик.

\* \* \*

Жанг ғалати тарзда якунланди. Барча немисларни кириб ташладигу, фақат мен битта немисни асир қилиб олиб қолган эдим. Йигитларимиздан уч киши ярадор бўлган эди, холос. Уларнинг яраларини боғлашди.

Қолгандар менинг асирим олдида уймаланишар, кет-ма-кет саволга тутишар эди.

— Қандай қилиб қўлга олдинг? Бундай тушунтириб-роқ айт.

Тушунтирадиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Мен ҳам барча қатори ўқ узиб олға югурдим. Кўз ўнгимда бирин-сирин немислар йиқиларди. Биттасини противогазимнинг халтасида ётган карабин тиғи билан санчиб йиқитдим. Противогазларнинг ўзини эса карабинлар билан бирга машинага яшириб қўйгандик. Бир пайт кўз олдимда манави немис пайдо бўлди-ю, кутилмаганда қўлларини юқори кўтариб «капут» деди. Шунда мен унинг автоматини тортиб олдим. Гап шу.

Олдимга Бурков келиб, у ҳам сўраб-суриштирди, сўнг:

— Мукофотга тақдим этамиз,— дея ваъда қилди.

Сўнгра Бурков бир гуруҳ йигитлар билан автострада олдида қолди. Ярадорлар, яна ўн нафар йигитларга мен билан немисни қўшиб қисмимизга қайтариб юборди.

— Асирни нима қилай?— деб сўрадим комбатдан.

— Немисни штаб бошлиғига олиб бор,— деди Бурков.

Қисмимиз томон йўл олдик.

— Кечки овқат юборишин,— деб бақирди кимдир орқамиздан.

Дарҳақиқат, жуда очиққан эдик. Соат ҳам тўққиз бўлиб қолганди.

Мен штаб бошлиғи майор Веселовнинг ҳузурига бориб, немис асири ҳақида ахборот бердим.

Штаб бошлиғи асирга қараб туриб:

— Улгудек айёр кўринади! Сассиқ озода,— деди.

Шундан кейингина мен ўз асиримга диққат билан назар солдим. Ҳақиқатан ҳам озода экан. Ҳатто бармоқларидаги тирноқлари ҳам бўялган. Бўй-басти ҳам мендан тикроқ. Хуллас, ғирт фрицнинг ўзгинаси! Қайта кийинтириб қўйсанг, офицердан фарқи бўлмайди.

— Бироқ шу топда менга унинг кераги йўқ,— деди майор.— Немисчани ҳам билмайман, фақат Самохин сўроқ қила оларди, у ҳам энди йўқ.

Биз эса ҳаммамиз немисчани «хенда хох»дан ортиқ билмас эдик.

Дивизионимизда немисчани биладиган ёлғиз Костя Самохин. Одерни кечиб ўтаётганимизда жангда ҳалок бўлди.

— Уни нима қилай бўлмаса, ўртоқ майор?— деб сўрадим.

«Тех» — «Эмполитга олиб бор, — деб маслаҳат берди Веселов ва ҳазил аралаш қўшиб қўйди: — У бари бир бекорчи.

Мен замполит капитан Стрелькони кўпдан бери — Ногинск яқинидаги Глухова қишлоғида мактабда бирга ўқиб юрган давримиздан билар эдим. У менга яхши муносабатда эди. Бўш вақтларимда менга ҳар хил кўргазмаларни кўлланмалар тайёрлаб беришни топширарди. «Жанговар варақалар» чиқарарди. Бир куни Стрелькониинг хаёлига машиналарни хилма-хил шиорлар билан безаш фикри келиб қолди. Мен: «Рус пруссони доим жангда енгиб-елган, ҳатто Берлинга икки марта бориб келган», «Ўртоқ Сталин айтгандек, иним, фрицларни дўппосла бетиним», «Ғалабага қолди бир қадам яна, қаршингда тиз чўқар, Берлин, ана!», «Жасоратдир жангдаги ҳар бир онимиз, олға чорлар Ватанимиз — онамиз!» каби шиорларни топиб бердим. Бу шиорлар Стрелькога жуда ёқди ва уларни машиналарнинг ёнларига ёзишни топширди. Шиорларимиз машиналаримизга жуда мос тушди. Яна бир куни унинг хаёлига ўзимизнинг (Алоҳида разведкачи артдивизион) АРАДимизга яраша бирор гимн яратиш фикри келиб қолди. Гимн учун шеър ёзиб, шунга хос куй топишни менга топширди.

Мен манави шеърни ёзиб бердим:

Назар ташла жабҳага ўртоқ!  
У фалокат, мусибатга бой.  
Ёв қолдирган қонли изга боқ,  
Ана, ёнғин ловуллаган жой.

Нақорат: Маконинг АРАД  
Шодмисан, солдат?  
Мамнунман беҳад:  
Эш менга АРАД.

Ҳайдалган ер ўт ёлқинида  
Уй кўринар бузғун; йўқ қадди.  
Дуд буруқсаган ҳовуз ёнида  
Мунгли ётар гўдак жасади.

Нақорат: Маконинг АРАД  
Шодмисан, солдат?  
Мамнунман беҳад:  
Эш менга АРАД.

Ҳўлу қуруқ ёнар теппа-тенг,  
Уқ ёғдирар немис олмай дам.  
Айтиб берар юрак ва ақлинг,  
Қандай яшаш кераклигин ҳам.

Нақорат: Маконинг АРАД

Шодмисан, солдат?

Мамнунман беҳад:

Эш менга АРАД<sup>1</sup>.

Шеърга мос тушадиган тайёр куй топилмади, зеро ўзимиз шавқли кўтаринки руҳдаги жанговар қўшиқ яратдик. Чунончи, даставвал немис пластинкасида бир куйни топдик, бироқ Костя Самохин (ўшанда у ҳали ҳаёт эди) бу Хорст Весселнинг фашистча марши, деди.

— Афсус, ўртоқ Сталин ҳақида қўшиқ ярата олмадинг-да,— деди замполит.

— Қофияга туширолмадим,— иқрор бўлдим.

— Ҳечқиси йўқ! Ҳар қалай, АРАД ҳақидагиси зўр бўлди,— деди капитан.

Қўшиққа кўникиб кетдик. Лекин уни аҳён-аҳёнда, асосан, ётиш олдидан айтардик: бошқа пайт жангдан қўлимиз бўшамас эди.

Капитан Стрелько мени очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Эшитдим! Эшитдим!— деди у бетакаллуф.— Қани, ўлжага туширган немисингни кўрсат-чи. Пешонангни ким кўкартирди? Манавими?

— Узим.

Мен асир немисни капитан ҳузурига олиб кирдим. Стрелько бизга жой кўрсатди, ўтирдик.

— Хўш, нима қилдик,— дея гўлдираб қўйди у,— орамизда немис тилини биладиганимиз йўқ. Самохин ҳам бизни тарк этди. Ҳайронман!

У ачингандек бошини чайқаб қўйди.

Сўнгра немисга мурожаат этди;

— Сен ҳам, ошна, русчага йўқмисан?

— Них ферштейн,— деди немис.

— Ҳа, тушунарли, тушунарли,— афсусланганнамо бошини лиқиллатди капитан.— Бир-биримизни тушунолмасак! Аҳмоқ Гитлер сизларни рус тилига ўргатиши керак эди! Ҳозир ўзинг ҳам хурсанд бўлардинг.

Немис бошини қуйи солганча, индамай ўтирарди.

— Ҳа, майли, ухлаймиз,— деди замполит,— немисингни ҳозир жойлаймиз.

Биз фотовзвод машинасининг ёнига бордик, старший сержант Лямин ҳам орқамиздан югуриб борди (унинг қўл остида бор-йўғи иккита қизил аскар бор эди). Биз фрицни машинанинг ичига киргизиб, устидан қулфлаб қўйдик.

<sup>1</sup> Бу шеърни Асқар Қосимов таржима қилган.

— Фрицга кўз-қулоқ бўлиб тур, бошинг билан жавоб берасан,— деди капитан Ляминга ва калитларни унга толширди.

Эрталаб мени дивизион командири майор Третьяков ўз ҳузурига чақирди. Немисни ҳам ўша ерга олиб боришди.

Кечаги воқеа қайтарилди.

— Афсуски, Самохин йўқ,— деди комдив.

Кўкарган пешонамни ҳам сўраш эсидан чиқмади. Сўнгра майор картани очди-да, мени стол ёнига чақирди:

— Асирни арткорпус штабига олиб борасан.

— Унинчигами?

— Ҳа, биз ўша штабга бириктирилганмиз. Мана, картага қара. Чамаси, йигирма километрча келади. Удалай оласанми?

— Албатта,— дедим ўзимга ишонган ҳолда ва картага тикилдим.

Қойил! Йўл-йўлакай Валянинг олдига, медсанбатга кириб ўтаман. Кўришмаганимизгаям икки ҳафта бўлди. Гарчанд, қандайдир старший лейтенант Валяга жазман бўлиб юрганмиш, деган миш-мишлар тарқалган бўлса ҳам ундан нари. Лекин, унда немисни қаёққа қўяман? Бир амалларман.

Биз Валя билан кўпдан — қирқ биринчи йилдан бери, ҳали Москвадалигимиздаёқ — ошиқ-маъшуқ эдик.

Биз Валя билан Сретенкадаги карточкалар тақсимлайдиган пунктда турганимизда танишиб қолгандик. Ўшанда ўн тўққизинчи сентябрь эди. Шу-шу бир-биримизсиз туролмайдиган бўлиб қолдик. Валя октябрда фронтга ҳамшира бўлиб кетди, бир ҳафтадан сўнг мен ҳам жўнадим. Сталинграддан бу ерга келгунимизга қадар деярли ажрамадик. У хизматдаги медсанбат доим бизга яқин жойда бўлар, мен эсам тез-тез тўнда Валянинг ҳузурига рухсат олиб бориб турар эдим. Январь ойида тўсатдан тропик безгак касалига (фронтда, тагин қиш пайтида тропик безгак-а!) мубтало бўлиб қолдим. Мени Валянинг медсанбатига ётқизиш қўйишди — нақ бир ярим ой. Тузалиб чиққанамга мана, икки ҳафта бўлди. Ўша бир ярим ой давомида Валя билан шундай машат сурдикки!..

— Егулик нарса олишни унутманг тагин,— деди майор ва ўзининг ординарецига тегишли топшириқ берди.

Майор ординарец олиб юришга ҳақи йўқ эди. Бошқа барча хизматлардан озод этилган Володя батареямизда котиб-каптенармуслик вазифасини бажарарди (бу вазифанинг кераги йўқ эди ҳам), АРАДнинг комсорги, экспеди-

тор (почта ташувчи), Третьяков ва Стрельколарнинг ординареци, бундан ташқари омбор мудирини ҳам эди, чунки собиқ омборчи ўғрилиқда қўлга тушиб штраф батальонига жўнатилганди.

Володянинг ёрдамида мен икки буханка нон, икки банка америка димлама гўшти, уч пачка нўхатлик концентрат, туз ҳамда махорка олдим. Нақ хазина!

— Энди, фриц, иккимиз ҳам очимиздан ўлмайдиган бўлдик,— дедим асиримга, озиқ-овқатларимни хуржунга жойлаётим.

— Найн фриц, Ганс, Ганс,— деди немис гапимни тушунгандек.

— Ҳай, Ганс бўлсанг бўлсан-да,— рози бўлдим.— Кетдик!

Биз дивизиондан чиқиб, аввал харитада кўрсатилгандек автострада бўйлаб кетдик. Немис олдимда борарди, шу пайт ногаҳон хаёлимга унинг қўлини боғлаб олиш учун арқон олволсам бўлар экан, деган фикр келди. Афсуски, ёдимдан кўтарилибди. Арқон учун орқага қайтишни эп кўрмадим, чунончи, орқага қайтишнинг ўзи ёмон аломат.

Аксари қизил аскарларга ўхшаб, қўл соатим йўқ бўлгани сабабли Володянинг, «немиснинг қўлидаги соатини ечиб олавер», дея берган маслаҳатини эсладим.

Чамаси, беш километрлар йўл босганимиздан сўнг, мен Гансни тўхтатиб, қўлидаги соатини ечиб олдим. Қарасам, ҳар ҳолда, ёмон соатга ўхшамади.

Ганс соатини ғайрсизлик билан менга топширди, ҳатто қўлимга тақиб қўйишда кўмаклашиб ҳам юборди.

— Данке шейн,— дедим мактабда ўқиб юрган вақтларимдаги жумла ёдимга тушиб.

Немис индамади ва мен мактабда немис тилини менсимаганим учун ўзимни ўзим койирдим. Фақат қандайдир бемаъни «Айн мейлен штейт им вальде...» деган қўшиқ ёдимда қолибди, зеро шу дамда буни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Тилни яхшироқ билганимда ҳозир унинг кимлигини, қандай одамлигини, қаерданлигини, оиласини сўраб-суриштирган бўлардим.

Тўсатдан «киндер» сўзи ёдимга тушди-ю, немисни саволга тутдим:

— Сенда киндер борми?

Немис аввалига тушунмади, саволимни қайтарганимдан кейингина бошини чайқаб;

— Найн киндер, найн!— деди.

Анчайин фаросатли экан, деб ўйлаб қўйдим.

Киндер орттирмагани эса тушунарли эди. Кўринишдан ёши йигирмадан ошмаган. Балки студентдир, балки уруш хазон қилган бадавлат оила фарзандидир. Немислар ҳозир ҳаммани сидирғасига хизматга тортмоқда, фольксштурм отрядларига эса чоллару ўн беш ёшлик болаларга-ча жалб этишмоқда.

Мен яна зўр бериб немисча сўзларни эсламоқчи бўлдим. Ва ниҳоят иккита — «муттер» ва «фатер» сўзлари ёдимга тушди.

— Муттер ҳамда фатерларинг борми?

— Муттер я. Фатер бух-бух. Сталинград,— деб жавоб берди Ганс.

— Тушунарли. Бу гапингга тушундим,— дедим севиhib ва бирдан яна учта сўзни эсладим:— Дойч Сталинград зер шлехт.

— Майн готт! Майн готт!— деди Ганс ва:— Дойчен зольдатен, дойчен офицерен Сталинград капут,— деб қўшиб қўйди.

— Асирга тушдингизми, ҳаммангиз капутсиз,— дедим ғазаб билан.— Урмондан ғоз юриш қилиб бостириб келаётгандинг.

Биз чамаси беш километрча юрганимиздан сўнг, харитага қатъий риюя қилган ҳолда чапга бурилдик. Қаршимизда, етти километрча нарида Валянинг медсанбати жойлашган. Икки ҳафта бурун медсанбатдан ўз қисимга пиёда қайтганим учун йўлни яхши эслаб қолгандим.

Шу пайт немисим очиқиб қолган бўлса керак, деб ўйладим. Ўзим-ку нонушта қилиб олганман, немисни эса овқатлантиришмаган бўлса керак.

Ёдимга яна бир сўз — «брот» келди, Гансни тўхтатдим-да, ўтир, дея ишора қилдим.

Гулхан ёқиб, консервани пиширгим келмади, хуржунимдан нон, бир банка димланган гўшт олдим, противогаз халтадан найзани чиқариб қўйдим. Ҳар эҳтимолга қарши кечаги жангни эслаб, (ахир кимгадир суқиб олгандим!) уни шинелимнинг бари билан артдим.

Нонни кесдим, найза билан банкани очдим-да, гўштининг ярмисини ноннинг устига ағдариб, немисга узатдим.

У менга суқланиб тикилиб турар ва хушомадгўйлик билан:

— Данке! Данке шейн!— деб гўлдирадди.

Лекин шу вақт мен Ганснинг атрофга олазарак бўлиб қараётганини сезиб қолдим ва арқон олволмаганимга яна афсусланиб қўйдим.

Овқатланиб олсин, камарим билан қўлларини орқасига боғлаб қўяман, дея ўзимни юпатдим.

Биз шундоқ йўл четида ўтиргандик, шу пайт бирдан йўлдан физиллаб ўтиб бораётган мотоциклчилар, уларнинг орқасидан бронетранспортёр тўхтади. Кутилмаганда бронетранспортёр люки очилди-ю, ундан бизнинг — Биринчи Украина фронтининг қўмондони маршал Конев чиқиб келди.

У мени олдига чақирди, мен кавшанаётган немисни ўрнидан турғиздим-да, иккаламиз бронетранспортёр ёнига бордик.

— Камар қани?— деб сўради дастлаб маршал.

Мен камарни асирнинг қўлларини боғлаб қўйиш учун атайлаб ечганимни айтдим.

— Нима учун соқолингизни олмагансиз?— деб сўради яна маршал.

Эрталаб шошилишда соқол олишни унутганим энди эсимга келди, кеча эса куни билан автострадада писиб ётиб вақтим бўлмаганди.

— Командирингизга етказинг: сизни беш сутка қамоққа олсин,— деди маршал ва машина ичига тушиб ўз устидан люкни беркитди. Қўмондон эскорти йўлга тушди, бронетранспортёр орқасидан ҳам мотоциклчилар кузатиб келаётган экан.

— Аблаҳ!— дедим Гансга қараб.— Қаерданам бошимга бало қилиб орттирдим сени! Турган-битганинг хатар!

Немис оғзидаги ёғлик димлама гўшт билан нонни чайнашда давом этар экан, индамай турарди. Сўнгра қўлини орқасига қилиб камар билан боғлаб қўйдим-да, сафаримизни давом эттирдик. Яна ўн-ўн икки километрча юрсак ҳам йўлнинг охири кўринмасди. Аҳён-аҳёнда солдат ва офицерлар дуч келишар, лекин «Семёновнинг хўжалиги» қаерда жойлашганини ҳеч ким билмасди. Мен бир неча бор харитага кўз югуртирдим, аммо харита ҳам медсанбат жойлашган Найдорфга етгунча ҳали анча-мунча юришимиз кераклигини кўрсатарди. Асиримнинг оёғи чаққон эди, ҳолбуки мен ўлгудек чарчаб қолдим. Тропик безгакдан кейин ҳали бу каби узоқ йўл босмаган эдим.

Қуёш қиздирмоқда. Қир-адирларда ўт-ўлан кўкариб қолган. Ўрмон ва дарахтзорлардан одамни маст қилувчи чириган барг ва баҳорнинг намгир ҳиди келарди, биз у ерларга иложи борица кам киришга ҳаракат қилардик.

Мен ўзимча Ганснинг уйини тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўрдим. Биз жуда кўп немис хонадонларини

кўрдик. Деярли барчаси озода ва саранжом саришта бўлса ҳам, кўримсизлиги билан бизни ҳайратга соларди. Ҳатто ошхонада ҳам ҳамма нарса — ёзувли банклар тоқчаларга тартиб билан терилган, ертўлаларда тартиб аъло даражада, хилма-хил компот ва консерва қилинган шиша идишлар қаторма-қатор батартиб териб қўйилади. Суратга тушиш бўлса, немисларнинг жон-дили! Ҳар бир хонадонда бува-бувакалонлар, бувилар, она-оталари билан гоҳ хонада, гоҳ ҳовлида, гоҳ автомобиль фонидида тушган суратлар солинган альбомлар тахлаб ташланган. Албатта, бу альбомлар ёнида севгининг хилма-хил турлари акс эттирилган адабсиз альбомлар ҳам йўқ эмасди. Одамларнинг айтишига кўра, немислар ўз болаларини бу ишларга гўдаклигидан ўргатишар эмиш.

«Маданиятли немисларни деярли учратмадик. Ҳаммаси қочиб кетишган. Фақат ҳолдан тойган ташландиқ кампирлару, дадил: «Капут! Аллес капут!»— дегувчи бақироқ, овсар чолларгина қолишган эди.

Исиб кетиб шинелимнинг тугмаларини ечдим, соатга қарадим, уч бўлиб қолибди.

Қоринни тўйғазиб олсам ҳам бўлади.

Биз у ер-бу ерда қор қолдиқлари ётган нам сойликдан ўтиб, бузилиб кетган кичкина кўприк ёнидаги қуруқ ялангликка чиқдик. Бу ер тинч ва иссиқ эди.

— Сидайн!— деб буюрдим немисга кутилмаганда эсимга тушиб қолган ғалати сўз билан, лекин у менга тушунди. Тўхтади-да, шарқликларга хос бир тарзда чўккалаб ўтириб олди. Шунда кўзим унинг янги хром этигига тушиб, хаёлимга: «Обмоткали ботинкамга этигини алмаштириб олсам-чи?»— деган фикр келди.

Сўнгра назаримни паст қилиб нима қиламан, деган қарорга келдим.

Халтадан нон, очилган димлама гўшт банкасини ва бир бўлак сарғайган чўчқа мойини олдим.

— Битте!— дедим немисга.

— Данке шейн,— деб жавоб берди у.

Биз овқатлана бошладик.

— Овора бўлиб чой қайнатиб ўтирмаймиз,— дедим немисга яқин одамимга мурожаат қилаётгандай.— Ортиқча ташвишнинг нима ҳожати бор. Медсанбатга етиб олайлик, ўшанда...

Ўз-ўзидан Ганс гапимга мутлақо тушунмади. Яна нима учундир кўз олдимда унинг черепица билан ёпилган саранжом уйи, муттери намоён бўлди.

Нима сабабдан бу ҳақда ўйлаганимни билмайман.

Дарвоқе, мен Гансенинг уйини ўзимча тасаввур этмоқчи бўлган эдим...

Ганс эса индамай мой билан нонни пок-покиза туширар, бунга сари унинг силлиқ лунжлари янада товланар эди.

\* \* \*

Биз кечқурун, қош қорайганда Найдорфга етиб бордик. Афтидан, бу ерда медсанбатдан бошқа ҳеч қандай қисм йўққа ўхшайди, шундай бўлса ҳам мен Валяни ахтариб топгунимча кўп овора бўлдим.

Ниҳоят, Валяни ошхонадан топдим.

— Наҳот сен бўлсанг?— деди ҳаяжонланиб Валя.— Трикмисан? Хаёлимга нималар келмади.

— Ёлғиз эмасман.

— Бу ким?

— Мана шу асирни корпус штабига олиб кетяпман,— деб тушунтирдим.

— Ҳозир уни бир ёқлик қиламиз,— деб ваъда берди Валя.— Тўхтаб тур!

Шундай дея қаёққадир ғойиб бўлди.

Валя ўша-ўша, ўзгармаган. Чумчуқдек ушоқ ва сочлари тўзғиган. Киприклари ҳам узун-узун, пешонасида сепкили бор. Кўзлари ҳам ўшанда, Москвада Сретенкада мени лол қилгандек, мовий ҳам, кулранг ҳам эмас, қандайдир тубсиз денгиздек тўлқинли эди.

Тез орада Валя қайтиб келди-да:

— Кетдик! — деди.

Катта омбор — қулфи осифлиқ қандайдир ярим ертўла эшиги олдида ёши қирқлардан ошган, тамакидан узун бурама мўйлови сарғайиб кетган солдат турган эди. Елкасида винтовка, оғзида эса қўлбола қилиб ўралган катта-кон сигарета.

— Кирилл Мефодьевич, сенга манави фрицни топширамиз! Устидан қулфлаб қўй, эрталабгача ўтира турсин.

— Хўп бўлади, Валентина Никаноровна, — завқланиб жавоб берди соқчи ва чўнтагидан калитларни олди.

Немисни ертўлага қамаб қўйдик.

— Энди фрицинг ҳеч қаёққа қочиб кетмайди, — деди Валя.

— У фриц эмас, Ганс,— дея тушунтирмоқчи бўлдим.

— Менга деса бало бўлмайдами, — деди Валя.— Энди

Меннинг хонамга кетдик. Қизларни кечқурун ҳайдаб чиқарганман, тунни эса иккимиз юқоридаги пичанхонада ўтказамиз. Бу ерда ажойиб пичанхона бор!

Уч каравотли шинамгина хонада Валя столга дастурхон ёзди, ҳатто қаердандир спирт ҳам топиб келтирибди. Шу пайт тўсатдан:

— Бир чўмилиб олмайсанми? Бир зумда ваннани тайёрлаб бераман! — деди.

— Ҳар ҳолда, ёмон бўлмасди! — дедим. — Бу ердан кетганимдан бери чўмилганим ҳам йўқ.

— Жуда яхши! Мен ҳам сен билан бирга чўмилиб чиқаман! — деди Валя.

— Сен-а?

— Нима қипти? Бари бир бугун чўмилмоқчи эдим. Сени яланғоч ҳолингга неча марта кўрганман? Ҳисобиям йўқ!

Турган гапки, водопровод йўқ эди, шу боис Валя ваннани иссиқ ва совуқ сув ташиб келиб тўлдирди. Лиммолим тўлдирди. Яна эҳтиёт шарт деб, икки челақ сув келтириб қўйди.

— Ҳўш, ким биринчи? Ҳалиям уяляпсанми?

Мен индамадим.

— Мен бошлай қолай,— деди у ва бир зумда этиги, гимнастёркаси, юбкасини ва яна алламабалоларини ечиб ташлади-да, фақат биргина трусикда қолиб, яланғоч ҳолда сувга тушди.

Мен ўз бахтимга ишонмай аста ечина бошладим. Жин ургур обмоткамни ечиб, нам пайтавамни жойлагунимча хийла вақт ўтди. Қулоғимга ваннадаги Валянинг шалоплаши қандайдир ажойиб мўъжизадек эшитилар эди. Найдорфдаги мана шу немис уйи ҳам, бошдан-оёғи меники бўлган Валя ҳам, ҳозир иккимизнинг бирга чўмилишимиз ҳам мен учун мўъжиза кароматидек туюларди. Мен умрим бино бўлиб ҳали хотин киши билан, ҳатто Валядек ўзимга яқин аёл билан ҳам бирга чўмилмагандим. Лекин бошқа илож йўқ, мен тамоман ечишиб ваннага тушдим.

— Салом!— деди Валя.— Ушандан бери хиёл озибсан.

Мен эса Валянинг иштиёқида ўзимни йўқотаёзгандим.

— Тунгача сабр қил! — деди у.— Ҳадемай тун. Пичанхонага чиқиб оламиз-да, бутун тун бизники бўлади!

— Чидолмаяпман, Валя!— дея иқрор бўлдим.

Валя рухсат берди.

Ҳолдан тойиб, тегиққанимиздан сўнг, иккаламиз ўтириб овқатландик, спирт ичдик, чой ичиб суҳбатлашдик.

Хўл сочларини ёзиб ўтирган Валя ҳар қачонгидан ҳам гўзал эди.

— Биз, қизларга фронтда айниқса қийин,— деди у.— Эркаклар ёнишаверади, ўз ҳолимизга қўйишмайди. Баъзи қизларимиз биронтасига кўнгил беришади, лекин йигит бугун тирик бўлса, эртага йўқ.

Мен хийла журъат этолмай турган эдим, шундай бўлса ҳам айтишга қарор қилдим.

— Старший лейтенант қалай?

Валя бир оз ўйланиб қолди шекилли, сўнгра:

— Унақаси йўқ,— деди.

— Ҳалок бўлдими?

— Нега ҳалок бўлади? Шундай, ўзим истеъфога чиқардим, ҳолбуки, орамизда ҳеч гап бўлган эмас.

Уч стакан (балки бештами) ичганимдан кейин кайфим ошиб қолди, бироқ Валяга таъсир қилмагандек эди.

— Хўш, сенга ҳам шилқимлик қилишадими?— деб сўрадим.

— Бусиз бўлмайди.

— Сен-чи?

— Ўз солдатим бор, менга офицернинг кераги йўқ, дейман. Сени назарда тутаман. Гарчанд, мени хотинликка бари бир олмаслигингни билсам ҳам...

— Нега?.. Нима учун шундай деб ўйлайсан?— дея жаҳлим чиқди.

— Сен учун мен қариб қолдим. Умуман, сен ҳалол одамсан, мен эса ярамас хотин... Билсанг агар!

Тилим гўлдираб қолди.

— Нега қариман дейсан? Арзимайдиган уч ёш! Нима учун «ярамас» дейсан? Нега ўзингни ёмонотлиққа чиқаряпсан?

— Йўқ, сени севишим рост. Шунинг учун тўғриси гапирдим. Ахир, сен ҳаётимдаги иккинчисисан.

— Иккинчиси?

— Ҳа, иккинчиси?

— Биринчиси ким эди?

— Биринчисини қирқ иккинчи йил бошидаёқ ўлдиришган. Уша билан сенга хиёнат қилар эдим. Агар ўлдиришмаганда, балки ҳозир ҳам...

У жимиб қолди. Мен ҳам индамай ўтирардим. Валя гўё фол очаётгандек ярим стакан ичимликни қўлида айлантирганча ичига тикилиб ўтирар эди.

— Ким эди у?— деб сўрадим мен. Ҳозир энди ҳалок бўлган рақибим менга тинчлик бермасди.

— О, у қари бўлса ҳам катта одам эди.

«...» — Ҳар ҳолда, ким?

— Генерал... Генерал-полковник... Армия қўмондони...

— Ахир, сен қиз боласан-ку.

— Балки қиз бола бўлганим учун ҳам севиб қолган-дирман. Башарти, у уруш тугагунча ҳаёт қолса ҳам, мени ташлаб кетишини билардим. Унинг оиласи, болалари бор, балки неваралари ҳам бордир, мен унга ким бўлибман?

— Мен сени севаман, ҳеч қачон ташлаб кетмайман,— дедим унга негадир.

\* \* \*

Пичанхонага чиқишдан бурун биз бир ўзга ажралишдик. Валя ўзининг ярадорларидан («Иккита оғир ярадорим бор. Бугун операция бўлганига тўрт кун бўлди. Энг оғир кунлари»), мен эса немисдан хабар олгани кетдик.

Ертўла эшиги олдидаги соқчи ўзгарибди, лекин буни-си ҳам мени эски танишдек қарши олди. Афтидан, уни оғоҳлантириб қўйишган шекилли:

Қулфни очди, фонарни ёритиб турди.

Немис кўзларини хиёл очди. У қандайдир қутилар олдида биқиниб ўтирарди.

— Бу ерда музлаб қолмайдими?— деб сўрадим.

— Йўқ, бу ер ташқаридагидек унча совуқ эмас. Биз бу ерда ҳар хил дори-дармонлар ва озиқ-овқат сақлаймиз.

— Эҳтиёт бўл, тагин бўкиб қолмасин.

— Йўқ, ювош кўринади... Шовқин солмаяпти. Эшитган бўлардим.

Валя пичанхона олдида кутиб турган экан.

— Оғир касалларинг қалай?

— Ҳаёт. Худо хоҳласа, соғайиб кетишади. Лекин, еттинчи кун ҳам оғир бўлади.

Пичанхона жуда кенг-баёв экан, пичандан ёзнинг муаттар ҳиди келиб турарди.

Валя иккимиз пичанинг энг қуюқ жойига, шундай шифтнинг остига чиқиб ётиб олдик, мен уни бағримга босдим-да:

— Ечинамизми?— дедим.

— Аҳа,— деди у.

Биз анчага довурухламай ётдик.

— Сени ана шундайлигингча севаман,— дер эди Валя.

— Қандайлигимни хуш кўрмайсан?

— Уйда, ваннада бўлганингдақасини.

— Нима учун?

— Оч бӯридек ташландинг, лаззатини ҳам сезмай қолдим.

— Ҳозир-чи?

— Ҳозир маза!

— Сени ҳеч кимга бермайман!— дея қасам ичардим.

— Эрталаб бари бир кетиб қоласан...

— Уруш тугашига энди оз қолди. Берлингача икки қадам...

— Ана шу икки қадам қанчалаб ҳаётларни олиб кетади.

— Нимага ёмон ният қиласан?

— Бошқа бундай демайман! Бўлди!

\* \* \*

Эрталаб Валя немис билан иккимизни овқатлантирди («Уям одам!»— деди Валя) ва биз йўлга тушдик. Медсанбатдан узоқлашганимиздагина яна арқон олмаганим эсимга тушди, Валядан сўраб олсам бўларди, лекин на илож, яна камаримни ечиб, Ганснинг қўлини орқасига қилиб боғлаб қўйишга тўғри келди.

Бир соатларча яхши юриб бордик, лекин бирдан Ганс афти бурушиб, кўзлари билан ниманидир илтижо қилиб юролмай қолаверди.

Ярим километрча юрганимиздан сўнг, у таққа тўхтади... Гап нимада эканини фаҳмладим, шекилли:

— Езилиб олмоқчимисан? Бўл, бўла қол!

Қўлини ечиб қўйдим, Ганс шу заҳоти иштонини ечиб, ўтирди.

— Молга ўхшаган!— дея сўкиндим беихтиёр.— Нарироқ борсанг ўлармидинг. Зиёли эмиш яна.

Ростини айтсам, Гансни негадир зиёли деб тахмин қилардим. Балки студентдир! Шунинг ўзи етарли! Мен етгинчи синфни тамомлаганман. Тўлиқсиз ўрта маълумотим бор.

Бу орада асир ишини битириб, иштонини кийиб олди, мен унинг қўлларини боғладим ва биз йўлимизда давом этдик.

Аввал йўлимизда ҳар хил одамлар, ҳарбийлар учраб турган бўлса, энди ҳеч ким учрамай қўйди. Теварак-атрофимиз кимсасиз ва жимжит эди. Мен харитага қараб тўғри кетаётганимизга иқрор бўлардим, лекин «Семёновнинг хўжалигига» ҳали ўн-ўн икки километр масофа бор эди

Мен энди мабодо биронта ҳарбий қисм учраб қолса, тилхатга қўл қўйдириб Гансни топшираман-да, қутуламан деб режа туза бошладим. Нима учун энди албатта ўнинчи арткиорпусга олиб бориш керак? Башарти, у янги жойга кўчган бўлса нима бўлади? Немис жонимга тегди. Киройи одам бўлса, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетсанг, бу билан икки оғиз ҳам гаплаша олмайсан. Яна бир немис сўзи «кляйн»—«кичкина» ёдимга тушди, бироқ «кляйн» ҳақида унга нимаям дердим. Ҳозир бу сўзнинг ўрни-жойи эмас.

Валя ҳақида ўйлай бошлагандим, енгил тортдим. Нима учун у ўзини «ярамас аёл» дейди? Бу билан нима демоқчи? Бунда бир гал бор бўлса керак. Майли, ҳечқиси йўқ, тез орада уруш тугайди, яна учрашамиз, ўшанда...

Қаршимизда кичкинагина эманзор кўринди. Мен аввал «айланиб ўтсакмикин» деб ўйладиму, лекин сўқмоқ дарахтзор ичидан ўтгани сабабли биз эманзор оралаб кетдик. Асирим, гарчанд аҳён-аҳёнда атрофга олазарак қараб қўйса-да, олдимда жимгина борарди.

Қаердадир кўз илғамас қушлар сайрамоқда. Яланғоч шохлар орасидан офтобнинг теран нурлари тушиб турибди. Баъзи дарахтлар куртак ёза бошлабди. «Фронтдан анча ичкаридамиз»,— деб ўйладим.

— Гут,— деди илжайиб немис, афтидан, баҳорнинг илиқ нафаси унга ҳам таъсир этганга ўхшайди.

Нима учундир узоқ, умуман, бемаъни йўл унут бўлиб, одам ўзини енгил ҳис эта бошлади.

Дарахтзордан чиқдигу қувончимдан ўз кўзларимга ишонмай қолдим.

Йўл бўйлаб олдинда газик, орқасидан бир нечта юк ортилган аравалар колоннаси ўтиб бормоқда эди.

Мен Гансни қистовга олиб туртдим.

— Шнель. Бегом!

Биз югурдик ва тезда тош йўлга чиқиб олдик.

— Биродарлар! Каттангиз ким?— деб бақирдим.

— Нима ишинг бор?— деб сўради аравакашлардан бири.— Қаердан пайдо бўлиб қолдинг, бунинг устига фриц билан?

— Каттангиз ким?— деб сўрадим аччиғим чиқиб.

— Каттамиз младший лейтенант, у машинада ўтирибди,— деб тушунтирди аравакаш.

Мен яна Гансни туртдим ва машина олдига югуриб бордим.

— Ўртоқ младший лейтенант! Ўртоқ младший лейтенант!

Машина тўхтади ва унинг ичидан йўгон, кекса младший лейтенант чиқиб келди.

— Хўш, нима дейсан?

— Ўртоқ младший лейтенант,— деб бошладим.— Илтимос, манави асирни мендан қабул қилиб олсангиз. Гап шундаки...

— Бошимга урамани уни!— деди у гапимни охиригача тинглаб ўтирмай.— Қаерга олиб бораман? Йўқ, уни лозим бўлган жойга ўзинг олиб бор.

— Узоқ-да,— дедим.— Икки суткадан бери...

— Неча суткадан бери юрганингиз билан ишим йўқ, мана биз икки суткадан бери ўз полкимизга етиб ололмаяпмиз! Омон бўл!— Шундай деб у машинага ўтирди:— Кетдик!— буюрди шофёрга.

Мен ўз Гансим билан шўппайиб қолавердим.

— Ке, бирпас ўтирайлик,— дедиму, ўзим биринчи бўлиб йўл четига чўкка тушдим.

Немис ҳам ўтирди.

— Қанчалар меъдамга текканингизни тасаввур этиб кўрсанг эди!— дедим ёзгириб.— Сен одам эмас, ёпишқоқ бургасан! Бошимга битган бало бўлдинг!

Бир оз сукут сақлаб ўтирдик-да, сўнг яна йўлга тушдик.

Уч километрлардан кейин ўртамиёна бир қишлоқ кўринди. Қишлоқ бўлиб қишлоқ эмас, кўпроқ хуторга ўхшаб кетарди. Унда на бизникилар ва на маҳаллий халқ кўринмас эди.

Мен харитага кўз ташладим, бунақа қишлоқ кўрсатилмаган.

Сирасини айтганда, хариталар кўпинча алдайди, айниқса Польшада шундай бўлганди. Германияда эса ундан баттар.

Бинолар бус-бутун, бироқ ҳаётдан ном-нишон кўринмасди.

Шу пайт мен бўм-бўш қишлоққа маҳлиё бўлиб қолганим учунми, ёки фурсатни қўлдан бердимми, тузатиб бўлмайдиган воқеа юз берди.

Ҳали ўзимга ҳам келолмаёқ, Ганс қўлини камардан бўшатиб ёқамдан бўғиб олди-да, бошимни зўр бериб симёрогча ура бошлади.

Хиёлдан сўнг ўзимга келиб қарасам, немис ғойиб бўлибди.

Мен гоҳ у, гоҳ бу томонга югуриб кўрдим, бироқ ундан дом-дарак топмадим. Яхши ҳамки автоматимни олиб қочмабди. Мен ўнгу сўлимга тусмоллаб кетма-кет ўқ

узиб кўрдим, лекин фойдаси бўлмади. Бошим тарс ёрилай дерди. Энсамни ушлаб кўрсам — қон.

Мен воқеа содир бўлган жойга қайтиб бориб, қулоқчиним билан камаримни олдим ва мутлақо ҳолдан тойиб ерга ўтирдим.

Нима қилсам экан?

\* \* \*

— Борди-ю, қочишга уринганда деб қўя қолсанг-чи? — Валя қўлидан келганча мени юпатар эди. Бошимни ҳам боғлаб қўйди, ювинтирди. Спирт қўйиб берди.

— Ким бунга ишонади? — дея ўзимга ўзим жавоб берардим. — Икки суткадан бери асир билан сандироқлаб юраману бирдан қочмоқчи бўлганда отиб ташлайманми?

Кеч кирди, яна Валянинг олдида ётиб қолишимга тўғри келди. Лекин бугун аксига юриб, у тунда навбатчи экан.

— Олдинга келиб кетиб тураман, — деб ваъда берди Валя.

Омадинг келмаса, қармоқдаги балиқ ҳам чиқиб кетади, деганларидек, бу ерда ҳам ишим юришмади.

Лекин Валянинг навбатчилиги анча осойишта экан, шунинг учун биз ярим кечани бирга ўтказдик.

— Валя, айт-чи, нима учун «ярамас аёлман» дединг?

— Ўзи шундай-да, — деди у.

— Ҳар ҳолда-чи!

— Ке, бу гапни эслама! — деб ёлворди у. — Яхшиси, мени қаттиқроқ қучоқла.

Шу алфозда у ярим соат ғойиб бўлар, яна қайтиб келарди-ю, шунда ҳам унинг васлига тўёлмасдим.

\* \* \*

Ингирманчи апрелгача биз Госту, Першин, Дрешица ва Шефенбергни босиб ўтдик. Олдимизда қаердадир — Шпрее. Йўллар техника ва қўшинлар билан лиқ тўла. Асирлар кўп. Улар ўзлари офицерлар бошчилигида фронт орқасига кетишмоқда.

Гарчанд, аввалига адабимни беришган бўлса ҳам, кейин қочиб кетган немиснинг тарихи унутилиб кетди. Дастлаб росаям мазах, масхара бўлдим, ҳатто майор Третьяков очикдан-очиқ қаттиқ танбеҳ берди. Хайриятки, маршал Коневдан олган беш сутка қамоқ тўғрисидаги ахборотимга эътибор бермади.

Гросс-Мессау қишлоғида бизга немис «мессерлари» ҳужум қилди, пулемётдан бир-икки ўққа тутишди, лекин талафот кўрмадик.

Биз иккита рус ишчиси бўлган немиснинг уйида тўхтадик. Русларнинг бири брянсклик болали аёл, иккинчиси киевлик ўрта ёшлардаги киши эди. Улар ўзларининг туриш-турмушлари ҳақида энди гапириб бераётган эдиларки, бирдан:

— Ўзларингизни тартибга солинг ва йигирма минутдан кейин сафларинг. Милтиқларингизни ҳам унутманг!— деган буйруқ берилди.

Йигирма минутдан кейин биз саф тортдик ва корпус штабидан келган нотаниш подполковник мукофотларни топшира бошлади.

Мен ҳам ўзимнинг қочиб кетган Гансим учун медаль олдим.

— Энди Котбусга қараб олға!— деди подполковник.

Котбус ҳақида ҳар хил мишмишлар тарқалган эди. У ерда Власовнинг штаб-квартираси, унтер-офицерлар билим юрти бор дейишарди. Немислар шаҳарни власовчиларга ташлаб кетишган эмиш.

Биз карабинларни автоматларга алмаштириб улгурмасимзданоқ шаҳарга юриш бошладик. Бу орада шаҳарни тўплардан ўққа тутишарди. Котбус ёнмоқда.

Гросс-Мессаудан Котбусгача ўн километр йўлни биз бир ярим соат ичида босиб ўтдик.

Шаҳар кўчаларига кириб борганимизда у ерда жанг кетаётган экан. Бизникилар харобалар ва ертўлаларда қолган немис ва власовчиларни сиқиб чиқаришмоқда эди.

Власовчиларнинг формаси немисларникидан устки кўриниши ва махсус белгиси — РОА — Рус озодлик армияси — билан ажралиб турарди.

Менинг карабинимда сўнги патрон қолган эди. Энди карабинимни қайта ўқлайман деб турганимда, намозшом гира-ширасида, ёнғин шуъласида қандайдир дарвоза тешигидан эсанкираб қолган власовчи чиқиб келиб менга ташланди. Карабинимни қўлимга олишга улгурмасимзданоқ у автоматдан менга қарата кетма-кет ўқ узди. Ўнг қўлим ачишиб куйганидан карабинимни ташлаб юборишимга сал қолди. Власовчи бўлса тўсатдан тўхтади-ю, менга маъносиз қараб туриб, автоматини пойимга ташлаб, қўлини кўтарди.

— Биродар,— деб гўлдиради у,— отма, биродар!

— Аблахсан, биродар эмас,— дедим ва тепкини босиб юбордим.

У қўлларини бир силкиди-ю, энсаси билан ерга қулади.

Мен унга бир лаҳза назар ташладим-да, санчасти ахтариб кетдим. Индивидуал пакетим йўқ эди, енгим қонга бўялиб кетди.

\* \* \*

Шундай қилиб, йигирма биринчи апрель куни мен учун уруш тугади. Мен таниш медсанбатда ётардим, атрофимда эса Валя парвона. Медсанбат ҳужум қилаётган қисмлар орқасидан секин-аста олға борарди.

Мен ётган жойимда ўзим билган тирик ва ўлик барча немисларни эсладим. Тўрт йил уруш бадалида унчалик кўп эмас — бор-йўғи еттита эди. Қўлдан чиқариб юборганим Ганс ҳам ёдимда. Аллақачаноқ ундан аччиғланмай қўйганман, аксинча: «Эпчил йигит экан, мени алдаб кетди», — деб ўйлардим. Фақат власовчининг башарасини эслолмадим, гарчи афти кўркам бўлса ҳам. Ҳечам хотирлолмадим.

## ИСТЕЪФОДАГИ КАПИТАН

Совуқ Болтиқ денгизини ғира-шира туман қоплаган. Туман ғалати тарзда деярли сув сатҳига тегай-тегай деб турар, ҳатто соҳилдаги теракни одам бўйи баравар қоплаган, осмон эса мусаффо, ҳатто самолётларнинг учгани кўринади. Самолётлар ҳар хил — юк ташувчи, пассажир самолётлари, бундан ташқари худди коннотнинг чексиз зангори дафтарига ғалати чизиқлар чизгандек, осмонда из қолдириб ҳарбий самолётлар ҳам учиб ўтиб туради.

Қиш фасли бўлса ҳам об-ҳавонинг турқи қишга ўхшамайди. Ҳаво илиқ. Дов-дарахтлар ҳали яшил. Одамлар бошларига кепка кийиб, баъзилари эса ҳатто бош яланг юришарди.

Денгиз соҳили музлаган эди-ю, лекин кейин эриб кетиб, худди қишлоғга кирган каби соҳилдан нари кетгандек ту-юлган денгиз яна соҳилда чайқалиб туради.

Қалин, оппоқ бўлиб ёққан қор ҳам эриб бўлган. Қушлар дов-дарахтлар, уйларнинг пиромонларида учиб-қўниб юришар, типратиконлар қуриган барглари шитирлатиб ҳаракатга келиб қолишган, бозорда эса бошларига рўмол ўраб олган пенсионер хотинлар қўзиқорин сотиб юришибди. Бир тўп қўзиқорин — бир сўм, танлаб оласиз.

Шаҳарга бозорини кўрмай баҳо бериб бўлмайди.

Бугун бозор деярли бўм-бўш, совуқ, лекин сийрак бозорчилар орасида бир жуфт ғалати сотувчиларга кўзим тушди. Бири аёл, иккинчиси бола. Афтидан, она-болага ўхшайди. Чамаси, ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги бола ҳам, онаси ҳам қўзиқоринларни тортинчоқлик билан харидорларга ҳавола қилишар эди. Уғил онасининг пинжига суқилар, она ҳам одамларга сездирмай, фарзандини силаб-сийпалар эди.

Уларнинг қўзиқоринлари аъло навли диркиллама, сараланган оқ қўзиқорин экан.

Менга қўзиқорин керак эмас. Қовурадиган жойим ҳам йўқ. Лекин яхши кўраман, шу боис ана шу гаройиб сотувчиларнинг қўзиқоринларини сотиб олдим.

Она-бола сотувчилар баттар уялишиб бир нималар деб миннатдорчилик билдирдилар.

— Ҳаммасини ана шу ўғлим терган!— деди она ғурур-ла ўғлини кўрсатар экан.— Уч кечадан бери тиним билмай-ди, аммо-лекин мактабни ҳам ташламади. Менинг эса вақ-тим йўқ...

Бу аёл кўринишдан ҳали жуда ёш.

Ўғли эса менга мўлтираб:

— Яна хаёлингизга бошқа фикрлар келмасин... Бизга пул керак — дадамга сигарета олиш учун...— дея ўзини оқ-ламоқчи бўлди.— Тез кунларда дадам касалхонадан чиқиб қолиши мумкин... Қўзиқоринлар эса жуда яхши. Битталаб терганман, ҳали татиб кўрарсиз...

Назаримда, яхши кўришса ҳам ўзлари бу қўзиқоринлар-дан еб кўрмагандек бўлиб туолди...

— Хўш қалай, доктор?

Бугун доктор ундан хурсанд бўлиши лозимлигини Вик-тор Петрович ҳис этарди. Ишқилиб... Бирдан хуруж тутиб қолиши мумкин-да, ахир. Неча марта қайталади. Қанча-қанча доктор алмашди, бири ўлди, бири кетиб, бошқаси келди, уйга кетишини ваъда қилишади, лекин яна қайта-лаб қолади...

— Виктор Петрович, азизим, ишонинг, ҳаммаси жойида бўлади,— деди доктор.— Хотинингиз ва ўғлингиз келса мен учун алоҳида таъзим қилиб қўясиз! Оилангиз ниҳоят дара-жада ажойиб! Уларга раҳмат денг. Илтимо, камроқ че-кинг! Тунлари палатада ҳам... Келишдикми?

— Мен эса ўзимникиларга уч блок сигарета буюриб қўйган эдим, буни қаранг-а,— дея иқрор бўлди Виктор Петрович.

Доктор жилмайгандай бўлди:

— Ҳечқиси йўқ, келишаверсин, тез-тез келиб туриш-син!..

Унинг ёдида нима қолган?

Виктор Петрович гарчанд баъзан бир йўла ўқиб улгур-маган китобдек узук-юлуқ бўлса ҳам бошдан кечирганла-рини эслайди.

Неча йиллардан бери унга:

— Буни эслай оласизми?— дея мурожаат қилишади.

— Хўш, буни-чи?

— Баракалла, ёдингизда экан!

Қачонлардир, аллабирзамонда бўлиб ўтган воқеаларни у эслайди, аниқ ёдида. Москвадаги махсус артиллерия мактаби. Тўққизинчи синф. Уруш. Ново-Сокольники. Эҳтимол, ҳозир Новое Сокольники деб ёзишар. Бироқ бу Москвага ва Москвадаги Сокольникига ҳеч бир алоқаси йўқ. Ново-Сокольники Калинин областидаги Великие Лукида. Жанглар Великие Лукигача ҳам бўлган. Разведка мушкул иш, аммо армия разведкаси эса ундан оғирроқ. Хизматини яхши ўтаб келди. Москва остонасида даҳшатли жанг бўлди, немисларнинг таъзирини беришди. Ушандами бир йўла старший лейтенант унвонини беришгани, ҳа, ўшанда эди. Великие Лукидан сўнг у капитан бўлди. Женяни ўшанда, ўша ерда учратган эди. Женяни концлагердан озод этишди. Даҳшатли лагерь эди бу. Немислар Германияга — украин, рус, латиш, белорус, умуман, барча қизларимизни ҳайдаб кетишмоқда эди. Лагерни озод этишди. Улар орасида Женя ҳам бор эди. У Женяга уйланди. Виктор Петрович ҳали хизматини давом эттириши лозим бўлгани учун хотини фронт орқасида қолди...

Кенигсбергдан сўнг у учинчи марта ярадор бўлди, бу сафар бошидан яраланди ва Женянинг ҳузурига қайтди. Ҳаммаси яхши эди. «Запасдаги капитан Виктор Петрович Олягин сизнинг ихтиёрингизга келди», — дегани унинг ёдида. Қучоқлашиб ўпишгани, оғир бўлса ҳам бахтли турмуш кечиришгани ҳам ёдида. Ғалаба нашидасини ҳам суришди. Шундай бахтиёр ҳаёт узоқ давом этди, ўғиллари туғилиб, ўзлари яратган кичкина одам дунёга келганидан қувончларига сизмай қолган онларда ҳам, фақат бир нарсани ўйлашарди: ўғилларини ўстириб, вояга етказиш...

Сўнгра эса — тубсиз жарлик.

Виктор Петрович ўша бахтиёр онларнинг бирида Пятигорскка боришганини эслайди. Дам олишди, даволанишди. Лермонтов ўлдирилган жой, Машукка ҳам боришди. Худди ўша ерда, Пятигорскда ғалати маршрутлар трамвайини кўришган эди. Вокзал — Жарлик.

Мана, ўзида ҳам — жарлик. Уруш — жарлик. Бахт — жарлик. Оила — жарлик.

Бу ерда, касалхона ёки Ватан уруши инвалидлари уйда — ҳамма ҳар хил атайди — у кўп йиллардан бери яшайди. Унга «профессор» деб лақаб қўйишган. Булар ўзига ўхшаб кўп йилдан бери шу уйда яшаб келишади. Виктор Петровичникидан ҳам баттарроқ касаллар бор... Ундан оғирроқ ярадорлар!

«Профессор» дейишларининг бирдан-бир сабаби сочларининг оқариб кетгани. Қирқ саккиз ёшида сочлари оқар-

ди. Қирқ бешинчи йил, уруш тугаган йили сочида оқ йўқ эди. Ушанда ёши нечада эди. Йигирма тўртмиди? Бироқ яшириниб ётган жароҳати ҳам бор эди. Ўғли туғилганда ўттиз олти ёшдалиги аниқ ёдида. Ушанда ҳам сочига оқ тушмаганди. Бироқ бу ерда сочлари оқариб кетди. Дарров оқармади, эс-ҳуши жойида эканида бекорчиликдан оқ туша бошлади. Ҳозир эса аллақачоноқ...

Хотини Женя билан ўғли ҳузурига кўп йиллардан бери қатнашади. Сигарета билан таъминлаб туришади. Унга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

Виктор Петрович муттасил ўғли ҳақида, вожабки деярли отасиз ўсган ўз ўғли ҳақида ўйлайди. Ўғлининг юқори лаблари устида мўйлови сабза уриб қолибди. Ажойиб оилангиз бор, деганда доктор минг бор ҳақ, албатта. Бошқа оила бўлса шунча йил ичида нима бўлишини ким айта олади? Оз эмас, кўп эмас, орадан минг йил ўтгандек. Бироқ ҳозир фикр-ёди бошқа нарсада. Хотини Женя, ўғли бор. Уларнинг олдига қайтиш керак. Кўпчилик тузалиб чиқяпти-ку, ахир, боз устига, доктор ҳам ваъда бермоқда. Бу сафар ҳаммаси жойида бўлиши керак, бўлади ҳам. У ҳали «ўз хонадонини» билмайди бу — даҳшат! Ҳали ўзи бўлмаган уйини кўрмаган...

Виктор Петрович бир варақ қоғоз, конверт ва ручкани олиб хонадошини безовта қилмаслик учун коридорга чиқди. Хонадоши афсуски ҳали оғир. Гаплари — бемаъни, кирди-чиқди. Виктор Петровичнинг ўзи ҳам бир маҳаллар шунақа эди, бунга унинг ақли етади, лекин шу дақиқада бошқа иш қилиши керак.

У коридорга чиқиб ординаторлар эшиги олдида ўтириб хат ёза бошлади.

«Азиз жигаргўшаларим! Сизлардан қаттиқ хафаман. Мана кўп йиллардан бери менга олиб келаётган сигареталарингиз сизларга қанчалар қимматга тушаётганини биламан. Чунончи, қўзиқоринлардан ҳам хабарим бор. Териб оласизу ўзингиз емайсиз, тағин қандайдир пешонангизнинг шўри бир сўм-ярим сўм топиш мақсадида бозорга олиб борасиз. Шу боисдан ўзимдан ҳам, сизлардан ҳам хафаман. Лекин ишончингиз комил бўлсинким, мен тузалиб кетаман. Доктор ёруғ дунёга чиқасан, деб менга ваъда берди. Фурсати келди! Шунча йил ўтиб кетди! Етар! Ахир, мен капитанман, ёки... Албатта, капитанман! Ҳали билгимда кучим бор! Йўқ — мен истеъфода эмасман...»

Дераза ортида гира-шира туман. Денгизга назар таш-ласангиз, у ер ҳам туман. Туман соҳилни, денгизни, соҳилдаги теракларни қоплаб олгану, лекин бари бир му-саффо осмонда юк ташувчи, пассажир ва ҳарбий самолёт-лар парвоз қилмоқда.

Доктор деразадан нари кетди-да, деди:

— Шундай бўлса ҳам, мен унга жавоб бераман, дўст-лар. Бу ақлдан эмас, дерсиз. Йўқ ишончим комил. Яна шу-ни қўшиб қўйишим лозимки, нафақат шериклари, афсуски, бизнинг кичик персоналдаги қизларимиз ҳам «профессор» деб лақаб қўйишган ўша одам воқеаси ноёб эмас. Виктор Петрович касалхонамизда ўн йилдан бери ётибди. Биз сиз-лар билан қўлимиздан келганча даволадик, бизгача ҳам нимадир қилишган. Лекин хотини ва ўғли доимо унинг ёни-да эди. Хотини умр бўйи ип йигирувчи бўлиб ишлади. Уғ-лини вояга етказди ва шу билан бирга отасига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳам сақлаб қолди. Гарчанд, она-бола турмуш қийинчиликларини кўришган бўлса-да... Лекин Виктор Петрович учун сигарета зарурлигини ҳеч қачон унутмадилар, ҳатто у оғир... Умуман, мен уларни бемор олдига киритмасдим... Уйлайманки, улар бемор учун биз-дан кўра кўпроқ хизмат қилишди...

## ЯН-ВАНИЧ

Бизнинг на оилавий ва на иш юзасидан таниш-билишчилигимиз бор. Лекин биз кўпдан бери, агар таъбир жоиз бўлса кўча қадрдонмиз. Бу шаҳарга келиб-кейтиб юрган кезларим уни мудом кўчада кўрардим. Баъзан ишдан чарчаб, тоза ҳаво оламан деб, гоҳо нима қиларимни билмай гаранг бўлиб кўча кезиб юрганимда юзма-юз келиб қолардик. Шунақа пайтларда Ян-Ванични кўрган заҳотим чарчоғим ёзилиб, ишим ҳам юришиб кетади.

Ян-Ванич — кўча фарроши. Уч юз метрлик кўчани у бошидан бу бошигача супуриб чиқади. Шундай узун кўчада кўнгилдагидек тартиб сақлаш қийин бўлса-да, унга тегишли майдон доимо саранжом-сарништа. Бўралаб қоруриб турган қиш кунлари кўчани бошигача супуриб улгурмасингдан, яна оппоқ қор босади-ю, қайта бошлашга мажбур бўласан. Ёзда эса ўйишқароқ болалар ташлаган конфет қоғозларни бир ёқлик қилиш учун кўчани неча қайталаб супуришга тўғри келади. Қаттиқ шамол кўтарилиб, денгизда довул бошланган кезлари кўчани дарахт баргларию шох-шаббалар босиб кетади. Бундай вақтда кўчани бир неча бор супуриш лозим бўлади...

Ян-Ванични минг йилдан бери биладиганга ўхшайман. Аниқроғи, бу шаҳарга қатнаб турганимга йнгирма йил бўлган бўлса — шунча. Ҳар сафар шу кўчада, қайини шохидан қилинган супургиси билан кўчани тартибга солаётган Ян-Ванични иш устида учратаман.

Қачонлардир, биз илк танишган кезларимизда унинг исм-фамилияси мени ажаблантирган эди. Нима учун Ян-Ванич? Исми — Ян, тушунарли-ку, бироқ Ванич нимаси? Ян Янич бўлса баҳарнав эди. Ёки модомики Ян — Иван экан, унда Иван Иванович дегани тўғри эмасмиди?

— Э, нималар деяпсиз! — деди Ян-Ванич. — Деярли руслашиб кетганман, бундан ташқари руслар... Мен, масалан, доим ўзимни...

Шундай дея туриб русларни мақтаб кетиб, бир тўққизини қўндирди. Унга миннатдорчилик билдирдим.

Ушанда унга:

— Биласизми, рус — бу генераллик унвони эмас, бироқ, сирасини айтганда, генерал ҳам, солдат ҳам ҳар хил бўлади, — дедим ҳазиллашиб.

— Йўғ-е, ундай деманг! Руслар — бу демак...

Баландпарвоз сўзлар ўз йўлига-ю, лекин улар ҳам самимий айтилсагина қалб сўзларига айланади.

Ян-Ванич сидқидилдан гапирар эди.

Шу-шу оғайни бўлиб қолдик.

Ёзми-қишми, баҳорми — қачон келмайин — Ян-Ванични ўз постида учратаман. Уч юз метрлик кўча мудом унинг тасарруфида. Йўлкада дуч келиб, узоқ гаплашиб қоламиз.

Ўзим яхши билмаган дарахтлар ҳақида сўраб-суриштираман.

У тушунтириб беради.

Ён-веримиздан болалар:

— Салом, Ян бобо!

— Ян-Ванич, салом! — деб ўтишади.

Ҳар бири ўз тилида салом беради, Ян-Ванич эса назаримда округдаги болаларни номма-ном танийди шекилли, ҳаммасига ўз тилида алик олади.

У деярли мен билан тенгдош бўлгани сабабли уни қартайиб қолган чол ҳам деб бўлмайди. Катта бўлса, беш ёш каттадир. Урушда ҳам бир пайтда бўлган эканмиз. Ян-Ваничнинг айтишича, урушда тўрт йил бўлган.

Ян-Ванич — олижаноб одам, яна шуни айтишим кераки, унинг маданиятли ҳамда самимийлигига қойил қоламиз. Ҳамма нарсани биледи, ҳамма нарсадан бохабар, болаларни ҳам яхши кўради...

Дарахтда иккита олмахон шохдан-шоҳга ўтиб, сўнгра чий тўсиққа сакраб тушишди-да, бирдан асфальт йўл ўртасида пайдо бўлишди.

— Вой, машина остида қолиб кетмасин яна, — деди Ян-Ванич. — Оббо тентаквойлар-ей!

Бирининг думи кулранг, иккинчисиники кумушранг бу олмахонлар қўлга ўрганган, одамлардан ҳам, машиналардан ҳам қўрқишмасди. Кўчанинг у бетига дарё томон лип этиб ўтиб кетишди.

— Қайтиб келишади, — деди Ян-Ванич ва ғамхўрона қўшимча қилди: — Орқаларига қайтишаётганда бирон корҳол бўлмасайди, ишқилиб. Кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, албатта. Тирик жонзот, ахир! Жонзот!

Ян-Ванич табиатни ҳам яхши кўради. Манови олмахонларни, дарахтларни, ҳатто фаррошни эркаламайдиган табиатни ҳам севади. Назаримда шундай. Фаррош учун барқа-

роҳ ёз, барқарор қиш, тузуккина баҳор ва куз бўлгани яхши, ҳар ҳолда.

Афсуски, табиат ўжар, мана — куз, сербарг куз, ҳаммаёққа барг ёғилади...

Ҳаммаёқ барг, барг. Хилма-хил барглар.

— Манови арғувон барги, — дея тушунтиради менга Ян-Ванич, — буниси эса терак...

У уюм-уюм барглар орасидан биттадан барг олар экан, ҳар бирининг ўзига хос алоҳида хусусиятларини тушунтириб беради.

— Бу эман...

— Бу заранг.

— Бу акас...

— Буниси — бизнинг рус дарахтимиз! — қайин... Ҳали кўм-кўк!

Чор-атрофимизда эркагу хотин, қизу болалар эртаю кеч Ян-Ванич барглар билан олишгани каби қўлларидан қайин дарахтининг ўзидек мустаҳкам қайин супурғилар билан барг супуришгани-супуришган. Афтидан, булар Ян-Ваничнинг дўстлари, яъни фаррош ёки фаррошларнинг болалари бўлса керак. Ўткинчи машина тасодифан туртиб кетмаслиги учун ҳозир уларнинг баъзилари эгнига кечикиб бўлсада, удум бўлган зарғалдоқ ёки оч зарғалдоқ рангдаги камзул кийиб олишганди.

— Сиз-чи, Ян-Ванич, нега бундай камзул киймайсиз? — деб сўрадим ундан.

— Нима кераги бор? Олмаҳон эмасманки, йўлни тентагона чопиб ўтсам, — дея жавоб берди у.

Яна барглар ҳақида ҳикоя қила кетди.

Бу заминга йигирма йилдан бери келиб тураман, бу ерда нималар яхши томонга ўзгариб бораётганию, нима номаъқулликгича қолгани менга беш қўлимдай равшан, бироқ бундай хазонрезгиликни ҳалигача кўрмаганман.

Мен ҳам хурсанд бўламан, ҳам Ян-Ваничга раҳмим келади.

— Ҳаммасини яхши кўраман, — дейди у. — Мана пенсияга ҳам чиқдим, ҳозир яхшигина тўлашади. Ҳаёт!

— Наҳот пенсияда бўлсангиз?

— Ҳақим бор экан, лекин мана кўриб турибсиз, ишляпман...

Яна баргларга, барг уммонига ўзини уради. Эман, заранг, терак, қайин, акас ва менга номаълум бўлган, Ян-Ваничдан сўраб улгурмаганим буталарнинг барглари учиб

хўл асфальтга ёпишмоқда. Йўлдан физиллаб ўтаётган эски ва янги машиналар — ҳайрон қоларли даражада яхши сақланган «Победалар», энг сўнги моделдаги «Волга»лар, «Москвич»лар, «Запорожец»лар, «Жигули»лар, ҳақиқий машиналарга монанд инвалид коляскалари ҳазонга айланган ва ҳали умрини ўтаб бўлмаган ёш ниҳол баргларини учириб яна йўлка четига ётқизади.

— Одамларнинг турмуши яхши бўлиб қолди, — дейди Ян-Ванич. — Иккидан бирисининг шахсий машинаси бор. Ҳозир ҳамма «Жигули» деб ўлиб-қутулмоқда...

Денгиздан шамол эса бошлади, чағалайлар тинчроқ бўлган дарё томон учиб ўтишди. Денгиз билан дарёнинг ораси яқин. Ўртада бизнинг кўчамизу темир йўл ва бир қатор уйлар бор. Денгиз чайқала бошлаган замон чаналайлар доим тинчроқ бўлган дарёнинг қирғоғи томон учиб ўтишади. Улар кўчаю уй, одамлару машиналар устидан дарё томон учиб ўтишади-да, денгиз тинчиганда қайтишади.

— Яхшироқ жой қидиришяпти, — деди Ян-Ванич чағалайларга қарар экан, менинг фикримни англагандек: — Топишади деб ўйлайсизми? Афсуски, ҳалок бўлишяпти...

Бу қушлар нима топишларини билмайману, лекин уларни ваҳший бўлгани сабабли хуш кўрмайман. Аммо бу ернинг денгизи ва дарёсини яхши кўраман.

Бу денгиз суви ёзда ҳам совуқ бўлади, дарё эса афсуски, балиқ овчиларини унчалик эркаламайди. Биз ота-бола ҳам кўп уриниб кўрганмиз.

Шундай бўлса ҳам, денгиз ҳам ажойиб. Айниқса, уларнинг иккови ўртасида олишув пайти гўзал. Довул пайтида денгиз тўлқинларини дарё оғзига уриб, унинг чучук сувларини ўзининг шўр сувига қўшилишига қаршилик кўрсатади, бунга жавобан дарё дарғазаб бўлиб тоша бошлайди, соҳилни, оролчаларни, сойлик ва ўтлоқларни тўлдиради ва одамларга ўчакишиб уларнинг уйлари, молхоналари томон талпинилади. Одамлар мажбуран бола-чақаларини, мол-қолларини олиб нари кетишади, лекин улар кўникиб қолган жойларига яна қайтиб келишади, шунинг учун ҳам улар одам-да!

Дарё буни билади, лекин у одамларга қарши эмас, денгизга қарши бош кўтаради. Дарё денгизга нисбатан тинчроқ.

— Шамол чағалайларни соҳилдан денгизга ҳайдаган пайтида улар дарё деб ҳалок бўлишади, — дея тушунтиради Ян-Ванич. — Электр симларига урилишади...

Негадир симлар ҳақида ўйламасдим. Диққатимни бу ерда менга жуда ғаройиб туюлган олти бармоқли барг торт-

ганди. Бу барг менга таниш кўринади, бу ерда унинг сови кўп — карам баргидек катта-катталари, кичикроқлари ҳам, кўк ёки қўнғир ранглари ҳам оз эмас.

— Бу каштан-ку, ахир, — дея тушунтирди менга Ян-Ванич деярли украин лаҳжасида. — Лекин бу ердаги каштанни еб бўлмайди...

Мен бўлсам каштан фақат Киеву Россиянинг жанубида ўсади, деб ўйлар эканман.

Биз доим йўл-йўлакай гаплашар эдик. Ян-Ванични ишдан қўйгим келмасди. Ўзим ҳам вақтимни қизғанаман — ахир, ҳар ҳолда, дам олгани келмаганман.

Бу йил Ян-Ванич анча қартайиб қолибди. Балки авваллари мен кўрмаган сербарг куз фаслининг таъсири бордир. Куз ҳам, барглар ҳам ҳар қачонгидек эди.

Ян-Ванич бошига эскириб, яғири чиқиб кетган, айланма лентаси доғ-дуг шляпа кийиб олган. Юз кўринишидан ёш бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, унчалик қари ҳам эмас. Ўзим-чи? Аввал ўзингга боқ, сўнг ноғора қоқ. Мен ўз юзимни кўрмайману, бироқ менимча Ян-Ваничнинг юзи одатдагидек мулоим, ёқимли, атрофидаги борлиққа эътиборли.

Қўллари эса бақувват. Унинг ишлаётганини кўрган кишининг ҳаваси келади, Ян-Ванич каби эски солдат бўлсам ҳамки, ундаги куч-ғайрат менда йўқ.

Қўлларини мақтаб гапирган эдим у:

— Нимаям қиламан, ишим шунақа! Қўникиб кетар экансан, киши! — деб жавоб берди.

Яна ёнимиздан болалар ўтиб қолишди.

— Салом, Ян-Ванич!

— Ян бобо, салом!

Ян-Ванич баъзи болаларга рус тилида, баъзиларига ўз тилида жавоб қайтаради.

Бозор ёки магазинга кетаётган хотинлар ҳам Ян-Ваничга салом бериб ўтишади. Уларга шляпасини олиб таъзим қилади, айримларидан ҳол-аҳвол сўрайди. Шуниси қизиқки, ҳар ким билан ўз тилида — гоҳ украинча, гоҳ белорус тилида гап қотар, баъзида эса кавказ тилларида «генацвале» ёки «кацо» деб қўйишни ҳам унутмасди...

Мен ҳам Ян-Ваничнинг ёнида турганим учун унинг таниш-билишлари билан саломлашаман, бир лаҳзалик суҳбатларининг гувоҳи бўламан, лекин хайриятки бу ерда мени Ян-Ваничнинг ўзидан бошқа ҳеч ким танймайди. Баъзида ўтиб кетаётган машинага қараб таъзим қилади, буни кимга қаратилганини билмайман. Ян-Ванич билан суҳбатла-

шинши яхши кўрсам-да, бундай майда-чуйдадан ўзимни тияман, вақтни бекорга кетказгим келмайди.

Лекин яқинда бир воқеа сабаб бўлди-ю, мен ҳалиям ўзимнинг шошмашошарлигимга афсусланиб юраман.

Ян-Ванич билан одатдагидек саломлашиш учун бир зумга тўхтаган эдим, кўринишдан мулоимгина бир кампир бизни гапга тутиб қолди. Бу соддадил кампир ҳамма нарсани сўраб-суриштириб, билиб олишга интиларди. Гарчанд, унинг барча саволларига жавоб беришга мажбур бўлсам ҳам кўпроқ мен эмас, у гапирарди.

Ян-Ванич суҳбатимизга бўғиқ овозда, афтидан, немис тилида бўлса керак, бир жумла қўшиб қўйди.

Ажойиб одам-да, Ян-Ванич! Немисчаниям билади-я!

— Дарвоқе, машҳур аёл, эски партия аъзоларидан, большевичка, қизил ўқчилар сафига киришига ҳам оз қолган. Яхудий, лекин Исроилга кетаётганларга лаънат ўқийди...

Мен фикр-хаёлимни жамлашга шошилдим, Ян-Ванич эса октябрь ойининг серҳосил барглари билан олишганча қолди...

Бу ерда октябрь ойида об-ҳаво ўзгариб туради. Аввал ёмғир, сўнгра қор ёғиб ўтади, мана, яна қуёш чиқиб кун деярли исиб қолди. Барглар эса тинмай тўкилар, охири кўринмасди. Дарахтлар, шох-бўғотларда ҳали кўк барглар талайгина.

— Сизга раҳмим келади, Ян-Ванич! — дедим навбатдаги учрашувимизда.

— Қўйинг! Сизникини — иш деса бўлади, меники-чи? — деб кулди Ян-Ванич. — Роҳат қиласан, киши!

Ян-Ваничнинг оёғи остида каптарлар ўралашади. Одамлар саломлашади. Чағалайлар осмон узра гоҳ дарё, гоҳ денгиз томон учиб ўтади. Олмахонлар тўсиқда ҳам, йўл ўртасида ҳам ўйноқлаб юришади. Мендан чўчишади, лекин Ян-Ванич ўзлариники бўлиб кетган.

— Ана шуларни яхши кўраман, жудаям! — дейди Ян-Ванич. — Ҳаётни севаман! Уруш, фронтни кўрдим! Бутун борлиқни севишга ўрганар экансан!

Мен негадир қари большевичкани ва Ян-Ваничнинг у билан немис тилида сўзлашганини эсладим. Тил ўрганишга ҳеч қандай уқувим йўқ. Ҳатто бошқа мамлакатларда амалий ҳаётда ҳам биронта тилни ўргана олмадим. Мана, Ян-Ванич ўзи фаррошу немисчани ҳам билади.

Октябрнинг охирида бирдан ҳаммаёқ ажабланарли тарзда осойишталиб, кунлар илиб қолди. Денгиз ҳам тинчиб, дарё ҳам ўз ўзанига тушди, фақат эрта тонгда туман тушар, лекин кундузи тарқаб кетарди.

Бундай кунларда ишлаш одатда қийинроқ. Шунинг учун мен тонг гира-ширасида кўчага сайрга чиқардим. Балки йўлда илҳом келиб қолар.

Таниш кўчадан бир кун ўтдим, иккинчи куни ўтдим, яна ўтдим, бироқ Ян-Ванични учратмадим. Йўлка супурилмаган, уни барг қоплаб, тундаги совуқдан кейин сирғанчиқ ва ёпишқоқ бўлиб қолган.

Бошқалар супуриб юришибди. Эркаклару хотинлар, болалару қизлар барглар билан олишиб, уларни мустақкам қайин супурги билан супуришмоқда! Баъзиларни эҳтиётини қилиб зарғалдоқ камзул кийиб олишган. Фақат Ян-Ваничгина йўқ. Унга тегишли йўлкада барглар уюлиб ётибди. Нима бўлдийкин? Тоби қочиб қолдимми? Эки уйдаими? Ис-сиқ жон, ахир, ўзим ҳам неча бор ётганман. Ҳар ҳолда, кимдан сўраб-суриштирсам экан?

Беш кун шу алфозда ўтди. Кўпроқ иш билан банд бўлиб, кўчада кам сайр қиладиган бўлиб қолдим. Бироқ миямдан Ян-Ванич чиқмас эди.

Нима бўлди-ю, болаларнинг Ян-Ванични, Ян бобони қанчалик ҳурмат қилишлари ёдимга тушди ва болаларнинг мактабдан қайтишини мўлжаллаб сайр қилиш учун атайлаб кўчага чиқдим.

Қаршимда пайдо бўлган биринчи болалар мени таниб салом беришди. Ян-Ванич билан отамлашиб турган кезларим шу болалар билан мен ҳам салом-алик қилардим.

Одатдагидек, аввал мактаб, баҳолар ҳақида суҳбатлашдик-да, сўнгра:

— Ян бобо, қалай? Негадир кўринмай қолди, — деб сўрадим.

Елкасига жилдини осиб олган кўзлари чақчайган митти болакай:

— Қамаб қўйишган эмишу... — деди.

— Қамаб, нима учун?

— Билмасам, шунақа дейишяпти...

— Нега билмайсан? — деб унинг гапини бўлди иккинчи бола. — Билмайсан-а, билмайсан! Фашистларга кўмаклашган, тамом-вассалом! Тушунтириб ўтириш керакми сенга?

Учинчиси, заифроқ, ориққинаси, балки бирон нарса ўғирлагандир, шунақа ҳам бўлади, мана, қандайдир сотувчи хотин, қўшниси Индра хола ҳам шундай бўлган, кейин қўйиб юборишгани ҳақида гапириб берди.

— Қўйсанг-чи, ўша Индра холаңғни! — деди иккинчи бола. — Фашистларга! Тушуняпсанми, фашистларга кўмак-лашган, сен бўлсанг, хола, хола дейсан!

Ҳужжатлардан.

1 Я. Я. Лидейснн... қамоққа олиш учун ордер...

16. X. 71 й...

2 Оккупацион қўшинлар ва лагерь маъмурияти олдидаги алоҳида хизматлари учун лагернинг қуйидаги ёлланган хизматчиларига ташаккур эълон қилинсин:

1. И. Я. Флегонтов,

2. П. В. Глушко,

3. Я. Я. Лидейсга...

Юқорида қайд этилганлар немис рейхи ҳамда фюрер ишига фидойиллик кўрсатганлари учун юксак мақтов ва мукофотга лойиқлар.

Обер-комендант Мюллер

1943 йил 12 сентябрь.

3. Делода кўрсатилган кўп сонли ҳужжатларга биноан (пп. 334—338, 485—496) шу нарса аниқландики, 1921 йил туғилган Лидейс Ян Янович 1941 йилда (июнь) ўз ихтиёри билан асирга тушган, шундан сўнг махсус тайёргарликни ўтаб «ХХХ» лагерига юборилган, у ерда 1942 йилдан 1943 йилгача рус, украин, белорус, эстон, молдован, яҳудий, грузин, латиш ва бошқа миллатдаги маҳбусларни оммавий равишда қирғин қилишда қатнашган. Аввал барак (№44) комендантн, сўнгра торф қазиб чиқариладиган кон комендантининг ёрдамчиси лавозимига кўтарилган. «ХХХ» лагернда ҳаммаси бўлиб 518 минг маҳбус қирилган, булар орасида ҳар хил миллатдаги 93 минг аёл ва болалар бўлган. Лагерь бошлиғи Мюллернинг буйруғида бир неча бор қайд қилинган ва рағбатлантирилган. 1944 йилда немис армияси билан биргаликда ушланиб қуролсизлантирилган... Бошқалар қатори Эльс шаҳрида Қизил Армия томонидан озод этилган. Текширувдан ўтган. Утмишини яширган... Кўрсатилган ҳужжатлар ва тирик қолган гувоҳларнинг кўрсатмаларига асосланиб...

24 октябрь 1971 йил.

Барглар... барглар... Заранг ва эман, зирк ва аргувон, қайин ва терак, акас ва еб бўлмаслигидан мен кейин хабар топган каштан дарахтларининг шилдироқ барглари...

— Менга ўхшаб урушда бўлганман деган эди-я...

Ян-Ваничнинг ҳамма тилларни билиши сабабини энди тушундим.

Биз машинадан эҳтиёт бўлиш учун зарғалдоқ рангли, камзул кийиб олган аёл билан кўчани нариги бетида суҳбатлашиб қолдик.

— Урушда бўлгани ростку-я, лекин бошқа томонда... Аёл бир дақиқа жим қолди:

— Бундай хизматга Лидейс жуда мос фамилия!

— Лидейс — нима дегани? — деб сўрадим.

— Русча нима деб тушунтирсам бўларкин? Хўш, ўрмаловчи, судралувчиларга ўхшаш...

Оёқларимиз остида каптарлар ўралашиб юрибди. Чағалайлар дарёдан денгизга учиб ўтмоқда, денгиз эса бугун жўш урмоқда. Демак, яхшироқ жойни қидиришмаяпти. Олмахонлар йўлкаларда, йўл ўртасида чопқиллаб юришибди, машиналардан чўчишмайди ҳам. Бирининг қўнғир тусли, иккинчисининг кулранг тусли думи бор, қишга тайёргарлик кўришаётганга ўхшайди.

Мен авваллари Ян-Ванич билан учрашиб турадиган кўчанинг у тарафидаги йўлкага ўтмадим — у томонга барглар йиғилиб қолибди. Хўл асфальтга ёпишиб қолган ва тийганчоқ барглар кўп.

## ҚОР ҒҒЯПТИ...

Қор ғғяпти. Аввалги кунн хам ёққан эди, кечаям ёғди, бугун хам. Гўё бултур ва бурноғи йиллар ёғмагани учун бу йил жўрттага қилаётгандай тинимсиз ғғяпти. Утган йилги Янги йил кунлари қишга ўхшамаган, қишдан кўра серёмғир куз кунларига ўхшаб ўтган эди.

Мана, ҳозир эса қор ғғяпти. Қор бўлганда хам ғалати қор. Гарчи, туғилганингга эллик йил бўлган бўлса хам, бундай қорни кўрмагансан. Бу қорга тикилиб турган киши Москва теварагидаги бу ерларни ҳеч қачон кўрмагандек ҳис этади ўзини. Бултур хам, бурноғи йили хам, ўн йиллар илгари хам — ҳеч қачон бу ерларни кўрмагандек туяди ўзини.

Йўқ, бўлишга бўлгандиру, бироқ бунақа қорни ҳеч қачон кўрган эмас.

Қор арча ва қарағайларнинг қорамтир-қизғиш шоҳлари орасидан ўтиб, уларнинг панжалари ва улардан пастроқдаги буталарга қўнади, рябина ва қорағатлар ёхуд ёздан қолган ёввойи ўтлар тепасига тушади; уйларнинг томларини, бўғотларини, зиналарининг пиллапоялари ва бўсағаларини қоплайди.

Шу кеча-кундузда уйга қатнайвериб из солган сўқмоқ йўллар хам қор тагида қолди. Утинхонага олиб борадиган йўл чеккасидаги куралган қорлар илгаригидан чиройлироқ кўринади. Уч кундан бери грейдерлар қорини тозалаётган кўча ва бу кўчага олиб чиқадиган йўллар хам жуда гўзал.

Одамлар қор билан олишади, қор эса тинимсиз ёғишда давом этади. Йўқ, ғғяпти эмас, учяпти, ҳавода аста сузиб, аста ерга қўняпти. Қўнганда хам қандайдир нафосат ва назокат билан, меҳр билан, аллақандай ўйчанлик билан қўняпти. Гўё чиндан хам ўзининг ҳаётда тутган ўрни тўғрисида, нимага хизмат қилиши ҳақида ўйлаб ғғяпти. Агар ҳосил учун бўлса — демак, фақат одамлар учун, демак, фақат далага ёғиши керак, қор эса фақат далага ёғиши мумкин эмас. Даласиз жойларга ёққанда эса,

одамлар негадир унга қарши курашишади. Кўча-кўйларга, ҳовлиларга, йўлларга ёғса бас, одамлар курашгани-курашган. Ҳам курашишади, ҳам нечундир лаънатлашади. Шунинг учун ҳам, у ҳавода аста сузиб, ерга аста қўнаркан, керакманми-йўқми, деб ўйланиб қолади. Қор, ахир, пировардида тақдири нима бўлишини билади, албатта. Баҳор келгач, эриб кетади, из қолдирмай эриб кетади. Наҳот қолмаса? Балки бирор из қолар ундан.

Бу ҳикоя болалар учун эмас. Болалар болалар ҳақидаги ҳикояларни хуш кўришмайди. Болалар тезроқ катта бўлишни орзу қилганлари учун катталар ҳақидаги ҳикояларни яхши кўришади.

Бу ҳикоя — катталар учун эмас. Катталар бир маҳаллар ўзлари ҳам болача бўлганлари учун, эҳтимол, болача бўлганликларини эсларидан чиқариб қўйганлари учундир, болалар ҳақидаги ҳикояларни ёқтиришмайди. Яна шунинг учун ёқтиришмайдики, энди улар ўзлари ота, бува ва бувиларга айланишган. Шу босидан, яъни ўзлари бўлганликлари ва болалар ҳақидаги ҳикояларни ёқтиришмагани учун бу ҳикоя — қиш ҳақида, қор ҳақида ва ниҳоят, ёғаётган қорни кўриб, баъзи нарсаларга тушуна бошлаган бир бола ҳақидадир.

Арчалар ва қайинлар қор тагида. Нина барглар худди кафтда тутгандек қорга кўмилган. Уюм-уюм қор. Бу қор сидирилиб тушса итни қулатади, одамни эса бошдан-оёқ кўмиб қўяди, ҳушига келтиради, қўрқитиб юборади.

Агар дарахт панжаларидаги ҳамма қор бирдан сидирилиб тушса, нима бўлади? Айтайлик, беш-олтита шохидан бирдан сидирилиб тушса? Мана ҳозир, мўйнаси майин, чаққон, тумшуғи сичқоннинг тумшуғига ўхшаш олмахон ҳавода уч бор чарх уриб, қайиндан арчага, арчадан қайинга, қайиндан яна арчага сакраб, дарахт шохларидаги қорларни дув тўкканида шундай бўлди-ку!

Олмахон қорли шохларга тармашиб олиб, хушнуд кулади. Кулади-ю, гўё қўрққандек кўзлари ола-кула бўлиб, пастга қарайди, аслида эса, ўзи жуда мамнун... Ана, бирдан жуфтакни ростлаб қолди. Кимдан қўрқди? Одамларданми?

Йўқ, одамлар олмахонга тегишмайди. Эҳтимол, Урал ё Сибирь томонларда уни хафа қилишар, бизнинг Москва атрофида унга ҳеч ким тегмайди. Тўғри-да! Олмахонни ни-

ма ҳам қиларди киши? Агар эрмак учун тутиб олиб, уйда боқаман демаса? Бироқ нима кераги бор бунинг?

Олмахон қайин шохларидаги қорларни силкитиб, яна пастга, кейин юқорига қаради. Кўкда ваҳшийларча қағ-қағ қилишиб, бирин-кетин олти жуфт ёш, ориқ қарғалар учиб ўтишди. Утишса ўтишаверсин. Қарғалар билан унинг иши йўқ. Олмахонга қолса бундан баттар қағ-қағлашмай-дими бу тентак қарғалар.

Қарғалардан кейин бир нечта самолёт ўкириб учиб ўтди. Афтидан, ҳаво юришиб кетган бўлса керак, Внуково аэродромидан рейсли самолётлар бирин-кетин самога кўтарилди бошлади.

Олмахон бир сапчиб тушди, осмондан бирин-кетин учиб ўтган самолётларга бир зум тикилиб турди-да, сўнг эътибор бермай қўйди. Олмахон бу самолётларни туғилганидан бери кўради, шунинг учун уларнинг шовқинига ўрганиб кетган.

Ана, олмахон тумшугини тозалаб, думига ёпишиб қолган қорларни силкитиб ташлади, қулоқларини артиб, яна кўкка қаради.

Қор ёғяпти, оппоқ қор олмахоннинг пўстинчасига парча-парча бўлиб қўняпти. Қимга керак бунча қор? Қиш яхши, албатта. Лекин қор усиз ҳам жуда кўп-ку?

Қор ёғяпти.

Ўрмон орасидан бир одам кетяпти. Қорга эътибор қилмай ёлғизоёқ йўлдан кетяпти.

— Хўш, қалайсан? Ассалому алайкум!— дедим.

— Буни кутмаган йўловчи довдираб қолди.

— Салом, адаш!

Йўловчи яна жим бўлиб қолди.

— Қалайсан, адаш! Намунча оғзингга сўк солиб олмасанг?— дедим.

Йўловчи «қалайсан!» сўзини эшитиб, дарҳол:

— Салом!— деб жавоб берди, аллақандай ийманиб.— Салом, мен бўлсам...

— Сен менинг қўшним ва адашим Серёжжасан-ку! Мен неча йилдан бери биламан сени!

Тасодифан учрашиб қолган одамлар ҳар нарсадан гап очишади, биз ҳам у ёқ-бу ёқдан гаплаша бошладик.

— Қор ёғяпти,— деди ниҳоят Серёжа.

— Ҳа, ёғяпти,— дедим уни қувватлаб.

— Еғмай ўлсин!— деб тўнғиллади Серёжа.

— Нега?— дедим ҳайрон бўлиб. «Унга нима бўлди?»

Мен уни юз йилдан бери биламан! Туғилганидан бери, яъни ўн тўрт, йўқ, ўн беш йилдан бери биламан, бунақа одати йўқ эди-ку!»

— Нега дейсизми? Яна бу қорни курашга тўғри келадими? Ойим мажбур қилади!— деди Серёжка.— Жонимга тегди. Бундан кўра...

— Бундан кўра — нима?

— Бир томондан — тўғри, қиш!— деди Серёжа.— Нима ҳам қиласан? Қиш қишлигини қилади-да!

— Тўғри, қиш қишлигини қилади!— дедим маъқуллаб.— Сен бўлсанг?..

Серёжа иккимиз пича баҳслашиб қолдик, пича эмас, анча баҳслашдик.

Баъзан шунақа бўлади, баҳслашишнинг ҳожати йўқ эканини билиб турасану яна баҳслашасан.

Ана энди қарғалар, бир-бири билан чўқишиб қолишиб, қарағай ва арча шохларини силкитишди. Қор бўлса, қарғалар низосига парво қилмай, ҳамон ёғмоқда. Қарғалар дарахтларнинг бир шохини тозалашса, қор дарҳол уни оппоқ қилади, иккинчи шохини тозалашса — унга қўнади. Шу тарзда арча, қайин шохлари гоҳ енгиллашади, гоҳ қор босиб яна оғирлашади. Баъзан гўё алланимадан чўчигандай бир силкинади-ю, яна пастга қараб эгилиб қолади.

Қарағай ва арчаларнинг таги ҳам оппоқ қор билан қопланган. Қор учқунлари уларнинг танасига бориб ёпишди, тўнқаларга, электр симларига, томларнинг бўғоти ва эшик, дераза ромларига қўнади. Шу тарзда қор уюмлари бирлаша-бирлаша катта баҳайбат уюмга айланади.

Бизнинг четан девор тепасида катта қор телпақлар пайдо бўлди. Болалар қурган футбол дарвозаларида ҳам шундай момиқ қалпоқлар вужудга келди. Уйлар олдидаги скамейкалар ва қўлда ясалган столлар ҳам қор билан қопланди. Аранг турган бу скамейка ва столларнинг бундай баҳайбат қор уюмларини кўтариб турганига ҳайрон бўласан, киши.

Уйларнинг томларидаги қорнинг қалинлиги эса ярим метрга етди. Бўғотлардаги қор — аранг турипти, биров сал тегиб кетса «лоп» этиб, ағдарилиб тушиши мумкин. Аммо нечундир ағдарилмай турипти! Фақат, телевизор антенналари билан печкаларнинг мўриларида қор йўқ. Сал шабада турса бас, учиб кетади. Бироқ узоққа кетмайди, учган қор шу томнинг ўзига тушади. Томда қор-

га ҳеч ким теголмайди, то баҳор келгунча маза қилиб ётаверади.

Ҳалиги гапим гап: мен Серёжани юз йилдан бери би-  
ламан, десам лоф бўлмас. Туғилган кунидан бошлаб би-  
ламан. Чақалоқлигида кечалари йиглаб чиққан вақтла-  
рини биламан. Чечак, томоқ оғриғи, грипп билан касаллан-  
ган пайтларини биламан. Оғримайдиган одам борми?  
Кейин ясли ва болалар боғчасига қатнаган пайтларини  
ҳам биламан.

Ушандан бери унинг онасини ҳам биламан.

Серёжанинг онаси ўшанда ҳам ҳозиргидай кўп азият  
чекарди. Бироқ у маҳалда азият чекиши табиий эди.  
Серёжанинг онаси урушда бўлган, қирқ биринчи йилдан  
қирқ бешинчи йилгача урушда иштирок этган. Урушда ях-  
ши хизмат қилган, орден-медаллар билан тақдирланган,  
рост, бу орден-медалларини тақмайди. Ахир, урушда қат-  
нашган аёллар тўғрисида ҳар хил бемаъни гаплар ҳам  
бор-да!.. Ҳолбуки, бу аёл урушда ҳеч ёмон йўлдан юрган  
эмас. Ўз вазифасидан бошқа ҳеч бир иш қилган эмас.  
Чунки у маҳалда ҳали ёш қизча эди. Урушга кетганда ўн  
еттида эди, урушдан қайтганда йигирма бирдан ошган эди.  
Ҳозир йигирма бир ҳам анча катта ёш, десак одамларга  
ғалати туюлади. У пайтда эса йигирма бир — жуда катта  
ёш бўлиб туюлар эди. Шунинг учун ҳам таниш ва нотаниш  
эркаклар хушомад қилиб, у билан юрмоқчи бўлганида  
Серёжанинг онаси уларни рад этарди, чунки бу йигитлар  
унинг кўзига она сути оғзидан кетмаган ўспиринлар бўлиб  
туюларди.

Ҳозир эса у ўша йилларни қўмсайди, қани энди йигир-  
ма бир ёшимга, жилла қурмаса, йигирма беш яшар чоғ-  
ларимга қайтсам, деб ўйларди. Ахир у пайтлар, қанчалик  
қийин пайтлар бўлмасин, унинг ёшлик чоғлари эди-ку!  
Надоматлар бўлғайким, ёшлик чоғлар қайтиб келмайди.  
Улардан фақат эсдаликлар, дарду ҳасрат қолади, холос.  
Шунинг учун, у эҳтимол, катта севгини ҳам бошидан  
кечирмагандир.

Урушда у яхши бир дўст орттирган эди. Урушдан  
беш йил ўтгач, ёши бир жойга бориб қолган ўша одамни  
яна учратди. Ишдан қайтаётганида тасодифан автобусда  
учратиб қолди. Шу одам, гарчи Серёжанинг туғилганини  
билмаса ҳам, унга ота бўлди.

Едимда бор, Серёжа кичкиналигида мendan:

— Сен отамисан? Болаларинг борми?— деб сўрар эди.

— Ҳа, мен отаман, болаларим бор.

— Нега бўлмаса менинг болаларим йўқ?

Мен ҳазиллашиб:

— Шошма, катта бўлганингда сен ҳам ота бўласан,— деб жавоб берардим.

— Нега унда менинг отам йўқ?— деб такрор-такрор сўрарди Серёжа.

У онасидан ҳам бу гапни кўп сўраган бўлса керак. Энди, катта бўлганидан бери сўрамайди.

«Қор ёғяпти. Яна курак билан курашга тўғри келади. Онам мажбур қилади. Ундан кўра..»— дейди Серёжа ҳозир.

Дарҳақиқат, ундан кўра нима бўлгани яхши. Ёнингда яхши онанг бўлса. Сен уни яхши кўрсанг. Бунақа оналарга ҳайкал қўйса арзийди!

Ана, қор ёғяпти. Қор! Уйлаб кўр, азизим!

\* \* \*

Қор ёгаверганидан замин ҳам аллақачоноқ кўринмай қолди. Қор устида эса нималар йўқ!

Эҳтимол, қаердадир бошқа ўрмонларда ёввойи бугуни ҳам, тўнғизни ҳам, тулкини ҳам, бўри ва қоплонни ҳам, ҳатто зоопаркдан қочиб кетган йўлбарсларни ҳам кўрса бўлар, бироқ бунақа ҳайвонлар бизнинг ўрмонда бўлмайди.

Уларнинг ўрнига оппоқ қор билан қопланган уйлар олдида Тобик деган, акиллашдан чарчамайдиган ғалати кучукчани кўриш мумкин. Қўлбола уй ити билан пойнтердан бунёд бўлган бу кучукча менга ёқади деёлмайман. Аксинча, у мени, агар ёнимда Тюлик деган ўз кучукчам бўлмаса, жинидан ҳам ёмон кўради.

Тюлька мен билан бирга бўлса у ҳам акилдоқ Тобик билан бирга қорли далаларда ўмбалоқ ошиб ўйнайди. Бироқ ҳозир Тюлька ёнимда эмас. У касал бўлгани учун Москвадаги уйимда ўтирибди. Шунинг учун ҳам Тобик дарғазаб.

Тобик бизнинг уйимизга йигирма марта келиб кетгандир, ўн марталаб уйимизни айланиб чиққандир, атрофимда, акиллаб, юз марта дик-дик сакрагандир, ниҳоят, уни алдамаётганимизга, яъни, Тюлиكنинг йўқлигига ишонди шекилли, қорда жон-жаҳди билан ўмбалоқ ошиб аганади, сўнг қор уюмидан сакраб ўтиб, кураб тозаланган йўлкага чиқиб олди-да, Тюлька ўрнига менинг қўлларимни ялашга тутинди. Сўнг қўлимни қўйиб юбориб, ўзини қор устига

отди-да, дарахт шохларидан аста учиб тушаётган майин оппоқ учқунларни ялай бошлади.

Кечқурун ўз уйлари олдида қор кураётган Серёжани кўриб қолдим. Тўғрироғи, аввал Серёжани чақираётган опасининг овозини, кейин куракнинг гичирлашини эшитдим. Демак, у қизиқроқ ишларни йиғиштириб, қор курашга киришипти.

Серёжа қор билан жимгина олишмоқда. Онасига ломим демайди. Фақат куракнинг гичирлаши-ю, ҳансираб вафас олиши эшитилади, холос.

Онаси эса:

— Жуда яхши қиляпсан, жонгинам,— дейди унга.— Сен кураб бўлгунча мен овқатингни пишириб қўяман.

Онанинг овозида қандайдир гуноҳкорона оҳанг бор. Е менга шундай туюлдимикин?

Мен уйга қайтиб киранам ва Серёжа чизган расмга тикиламан. Мана ўн йилдирки, бу расм бизнинг уйимизда ойна тагида сақланади. Илгари қандай бўлса ҳозир ҳам шундай гўзал, чин санъат асари дейиш мумкин. Деворга ёпиштирилган бу миттигина расм тўғрисида биз эрхотин шундай деб ўйлаймиз. Аксар ҳолларда биз бу митти расмни уйимизга меҳмонлар келганда эслаймиз. Улар ҳам расмга қараб ҳайрон бўлишади, уни беш яшар болача чизганига ишонмайди.

Кўк қогозга оқ қайин сурати чизилган. Шохлари маънос осилиб турипти. Дарахт танасида қора нуқталар. Сариқ чизиқлар тўкилаётган япроқларни ифода этади. Дарахт тепасида эса тўртта булут — бу булут худди ҳозир ёғаётган қордай оппоқ. Ажойиб!

Ҳолбуки, бу суратларни Серёжа яратган... Бу—унинг асари. Уша пайтларда Серёжанинг онаси бетоб бўлиб касалхонага тушган эди, шанба ва дам олиш кунлари Серёжага биз қарар эдик. У ҳафталик боғчага қатнар, шанба ва якшанба кунлари биз уни уйимизга олиб кетардик.

Серёжа чизган расмни шанба куни хотиним олиб келди.

— Бунга қара, галати нарса,— деди хотиним.— Серёжани олиб кетай деб боғчага борсам, янги тарбиячи қиз мана шу расмни берди. «Бу расмни ўғлингиз чизди, олиб кетинг, боғчада қўядиган жойимиз йўқ, баъзан йўқолиб қолади-ю, кейин ота-оналар сўраб юришади. Ундан кўра олиб кета қолинг»,— деди. Мен ҳам олиб келардим.

Мана энди Серёжа чизган расмга қараб ҳайрон бўламан — ҳақиқатан ҳам зўр нарса. Бу расм болалар журналларида босиладиган расмлардан ўлса ўлиги ортиқ, ҳатто ўзимизда ва чет эллардаги виставкаларда қўйиладиган расмлардан ҳам яхшироқ!

Қайинмисан қайин! Яна бу қайиннинг кўк қоғозга чизилганини айтмайсизми? Болаларга хос ибтидоий акварель бўёқлари билан шунчалик гўзаллик яратиш — ҳазилакам гап эмас!

Тўсатдан мени маъюс ўйлар чулғаб олди. Ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Дарҳақиқат, Серёжани юз йилдан бери билар эканман, бирор марта ундан ҳалиям расм чизасанми, деб сўрамабман. Мактаби тўғрисида, ўқишлари, баҳолари ҳақида сўрабман, об-ҳаво тўғрисида, итлар тўғрисида гаплашибману асосий нарса ҳақида ҳеч сўрамабман.

Яна эшикка чиқдим. Серёжа ҳамон қор курамоқда эди. Ёнига бордим.

— Қалайсан, адаш? Ишлар зўрми?

— Зўр, Серёжа амаки,— деди Серёжа ҳансираб.— Мана, ярмидан кўпини кураб қўйдим. Нима эди?

— Ҳеч нима. Давом этавер.

Мен унга нима дейишимни билмас эдим, фақат унинг афт-ангорига, новча бўй-бастига, қизариб кетган юзига, ҳўл сочларини босиб турган қалпоғига бир қараб қўйдим. Бир қарашда эр етган одамга ўхшаб кетади-ю, бироқ бари бир ўша кўк қоғозга оқ қайин расмини чизган бола экани билиниб турибди.

— Ҳа, жуда мураккаб нарса экан ҳаёт деганлари!— деб юборибман тўсатдан.— Шунинг учун ҳам уни баттар мураккаблаштирмаслик керак. Биз бўлсак, аввал уни мураккаблаштириб, кейин тағин ўзимиз додлаб юрамиз.

Серёжа, чамаси гапимга тушунмади. Ё ўзини тушуниб тушунмаганликка олди. Мен ҳам бошқа нарсалар ҳақида ўйлай бошладим. Кўчамиздан гармошка чалганича бир гуруҳ хушнуд одамлар ўтиб боришарди. Иккита аёл рақсга тушганларича қувноқ овозда қўшиқ айтишарди:

Ҳой, дўстим, ҳой, дўстим,  
Қор ёғмоқда, қараб қўй.  
Агар ёғмаганда қор,  
Кўрмас эди дўстни ҳам.  
Бизнинг Москов ўлкамиз  
Қор билан бўлди кўркам

Қор ёғаётганда қушлар ҳам ҳар хил кўйга тушади. Хомсемиз ургочи чумчуқлар норозига ўхшайди, бошларида қалпоқчалар, кўкракларида қора доғлар бор митти чумчуқлар эса шод-хуррам кўринади.

Турфа хил читтаклар, турфа хил чумчуқлар билан ёнма-ён сакрашиб ўйнашади. Гарчи читтаклар, чумчуқларни ўта жўн қушлар деб билишса ҳам, ҳар қалай, улар билан ҳам ёнма-ён яшашга мажбур. Чумчуқнинг бир фазилати овқат қидириб топишга устаси фаранг, қараб-сизки, уларнинг бу фазилати туфайли, читтаклар ҳам бир нарсага эга бўлиб қолишади.

Эски армия офицерлари ёҳуд парадга чиққан суворовчилардай кўкраклари қип-қизил дарахтлар ёнидан нари кетмасдан салобат ва тантана билан рақс тушишади. Ҳам рақс тушишади, ҳам қорда ағанаб ўйнашади. Уйнашганда дарахтлардан қорга қўшилиб арча ёнғоқлари ва дондунлар тўкиладик, снегирлар бундан беҳад мамну. Улар қордан қўрқмайди, аксинча, қор уларни қувонтиради. Чунки узоқ ёз ва куз давомида улар бу қаҳратон қиш фаслини орзиқиб кутишган.

Мен, гарчи яқин атрофларда, Москва теварагида кўп бўлгучи қизилиштонлар борлигини билсам ҳам, бу қушларни кўрганим йўқ. Ана, жанубга учиб кетмай бу ерларда қишлаб қолган қизилтўш сайрай бошлади. Балки бу қизилтўш эмас, овсяникидир?

Ана, яна тут, тук, тук, тук, тук, тук, деган овозлар эшитилди-ю, арча шохларидан қор дув-дув тўкила бошладди. Бу — арча танасига уя қўйиб олган оқ-қора-қизғиш либосли қизилиштоннинг ишидир.

Ҳа, арча шохларидан қор тўкилмоқда. Осмондан ҳам қор тушмоқда.

Уша оқшом Серёжа иккимиз уйда узоқ гаплашиб ўтирдик. Унинг расмларини кўздан кечирдик.

Аввалига Серёжа мийиғида бир кулиб қўйди.

— Э, қачонлар бўлган иш, Серёжа амаки.

Кейин узоқ ўйга толди.

Иккимиз ҳам сукутга чўмдик.

— Хўш, ҳозир нима қиляпсан? Ҳозир ҳам расм чизсанми?

— Гоҳо-гоҳо чизаман,— деди Серёжа истар-истамас.

сўнг:— Қор ёққани яхши бўлди-я, Серёжа амаки?— деб сўради.— Жуда яхши бўлди!

— Ҳа, яхши бўлди.

— Лекин бу ҳолатни тасвирлаб бермоқчи бўлсанг, ишонишмайди-да! Ҳаётда бунақа бўлмайди, деб айтишадими-да!

— Нега?

— Чунки жуда гўзал-да! Бу гўзалликни кўра олиши керак киши. Аксинча, ҳеч ким ишонмайди. Ҳам қор, ҳам ўрмон.

Ўрмон бетиним ёғаётган бу қор тагида чуқур уйқуга кетган. Ана, энг узун декабрь кечаси тугаб, тонг отди ҳамки, арча ва қарағайлар ҳануз қимир этмайди. Гўё ўзларининг қор либосларини Янги йил байрамигача ечмоқчи эмас.

Олмаҳон ҳам шохма-шох сакрашини қўйган. Афтидан, у ҳали уйқудан тургани йўқ, ўз уясида маза қилиб ётипти. Қарғалар ҳам қағ-қағлашга киришгани йўқ. Бошқа қушлар ҳам кўринмайди. Ҳатто Тобик деган кучукча ҳам кўзга чалинмайди, чунки унга мен эмас, Тюлька керак, Тюлька эса йўқ. Буни Тобик билади. Ёки унинг дангасалиги тутдимикан? Бу узун қиш кечасидан кейин ҳеч ким эрта тургиси келмайди. Эҳтимол, гап дангасаликда эмас, об-ҳаводадир. Ахир, самолётларнинг ҳам дарағи йўқ бугун. Битта самолёт ҳам учмади.

Хулласи калом, қор ёғмоқда. Осмонни туман қоплаган. Бундай ҳавода учиб мумкин эмас, бунақа пайтда уйқу босади кишини.

Фақат қор ҳануз бетиним ёғмоқда. У кечаси биз ухлаётганда ҳам ёғаётган эди, ҳануз ёғяпти. Қор учқунлари аллақандай ўйчанлик билан, шошмасдан, мулойимлик билан ерга қўнади.

Ўрмон сукутда. Чуқур ўйга чўмган. Нима ҳақида? Эҳтимол, бетиним ёғаётган қор ҳақида ўйлаётгандир? Бу дунёда тирик жон борки, ҳаммасининг ҳам ўз ўй-фикрлари бор. Фақат баъзан ўйлашга вақт бўлмай қолади, шароит бўлмай қолади. Гоҳ, довул, гоҳ бўрон, гоҳ дўл ёғиб, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетади.

Серёжа билан икки ҳафтадан кўпроқ кўришмадик.

Мана у дарвоза олдида мени қарши олди.

— Мен бугун сизни кутяпган эдим, Серёжа амаки.

Хатто мактабга ҳам бормадим. Мактабдагиларга айтдим-ки... Уришмайсизми?

— Йўқ, нега энди.

У менинг Непалда бўлганимни биларди. Мендан Непал ҳақида, у ердаги ҳаёт тўғрисида сўради. Непалда ҳозир иссиқ эканини эшитиб, ҳайрон бўлди.

— Доим ёз бўлган жойларда мен яшай олмас эдим, — деди Серёжа. — Бизда бўлса... Ҳануз қор ёғяпти. — Тўғри, ёғяпти.

Мен ўзим ҳам бу қорнинг Ҳимолай томонларда эмас, бизнинг ўлкамизда ёгаётганидан мамнун эдим.

— Мен сиз билан бир нарса тўғрисида маслаҳатлашиб олмақчи эдим, — деди Серёжа. — Фақат сиз ажабланманг. Ахир, мен энди сизнинг уйингизда турган қайин расмини чизган пайтимдагидек кичкина бола эмасман-ку!

Тўсатдан мен Серёжага мактабга бормаи чакки қилибсан, дегим келиб қолди. Ахир, мактабга бормаи дарсларни қолдириш яхши эмас-ку! Дарс дегани жуда муҳим нарса-ку, ахир!

Лекин Серёжа менинг гапимни бўлиб:

— Айтаверайми? — деб сўради.

— Албатта, — деб рози бўлдим.

— Мен ҳеч қачон ойимнинг суратини чизган эмасман, бироқ шу ишга қўл уриб кўрмоқчиман. Фақат билмаяпман — орденлари билан чизсаммикан ё орденларсизми? Яқинда Москвадаги Номаълум солдат қабрини бориб кўрдиму, орденлари билан чизиш керак, деган фикрга келдим. Бироқ... ойим уларни тақмайдилар, суратда орденларини кўриб, ўнғайсиз аҳволга тушмасмикинлар? Ойим бева бўлса нима бўпти? Ахир, у урушда иштирок этган-ку, а, Серёжа амаки?

Қор ёғмоқда эди. Паға-паға қор ёғмоқда. Кеча ҳам, аввалги куни ҳам, ундан олдин, уйда йўқ пайтимда ҳам тинимсиз ёққан эди.

Совуқ ҳавода қор ҳиди ҳоким. Илгари мен буни ҳис этмас эдим. Мана энди қор ҳидини ҳис этапман. Булутлар ҳидини, илгари илғаб бўлмаган космос ҳидини ҳис этапман. Бунинг ҳаммаси энди яқин ва табиий бўлиб қолди.

Яна қордан соф ҳаво, қиш ва Россия ҳиди анқиб туради...

## ТЕНТАК ИТЛАР

Урушдан аввал биз пионерлар саройида немис овчаркаларини боқиб, парвариш қилардик. Кейин уларни тантанали вазиятда чегарачиларга топширардик.

Биз муқаддас иш қилаётганимизга амин эдик. Чегарачилар биз парвариш қилган итлар ёрдамида чегараларимизни, демак, революциямизни ҳам қўриқлашар эди. Чегарачилар биз парвариш қилган итлар ёрдамида чегарани бузувчилар ва шпионларни тутишар эди. Бу шпионлар ва қароқчилар бизнинг Совет ҳукуватимизга қарши эдилар. Совет ҳукувати эса, маълумки, бизнинг ҳукуватимиздир.

У маҳалда биз ҳали қирқ биринчи йили немислар бизнинг чегарамизни бузиб, бостириб киришини билмас эдик. Шу сабабдан, бизнинг немис овчаркаларимиз ҳам Еврола оралиғига тушиб қолишини билмас эдик.

Бизнинг овчаркаларимиз жанг майдонидан ярадорларни олиб чиқар эди. Бизнинг овчаркаларимиз портловчи моддалар билан ўзларини немис танкларининг тагига ташлар эди. Бизнинг овчаркаларимиз, яна таъкидлаб айтаман, немисларнинг эмас, бизнинг овчаркаларимиз, солдатлар билан бирга урушда постларда туриб, хизмат қиларди.

Эндиликда эса, гарчи урушдан кейин минг йиллар ўтган бўлса ҳам, бизнинг шаҳарчамизда кечалари итлар ҳуришади. Йўқ, бошқалар учун минг йиллар бўлса ҳам, шахсан менга уруш куни кеча бўлиб ўтгандек туюлади, лекин гап унда эмас: Гап шундаки, итлар ҳамон ҳуради, гоҳ майин овозда эринибгина, гоҳ жон-жаҳдлари билан, гоҳо эса сергаклик билан ҳурадилар.

Мен бунга кўникиб қолганман. Урушда урушга, ҳозир, тинчлик йилларида электричкалар тарақ-туруғи-ю, яқиндаги дам олиш уйининг бақироқ радиосига қандай кўникиб кетган бўлсам, итларнинг ҳуришига ҳам шундай кўникиб кетганман.

Лекин кунлардан бир кун менинг қадрдон биродарим:  
— Жаҳлинг чиқмасин,— деди.— Биламан, уларга лo-  
қайд эмассан.

— Улар деганинг ким?

— Итларни яхши кўрасан.

— Яхши кўрсам нима бўпти? Хўш?

— Менимча, фақат инсон деган номгина мағрур  
жаранглайди. Ит бўлса... нима қилгандаям, номи ит-да!

Танишим уч кун хонадонимизда турди. Уч кечаю кун-  
дуз...

— Сенинг бу аҳмоқ итларинг уч кечадан бери уйқу  
бермаяпти. Нима бало бўлган уларга? На ўзлари ухлай-  
ди, на бошқаларга уйқу беради. Жаҳлинг чиқмасин, оғай-  
ни, тўғрисини айтяпман.

— Жаҳлим чиқаётгани йўқ,— дедим.— Чунки итлар  
менинг уйқумга халақит бермайди.— Сенинг уйқунгга  
нима бўлган?— дейман унга.— Мен бемалол ухлаяпман-  
ку? Нега уларни аҳмоқ дейсан?

— Акиллашнинг нима кераги бор? Овозинг ўчгур-  
лар-ей!

— Электричкаларнинг шовқини бўлмаса-ку!

— Электричка керак парса!

— Дам олиш уйининг радиосини вангиллаши-чи?

— Дам олувчилар ўйнаб-кулиши керак-да!

— Самолётлар-чи?

— Самолётлар ҳам керак. Одамларни қўйиб тур, иг-  
лардан гапир!

— Қуённи нима қиласан?

— Қанақа қуён?

— Қуён лақабли отни айтяпман. Ахлат ташийди. У ҳам  
кишнайти.

— Кулранг отни айтяпсанми? Хўп, келишган-да! Ахир,  
у от-ку! Фойдали ҳайвон.

— Итлар ҳам, мен сенга айтсам...

Мен шаҳарчадаги ҳамма итларни биламан. Овозлария-  
даноқ, афт-ангориданоқ танийман. Биттаси ҳам бекорга  
акилламайди. Бунақалари лайча кучукчалар орасида ҳам  
йўқ. Итлар кечалари ҳуради. Қуён лақабли от ҳам кеча-  
лари пишқиради. Ахир, булбуллар ҳам кечаси сайрайди,  
электричкалар ҳам кечаси тарақа-туруқ қилиб ўтиб тура-  
ди. Эрта тонгда эса хўрозлар қичқиради-ю, яна итлар  
ҳуради. Чумчуқлар, саъвалар, мусичалар бир-бирларини  
қидириб, чуғур-чуғур қилиб говға кўтаришади. Шундай  
бўлиши ҳам керак. Итлар бўлса... аҳмоқ-да, аҳмоқ!

Мен унга Дик ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Ўз

хўжайинини, яъни «ТУ-104»да учувчилик қилувчи хўжайинини ҳафталаб кутадиган Дик ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Дик хўжайинини шундай соғиниб кутар, уни кўрган-да ҳаяжонини босолмай ирғишлар, хўжайини эса Дикка эътибор ҳам қилмас, ўғли билан хотинига қараб талпинар эди. Дик кейин ҳам ухлай олмасди. У ҳадеб ҳурар, чунки ҳар қандай шов-шувга ҳўриб туриш унинг вазифасига кирар, ахир, у овчарка билан уй итидан бўлган қўриқчи ит эди-да!

Мишка тўғрисида ҳам гапириб беришим мумкин. Мишка ҳам уй ити. Бироқ унинг уйи йўқ ҳисоб, чунки бир уйи Москвада бўлса, бир уйи посёлкада. Хўжайинлар кўп, Мишка уларни севади, бироқ улардан фойда йўқ — улар кўпроқ Москвада туришади. Мишка Москвада турадиган хўжайинларни кўпроқ севади, уларни соғиниб кутади, соғинганидан ҳургани-ҳурган. Посёлкадаги хўжайинлари эса унинг изтиробларини тушунмайди, тушунишни истамайди ҳам.

Овози бўғилиб қолган Додоннинг ҳам ўз дардлари бор. У ҳам ўз хўжайинини кутгани кутган, бироқ унинг хўжайини энди ҳеч қачон қайтмайди. Илгари қайтар эди, аксар ҳоллари кечалари кириб келар эди. Унинг хўжайини Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовар бўлганидан, бу ҳақда Фармон чиққанидан Додон беҳабар. Хўжайини дафн қилинганида унинг тобути бўм-бўш эди, чунки у космосни забт этувчилардан эди. Додон буни ҳам билмайди.

Додон бекасининг қўлларини ялайди, қизчаларнинг қўлларини ялайди, бироқ фақат хўжайинини кутади, кутавериб эзилиб кетганидан ҳургани-ҳурган.

Жек ҳам ҳуради. Йўлбарс ҳам. Йўқ, бу анов урушдан аввалги кинода чиққан Йўлбарс эмас, бошқа Йўлбарс. Қўшнининг кучуги Лада ҳам, нариги қўшнининг кучуги Антон ҳам — ҳаммаси ҳуради.

Антонга Лада керак, Ладага Антон. Шунинг учун ҳам бир-бирларини кутиб ҳуришгани-ҳуришган.

Фақат бизнинг уйимизда ит йўқ. Бўлган ҳам эмас, ҳеч қачон бўлмайди ҳам. Яқиндагина оламдан ўтган отамиз менга ўхшаб урушда иштирок этган.

Отам урушда немис овчаркаларини немис танкларини портлатиш ва немислар мина қўйган жойларни миналардан тозалашга ўргатган. Яна ярадорларни жанг майдонларидан, олиб чиқишга ва қоровуллик қилишга ўргатган. Ундан олдин, урушдан аввалги даврда, мен немис овчаркаларини ўргатиб юрган пайтларимда эса отам итларни

мақтаб, улар ҳам одамлар каби ҳамма нарсага фаҳм-фаросатлари етади, дегувчи эдилар.

Менинг эски азиз қадрдоним қаёққадир жўнаб кетди. — Намунча шошмасанг?— деб сўрадим ундан станцияга чиққанимизда.

— Хафа бўлма,— деди у.— Масала шундаки, бу бефаросат итлар кечалари сира уйқу беришмади. Мен эсам, бош огриғи дардига мубталоман, қон босимим ортиқ...

Ошнам уни безовта қилаётган дардлари ҳақида узоқ арз қилди, то электричка келгунча тўхтамай валдиради. Энг сўнгги дақиқаларда у мендан отамни қандай дафн эганим тўғрисида сўради.

— Шукр, ўтди маросим...

— Хайр, омон бўл,— деди у, вагон тамбурида туриб.— Қўнғироқ қил!

Мен станциядан кечаси, чамаси, соат ўн иккиларда қайтдим. Посёлкамизда итлар ҳурарди. Дам жон-жаҳдлари билан, дам аллақандай мулойимлик билан, дам тараддуд билан ҳуришарди итлар...

## МУНДАРИЖА

### Повесть

Ойдек равшан. Алексей Горсков ҳаётидан. <i>Ҳасан Тўрабеков таржимаси</i> . . . . .	3
--	---

### Ҳикоялар

Она. <i>Шоир Усмонхўжаев таржимаси</i> . . . . .	239
Сўнгги ўқ. <i>Шоир Усмонхўжаев таржимаси</i> . . . . .	258
Истеъфодаги капитан. <i>Шоир Усмонхўжаев таржимаси</i> . . . . .	280
Ян-Ванич. <i>Шоир Усмонхўжаев таржимаси</i> . . . . .	285
Қор ёғяпти... <i>Одил Еқубов таржимаси</i> . . . . .	294
Тентак итлар. <i>Одил Еқубов таржимаси</i> . . . . .	305

На ўзбекском языке

Сергей Алексеевич Баруздин

САМО САБОЙ

Повесть и рассказы

Перевод с издания издательства «Советский писатель», Москва, 1980

Редактор *Ҳ. Маҳмудова*

Рисом *Г. Ким*

Расмлар редактори *А. Киза*

Техн. редактор *Е. Поталова*

Корректор *М. Гафурова*

ИБ № 2012

Босмахонага берилди. 23. 03. 82. Босишга рухсат этилди  
10. 08. 82. Формати: 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қозони №2 Адабий  
гарнитурга. Юқори босма. Шартли босма л. 16.38. Нашр. л.  
13.0. Тиражи 30000. Заказ №1479. Баҳоси 1с. 30т. Гафур Гулом  
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129, Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб сав-  
доси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент полиграфия  
ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Баруздин, Сергей.

Ойдек равшан: Повесть ва ҳикоялар [О. Ғубов, Ҳ. Тўрабеков ва Ш. Усмонхўжаев тарж].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.—312 б.

Атоқли совет ёзувчиси Сергей Баруздиннинг ушбу китобига ўттинчи йиллардан тўртинчи ҳозирги кунгача бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар киритилган.

Унинг қаҳрамонлари машаққатли синовлардан ўтадилар. Аммо улар қаерда бўлишмасин — фронтнинг олдинги чизиғидами, душман вақтинча босиб олган ерлардами — бари бир, муаллиф совет кишиларининг оташин ватанпарварлигини, бояга садоқат, душманга нисбатан ахлоқий устуңлигини ёрқин бўёқлар билан чизиб беради.

Баруздин, Сергей. Само собой: Повесть и рассказы.

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЕТИ 1982 ЙИЛИ ҚУБИДАГИ КИТОВЛАРНИ  
НАШР ҚИЛАДИ:

1. Қурбонсоҳатов Қ. Тўйли Мерган. Роман.
2. Санги В. Кевонглар никоҳи. Роман.
3. Овечкин В. Серташвиш баҳор. Повестлар.
4. Алиева Ф. Булоқбоши. Повестлар.